84 Уз 7
И-89

[...]ГАЙ МУРОД

Отамдан қолган далалар

«Шарқ» нашриёт-матбаа
концернининг
Бош таҳририяти
Тошкент — 1994 йил.

ТОҒАЙ МУРОД

ОТАМДАН ҚОЛГАН ДАЛАЛАР

Роман

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
КОНЦЕРНИНИНГ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 1994 ЙИЛ

84У3-7
М 89

1995 ЎзССЖ ДК
3778

Мурод, Тоғай.
Отамдан қолган далалар: Роман.— Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти, 1994.—272 б.

«Отамдан қолган далалар» — рамзий роман.
Муаллиф ўз романида бутун умр далада кетмон чопиб, серқуёш юртида елкаси офтоб кўрмаган, қут-баракот юртида косаси оқармаган мунис ўзбек халқи сиймосини Деҳқонқул тимсолида бадиий талқин этади.

Ўз 2

© «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти. 1994.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоси — Озод Ўзбекистон учун битдим.

МУАЛЛИФ.

БИРИНЧИ БОБ

1

Мен фарғоначи Жамолиддин кетмон набираси бўламан.

2

Бобомиз ҳовлиси Фарғонада бўлади.

Даласи Фарғона адоғида бўлади.

Бобомиз даласи олдидан бир ариқ сув оқади.

Сув гавҳар зилол-гавҳар зилол сув бўлади.

Сув эгилмиш толлар мажнун-мажнун солланади.

Ариқ ўнгида шаҳардан келажак йўл бўлади.

Йўл ариқ ёқалаб ўтади. Йўл мажнунтол соялаб ўтади.

Бобомиз ана шу йўлдан саҳар-саҳар далалайди.

Толга хуржун илади. Таҳорат олади. Қиблалатиб белбоғ ёяди.

Чўлпон юлдуз пойида қулоқ қоқади. Чўлпон юлдуз пойида сажда этади.

3

Бобомизда нима бўлади — кетмон бўлади.

Кетмон эмас — бир балон бад бўлади!

— Жамолиддинни кетмони даласидай келади! — дейди эл.

Эл қаерда қандай улкан нима кўрса бўлди — бобомиз кетмонига нисбат беради.

— Ол-а, Жамолиддинни кетмонидай келади-я! — дейди эл.

4

Бобомиз урмиш кетмонни ўзидан ўзга ердан тортиб ололмайди.

Бобомиз калима қайтариб-қайтариб кетмон чопади. Худони ёдлаб-ёдлаб кетмон чопади. Худога шукрона айтиб-айтиб кетмон чопади.

Йўлдан ўткич-кеткичлар бобомизга ҳорманг этади.

Бобомиз йўлга қиё-да боқмайди. Даладан бош кўтармайин бор бўлинг, этади.

Шу боис, йўлдан ким ўтади-ким кетади — билмайди. Билгиси-да келмайди. Ким бўлса-да — бир мўмин, мусулмон-да, дейди.

5

Саратон жингиртоб-жингиртоб куйдирмиш бир маҳал йўлдан ажабтовур овозлар эшитилади.

Ажабтовур овозлар ўз йўлида кета беради. Бир оғиз ҳорманг этмайди.

Шунда, бобомиз кетмонини ер ботиради. Энгашмиш кўйи тиззаларига кафт тирайди. Ер остидан йўлга кўз ташлайди.

Бобомиз кўзимга тер томди-ёв, дея ўйлайди. Қўли юзи билан кўзларини артади.

Бобомиз бошқатдан қарайди.

Во дариғо, шу кўринмиш ажина бўлдими? Ҳа, йўғ-а! Умри шу далада ўтди — бир нима-да кўрмади.

Ё, шу кўринмиш туш бўлдими? Ҳ-а, йўғ-а! Ўликтирик сергак вақт-а!

Мусичалар узиб-узиб ку-кулайди.

Кун ёнади.

Саратон сап-сариқ товланади.

Ўткинчи балолар саратондай сап-сариқ бўлади.

Саратон балолардан сариқ бўлади, балолар саратондан-да сариқ бўлади.

Бобомиз қад ростлаб қарайди. Йўлга бетма-бет бўлиб қарайди. Унг кафтини қоши узра соябон қилиб қарайди.

Бобомиз пичир-пичир калима қайтаради. Кетмонини елка ола-ола қадамлайди.

Ариқ лабида ювиниб-чайинади. Хуржунидан тушлигини олади. Ариқ бўйида ёяди.

Бобомиз чордона қуриб ўтиради. Ариққа нон ботириб-нон ботириб тушлик қилади. Ариқдан қўшҳовучлаб-қўшҳовучлаб сув олиб тушлик қилади.

6

6

Кун қиемдан-қиём бўлади.

Йўлдан Салоҳиддин бўйрачи ўтади.

Бобомиз бўйрачини гапга солади.

— Сиздан олдин ашиёққа бир бало ўтди,— дейди бобомиз.

Салоҳиддин бўйрачи ариқ ўнгида оёқ илади.

— Ажина бўлиб ажина бўлмади, одам бўлиб одам бўлмади,— дейди бобомиз.

Бўйрачи ариқ бўйида соялайди. Бобомиз билан муқобил бўлади.

— Кўрдим, Кетмон, кўрдим,— дейди бўйрачи.— Ўзимни йўлдан четга олиб турдим.

— Нега-нега?

— Ғайридинлар билан йўлим бир бўлмасин, дедим-да.

— Бизнинг кўчамизда ғайридинлар... еб юрибдими?

— Э-э, Кетмон, Кетмон. Сенга кетмон бўлса бўлди. Сен ҳам одамдай бўлиб, кетмондан бош кўтарсанг экан, дунёдан хабардор бўлсанг.

— Мана, кетмондан бошимни олиб ўтирибман?

— Қорнинг очгандир-да. Бўлмаса, кетмондан бош кўтарармидинг.

Салоҳиддин бўйрачи шундай дея, йўл бош-адоғига қараб олади. Бобомиз, олдига лик этиб сапчиб ўтади. Бобомиз қабатига чўкади. Бобомиз билан елкама-елка бўлади.

— Фарғонага Оқпошшо келди,— дея пичирлайди.

— Муллалар Оқпошшо бизни ололмайди, деятиб эди-ю?

— Олибди-да.

— Қўқондан Олимқули лашкарбоши Чимканга лашкар тортиб кетибди, деятиб эди-ю?

— Олибди, олибди. Ололмас экан-у, Бухоро амири Музаффархон ўтириб қўйибди. Олимқули лашкарбоши Чимканда Оқпошшо елкасини ерга теккизибди. Оқпошшолиларни битта қўймай қиличдан ўтказмоқчи бўлиб турса, Музаффархон бизнинг Қўқонга дафъа қилибди.

— Бўламан дегич эл, бир-бирини ботирим дейди, бўлмайман дегич эл, бир-бирини этини ейди.

— Олимқули лашкарбоши ғазот майдонини ташлаб, ўзимизнинг Қўқонни ўзимизнинг Бухоро амири-

дан мудофаалаш учун қайтиб келибди. Оқпошшо бундан фойдаланибди. Чалажон оқ лашкарлар тағин дафъа қилибди. Олдин Чимканни олибди, кейин Тошканни олибди.

— Ҳа, тавқи лаънатлар! Тошканниям олибдими-а?

— Олибди, Тошканниям олибди. Саидазимбой дегич савдогар бой Оқпошшога Тошканни сотибди. Тошканда Қайковус дегич улкан бир ариқ бор экан. Тошкан ёлғиз ана шу Қайковусдан сувлар экан. Саидазимбой Оқпошшога ана шу Қайковусни чиппа бўғиб, Чирчиққа буриб юборишни маслаҳат берибди. Оқпошшо Саидазимбой гапи билан Қайковусни чаппа қайириб, Чирчиққа оқизибди. Ана шундан Тошкан қирқ икки кеча-кундуз сувсиз қолибди. Халқ ҳолдан тойиб, Тошканни мудофаа қилолмай қолибди. Оқпошшо саҳарлайин Тошканни босибди.

— Ила-билан, Қўқонгача келибдими-а?

— Тошкан билан Қўқон ораси икки қош оралиғидай келади. Етиб келади-да. Ўзимизнинг Қўқон хони ҳе йўқ, бе йўқ, шаҳар дарвозасини очиб берибди. Марҳамати учун Оқпошшодан «Аслзода» фахрия унвони олибди, нишон олибди...

Бобомиз чапараста-чапараста сўкади:

— Ҳе, эна...!

7

Худо бермиш кун бўлади — йўлда Оқподшо бўлади.

Бобомиз Оқподшога кет буриб кетмон чопади. Бобомиз Оқподшога терс бўлиб кетмон чопади.

Бобомиз Оқподшо бетини кўрмайин-да, куймайин-да, дейди.

Оқподшо арава миниб ўтади. Оқподшо соз чалиб ўтади. Оқподшо ашула айтиб ўтади. Оқподшо ҳуштак чалиб ўтади.

Бобомиз шунда-да Оқподшо бетига қайрилиб қарамайди. Энкаймиш кўйи бутлари орасидан мўралайди.

Оқподшо оёқлари осмонда бўлиб кўринади, бошлари ерда бўлиб кўринади.

Оқподшо олабўжи бўлиб кўринади!

Бобомиз тушликда-да Оқподшога кет буриб ўтиради.

Даласига юз солиб-юз солиб тушлик қилади.

Оқподшолик арава ариқ ёқасида оёқ илади.

Аравадан тап-тап Оқподшо тушади.

Бобомиз Оқподшо тарафга кўз қирида қарайди. Шунда ажаб синоат кўради.

Бир жуфт оқбадан-оқбадан олабўжи дала оралаб боради. Олдин-кетин боради. Ғоз-ғоз боради.

Оқбадан олабўжилар боради-боради — дала кипдигида оёқ илади. Ғоз туради-туради — узала тушиб ётиб олади.

Бобомиз кўзларини юмиб-очиб қарайди. Бобомиз кўзларини пирпиратиб қарайди.

— Ё, тавба-а! — дейди.

Бобомиз оҳиста-оҳиста тўркалади. Кетмонини елка олади. Сўқмоқ бўйлаб боради.

Бобомиз бир капа жойни кафтдай поллаб эди. Тупроғини кафтларида эзиб-эзиб майдалаб эди. Кепакдай-кепакдай мулойимлаб эди. Кепак тупроққа дон сепиб-сепиб ташлаб эди. Чумчуқ териб кетмасин дея, кепак тупроқ узра ун мисол тупроқ сепиб-сепиб қўйиб эди.

Ана шу кепак тупроқда, ана шу ун тупроқда — бир жуфт Оқподшо ялпайиб-ялпайиб ётади!

Оқподшо қип-яланғоч ётади! Оқподшо онадан энди туғилмишдай ётади!

Эркакзот Оқподшода ақалли бир энлик луиги бўлмайди.

Аёлзот Оқподшо маммалари осма қовундай-осма қовундай осилиб ётади.

Бобомиз билаклари билан бетларини бекитади.

— Ийя-ийя! — деб чаппа бурилади.

Оқподшолар ана шунда калла кўтариб қарайди. Ёнбош ётиб қарайди. Кўз қисиб қарайди. Эркакзот Оқподшо кафтида тупроқ ўйнайди.

— Тупроғингни биз учун мулойимлаб қўйибсан, миннатдорчилик билдирамиз, — дейди.

— Юриб-юриб, охири сенинг тупроғингни танладик. Бахтинг бор экан, — дейди аёлзот Оқподшо.

— Ўзням бизбоп тупроқ бўлибди-да.

— Ана энди, қуёшда мазза қилиб тобланиб ётамиз.

— Нима учун юзингни яширасан? Сен ҳам қуёшда тоблан.

Бобомиз шу зайли лўкиллаб-лўкиллаб қайта беради.

Бобомиз ариқ лабида музтар бўлиб-музтар бўлиб ўтиради. Бетларини чангаллаб-чангаллаб ўтиради.

Бобомиз нима кўрди, қачон кўрди — ақли-да бовар этмайди.

Оқподшолар жойидан жилади. Далани қоқ оралаб келади. Ўзларини сувга ташлайди.

Оқподшолар сув шалоплатиб-сув шалоплатиб чўмилади.

Оқподшолар бобомизга тақлидан билаклари билан бетларини бекитади.

Ийя-ийя! — дея, бобомизни майна этиб-этиб сув ғарқоб бўлади.— Ийя-ийя! — дея хохолашиб-хохолашиб сув ғарқоб бўлади.

Оқподшолар қийқириб-қийқириб чўмилади.

Толларда тушламиш чумчуқлар гурр-гурр учади.

Гавҳар сув бўтана бўлади.

8

Шу-шу бўлади — бобомиз даласи юзини қайтиб кўрмас бўлади.

— Тоққа кетаман,— дейди бобомиз.— Тоғдан ер оламан.

— Тоғ олис-да,— дея минғиллайди момомиз.

— Олис бўлса бўлар. Ана, тоғдан ер олиб ишлаяптилар. Ўлиб қолмаяптилар.

— Энди дейман-да, олисни шўрвасидан яқинни ёвғони, дейман-да.

— Даламда мусулмон оёқ босар ер қолмади. Даламда деҳқон оёқ босар ер қолмади. Бўлди, энди қайтиб оёқ босмайман.

— Далада нима айб.

— Кофир юмалаб ётар далада файз қоладими?

Момомиз қувватламиш бўлиб бош ирғайди.

— Танасида мана мунча либоси бўлса, ўлсин агар! — дейди бобомиз.— Бир жойлари даламда мана бундай диркиллаб турибди!

Момомиз оғзини ушлаб-ушлаб кулади.

— Бир ётса, ётибди-да.

— Бўлди, энди у даладан барака кўтарилди.

— Босиб-босиб сувланг. Сув нималарни ювмайди.

— Сув? Сув қолдими! Оқ тўнғиздай ариқ ағнай бериб, сувни-да ҳаромлади! Ит-да ариқ лабидан ялаб-ялаб сув ичади! Оқподшо бўлса, оқ тўнғиздай ариқ ағнади!

Момомиз гап билан андармон бўлиб билмайди.

Кўйлак этаклари йиғилади-йиғилади — тиззалаб боради. Тағин йиғилади-йиғилади — тиззадан сонлаб-сонлаб боради.

Момомиз лозим улоғлари намойиш бўлади

Бобомиз бўш пиёлани зарда билан тўнтариб ташлайди. Лик этиб жойидан туради.

— Этагингизни ёпсангиз бўлмайдими? — дея ўшқиради.— Нима, Оқпошшомидингиз?

9

Бобомиз тоғлаб боролмай қолади.

Ҳуфтон вақти-ҳуфтон вақти гузардан аччиқ-аччиқ бақириқ-чақириқ келади.

Бобомиз нима гап, дея чопқиллаб-чопқиллаб боради.

Гузар олатўполон бўлади. Гузар олатасир бўлади.

— Ғазот, ғазот!

— Муҳораба, муҳораба!

Бобомиз ўз дардини ўзи туяди. Бобомиз ўз куйигини ўзи туяди.

Гап йўқ, сўз йўқ — қинидан пичоғини олади.

Биров пичоқ олади. Биров таёқ олади. Биров тош олади.

Эл оққалтак-қоракалтак бўлади.

Эл мулла Намозни оппоқ кигиз солади. Кигиз тўрт бурчидан олади.

Эл кигиз кўтариб-кўтариб такбир айтади. Эл кигиз кўтариб-кўтариб зикри самоъ айтади.

Эл ушбу кигиздайин оппоқ от етаклаб келади

Эл мулла Намозни ана шу оппоқ кигиздан ана шу оппоқ отга миндиради.

— Пирим, йўл бошласинлар! — дейди.

Мулла Намоз оқ отда кафт очади.

Эл ёппа барака омин қилади.

Мулла Намоз оқ отда йўл олади.

Эл кўтарилади. Эл оқ отлиқ кетидан йўл олади.

Йўлда ушоқдай Ибодин соқов қатиқ сотади. Элга кадида қатиқ тутади. «Ап-ап-ап», дейди.

«Қатиқдан ичиб кетинглар, қатиқдан», демоқчи бўлади.

Алвир-шалвир Ибодин соқов Ҳаётхон дегич момонинг ёлғиз ўғли бўлади. Туғма соқов Ибодин илжайиб-илжайиб юради. Бақрайиб-бақрайиб юради.

Ёлғиз ўғил Ибодин, соқов ўғил Ибодин, қатиқ сотиб она боқади.

Эл Ибодин соқовни айланиб ўтади. Эл Ибодин соқовин йўлдан қоч, дея туртиб ўтади.

Ибодин соқов кети билан ўтириб қолади.

Бобомиз ушоқдай Ибодин соқовни даст кўтариб, чет олади. Унгири билан бет-бошини артади. Қатиғини бир кўтаришда ичади. Қўлига чақа беради. Елкасига қоқа-қоқа уйига жўнатади.

Эл Оқподшо қароргоҳилаб келгуничайин олақароқ тун бўлади.

Эл ўқлоғдай-ўқлоғдай чўян панжаралар билан ўралмиш қароргоҳни ўраб олади.

Оқ отлиқ қароргоҳ эшигидан от қўяди.

Оққалтак-қоракалтак эл-да ўзларини эшик уради.

Эшикоғалар данг қотиб қолади. Отишларини-да билмайди, отмасларини-да билмайди.

Эшикдан бошлаб қон тўкилади.

Эл иккита эшикоғани-да пичоқлаб ўлдиради.

Эл ичкарида оёқ узатиб ётмиш Оқподшоларни жойида босади.

Эл Оқподшони бўғиб-бўғиб ўлдиради. Эл Оқподшони бўғизлаб-бўғизлаб ўлдиради. Эл Оқподшони пичоқлаб-пичоқлаб ўлдиради.

Қароргоҳда тирик жон қолмайди.

Ана энди қароргоҳга ўт қўйиб юборажак бўладилар.

— Минбаъд, мусулмонлар, минбаъд! — дея амр беради оқ отлиқ.— Бу иморатни Оқпошшо Петербургдан олиб келмади! Бу иморат ўзимизнинг иморатдир! Онқадарким, Оқпошшо келиб жойлашиб олди! Шундай экан, минбаъд иморатга зиён бермангиз.

Эл тутантириқни оёқ остига ташлайди. Тепкилаб-тепкилаб ўчиради.

— Мусулмонлар — зафарона дайди оқ отлиқ.— Мана, Оқпошшони ер билан яксон этдик! Эл-юртимизни Оқпошшодан озод этдик! Алҳол, энди ўз юртларингизга ўзларингиз бек бўлиб кун кечиргайсизлар!

Эл шод-хуррамлигини шойи этиш учун карнай-сурнай йўқлайди.

Зим-зиё тунда карнай-сурнай қани?

Шунда эл ҳовучлари билан карнай чалади. Ҳовучлари билан сурнай чалади. Ҳовучлари билан сибизға чалади.

Ғафлатда ётмишлар уйларидан ташқарилайди. Аланг-жаланг бўлади.

— Нима бўлди?— дейди.
Эл зафарларини шойи этади:
— Ўз юртимизни қайтиб олдик!
— Оқпошшони пичоқдан ўтказдик!
Эл ана шундай кайфиятда тарқалади.

10

Оқпошшо келади — ана энди келади!
Фарғонани Оқподшо босади.
Оқподшо шаҳар оралайди.
Шаҳарда тирик жон бўлади — гузар ҳайдайди.
Оқподшо бобомиз уйини-да босади. Момомиз билагидан олиб отади.
Момомиз жалп этиб ташқари тушади.
Момомиз уввос-уввос йиғлайди. Момомиз ер таяниб турайин, дейди — туролмайди.
Оқподшо момомиз сочидан бурайди. Оқподшо момомиз сочидан судрайди.
Момо ер қучиб-қучиб йиғлайди. Момомиз ер тирнаб-тирнаб йиғлайди.
Момомиз қонқора қақшайди.
— Ўлдим, ўлдим-а!..— дея вовайло этади.
Момомиз нимкала соз-нимкала соз оёқ олади.
Момомиз мункиб-мункиб одимлайди. Момомиз алпон-талпон одимлайди.
Кетидан ушоқ ўғлонлари нияради.
Олдиларидан Ибодин соқов келиб қолади. Қўлтиғида бир кади қатиқ бўлади.
Ибодин соқов элга илжайиб-илжайиб ўтади. Ибодин соқов Оқподшога бақрайиб-бақрайиб ўтади.
Оқподшо биров-бировига қараб олади. Ажабона-ажабона елка қисади.
— Эй, чучела, йўл бўлсин?— дейди.
Ибодин соқов илжайиб-илжайиб ўта беради.
— Эй, чучела, сенга айтаяпман?!
Ибодин соқов Оқподшога қайрилиб-да қарамайди. Бақрайиб-бақрайиб ўта беради.
Оқподшо отини йўрттириб боради. Ибодин соқов олдини олади.
Ибодин соқов от тумшуғига илжайиб қарайди. Отлиқ подшога илжайиб қарайди. Отлиқни айланиб ўтарман бўлади.
Шунда, бошқа бир отлиқ тўғаноқ бўлади.
Ибодин соқов бир ўнг отлиққа илжаяди, бир чап

отлиққа илжаяди. Бўш қўлини гузар тараф «ииш» этади. «У-у-у», дейди:

«Ҳай, анави гузарга кетаяпман».

Сўғин, қўлтиғидаги қатиққа ишора беради:

«Қатиқ олиб кетаяпман».

Оқподшо қатиққа эгилиб қарайди.

— Қатиғини олиб ичамизми? — дейди.

— Қуй-е, буларни қатиғини ичиб бўладими!

— Ким билади, энасини соғиб қатиқ қиладими!

Оқподшо қамчи сопини Ибодин соқов пешонасига нуқилайди.

— Олдимга туш! — дея зуғумлайди.

Ибодин соқов элга бир қараб олади. Бошини сарак-сарак этади. «Па-па-па», дейди:

«Эл олдидан ўтдим, бировиям қатиқ сўрамади».

Ибодин соқов илжайиб-илжайиб тура беради. «Ав-ав-ав», дейди:

«Энди гузарга бораман. Гузарда қатиқ кетади».

Оқподшо кадига эгилиб қарайди. Қатиққа тупуради. Балғамлаб-балғамлаб тупуради:

— Туф, аҳ, туф!

Оқподшо этик учи билан Ибодин соқов иягига туртади.

— Бўлдими, чучела? — дейди.— Қани, энди юр!

Ибодин соқов бир қатиққа қарайди, бир Оқподшога қарайди. Лабларини буради-буради...ҳўнграб йиғлаб юборади. Қатиғини кўрсатиб-кўрсатиб йиғлайди: «Эа-эа-эа», дейди:

«Энди, аямга нима дейман?»

Ибодин соқов йиғлайди-йиғлайди... қатиғини Оқподшога сепиб юборади. Забт билан уйи тараф қочади.

— Тўхта, чучела!

— Тўхта дейман!

Ибодин соқов пир-пир чопиб қуя беради.

Шунда, Оқподшо милтиқ пешлайди. Ибодин соқов чуйдасини кўзлайди.

Ўқ дол нишонлайди.

Жулдур-жулдур Ибодин соқов чалпак бўлиб учади.

Оқподшо от йўрттириб боради.

Иркит-иркит Ибодин соқов юзлари илжая-илжая сўлади.

Иркит-иркит Ибодин соқов кўзлари бақрая-бақрая сўнади...

«Энди... аямга нима дейман?»

11

Ермозорда муҳташам бир масжид-мадраса бўлади.

Оқподшо мўмин-мазлумни ана шу Ермозор масжид-мадраса қошида тўдалайди.

Мўмин-мазлум мунғайиб-мунғайиб туради. Мўмин мазлум жовдираб-жовдираб туради.

Мўмин-мазлум бир-бирови кўксига йиғлайди. Мўмин-мазлум бир-бирови елкасига йиғлайди.

Мўмин-мазлум узун кун ана шундай туради.

12

Генерал Скобелев кунботарда ташриф этади.

Шақоватпаноҳ тўралар билан фалокатмаоб ҳокимлар ҳамроҳлигида келади.

Генерал Скобелев мўмин-мазлум узра қаҳр билан кариллайди:

— Сарт-собакалар — дейди.— Ораларингдан бир нобакор сарт олампаноҳ олий ҳазратларига қўл кўтарди! Иғтишо ҳам исён қилди! Урусия салтанатининг ўнта муаззам аскарини шаҳид этиб, ғозий бўлди! Ул нобакор — мулла Намоздир! Мулла Намоз осий бўлди! Мулла Намоз боғий бўлди! Биз ул осий ҳам боғийни бугун тополмадик, эрта-индин албатта топамиз! Сиз ул нобакорни топишда олампаноҳ олий ҳазратларига мадад берингиз! Қўрқмангиз, олампаноҳ ул осий ҳам боғий банда қонидан кечади!

Мўмин-мазлум сукутда қолади. Мўмин-мазлум нафас ютади.

Генерал Скобелев карр-карр этади:

— Осийлик ҳам боғийлик кимдан кўзғолди — биламиз! Аммо бу нонкўрлик қаерда кўзғолди? Жавоб берингиз! Полковник Чайковский!

— Лаббай-лаббай?

Генерал Скобелев кетида мулла мушук бўлиб турмиш Чайковский лип этиб олға ўтади.

— Лаббай, тақсир, лаббай? — дейди.

— Айтингиз, бу осийлик ҳам боғийлик қаерда кўзғолди?

Чайковский боши билан муҳташам биноға имо беради.

— Манави чолдеворхонада кўзғолди, жанобиолийлари,— дейди.

— Бу қандай чолдеворхона бўлди?

— Бу масжид бўлди, жанобн олийлари!

— Осийлик ила масжид орасида не муштараклик бўлди?

— Мулла Намоз ана шу масжид имом хатиби, жаноби олийлари.

— Осий банда мулла Намозни оқ кигизга ўтиргизувчи муридлари ана шу масжидда тоат-ибодатланади, дейсиз-да?

— Топдингиз, жаноби олийлари, топдингиз.

— Масала равшан бўлди!

Генерал Скобелев узанги йўлдошлари билан машваратлашади.

13

Оқподшо мўмин-мазлумни йўл ўнгига ҳайдаб ўтади.

Оқподшо қўқони аравасимон учта тўп судраб келади.

Генерал Скобелев мўмин-мазлум билан тўплар оралиғида туради. От гижинглатиб-от гижинглатиб туради.

— Сарт-собакалар! — дейди.— Урусия подшо ҳазратлари ўз истибдод салтанати қуввай қудратини кўз-кўз этмоқ учун тўп отади! Тўп отиш билан ҳамоҳанг намоз ўқилади! Амр этувчи ўзим бўламан!

Генерал Скобелев тўпчиларга амр беради:

— Тўплар шайлансин!

Тўплар шарақ-шуруқ бўлади.

Генерал Скобелев мўмин-мазлумга амр этади:

— Ётилсин! Юзлар ерга қўйилсин! Қулоқлар ёпилсин! Намоз ўқилсин!

Мўмин-мазлум масжидга руку этади. Мўмин-мазлум ер чўккалайди. Мўмин-мазлум пешонасини ер қўяди — мисоли намоз ўқимиш бўлади.

— Ноғоралар чалинсин!

Ноғорачилар бодратиб-бодратиб ноғора чалади.

— Отилсин!

Учта тўп бирваракай отади. Гумбур-гумбур отади. Масжид қуюқ-қуюқ тутунда қолади.

— Турилсин!

Мўмин-мазлум ердан бош олади. Мўмин-мазлум қўл қовуштириб-қўл қовуштириб туради.

— Отишга шайлансин!

Тўплар жангир-жунгур ўқланади.

— Ётилсин!

Мўмин-мазлум тағин пешонасини ер қўяди. Мўмин-мазлум тағин қулоқ-чаккасини ушлайди.

— Отилсин!

Масжид қоп-қора тўпон бўлади.

Ноғорачилар бодратиб-бодратиб ноғора чалади.

Шунда, бир нуроний чол мазлумни ёриб-ёриб олдинлайди. Нуроний чол йўлида ғов бўлмиш милтиқтиғларни қайириб-қайириб олдинлайди.

Нуроний чол генерални кўзлаб келади. Нуроний чол генерал этигига кафт қўяди.

Генерал Скобелев этиги билан нуроний чол иякСоқолидан итариб ташлайди.

— Йўқол, сарт-собака, этигимни ҳаром этасан!— дейди генерал Скобелев.— Мен, сен сарт-собакаларни этигим пошнасига олмайман!

Нуроний чол далбанглаб-далбанглаб боради-боради — кети билан ўтириб қолади.

— Капитан Кайшовский! — йўқлайди генерал.— Кайшовский дейман! Манави қари сарт-собака ким бўлди?

Кайшовский ҳадаҳалаб-ҳадаҳалаб боради. Генерал Скобелев узангиси олдида мулла мушук бўлади.

— Умархон эшон, жанобн олийлари, Умархон эшон! — дейди.

— Эшон тугул,— дейди генерал Скобелев.— Муҳамад Пайғамбар бўлсаям, этигим пошнасига олмайман!

— Ажаб қиласиз, жанобн олийлари, хўп ажаб қиласиз!

— Сўрангиз, қари сарт-собака нима мақсадда этигимга осилади?

Кайшовский Умархон эшонни генерал Скобелев узангиси қошида бетма-бет этади.

— Ҳа-а, эшон? — дея зуғумлайди генерал.— Нима дейсан?

Умархон эшон қалт-қалт этади. Умархон эшон дудуқлана-дудуқлана айтади:

— Тақсир...— дейди,— тақсир, мен бир кам саксонда бўлдим...

— Ақл ёшда эмас, ақл бошда, эшон! — дейди генерал Скобелев.— Мен ўттиз ёшимда Хивани тиз чўктирдим! Мана, ўттиз икки ёшимда Қўқонни тариқдай тирқиратдим! Саксонни уриб қўйиб, сен нимани қотирдинг?

— Офарин, тақсир, офарин, ўттизида эр атанган,

1995 37778

қирқида шер атанар, дейдилар. Тақсир, мен бир кам саксонда...

— Масала равшан бўлди: саксон ёшимни ҳурмат эт, демоқчисан-да? Эшон, туземецлар ўзидан бир ёш катта бўлсаям ҳурматини бажо этади. Бобо, дейди, момо, дейди. Опа, дейди, ака, дейди. Туземецлар ўзидан бир ёш катта бўлсаям сиз-сизлаб мурожаат этади. Туземецлар ўзидан ёши катталарга қўлини кўксига қўйиб салом беради, йўл беради, жой беради. Эшон, биз Улуғ Урусиямиз! Улуғ Урусия ёш билан қарини билмайди! У ўз оти ўзи билан — Улуғ Урусия! Бўлди, энди туземецча урф-одатларингни йўқ этамиз! Энди Улуғ Урусия урф-одатларини қабул этасан!

— Тақсир, мен ёшимни пешламоқчи эмас эдим. Мен... саксон ёшли бир мўйсафид, калом учун ижозат тиламоқчи эдим.

— Ижозат, айтингиз!

— Тақсир... Сиз тўпга тутажак даргоҳ масжид...

— Масжид бўлса нима бўпти?

— Масжид Худои таоло даргоҳидур, тақсир. Худои таоло даргоҳидур.

— Ол-а, эшон, ол-а! Ислом дини Туркистонга VIII асрда келди, VIII асрда! Ислом Туркистонда ўн асрдан зиёд ҳукмронлик қилди, ўн асрдан зиёд! Бўлди, етар энди! Энди Улуғ Урусия ҳукмронлик қилади, Улуғ Урусия! Улуғ Урусия Молия вазири Вишнеградский жаноблари нуқтадонлик ила башорат этганларидай, Туркистон — Урусия тожидаги олий қиммат дур бўлади! XIX аср — Улуғ Урусия асри бўлади!

— Қадамларига ҳасанот, тақсир, қадамларига ҳасанот. Аммо-лекин масжидимизни тўпон этсалар, мўмин-мусулмонлар қаерда фасоҳат ҳам балоғат сабоғин оладурлар, тақсир?

— Урис-тузем мактабларида сабоқ оласан! Петербургдан миссионер Остроумов жаноблари келмоқдалар! Миссионер Остроумов! Остроумов демак — нима демак, биласанми? Остроумов жаноблари ўз отлари ўзлари билан ўткир ақл соҳиби! Уткир ақл соҳиби Остроумов ўрис-тузем мактаблари дастуриламалини тузмоқдалар! Жаноб Остроумов ҳализамон ўз дастуриламали билан келиб қоладилар! Туркистонда ўрис-тузем мактаблари очадилар! Сен энди ўрис-тузем мактабларида Улуғ Урис имлосини ўқий-

сан! Сарт-собакача итдум имлонгини ёндириб ташлаймиз! Туркий тилларини йўқ этиб ташлаймиз!

— Бажонидил, тақсир, бажонидил, Оқпошшо ҳазратлари рушду ҳидоят этсалар, ўқурмиз. Аммо-лекин мўмин-мусулмонлар масжидида нафақат сабоқ оладурлар...

— Биламан, эшон, биламан! — чўрт бўлади генерал.— Энди... черковда тоат-ибодат этасан! Масжидларни йўқ этамиз — черковлар қурамиз! Ана, Тўхтамишхон нўғайлари! Нўғайлар Улуғ Ўрис черковларида чўқинмоқда! Бўлмаса, кимсан Тўхтамишхон авлодлари! Энди — сени чўқинтирамиз!

— Бажонидил, тақсир, бажонидил, Оқпошшо ҳазратлари азму ихтиёр айлаганларидай бўла қолсин. Аммо-лекин аҳли халқ кўзида Худои таоло даргоҳини тўпга тутсалар, халқ қарғайдур, тақсир, халқ қарғайдур.

— Халқ?!

— Шундай, тақсир, шундай. Халқ қўлласа — бор бўладур, халқ қарғаса — хор бўладур.

— Қанақа халқ?!

— Ул мўлт-мўлт қора кўзлар оти — халқдур, тақсир. Халқ бор — ҳақ бор.

Генерал Скобелев димоқ-димоғида кулади.

— Ол-а, эшон, ол-а! — дейди.— Булар пода, эшон, пода! Булар олдин подадан одамга айланмоғи лозим бўлади! Одамдан оломонга айланмоғи лозим бўлади! Оломондан эса, халққа айланмоғи лозим бўлади! Демак, булар халқ бўлиш учун иккита-учта босқични босиб ўтмоқлари даркор бўлади! Биласанми, эшон, Улуғ Ўрусия нима учун ёввойидан-ёввойи Осиёга ташриф буюрди? Манави сарт-собакаларни одамга айлантириш учун ташриф буюрди! Улуғ Ўрусия олдида сарт-собакадан инсон яратишдай башарий ҳам савоб иш турибди! Улуғ Ўрусия салтанати — халоскор салтанат!

Генерал Скобелев кариллайди-кариллайди — тиззаси билан отини ниқтайди. Умархон эшондан беш-олти одим олислаб оёқ илади.

— Отишга шайлансин! — дейди.— Ётилсин! Намоз ўқилсин!

Ноғорачилар бодратиб-бодратиб ноғора чалади.

— Отилсин!

Худодаргоҳ кунпаякун бўлади.

14

Бобомиз тоғда дала танлайди-танлайди — биноийидай дала тополмайди.

Бари ер кетмон кўрмаган ер бўлади.

Шунда, Қурбон қорақирғиз ўз даласини беради.

— Ана, ол, ўзбак,— дейди Қурбон.— Қорақирғизда дала бўлмайди. Дала ўзбакда бўлади. Қорақирғизда мол бўлади. Қорақирғиз қир-адирда мол боқади. Ўзбак дашт-далада экин экади.

Бобомиз Қурбон қорақирғизни қуруқ қўймайин дея, қўйин ковлайди.

Қурбон қорақирғиз бобомиз билагидан ушлайди.

— Тек ўтир, ўзбак, тек ўтир,— дейди.— Ўзбак қўйнида бўлди нима, қорақирғиз қўйнида бўлди нима.

15

Бобомиз узун кун кетмон чопади.

«Бўлди, энди Оқподшо йўқ бўлди».

Бобомиз ана шундай ишонч билан кетмон чопади.

Бобомиз олам бехабар бўлади.

16

Оқподшо қадамба-қадам кўради. Адирма-адир кўради. Қирма-қир кўради.

Тоғлаб-тоғлаб кўради.

Охир-оқибат — бобомиз даласини топиб келади.

Бобомиз аланг-жаланг бўлиб қолади. Бобомиз довдираб-довдираб қолади.

Аммо сир бой бермайди. Мезбон мисол бош ирғаб тура беради. Мезбон мисол қўл қовуштириб тура беради.

— Отинг Жамолиддин кетмон-а? — дейди Оқподшо.

Бобомиз ҳа, дейишини-да билмайди, йўқ, дейишини-да билмайди.

Оқподшо бобомиз қўлларини кетига қайириб бойлайди.

Ана шунда бобомиз Оқподшо кетида турмиш Холиқул мингбоши тилмочини таниб қолади. Тайин, мени шу Асҳал нўғай ушлаб берди-ёв, дея ўйлайди.

— Сенга нима эди, нўғай? — дейди бобомиз.— Сен тўққиз қайтганга нима эди?

— Мен бир тилмочман, Кетмон, қул тилмочман.

— Шу куннигдан кўра, кет юртингга, тўққиз қайтган, кет!

— Қозон Фарғонадан-да қул, Кетмон.

Оқподшо бобомиз кетидан милтиқ ўқталиб-ўқталиб юради.

Бобомиз шудгор оралаб юради.

Оқподшо-да шудгор оралайди.

Ана шунда бобомиз бардоши дош беролмайди. Ғазабнок қайрилиб қарайди.

— Ай, кофир! — дейди.— Бир даламни ҳаром қилдинг! Энди бу даламни-да булғама!

— Нима-нима?

— Даламни қадамлаб булғама, деяман!

Оқподшо анграяди-анграяди — бир нима-да англамайди. Ер анграйиб қарайди. Ерда тупроқдан бошқа нима тополмайди.

Оқподшо ердан бир сиқим тупроқ олади.

— Ана тупроқ, мана тупроқ! — дейди.— Бўрсилдоқ тупроқ, мағиздор тупроқ, ҳосилдор тупроқ! Тупроқмисан-тупроқ! Аммо бу тупроқ сеники эмас, чучела, сенинг тупроғинг эмас!

Бобомиз кўнгли бир увишиб олади.

«Оқпошшо билибди, Қурбон қорақирғиз даласилигини билиб қолибди,— дея хаёллаиади.— Бировнинг моли мол бўлмайди деб шуни айтадилар-да».

Шундай бўлса-да, бобомиз қўрққан олдин мушт кўтарар қилади:

— Меники бўлмай, кимники бўлади? — дейди.

— Бу тупроқ...

Оқподшо гапини тополмай қолади. Кетига қайрилиб қарайди. Бармоқларини қирс-қирс ўйнатиб, йўлдошидан сўрайди:

— Духовский, кунпаякун масжид олдида генерал Скобелев жаноблари бир бало вазир деятиб эдилар...

— Эсимда йўқ, Назаров, эсимда йўқ,— дея елка қисади йўлдоши.— Ҳа, ўша-да! Пошшо ҳазратлари айтди, деб қўявер. Бу чучелалар нимани билади.

— Ўзи... пошшо каттами, вазир каттами?

— Генерал Скобелев жаноблари айтган бўлсалар, албатта вазир катта-да!

Оқподшо тағин бобомиз билан юзма-юз бўлади. Салмоқлаб-салмоқлаб баён этади:

— Гап лўндаси... Швеция вазири Фалончиев жаноблари айтганларидай, бу тупроқ Урусия тожидаги

олий қиммат дур, ҳа, дур! Асло, асло сенинг тупроғинг эмас!

— Лаббай-лаббай?

— Сен бундай қаймоқ тупроққа ярашмайсан!

— Нима-нима?

— Чунки сен чучеласан, чучела!

— Сарт-собакасан, сарт-собака!

— Биз сен сарт-собакаларни Ўрусияга жўнатамиз!

— Ўрусияда сенинг башарангдай қоратупроқ бор. Сен ана ўша қоратупроққа ярашасан!

— Қоратупроқ — сарт-собака... Сарт-собака — қоратупроқ... Жуда ҳамоҳанг!

— Ўзи, бу чучелалар қандай қилиб бундай қаймоқ тупроқда яралиб қолди, Духовский?

— Айтгилиги йўқ, Назаров, айтгилиги йўқ. Шундай тупроқда шундай сарт-собакаларни яратган худогаям қойил эмасман.

— Қўявер, Духовский, бу тупроққа энди Улуғ Урис халқи келади!

— Биламан, Самарадан икки юзта ўрис мужик кўчиб келади.

— Бизнинг Саратовдан бир юз элликта ўрис мужик келади.

— Мужикларимиз ҳадемай поезддан тушади!

— Энди бу қаймоқ тупроқда Улуғ Ўрис халқи деҳқончилик қилади!

Бобомиз нафаси ичига тушиб кетади.

Бобомиз ғарибона-ғарибона қадамлайди.

— Жамолиддин кетмон, намозингни ўқиб оласан-а? — дейди Асҳал нўғай.— Пешин намозингни ўқиб оласан-а?

Асҳал нўғай бош ирғай-ирғай шундай дейди. Асҳал нўғай бот-бот шундай дейди.

Асҳал нўғай Оқподшога юз солади.

— Бир мўмин банда намозини ўқиб олсин? — дейди.

— Ҳайда-ҳайда! — дея жеркийди Оқподшо.

— Кунпаякун масжид жойида черков пойдеворини ташладик. Черков битсин, черковда намоз ўқийди! — дейди Оқподшо.

— Тоат-ибодатни қанда қилиш ёмон,— дея сарғаяди Асҳал нўғай.— Худо йўлда бирор кор-ҳолга гирифтор этади.

Оқподшо сергакланади. Оқподшо теварак-бошга назарланади. Оқподшо ҳадикланади.

— Майли, худо йўлида бўлса, майли,— дейди Оқподшо.

— Худо йўлида қўлларини бир бўшатиб олинг,— дейди Асҳал нўғай.— Қўлсиз намоз ўқиб бўлмайди.

Оқподшо бобомиз қўлларини озод этади.

Бобомиз обтовадан таҳорат олади. Бобомиз қибла тараф белбоғ ёйди.

17

Оқподшо ёнғоқ остилаб соялайди.

Милтиқлари ўнгларида туради. Бош кийимлари чапларида туради.

Оқподшо бобомиздан кўз узмай соялайди.

Асҳал нўғай бир бобомизга қарайди, бир Оқподшога қарайди. Камзулини ола-ола, бобомиз тараф одимлайди.

— Ҳа, йўл бўлсин, нўғай? — дейди Оқподшо.

— Мен ҳам намозимни ўқиб олайин, жаноблар,— дейди Асҳал нўғай.

— Сен чўқинтирилмаганмисан?

— Худога минг қатла шукур, мусулмон фарзандиман.

Асҳал нўғай бобомиз қабатидан камзул тўшайди. «Оллоҳу акбар»... дея, қулоқ қоқиб бошлайди.

Бир сўз намоздан бўлади, бир сўз амалдан бўлади:

— Қулоқ сол, Кетмон, қулоқ сол,— дейди.— Оқподшо мулла Намоз билан муҳорабачиларни қидирмоқда.

— Мени ким айтди?

— Биров айтмади. Оқподшо эркак зотини ушлаб қамаяпти.

— Қамаса-қамар.

— Оқпошшо осий бандаларни осиб ўлдирмоққа ҳукм қилди. Ибрат бўлсин учун бутун халқ олдида осадилар. Битта шаҳид ўрис жони учун ўнта ўзбакни осадилар. Алҳол, сенга-да шул ҳукм жорий этилади.

— Менинг қўлим қон эмас.

— Унда, Урусияга сургун этадилар. Ҳали, анавилар сени қоратупроққа жўнатамиз, дейдилар. Шу гапда жон бўлади. Икки юздан ошиқ забардаст ўзбакни ичкари Урусияга сургун этадилар.

Бир сўз намоздан бўла беради, бир сўз амалдан бўла беради:

— Энди мен нима қилайин?

— Қоч.

— Бола-чақамни ташлаб қаёққа қочаман?

— Бошинг оққан тарафга қоч.

— Анавилар кўз узмайди, қандай қилиб қочаман?

— Ўзингни сойга от. Жойингдан турма-да, сой тубигача юмалаб-юмалаб бор. Бет-бошинг ёрилади, оёқ-қўлинг лат ейди. Алҳол, омон қоласан. Бўл-бўл.

Бобомиз бирдан сой тараф чопади. Мисоли сувга калла қилмишдай — ўзини сойга отади.

Оқподшо ҳаяллаб келади.

— Тўхта, отаман, тўхта! — дейди.

Оқподшо қасур-қусур юмаламиш тошларни кўзлаб милтиқ бўшатади.

Оқподшо сой ёқалаб чопади-чопади — сой энажак сўқмоқ тополмайди.

Бобомиз тошлар билан юмалайди-юмалайди — ёввойи бодомлар аро ғойиб бўлади.

18

Бобомиз тоғ ёналаб энади-энади — Исфарада манзил олади.

Исфарада-да Оқподшо бўлади.

Фарғона бобомизга торлик қилиб қолади.

Бобомиз Оқподшо йўқ юрт излаб юради-юради — Душанба келади.

«Тили бошқа асло эл бўлмайди».

Бобомиз ана шундай ўй билан тағин йўл олади.

Юради-юради — Денов келади.

Денов беклиги Бухоро амирлигида бўлади.

Бобомиз Деновни макон этади.

Кузи билан мардикорлик қилади.

Қишда одам ёллайди — Фарғонадан бола-бақрасини олдириб келади.

19

Бобомиз бола-бақраси омон-эсон Деновлаб келади.

Айби — тўнғич ўғли бир бошқа бўлиб келади.

Ана шу тўнғич ўғил Ақраб бизнинг отамиз бўлади.

20

Отамиз қоқ тунда тўшакдан туриб кетади.

Соя-шарпасиз ташқарилайди. Гап-сўзсиз ташқарилайди.

Зим-зиё супада қўл кет этиб туради. Теваракка оқпошшоиа-оқпошшоиа боқиб сўзлайди:

— Сартлар!— дейди.

Оёқлари остида ётмиш косовни милтиқ қилиб пешлайди. Милтиқ пешлаб-пешлаб одимлайди.

— Чучелалар!— дейди.

Ҳовлини айланади-айланади — нарвондан томлайди.

Томда қишлоқ узра милтиқ ўқталиб-ўқталиб туради.

— Ётилсин!— дейди.

Қишлоқдан итлар ҳуради.

Отамиз ит ҳурмиш тарафга милтиқ ўқталади.

— Ўчир, сарт-собака, ўчир!— дейди.

Қиблада ой бир оқариш беради, бир қорайиш беради.

Отамиз оқариш бермиш ойга милтиқ ўқталади.

— Йўқол, сарт-собака, йўқол!— дейди.

21

Бобомиз ташқаридан эшитилмиш овоздан уйғонади.

Қабатини пайпаслайди. Нима гаплигини пайқайди. Сапчиб ташқарилайди.

Бобомиз супада ҳайкал мисол қотади.

Ошхона тараф қулоқ тутади. Дарвоза тараф қулоқ тутади. Молхона тараф қулоқ тутади.

Овоз қаердан келаяпти — билолмайди.

Ой қорайиш беради.

Отамиз қорайиш бермиш ойга милтиқ ўқталади.

— Отилсин! — дейди.

Отамиз: «пуп-пуп-пуп», дея, косовдан тўп отади.

Бобомиз ана шунда отамиз қаердалигини билиб олади.

Оёқ учида нарвонни топиб олади. Оҳиста-оҳиста томлайди.

Томда ўрмалаб боради-ўрмалаб боради — отамиз кетидан маҳкам қучоқлаб олади.

Отамиз том ташлаб-том ташлаб йиғлайди. Отамиз оёқ тираб-оёқ тираб йиғлайди.

Бобомиз отамизни томдан кўтариб туширади.

22

Отамиз эсини танигуничайин томма-том юради.

ИККИНЧИ БОБ

1

Мен Сурхони Ақраб қўлигул ўғли бўламан.

2

Отамиз қадамиш чўп ниҳол бўлади.
Отамиз қарамиш дарахт шиғил-шиғил бўлади.
Отамиз кесмиш ток шокила-шокила бўлади.
Отамиз қирқмиш гул шода-шода бўлади.

— Минг қилса-да, отаси фарғоначи-да, фарғоначи! — дейди эл.

3

Бир эрта Абил жарчи кўчама-кўча жар солади:

— ...Барча-барча ҳовуз бўйлаб борсин! Йўқсиллар ҳукумати билан кўришув бўлади!

— Ювуқсизлар ҳукумати дейдими? — дейди онамиз.

Отамиз онамиздан бетини буриб-буриб кулади.

— Деҳқонқул! — дейди отамиз.— Ювуқсизлар ҳукумати десанг-да бўлади, Шўролар ҳукумати десанг-да бўлади!

Бизнинг Сурхон тарафда хўжалар бекалар отини атамайди. Бекалар-да хўжалар отини атамайди. Бир-бирларини ё қизлари оти билан атайди, ё ўғиллари оти билан атайди.

Отамиз билан онамиз бир-бирларини менинг отим билан атайди.

— Барча борадими, Деҳқонқул? — дейди онамиз.

— Йўқ! Катталар боради. Шўролар майдалар билан гапиришмайди.

— Ана, эшитдинг-а? — дейди онамиз.

Шундай бўлса-да, мен отамиз кетидан ияраман.

Отамиз мени жеркиб-жеркиб дарвозада қолдиради.

Мен дарвоза суяниб ўтираман. Отамиз йўлини қарайман.

Отамиз тушларда қайтади.

Мен отамиз қўлидан ушлаб тортаман.

— Айтинг, Шўро қандай одам, айтинг! — дейман.

Отамиз қобоқ уюб ичкарилайди. Телпагини тапиллатиб кўрпача уради. Болиш ёнбошлаб ич тортади. Шип тикилиб уҳ тортади.

Мен отамиз пинжига кираман. Мен отамиз белбоғидан тортаман.

— Ота, айтинг! — дейман.

— Э, ўчир-е, энағар! — дейди отамиз.— Энди сен қолдингми, каллани гаранг қилмаган?

Мен отамиз пинжида ёта бераман.

Шунда, онамиз ичкарилайди.

— Қани, гапирсин қани,— дейди онамиз.

Отамиз тағин миқ этмайди.

— Гапирсин-да энди, ювуқсизлар ҳукумати қандайчикин одам экан, гапирсин-да энди.

Ана шунда отамиз онамизга юз буради.

— Деҳқонқул! — дейди,— Шўролар, биз тўнғич, сиз кенжасиз, дейди. Биз сизларнинг катта акаларингиз бўламиз, дейди. Шундай экан, сизлар бизга бўйсунишларингиз лозим, дейди.

— Яхши, мусулмончиликни билар экан.

— Деҳқонқул! Гап мусулмончиликда эмас... Деҳқонқул! Шуни ўнг қулоғинг билан-да эшитиб ол, чап қулоғинг билан-да эшитиб ол: қизил ранг — яхшиликка олиб келмайди. Қизил ранг — одамни алдайди.

— Нима, ювуқсизлар ҳукумати қизил одам эканми?

— Эса-чи, қизил-да. Қип-қизил. Тут шохига қистирилган яловигача қип-қизил. Омбор деворларига илинғлиқ сўзаналаргача қип-қизил. Қаёққа қарама — қизил, қизил, қизил...

— Қизил бўлса бўлар, бу кишига нима.

— Деҳқонқул! Қизил ёмон-да, қизил ёмон. Бонси, қизил ранг — қон ранг! Қон ёмон, ёмон!

— Замон тинч бўлса, бўпти-да.

— Деҳқонқул Қон рангдан ёруғлик тилама. Қон рангдан рўшнолик тилама. Қон рангдан паноҳ тилама. Қон ранг — жаллод ранг!

4

Шу кундан эътиборан отамиз бир бошқа бўлади-қолади.

Бир маҳалгачайин ухламайди. Ҳовли айланиб-айланиб юради. Кўча девор мўралаб-мўралаб юради.

Ётса-да, уйқусида гапириб-гапириб ётади:

— Қизил, кет қизил!..— дейди.

Онамиз отамиз ҳолидан қайғуда қолади. Енгига пул қистиради. Фолчига йўл олади.

— Эркагингиз яъжуж-маъжужга йўлиқибди! — дейди Жарқин фолчи — Яъжуж-маъжуж бўлгандаям, улай-булай эмас! Қип-қизил яъжуж-маъжуж! Қизил яъжуж-маъжужга қизил товуқ сўйинглар!

5

Қизиллар қулоғи қирқта бўлади!

6

Кечаси билан учта Қизил кириб келади.

— Ҳали, қизилларни даф этиш учун қизил товуқ сўяр бўлдингми?..— дейди.

Қизиллар отамизни олдига солиб кетади.

Мен отамиз кетидан эргашаман.

Онамиз қўлимдан тортиб қолади.

7

Отамиз уч кундан кейин қайтиб келади.

Одатича — этиги пойларини қўли билан суғурмайди.

Ўнг оёғини бир тараф силкийди — ўнг пойи ўша тараф бориб тушади.

Чап оёғини бир тараф силкийди — чап пойи сандиқ остига бориб тушади.

Пайтавалари чувалаб-чувалаб қолади.

Кўкси билан кўрпача ташлайди. Болиш қучоқлайди. Бетларини болиш ботиради.

— Бир жойи оғрияптими? — дейди онамиз.

— Деҳқонқул! Мен сенга айтиб эдим-ку, қизиллар эл бўлмайди, деб. Энағарлар мени Юрчига олиб борди. Юрчининг қўрғонида қароргоҳи бор экан. Оқчу-

рин дегич каттаси бир тергамоқлик қилди-е, бир тергамоқлик қилди-е! Қизиллар шаънига тағин бир ёмон гап қилсанг, Сибир сургун бўласан, деди. Бир-иккита қоғозга бармоқ бостириб олди.

— Сибири қаерда бўлди?

— Ким билади, қаерда бўлди.

Мен отамиз этикларини териб-териб оламан. Бўсагада жуфт-жуфтлаб қўяман. Пайтаваларини йиғиб-йиғиб оламан. Этикларига ўраб-ўраб соламан.

— Деҳқонқул! — дейди отамиз.— Энди қизиллар мени қўймайди.

— Энди қайтади, Деҳқонқул?

— Энди кетаман. Ёмондан қоч-да қутул, ё, тон-да қутул, дейди.

Отамиз бир кечада йўқолади-қолади.

8

Мен тағин отамизни қидираман.

— Отанг бозор кетди, келади,— дейди онамиз.

Мен энди онамиз кетидан ияраман. Онамиз бир одим босса-да, кетидан бораман.

Онамиз ҳовуз боради. Ҳовуз бўйида аёллар билан гурунглашади.

Аёллар бири қўйиб бири айтади.

— Буриоғи кеча тегирмон олдида иккита Қизилни бўғизлаб кетибди.

— Иккита-да гапми, Ҳайиткални жарида беш-олтитасини отиб кетибди.

— Ҳай, бир замонлар бўляпти-да.

Онамиз кўзасини сув ботириб олади. Кўза елкалаб қайтади. Йўлда кўза қўйиб дам олади.

Мен йўл бош-адоқ олазарак бўламан.

— Отам қани...— дея инғиллайман.

Тўлиб-тошиб турмиш онамиз чўрт ёрилади:

— Иштонимни ичида! Эшитдингми? — дейди.— Манави иштонимни ичида!

Мен мана бўлмасам дейман-да, кўзадаги сувга тупуриб қочаман.

Онамиз кетимдан тош отиб қолади.

— Ҳа, ошнигни еййн сен тентакни, ошгинангни ейин! — дейди.

Онамиз сувни тўкиб ташлайди. Тағин ҳовуз йўл олади.

Онамиз мени қарғаб-қарғаб ётқизади.

Мен онамиз рўмолини тортқилай-тортқилай ухлаб қоламан.

Бир маҳал эшигимиз ғижир-ғижир очилиб ёпилади.

Мен кўзимни очгани эринаман. Онамиз ташқарилаяпти, дея ўйлайман.

Ўн беш-йигирма кунда бир бор шундай бўлади.

Бир сафарида уйқум келмайин ётаман.

Онамиз оҳиста-оҳиста тўшакдан туради. Онамиз оёқ учида-оёқ учида айвонлайди.

Айвон тарафдан шивир-шивир эшитаман. Шивир-шивирда мени отим-да бўлади.

Гап-сўзларни алайна-алайна эшитолмайман. Аммолекин кўнглим туяди: ана шу шивир-шивирчи отамиз бўлади!

— Ота, ота! — дея лик этиб тураман.

Онамиз ила-чила қайтади.

— Ҳа, нима, нима? — дейди.— Ота? Қани ота? Нима бало, эловраяпсанми? Ёт, ухла, ёт!

Онамиз бошимни силай-силай кетади. Онамиз бошимга кўрпани торта-торта кетади.

Мен тағин кўрпадан бошимни оламан. Кўзларимни катта-катта очаман. Пичир-пичир эшитаман.

— Мени қизиллар йўқламаяптими?

— Йўғ-а.

— Йўқласа, тоққа ўтинга кетиб эди, де

— Ўзи қаерда юрибди?

— Ишинг бўлмасин.

— Нимага ишим бўлмайди? Ўлик-тиригини билайин-да.

— Ҳайиткалии жарида ётибмиз.

— Жарда ётади?

— Аслида, тоғда ётамиз. Жарга кечаси келамиз.

— Тоғ қаерда, Ҳайиткални жари қаерда.

— Отни олдида нима дегич гап. Тоғдан Ҳайрондара энамиз. Ҳайрондарадан кейин Ҳайиткални жари-да.

— Бир ўзими?

— Бир ўзим қаёқда — ўнта жигит. Ўзимиздан Рашид бор. Бошқалари бошқа қишлоқдан. Ҳали тағин кўпаямиз. Теварак қишлоқлардан жигитлар келиб қўшилаяпти.

— Кечаси Ҳайиткални жарида нима қилади-а?

Уйгинасида, бола-бақрагинаси олдигинасида ётса бўлмайдими-а?

— Деҳқонқул! Сен нимани биласан? Биз эл-юрт учун олишаяпмиз. Бирови-да Ҳайиткалин жаридан тирик ўтолмаяпти. Утганини-да кўраман!

— Кимни айтаяпти?

— Қизилларни-да, кимни бўларди.

— Қизиллар Ҳайиткални жаридан ўтадими?

— Эса-чи. Деновдан Хўжасоатга келгич йўл Ҳайиткални жаридан ўтади-да. Бошқа йўл йўқ. Шу жарда Қизилман, дегичини қонига белаяпмиз.

— Кўзига қарасин-да, қизилларда милтиқ бор, дейишади.

— Милтиқ бизда-да бор. Бир кечаси бешта Қизилни ўлдириб, пулемётини-да олиб олдик.

— Ишқилиб, кўзига қарасин, дейман-да.

— Деҳқонқул! Кўзимга қарасам-қарамасам, Қизил зотини энасини жабдуқлайман!

— Кўп катта кетмасин.

— Деҳқонқул! Катта кетсам-кетмасам, қишлоғимизга ўрис зотини ёнаштирмайман!

Пичир-пичир эшита бериб кўзим кетади.

10

Тонглай айвон қарайман.

Айвонда кўрпа-тўшак бўлади — отамиз йўқ бўлади.

Мен ер тепиб-ер тепиб ингиллайман. Мен ер юмалаб-ер юмалаб ингиллайман.

Онамиз енгимдан олиб турғизади.

— Желакни кир қилдинг, қирғинин олдида қирилиб кетгур! — дейди.— Йўқ отани қаердан топаман? Сендан ота қарзим борми?

Мен ошхона чопаман. Сув тўла кўзаларга тупуриб-тупуриб қочаман.

Кетимдан отилмиш косов дарвоза тарақлаб тегади.

11

Отамиз қачон келади, деб кун санайман.

Кун санай бериб, бармоқларим тақчил бўлиб қолади.

Кун санай бериб, кафтларим бармоқларим билан тўлиб қолади.

12

— Бўлди, энди қайтиб келсин. Анави Деҳқонқули безорижонимни чиқарди,— дея пичирлайди онамиз.

— Бола бола-да,— дейди отамиз.

— Аёллар, эркагингиз босмачи бўп кетибди, шу чинми, дейди.

— Деҳқонқул! Босмачи деманглар. Неча марта айтаман, босмачи деманглар деб.

— Бари аёл шундай дейди.

— Деса дея беради-да. Босмачи бўлиб, қайси юртни босиб олибмиз? Босмачи бўлиб, қайси элни талон-торож этибмиз? Деҳқонқул! Босмачи дегич гапни улар ўйлаб топдилар.

— Кимлар?

— Кимлар бўларди — қизиллар-да. Кимлар бўларди — падар лаънат чўқалар-да. Чўқалар ўзлари юртимизга бостириб келди. Яна тағин, бизни босмачи деб атади. Падар лаънат чўқалар ўзларини ёрлиқларини бизнинг пешонамизга ёпиштирди.

— Унда, бу киши ким бўлди?

— Мужоҳид! Билдингми? Мужоҳид!

— У нима дегани бўлди?

— Мужоҳид эл-юрт учун жиҳод этувчи одам бўлади. Эл-юрт йўлида шаҳид бўлиш учун шай одам бўлади.

— Ким билади, Деҳқонқул, эл-юрт шундай деяпти-да.

— Деҳқонқул! Эл-юрт қизиллар иғвосига учмасин. Мен қизилларни битта қўймай қираман. Омон қолмиш Қизилни қаердан келган бўлса — ўша ёққа қайтариб ҳайдайман. Эл-юрт ана ўшанда билади — мужоҳид ким, босмачи ким эканини. Ботар кунни отар тонги бўлади.

1

Бир оқшом дарвозамизда учта одам қора беради. Одамлар остонамизда аланг-жаланг бўлиб туради.

Онамиз бет бекитиб-бет бекитиб пешвоз боради.

— Қани у, туземец?— дейди бирови.

Онамиз англамайди — ер боқиб тура беради.

— Мен сен чуркадан сўраяпман?

— Қани у, туземец, чурка?

— Ким-ким?— дейди онамиз.

— Босмачи эринг қани, деяпман!

Онамиз ана шунда англайди. Хиёл юз очади.

— Ҳа-а, отасими?— дейди.— Отаси тоғлаб кетиб эди.

— Қачон келади, туземец, чурка?

— Ўтин териб бўлса, келади-да.

Келувчилар кет қайрилади.

— Ўзи бир туземец чурка бўлса, яна тағин бетини бекитади-я!— дейди.

14

— Келгичлар бирови Нормурод фаол бўлди.

— Деҳқонқул! Шу энағарга айтиб қўй, қадамини тортса тортди, тортмаса, ўз қўлим билан калласини оламан.

— Ўзи, қизиллар қачон кетар эмиш?

— Деҳқонқул! Қизиллар кетмайди, ҳайдамаса кетмайди. Кетмаса, ўзларини шўри. Бари Қизилни тутдай тўкаман. Қизиллар ўлигини ғожирларга ем қиламан.

— Бир Рашид босмачи билан икковини қўлидан нима келади.

— Деҳқонқул! Неча маротаба айтаман, босмачи дема деб. Босмачилар ана — қизиллар!

— Бари шундай деяпти-да, менда нима айб.

— Бари айтса-да, сен айтма. Чин, бизнинг қишлоқдан Рашид икковимиз, чин. Биз нима қилайлик, бари дин-имонини сотаяпти. Бирови Шўро бўлаяпти, бирови фирқа бўлаяпти, бирови ҳосилот бўлаяпти. Деҳқонқул! Мен уларни жигит санамайман. Йўқ, жигит санамайман. Гапни ўроли келди, айтайин... Улар хунаса! Ҳа, хунаса!

— Шундай дейишга уялмайдими?

— Бўлмаса, нима дейин? Кофир дейин десам — бари ўзбак бўзболалар. Ўзбак дейин десам — бари кофирлар йўлидан юрибди. Мусулмон бўп — мусулмон эмас, кофир бўп — кофир эмас. Бундайчикинларни ким дейди? Хунаса дейди-да!

15

— Бу сафар ҳаяллаб қолди?

— Кўлобда бўлдик. Иброҳимбек қўрбоши ҳазратлари қўлида машқ олдик.

— У киши ким бўлди?

— У киши ислом лашкари сорбони бўладилар.

Иброҳимбек ҳазратларини қўрбошимиз десак-да бўлади, амиримиз десак-да бўлади. Боиси, амиримиз ўз жойларига Иброҳимбек ҳазратларимизни тайинлабдилар-да, ўзлари Афғонистон сари сипориш берибдилар. Худо хоҳласа, Иброҳимбек ҳазратимиз сорбонлигида бари ўрисни битта қўймайин қирамиз.

— Кўлобга бир ўзи бордими?

— Йўқ! Элликтача жигир бўлиб бордик. Иброҳимбек ҳазратимиз қароргоҳида туркий лашкарбошилар машқ берди. Ай, бир барлос жигитлар машқ олаяпти, ай, бир барлос жигитлар машқ олаяпти! Жигит эмас — лочин, лочин! Иброҳимбек ҳазратимиз барлослари олса олади — асло олдирмайди!

16

Тағин кун санайман.

Тағин бармоқларим тақчил бўлиб қолади.

Тағин кафтларим бармоқларим билан тўлиб қолади.

17

Тунлардан бир тун ташқарида тапур-тупур бўлади.

Амрлар эшитилади:

— Қимирлама, отаман!

— Қаддингни кўтар!

— Қўлингни бер!

— Типирчилама!

Шунда, отамиз овози-да келади:

— Рашид айтди-я, шу кеча уйингга борма, деди-я! Рашидни гапини олмадим-а, ай, аттанг-а!

Онамиз отилиб ташқарилайди. Овоз бериб йиғлайди.

— Эй, моча! — дейди биров. — Учир, бўлмаса сениям бойлаймиз!

Ҳаминқадар тала-тўп бўлади. Ҳаминқадар дўққуюғум бўлади.

Ташқари бирдан ёришади.

Мен ана шунда ташқарилайман.

Ташқарида қўша фонус ёнади.

Қўллари қуллиғлик отамиз супада ётади. Бет-боши қон отамиз ғужанак ётади.

— Успенский, Полторацкий! Отни олиб келинглар! — дейди биров.

Бир фонуслик чопқиллайди. Кўчадан от етаклаб келади. Супа олдида бел қилади.

Амр этувчи отамиз бўйнидан эгар қошига арқонлайди.

— Ҳайда!— дейди.

От кўча йўл олади.

Отамиз от кетидан оёқ тираб-тираб одимлайди. Узини кетига ташлаб-ташлаб одимлайди.

Девор суяниб турмиш онамиз тағин овоз бериб йиғлайди.

— Эй, моча чурка, мен сенга ўчир деяпман!— дейди Успенский.

Онамиз дами ичига тушиб кетади.

— Чанишев!— дейди отамиз.— Манави чўчқаларингга айт, пошнкаста-занфаларни ундайчикин сўкмайдилар!

— Сўкаётганим йўқ,— деди Успенский.— Мочани моча дейди-да. Сен ҳанги чурка, заифанг моча чурка! Юртинг — Чуркистон!

— Ундай дема! Туркистон де, Туркистон! Мен Урусиянгни Чўчқаистон деётганим йўқ!

— Узи, Туркистон номи нимадан олиб айтилади, Полторацкий?

— Турк сўзидан олиб айтилади. Туркийлар макони, деган мазмун беради.

— Ҳа-а. Сен чурка туземец ўзингни буюк туркийлар деб биласанми? Буюк туркийлар... Буюк Туркистон... Сассиқ чуркалар! Сассиқ Чуркистон! Ана, сен кимсан!

— Узи бир чурка туземец бўлса, Туркистон, туркийлар деган пўрим-пўрим гапларни қаердан билади, Колесов?

— Анави Ҳисор тарафларда турк офицерлари итдай изғиб юрибди. Ана ўшалар ўргатаяпти.

— Анвар пошони асфаласофилинга жўнатганимизга ўн икки йил бўлди-ю?

— Қаланғи-қасанғилари ҳамон дайдиб юрибди.

Онамиз отамиз кетидан эргашиб боради. Ҳиққиқ этиб боради.

Мен онамиз кетидан эргашиб бораман. Инг-инг этиб бораман.

Олдинма-кетин катта йўллаб келамиз.

Катта йўлда тағин иккита отлиқ бўлади.

Қизиллар ана шу манзилда оёқ илади.

18

— Чанишев!— дейди отамиз. Бир кун бўлмаса, бир кун сен суллоҳ келишингни билиб эдим. Айнан сен суллоҳни келади, деб ўйлаб эдим. Ўйлаганим бўлди, Чанишев!

— Ҳа, нима дейсан, нима?— заҳрини сочди Чанишев.

— Чанишев! Мен шу қишлоғимизга қадам қўяман дегич ўрис қонини ичдим. Олисдан кўрдим — отдим, яқиндан кўрдим — сўйдим. Ай, аттанг-а, қўллик бўлиб қолдим. Мен ўрис зоти қонини қолдирмайин ичаман деб эдим.

— Ичолмас эдинг. Босмачи зотини таг-томири билан қириб ташлаш учун бир юз олтмиш минг Қизил Қўшин бўлиб келиб эдик. Бир юз олтмиш минг оврупоча қуроллик сара лашкар-а!

— Қўллик бўлмаганимда, бир юз олтмиш мингини-да қонини ичар эдим! Чанишев! Бир ушлаш бўлса — ушладинг. Бўлар иш бўлди. Энди, қўлларимни қўйбер.

— Сендан қўрққулик, Ақраб, қўрққулик!

— Чанишев! Кўп қўрқа берма. Мана, эгар қошига қўй кўганлагандай кўганлаб олдинг. Энди қаёққа-да борар эдим.

— Лазаревич, Фонштейн! Қўлини қўйиб юборинглар!

Қизиллар отамиз қўлини қўйиб юборади.

Отамиз уюшиб-уюшиб қолмиш қўлларини ёйиш учун кулоч отиб-кулоч отиб олади.

Шунда, қизиллар ёппа барака милтиқ ёпишади.

— Ай, Чанишев-ай! Тўққиз қайтган-ай!— дея кулади отамиз.— Юракдан-да бор экан-да! Шу юрагинг билан мени ушлагани келдингми-а? Ақраб қўрбошини-я? Ай, энағар нўғай-а, ай, заниғар нўғай-а!

— Сўкма, туземец!

— Чанишев! Сен ким? Айт, сен ким? Нўғай мусулмон фарзанди. Сен мусулмон фарзанди бўла туриб, манави ўрислар гапига кириб келдинг. Ўрислар менинг калламни ейиш учун сен нўғайларни бекорга танламади. Боиси — ўзбак билан нўғайни тили бир, дини бир, урф-одати бир. Билсанг — сен нўғай ўзингга ўзинг милтиқ ўқталиб келдинг! Энди айт, туземец менми ё сен тўққиз қайтган нўғайми?

— Мен сен билан ҳарбий судда гапиришаман. Акраб қўрбоши! Рудзутак, йўл ол!

Қизиллар Денов тараф жилов буради.

Ана шунда қизиллардан бир соя айрилиб қолади. У Нормурод фаол бўлади.

— Чанишев!— дейди отамиз.— Бир оёқ ил! Анави хунасага айтар гапим бор!

Қизиллар оёқ илади.

— Ай, Нормурод хунаса!— дея кет бурилади отамиз.— Сен мени ўрисларга ушлаб бердинг! Илойим, қариган чогингда тентак бўл, аёлингни уч талоқ қўй, элга эрмак, халққа шалоқ бўлиб ўл, оллоҳу акбар!

19

Тун кўройдин бўлади.

Қиблагоҳда Керагатоғ оппоқ-оппоқ оқариш беради.

Чанишев тоғ хушрўйидан ҳузурланади.

— Бай-бай-бай!— дейди.— Ана жамол, мана жамол! Биз энди бу жамолистонни Ўзбакия деб атаймиз, Ўзбакия!

— Туркистон яхши эмасми?

— Йўқ, Ўзбакия деймиз, Ўзбакия. Ўртоқ Ленин Туркистонни Ўзбакия деб атаймиз, деб эдилар. Ўртоқ Ленин сўзи сўз, гапи гап! Биласанми, ўртоқ Ленин нима учун Туркистонни йўқ қилиб, Ўзбакия деб атамоқчи эди? Туркистон — туркий халқлар ота юрти. Шундан туркий туземецлар оталари юрти Туркистон учун қўлларига қурол олмоқда. Туркий туземецлар оталари юрти Туркистон учун жонларини тикмоқда. Ана шу Туркистонни йўқ қилиб ташласак, туркий халқлар қайси отлиқ ота юрт учун жиҳод қиладилар! Бундай доҳиёна ғоя фақат Лениндан келади!

Отамиз ўнг қабатида иккита Қизил боради. Отамиз чап қабатида иккита Қизил боради.

Отамиз олдида Чанишев боради.

Фонуслар лоп-лоп этиб боради.

Мен пешонамни онамиз тиззасига нуқиб-нуқиб ҳиқиллайман.

— Эна, эна!..— дейман.

Мен юзларимни онамиз қўлларига босиб-босиб ҳиқиллайман.

— Кетди, отам кетди!..— дейман.

— Кўрдим...— дея озурда бўлади онамиз.— Кўрдим, отанг кетди...

Онамиз ўксиб-ўксиб йиғлайди. Онамиз увв-увв йиғлайди.

Онамиз овоз қўйиб йиғлайди — демак, хавф-хатар олислайди. Демак, энди қўрқмаса бўлади.

Шу боис, отамиз кетидан йўл олиб йиғлайман.

— Ота-а-а!— дейман.

Отамиз қайрилиб қарамайди.

Фонуслар лоп-лоп этиб боради.

Қизиллар отда бўлсалар-да, милтиқ ўқталиб-ўқталиб боради.

Отамиз Қизил милтиқ тиғида кетади.

Мен отамиз кетидан чопаман. Пилдир-пилдир чопаман.

— Ота-а-а!

Яланг оёқларим ерга тегиб-тегмай чопаман. Ана-ана етажак бўламан.

— Ота-а-а!

Жон-жаҳдим билан чопаман. Шунда, бетим билан ер учаман. Кафтларим билан ер бориб тушаман. Забтим билан бир-икки бор юмалаб оламан. Жойимдан турайин дейман — туролмайман.

Отамиз Қизил милтиқ тиғида кетади.

Ерда ётмиш куйи отамиз кетидан қарайман.

— Ота-а-а!

Фонуслар лоп-лоп этиб боради.

— Ота-а-а!

Отамиз Қизил милтиқ тиғида кетади.

20

Отамиз чимзор оралаб боради.

Отамиз буғдойзор оралаб боради.

Буғдойзор адоғи дарёча оқади.

Дарёча адоқ соҳили Сайрак қишлоғи бўлади. Дарёча қибла соҳили Хўжасоат қишлоғимиз бўлади.

Отамиз Қизил милтиқ тиғида боради-боради — ана шу дарёча бўйида оёқ илади. Чап елкаси оша қиблагоҳда қолмиш қишлоғига боқади.

Боқади-боқади — ботинан-ботинан инқиллаб-инқиллаб олади.

Қизиллар отамиз чап елкасига милтиқ билан туртади.

— Олға, олға!— дейди.

Отамиз энди ўнг елкаси оша боқади.

Боқади-боқади — хўрсиниб-хўрсиниб олади.

— Деҳқонқул-ай!— дея овоз беради.

Отамиз онамизни йўқладими? Отамиз мени йўқладими? Мени йўқласа — нима учун йўқлади? Мен гўдакдан ҳимо тиладими? Мен ушоқдан паноҳ тиладими? Ушоқ ўғлон қўлидан нима-да келади?

Қизиллар отамиз чорловини ўзларича йўяди. Мазкур буғдойзорда босмачилар бор, дея йўяди. Ана, Ақраб қўрбоши босмачиларни йўқлаяпти, дея йўяди.

Қизиллар апил-тапил буғдойзор милтиқ буради.

Аммо отамиз йўқламиш Деҳқонқул... босмачидан шовур бўлмайди.

— Деҳқонқул-ай!

Қизиллар ҳаминқадар жонсарак бўлади. Тап-тап отдан ташлайди. Шарақ-шарақ милтиқ ўнглайди.

— Деҳқонқул-ай, Деҳқонқул!..

Деҳқонқул дегич... босмачидан ҳамон шовур бўлмайди.

Ана шунда отамиз Ақраб қўрбошилигини қилади!

Лик этиб от миниб олади. Тиззалари билан от ниқтайди.

От жойидан забт олади. Аммо ўн-ўн беш қадамда бирдан тик бўлади. Жойида ер тепинади.

Боиси — юган учи ерда ётмиш Қизил билагида бўлади.

Қизил юган учида судралиб-судралиб боради. Қизил бақириб-бақириб боради:

— Ақраб, агар қочсанг, болаларингни отамиз! Ақраб, болаларингни битта қўймай отамиз!..

Отамиз «бола» сўзидан кейин забтидан қайтади. Отамиз «бола» сўзидан кейин ниятидан кечади.

Қизил сапчиб туради. Отамиз оёғига ёпишади.

Отамиз Қизил кўкракка оёқ қўяди.

— Осилма!— дейди.— Ўзим тушаман!

Қизиллар отамизни ўраб олади.

Қизиллар юрак ҳовучлаб-юрак ҳовучлаб туради.

Отамиз ана шу вазиятни англаб олади. Отамиз ана шу вазиятдан келиб айтади:

— Дарё бўйини олиб ётасизлар, деб эдим,— дейди.— Булар бошқа жойни олибди-да.

Отамиз шундай дея-дея, теварак-бошга олазарак-олазарак боқади.

— Кимни айтаяпсан?— дейди Чанишев.

— Кимни бўларди — жигитларимни-да,

— Сен бизнинг келишимизни билиб эдингми?

— Чанишев! Сен мени ўзингдайин бир тўпори кофир деб ўйлаб эдингми? Эса-чи, билиб эдим, эса-чи. Жигитларимга дарё ёқасида ангниб ётинглар, деб тайинлаб эдим.

— Жигитларинг энди қаерда қарайди?

— Қаерда бўларди — худони бир ерида-да. Ҳали йўлимизда Ҳайиткални жари келади. Анбарсой келади, Қизилсув келади...

Қизиллар йўлларида давом эттишларини-да билмайди, қишлоққа қайтиб боришларини-да билмайди.

21

Отамиз ана шунда гап индаллосидан олади:

— Чанишев!— дейди.— Ўзи, мени қаёққа олиб кетаяпсан?

— Юрчига.

— Ундан кейин-чи?

— Тошканга.

— Тошкандан кейин-чи?

— Урусияга.

— Урусияга олиб бориб нима қиласан?

— Урусияда суд бўласан.

— Чанишев! Суд-буд, деб ўтирма-да, жигити гапни айт: Шўро ҳукумати мени нима қилади?

— Нима қиларди, суд кесади.

— Нимани кесади?

— Каллангни кесади!

Отамиз Чанишев гапидан рози бўлади.

«Жигити гап бўлди,— дея ўйлайди.— Бўлмаса ўз оёғи билан қассобхонага боражак молдай бўп кета берар эдим».

— Чанишев!— дейди отамиз.— Худодан-да ўтди, бандадан-да ўтди.

— Ўтди, Ақраб қўрбоши, бари ўтди.

— Худо билибми-билмаймн, сен ўрисларни юртимизга ҳайдаб келди...

— Бари ўтди-кетди, Ақраб қўрбоши. Энди биз сенга тўнғич ака бўламиз. Сен эса бизга кенжа ука бўласан.

— Худо билибми-билмаймн, биз мусулмонлар қўлига милтиқ берди. Ўрисларни от, деди.

— Бари ўтди, Ақраб қўрбоши, биз ака-ука бўламиз.

— Ака-ука бўласан? Чанишев! Ўзи, кофир ўз оти

билан кофир экан-да! Мусулмон билан кофир қачон ака-ука бўлиб эди-да, энди бўлади?

— Бўлади, мана биз бўламиз. Шарқда яхши-яхши шарқона урф-одатлар бор. Масалан, Шарқда кичиклар катталарга итоат этади. Шундай экан, сен бизга итоат этасан.

— Чанишев! Ўлсам ўламан — лекин сен ўрисларга ука бўлмайман!

— Бўласан, шундай кун келади, бўласан. Акаям гапми, ҳали Ленинни отам дейсан. Крупскаяни онам дейсан.

— Чанишев! Ўлсам ўламан — лекин сен ўрисларни акам демайман!

— Дейсан, шундай кун келади, дейсан. Дейиш ҳам гапми, ҳали каллаи саҳарлаб ассалом, катта акам, дея ашула айтиб салом берасан.

— Мусулмон билан кофир бу дунё тугул, у дунёда-да эл бўлмайди. Боиси, мусулмон мозорга кофирни кўмиб бўлмайди, кофир мозорга мусулмонни кўмиб бўлмайди. Шундай экан, мусулмон билан кофир у дунёда-да ака-ука бўла олмайди.

— Бўлади, ўрток Леин ғоялари шундай, бўлади.

— Унда, ўша Лениниг қушмия одам экан!

— Ўртоқ Ленинга тилингни теккизма, туземец!

22

— Чанишев! Айб сенда-да бўлмади, айб мендада бўлмади. Бари Худодан бўлди! Чанишев! Сендан тилаяжак бир тилагим бор. Ана шу тилагимни бажо келтир. Ана шунда, сен-да бола-бақранг олдига борасан, мен-да бола-бақрам олдида қоламан.

— Айт, айт қани?

— Сен олдин, бажо келтираман, дея сўз бер. Ана ундан кейин айтаман.

— Сўз бераман! Ана, энди айт.

— Чанишев! Мени мана шу ерда от!

— Қаерда-қаерда?

Отамиз ўнг оёғи билан ер тепиб-ер тепиб айтади:

— Мана! Мана шу ерда от!

Қизиллар бир-бировнга қараб-қараб олади. Қизиллар калла чайқаб-калла чайқаб олади.

— Чанишев!— дейди отамиз.— Мен ўзбакман, ўзбак! Ўзбак қаерда таваллуд топади — ана ўша ерда

умр кечиради! Чанишев! Балиқ жаннатмакон соҳилда бўлса-да, ўлиб қолади. Балчиқдан-балчиқ сув бўлса-да, ташлаб юборса бўлди — тағин тирилади-қолади. Чанишев! Узбак-да ана шундай! Узбакка жаннатмакон-да татимайди. Узбак жаннатмаконда-да ўз эл-юртини қўмсаб-қўмсаб адо бўлади. Узбак жаннатмакондан дўзахмакон пахтазорини қўмсаб-қўмсаб қайтиб келади.

— Хўп, борайлик қани.

— Чанишев! Узбак қаерда таваллуд топади — ана ўша ерда ўлади! Узбак ўз эл-юртида ўлади! Узбак ўз ўлан-тўшагида ўлади! Узбак — ана шундай ўзбак!

— Улимга маҳкум учун ерни фарқи нима, туземец,— дейди Успенский.

— Урис! Чин, сен учун фарқи йўқ, чин. Қаерда хушҳаво табиат бўлади — ўша ер ўрис учун юрт бўлади. Қаерда қорни тўяди — ўша ер ўрис учун юрт бўлади. Урис — ана шундай ўрис!

— Эл-юрт, эл-юрт дейсан, ўзи, Узбакияда сени кўмиш учун эл-юрт қолдимикан?— дея ҳиринг-ҳиринг кулади Успенский.— Икки милён босмачи қириб ташланди, дейишаётиб эдими, Рудзутак?

— Шундай, икки милён босмачи қириб ташланди, шундай,— дейди Рудзутак.

— Ана, икки милён эл-юртинг асфалософилингга сафар қилибди.

— Топилади!— дейди отамиз.— Бир мени ўраб-чирмаб кўмажак эл топилади. Узбак элини қириб адо этолмайсан. Узбак эли — катта эл.

— Ҳали тағин қирамиз!— дейди Колесов.

— Асфалософилингда туркий туземецлар учун тағин милёнта жой тайинлаб қўйдик,— дейди Успенский.

— Урис! Сен ана шундай ўласан! Урис қаерда ўлади — ўлиги ўша ерда қолади. Урис учун ўлар ери мозор бўлади. Мозорига бир хоччўп қадаб кетади — бўлди! Урис! Узбак қаерда ўлади — ўлигини ўз эл-юртига олиб келади. Узбак ўлигини ўз қиблагоҳига кўмади. Узбак ўлигини ўз бош-тожига кўмади. Шу боис, ўзбаки қабристон қиблагоҳда бўлади!

— Хўп, олдин борайлик, бир гап бўлар,— дейди Чанишев.

— Чанишев! Сен мени Урусияга олиб борасанда — пақиллатиб отиб ташлайсан. Қайси бир ўрага

кафансиз кўмиб ташлайсан. Ватан гадоси — кафан гадоси бўлиб ўламан. Кафансиз ўлигимни ким эл-юртимга олиб келиб кўмади? Кафансиз ўлигим ит ўликдайин Урусияда қолиб кетади! Ана ундан кейин, бола-бақрам мени қаерлардан йўқлаб йиғлайди? Бола-бақрам қаерларга бориб отамлаб йиғлайди? Бола-бақрам қайси мозорим бошига бориб йиғлайди? Бола-бақрам улуғ айём кунларда қайси мозоримга чироқ қўяди? Шундай экан, отарман бўлсанг, мана, кўкрак — от! Лекин — ўз эл-юртимда от! Шаҳид бўлсам — ўз эл-юртимда шаҳид бўлайин! Шаҳидимни ўз эл-юртим кўмсин!

Ана шунда Чанишев отини қайиради. Отамиз билан муқобил бўлади.

Чанишев мулзам бўлади!

— Ақраб қўрбоши,— дейди сокин-сокин.— Мен сени бир йўлтўсар деб эшитиб эдим. Бир каллакесар деб эшитиб эдим. Бир ваҳший деб эшитиб эдим. Инчунун, ўғрням деб эшитиб эдим! Сени мана энди билдим. Ақраб қўрбоши, сен асл жигит экансан, асл жигит!

Чанишев сукут олади.

— Ақраб қўрбоши,— дейди.— Ихтиёр менда бўлса эди, мен сени ҳозироқ озод этар эдим. Ихтиёр менда бўлса эди, мен сени ўзимга ўринбосар қилиб олар эдим. Минг афсус! Ақраб қўрбоши, мен — полковник Чанишев, давлат арбоби Куйбишев олдида отдан тушмадим, мен — полковник Чанишев, буюк саркарда Фрунзе олдида отдан тушмадим. Ақраб қўрбоши, мен — полковник Чанишев, Ақраб жигит олдида отдан тушаман!

Чанишев шундай дея, вазмин-вазмин отдан тушади.

Бир қўлида юган Чанишев отамиз қошида бош эгиб-бош эгиб туради.

— Жигит!..— дейди Чанишев.

— Чанишев! Бир қадам-да босмайман! Мен мана шу эл-юртда жон бераман!

— Жуда бўлмаса, Юрчигачайин борайлик, жигит?

— Чанишев! Ошингни еса-да, мард есин, бошингни еса-да, мард есин! Мана, кўкрак — ма!

23

Отамиз тиламиш тилак бажо бўлади.

Қизиллар шаҳид отамизни буғдойзорда ташлаб кетади.

24

Эл-юрт отамиз қони тўкилмиш тупроқни девор билан ўраб олади.

Эл-юрт отамиз жон бермиш тупроқ узра оппоқ ялов қадаб олади.

Эл-юрт Ақраб шаҳид пойидан ўта-ўта бир оёқ илиб олади.

Эл-юрт Ақраб шаҳид учун фотиҳа ўқиб-ўқиб олади.

УЧИНЧИ БОБ

1

Тонг саҳарлаб кўчалайман.
Шахдам-шахдам қадамлайман.
«Юр, туземец, юр!»
Қўлларимни узатиб-узатиб қадамлайман.
«Ўчир, чурка, ўчир!»
Милтиқ пешлаб-милтиқ пешлаб қадамлайман.

Шунда, пешонамдан бир соя кела беради.

— Эб-эй, эб-эй, Деҳқонқул?— дейди соя.— Ай, Деҳқонқулмисан?

Милтиқ ўқталиб-ўқталиб бора бераман.

«Ўчир, туземец, ўчир!— дейман.— Сен — моча чурка! Юртинг — Чуркистон!

Соя қимир этмай қолади.

Шу маҳал онамиз кетимдан қандай дохил бўлади — билмай қоламан. Кетимдан қандай қучоқлаб олади — билмай қоламан.

Қошимда қотмиш соя кўксига тупура-тупура калима қайтаради.

— Ай, Болхин ҳамсоя,— дейди соя.— Шугинангиз бир балога йўлиққан-ов. Улжон фолчига фол очириб келсангиз бўларди.

— Фолчи нимаям дерди, Холдон ҳамсоя.

— Фолчи айтади-да, Болхин ҳамсоя, фолчи айтади.

— Ўзи — бўлган-бўлдиги шул, холаси.

— Бўлган-бўлдиги шул, бўлган-бўлдиги шул! Утакамни ёриб юборайин, деди! Бовужуд, бўйимда йўқ — бўйимдан тушırарди-қўярди!

— Болада не айб, холаси. Боваси шундай эди, отаси шундай эди, боласи-да шундай бўлади-да.

2

Директоримиз барчамизни улкан синфхонага солади.

— Мажлис бўлади!— дейди.

Синфхона лиқ тўлади. Тик туриш учун жой қолмайди.

Директоримиз эшикни ичкаридан қулфлаб жория этади:

— Ўртоқлар, бешинчи синфдан бошлаб барча пахта фронтига сафарбар этилади!

Ўйнаб қўяй, бешинчидан, ўйнаб қўяй, дейман!

Тўртинчидан бешинчига кўчганларимга пушаймон бўламан.

Ўнинчи синф гап қайтаради:

— Ўқиш нима бўлади, домла, ўқиш нима бўлади?

Директоримиз шаҳодат бармоғини шипга нишлайди. Тантанавор-тантанавор нишлайди.

— Пахтазор — дафтаринг бўлади, ғўзалар ҳусниҳатинг бўлади!— дейди.

Муаллимларимиз уйма-уй юради. Кийим-бошларимиз билан кўрпа-тўшакларимизни олдириб келади.

Мен онамиз бериб юбормиш бўхчани олиб қарайман: бўхчада иккита кўрпача бўлади. Иккита нон бўлади. Майиз бўлади, тўртта мояк бўлади.

Мен моякларни арчиб-арчиб еб оламан.

3

Эшик тушдан кейин очилади.

Директоримиз жуғрофия таёғини эшикка ниш этади.

— Ўртоқлар, биров-бировдан олға!— дейди.

Мен бўхчамни орқалаб ташқарилайман.

Мактабимиз дарвозаси олдида тўртта катта машина бўлади.

Муаллимларимиз мактабдан машинагачайин икки саф бўлиб туради.

Мен ана шу саф орасидан машина йўл оламан.

Катта синфлар бўхчаларини машина ичига отиб-отиб туширади.

Мен-да, бўхчамни отаман — бўхчам елкамга қайтиб келиб тушади. Тағин — отаман —бўхчам кўксимга қайтиб келиб тушади.

Физика муаллимимиз бўхчамни машина ортиб беради. Оёғимдан олади-да, ўзимни-да ортади.

Жўна-жўна бўлади.

Ота-оналаримиз бот-бот тайинлаб қолади:

— Ариқдан сув ичма — пахтага дори сепади!

— Самолёт дори сепа берса — бекиниб ол!

— Қийналсанг — қочиб кела бер!

— Мабодо қочаман десанг — катта йўл четгинасидан юргин!

Машина оҳиста-оҳиста жилади.

Ота-оналаримиз қўл силкиб-қўл силкиб қолади. Биров кўзига ёш олади. Биров юпатади:

— Бўлди-е, болангиз фронтга кетаяптими!

— Ўз оти ўзи билан пахта фронти-да!

— Жобида бир машина ёрдамчи бола сойга ағнаб кетибди!

— Болалар кори ҳол бўлмабдими?

— Эб-эй, бола қолибдими!..

Йўлда болалар қўшиқ айтади. Ким қандайчикин қўшиқ билади — ана шу қўшиқни айтади.

Шуида, машина йўл четлаб оёқ илади.

Директоримиз кабинадан ташқарилайди. Кабина пиллапоясида тикка бўлади.

— Ўртоқлар, ўлан-лапарлар айтманглар! — дейди. — Партия-совет қўшиқларидан айтинглар!

4

Машина юради-юради — Сталин колхози мактаби олдида оёқ илади.

Мен бўхчамни гурсиллатиб ер ташлайман. Бўхчам кетидан ўзим осилиб тушаман.

Мактаб қоровули ҳувиллаб ётмиш синфхоналарни очиб-очиб беради.

Мен бўхчамни орқалаб ичкари лўкиллайман.

Катта синф синфхона тўрини олади.

Майда синф остона олдида қолади.

Мен дераза остини оламан. Бўхчамни гупиллатиб ташлайман-да — устига узала тушиб ётиб оламан.

— Ўйнаб қўяй, дераза остидан, ўйнаб қўяй! — дейман.

Ўнинчи синф болалар гапимдан кулишиб-кулишиб гапиришадилар:

— Нега шу бола гапи ўролида ўйнаб қўяй, дейди?

— Одати-да.

— Нега ўйнаб қўяй, дейди?

— Ким билади. Зиёд дегичи гапи ўролида масалан, масалан, дейди. Шундай гап-да.

Шу вақт жой жанжали бўлади.

Биров-бировини бўхчасини нари суради. Биров-бировини бўхчасини нари отади. Биров-бирови билан олишиб қолади.

Деворда осиғлиқ улкан битиктахта тарақ этиб тушади.

Битиктахтада қолмиш битикка кўзим тушади:

«5 сентябр.

Сарлавҳа: Совет халқи 1980 йилда коммунизмда яшайди».

Болалар битикларни овоз чиқариб-овоз чиқариб ўқийди.

— Бечоралар!— дейди.— Бу йил ҳақидан борйўғи беш кун ўқибди-я!

— Қайтанга биз маза қилибмиз — бир ой ўқибмиз!

5

Етарда тўшагимни ёйиб ётаман.

Биров гапиришиб ётади. Биров матал айтишиб ётади. Биров ухлаб ётади.

Шунда, кимё муаллимимиз кириб келади.

— Туринглар, директор келаяпти!— дейди.

Болалар мудраб-мудраб директоримиз йўлини қарайди.

Директоримиз қўли кетида кириб келади. Унгида жуғрофия муаллимимиз бўлади, чапида физика муаллимимиз бўлади.

Болалар жойларидан бир туриб олади.

Директоримиз теварак-бошга қайғули-қайғули назар солади.

— Ўртоқлар!— дейди.— Мен ҳозир марказдан — бюродан келдим! Вазият ёмон, ўртоқлар, ҳа, ёмон! Терим суст бормоқда, ўртоқлар, терим суст бормоқда! Ўртоқлар, қўлни қўлга бериб, жон-жаҳдимиз билан меҳнат қилиб, она сутидай оппоқ, ҳалол «оқ олтин»имизни йиғиб-териб олайлик! Ўртоқлар, пахта бизнинг кўзимизни эмас, биз пахтанинг кўзини қўрқитайлик! Ўртоқлар, кўз қўрқоқ, қўл ботир, жасоратга биз қодир! Бюрода район партия комитети би-

ринчи секретари, ҳаммамиз учун ҳурматли ва азиз ўртоқ Мавлонов ана шундай деди, ўртоқлар!

6

Директоримиз саҳарлаб наъра тортади:

— Подъём!

Мен сапчиб тураман. Уйқу аралаш ташқарилайман. Карахт-карахт бет-қўл юваман.

— Стройся!

Мен бўйсира бўламан. Ўзимни бўйсирага созлайман.

— Смирно!

Мен таёқ бўлиб қотаман.

Муаллимларимиз идиш-тобоқ тарқатади.

— Ўртоқлар, бир кунлик норма саксон кило!— дейди директоримиз.

Ўнинчи синф эътироз билдиради:

— Колхозчиларни бир кунлик нормаси олтмиш кило-ку, домла?

— Тўғри, олтмиш кило! Лекин сизлар ёрдамчисизлар! Ёрдамчилар колхоз ҳисобидан овқат ейди! Қўшимча йигирма кило ана шу кунлик овқат учун ушлаб қолинади! Тушунарлими? Қани, пахта фронти сари олға, ўртоқлар!

Ўнинчи синф олдинда боради. «Ўқувчи ёрдамчиларга алангали салом!» дегич алвон кўтариб олади.

— Қўшиқ айтамаи десаларинг, партия-совет қўшиқларидан айтинглар!— дейди директоримиз.

Аммо биров-да қўшиқ айтмайди.

— Фронт, фронт дейди,— дейди болалар,— фронтда пулемёт беради, автомат беради.

7

Мен умримда илк бор... илк бор пахтазор дея аталмиш дала билан юзма-юз бўламан.

Мен умримда илк бор... илк бор ғўза дея аталмиш ниҳол билан юзма-юз бўламан.

Пахтазор бошида серрайиб қоламан. Этагимни қандай бойлашимни билмайман, ўнинчи синфдан сўрайман.

Ўнинчи синф жеркиб ташлайди.

Мен энди Адабиётга юз соламан.

Адабиёт этагим икки учини белимга айлантириб бойлайди. Тағин икки учини бўйнимга осиб тугади.

Мен умримда илк бор ғўза энкаяман.

«Эбо-эй, мунча пахта!— дея хаёлланаман.— Шуларни барини териб оламанми? Олдин қайси бирини оламан? Юқоридагини оламанми ё қуйидагини оламанми?

Ғўза учида турмиш пахтани қўшқўллаб ушлайман. Кафтларим жиққа шудринг бўлади.

Бир чаноқ пахтани чўзиб-чўзиб тортаман. Кафтларимда уқалаб-уқалаб оламан. Пуфлаб-пуфлаб шудрингини қуритаман. Сўнгин — этагимга соламан.

Этагимни ланг очиб қарайман — бир чаноқ пахта этагим бир бурчида оппоқ моякдай бўлиб туради. Аранг кўринади!

Этагимни кўтариб-кўтариб қарайман. Мунча чуқурни қайтиб тўлдираман, дея ўйлайман.

Ҳафсалаларим пир бўлади. Ғўзаларга эриниб-эриниб қарайман. Унг-чапларимга эриниб-эриниб қарайман.

Ўйнаб қўяй, пахталаридан, ўйнаб қўяй, шу пахта дегнчни ким ўйлаб чиқарди экан-а, дейман.

Болалар олдинлаб-олдинлаб боради. Бошлари пахта ичида кўриниб-кўринмай боради.

Белларим оғриб-оғриб қолади. Қўлларим толиб-толиб қолади.

Қаддимни кўтариб-кўтариб керишаман. Кетимга чалқайиб-чалқайиб керишаман.

Шунда, бир маза қиламан, бир маза қиламан!

8

Бир маҳал Физика қабатимдан келиб қараб туради.

Мен бир қўлим билан ғўза учидан ушлаб тураман. Бир қўлим билан ғўза пахталарини биров-бировлаб териб оламан. Пахта чанг-ғуборларини пуфлаб-пуфлаб этагимга соламан.

Физика оғзини ушлаб-ушлаб кулади.

— Ай, Деҳқонқул-а, Деҳқонқул! Нимага кейинда қоляпсан десам, гап буёқда экан-да,— дейди.— Ким айтади сени, оғиройёқ боши билан ҳаммадан кўп пахта терган Болхин теримчининг боласи деб?

Физика чин айтади — катталар ўз вақтида онамизни ана шу Сталин колхозига пахтага ҳайдайди.

Онамиз оёқ тирайди, оғиройёқман, дейди.

Катталар, пахта оғиройёқни билмайди, дейди.

Онамиз тонгдан шомгача пахта теради. Мусоба-

қада ғолиб бўлади. Байроқ олади. Сурати билан рўзномада чиқади.

Ой-куни бўлмаса-да, онамизни эгатда дард тутади.

Онамиз эгатда ичларини ушлаб-ушлаб вой-войлайди.

«Эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлмай мен ўлайин-а!— дейди.— Шарқда машъал бўлмай мен ўлайин-а!»

Оппоқ далани чала чақалоқ овози олади...

Физика кўз-кўз этиб пахта теради.

— Ана, ана!— дейди.— Кўраяпсанми? Ғўзани ушлаб турма — ғўза қочиб кетмайди. Икки қўлинг ҳам чаноқда бўлсин.

Мен Физика айтмишдайин тераман.

9

Кимё қийтиқда кафт карнай этади.

— Тушлик!— дея овоз беради.

Этагим тўлар-тўлмас бўлади. Тепкилай-тепкилай тарози орқалаб бораман.

— Уч кило!— дейди тарозибон.

Болалар гурр кулади.

Қийтиқда этак тўшайман.

Тўшагим-да этагим бўлади, дастурхоним-да этагим бўлади.

Нон билан чой тушлигим бўлади.

Тушдан кейин икки кило тераман.

10

Ётарда йўқлама бўлади.

Директоримиз кўп терувчиларни бир сафлаб улуғлайди.

— Машъалларни кўринг — ҳавас қилинг!— дейди.

Оз терувчиларни бир сафлаб маззаллатлайди.

— Қолоқлардан ҳазар қилинг, ҳазар!— дейди.

Директоримиз шўро пахтасидан нималар олинишини бармоқлаб-бармоқлаб санаб беради:

— Бир тонна совет пахтасидан икки минг тўрт юз йигирма метр газлама, саксон олти кило мой, икки юз йигирма олти кило кунжара, ўн беш кило кир совун... олинади! Шу сабабдан ҳам совет пахтаси «оқ олтин» дейилади! Совет «оқ олтин»ини термаслик — жиноят!

Тикка тура бериб, оёқларим зирқ-зирқ толади.

Ўзимни бир ўнг оёғимга ташлайман, бир чап оёғимга ташлайман.

— Эртага тайин бажараман,— дея қутуламан.

11

Эртаси Физика ўргатмишдайин тераман. Жон-жаҳдим билан тераман.

Ўн кило тераман — ўн кило!

Ётарда тағин тикка тураман.

— Ўртоқлар, мен бугун бюрода бўлдим!— дейди директоримиз.— Шахсан ўртоқ Мавлонов олдида бўлдим! Ўртоқ Мавлонов машъалларга офаринлар айтди!

Директоримиз қулоғимдан чўзади.

— Сен аталаларни эса жазолансин, деди, ҳа, жазолансин, деди!— дейди. Жазолайман, ҳа, жазолайман! Буни пахта фронти деб қўйибди! Пахта фронти жавобгарликка тортади! Пахта фронти қаматади!

Тикка тура бериб, уйқуларим келиб кетади.

— Эртамнан ғайрат қиламан,— дея сўз бераман.

12

Бир ҳафта ўтади, икки ҳафта ўтади.

Аззанча кучанмайин — ўз кучимдан зиёд теролмайман.

Ўн килодан ошиб ўтолмайман!

Ҳолдан тойиб-тойиб қоламан. Эгат ичида ўтириб-ўтириб қоламан.

Жуғрофия дала бошини олиб туради. Кимё дала адоғини олиб туради. Бирорта бола кўринмай қолса бўлди — дарров бақиради:

— У-ў, Эгамов, тур! У-ў, Назирова, нимага рўмолинг кўринмай қолди?! Тур, кун кетаяпти!

Мен мудраб-мудраб ўтираман.

— У-ў, Жамолиддинов, кармисан — индамайсан?!

Мен ўзимни эшитмасликка олиб ўтираман.

Кимё эгат оралаб келади.

— У-ў, Жамолиддинов, нима бало, ўлиб-пўлиб қолдингми?— дейди.

Мен шунда-да тура бормайман.

Шунда, Кимё хивич билан оёқларимга солади.

Мен тура солиб пахта тераман.

13

Теримчилар тера беради — теролмовчилар кучаниб юра беради.

Директоримиз ёнади.

— Еганинг бурнингдан чиққурлар!— дейди.— Мен сенлар учун бюрода гап эшитдим! Ўртоқ Мавлонов бюро аҳли олдида изза қилди! Йўқ, мен сенлар учун изза бўлмайман! Ё пахта тердираман, ё териларингни шилиб оламан!

Директоримиз бир қулочча ғўзапоя тарашлаб келади.

Ғўзапоя учи шода-шода кўсак бўлади. Ғўзапоя учи кўк-кўк кўсак бўлади. Ғўзапоя учи моякдай-моякдай кўсак бўлади.

Директоримиз сафбоши Зиёд билан муқобил бўлади. Зиёдни иягидан тутамлайди.

— Нима учун оз терасан?!— дея зуғумлайди.— Айт, нима учун оз терасан?! Давлат сени нима учун ўқитаяпти?! Давлат сени нима учун боқаяпти?! Манави Қораев саксон-тўқсон кило теради! Қораевдан қаеринг зиёд, айт, қаеринг зиёд?!

Зиёд қалт-қалт жавоб беради:

— Қораев ўнинчи синф, мен бешинчи синф, масалан.

— Жириллама! Бешинчи синф билан ўнинчи синф фарқи йўқ! Бари катта синф саналади! Айт, нормани бажарасанми йўқми — бажарасанми йўқми!..

Директоримиз ғўзапоя билан Зиёд елкалари оша уради. Зиёд беллари оралатиб уради.

Зиёд билаклари билан бет-бошини пана этади. Зиёд зориллаб-зориллаб йиғлаб қўя беради:

— Бажараман, масалан, бажараман!..

Директоримиз мушт дўлайтириб-мушт дўлайтириб дўқлайди.

— Бажармай кўр — оёғингдан осаман! Бюро ана шундай деди!

14

Уйдан олиб келмиш бор кийимларимни етти қабат кийиб оламан. Телпагим қулоқларини тушириб оламан. Иягимдан айлантириб бойлаб оламан.

Йўқламани ана шундай шайланиб қараб ўтираман!

Наҳоят, директоримиз келади. Йўқлама бошлайди. Оз терувчилар отини айтади.

Оз терувчилар девор қоралаб саф бўлади.

Директоримиз оз терувчилар бировини лаб-лунжидан чўзади. Бировини телпаги билан бетига уради. Бировини пешонасидан кетига итариб ташлайди.

Директоримиз мен билан бетма-бет бўлади.

— Эй!— дея иягимдан кўтаради.— Жонинг борми ўзи?! Ә, ўл-е, одам бўлганинг билан-е! Одам деган ўн килоям пахта терадими-а? Ун кило-я?!

Мен, директоримиз мени камситаяпти, деб биламан. Мен, директоримиз бугунги муваффақиятимни кўриб-кўрмасликка олаяпти, деб биламан.

Боиси — бугун ўн бир кило терган бўламан, ўн бир кило!

Шу боис, ўзимни-ўзим оқлайман:

— Ун бир кило...— дея минғиллайман.

Директоримиз оғиз тўлдириб-оғиз тўлдириб увлайди.

— У-у-у, ўн бир кило!— дейди.— Ун бир кило-я, у-у-у! Бунча пахтани қандай қилиб тердинг-е? Қойил-е!

Муаллимларимиз пиқ-пиқ кулади.

— Сичқон бир кунда инига йиққан пахта ўн бир кило бўлади!— бақиради директор.— Жасадингни қара! Жасадингдан эшак ҳуркади! Ул-е, шу кунингга-е! Менга қара, қачон нормани бажарасан?! Айт, қачон, қачон, қачон!..

Ғўзапоя елкаларим оралаб-оралаб тушади. Зарбли-зарбли тушади. Тарс-тарс тушади.

Иккита кўк кўсак елкаларимдан оёқларимга учиб тушади.

Уст-бошим етти қабатлигидан кўк кўсак таёқ ўтмайди.

Кўк кўсак таёқ энди қўлларим оралаб-қўлларим оралаб тушади.

Таёқ ўтади — ана шунда ўтади!

— Энажон, ўлдим-е, энажон-е!..— дея зор-зор йиғлайман.

— Бажараман де, бажараман де!..

— Бажараман, жон домла, бажараман!

Директоримиз бир оппоқ толани боши узра кўз-кўз этади.

— Ана, кўраяпсанми, ана!— дейди.— Пахта сиртидан ана шундай оппоқ бўлади!

Директоримиз толани чигитлайди. Ичидан чигитини олади.

Директоримиз қоп-қора чигитни кўз-кўз этади.

— Пахта аслида мана бундай ичи қора бўлади!— дейди.— Пахта — ичи қора мато! Пахта одамзотни индамай боплайди! У дунё-ю, бу дунё ўнгарилмас қилади! Бюрода ўртоқ Мавлонов ана шундай деди!

Директоримиз ёқамдан чангаллайди. Ердан даст кўтариб олади. Тағин ер ташлайди.

— Пахта сен мафкураси бузуқни кўзингни ўйиб олади!— дейди.— Биласанми, сен кимсан? Сен — босмачисан, босмачи!!!

Мен чинқириб-чинқириб йиғлаб қўя бераман. Мен ер тепиб-ер тепиб йиғлаб қўя бераман.

Мен жон-жаҳдим билан директоримизни тиззасига ёпишаман.

Мен директоримиз тиззасини таталаб-таталаб ташлайман. Мен директоримиз тиззасини тишлаб-тишлаб ташлайман.

Муаллимларимиз орача этади.

— Ана, кўряпсизларми, ўртоқлар?— дейди директоримиз.— Қазисан, картасан, ахир наслингга тортасан! Бунинг отаси Ақраб босмачи эди! Совет тузуми душмани пахта терармиди!

15

Алп-алп одимлаб бораман.

«Қўлингни кўтар, босмачи!»

Милтиқ ўқталиб-ўқталиб бораман.

«Қимирлама, босмачи!»

Милтиқ тепкасини шарақ-шуруқлатиб бораман.

«Отаман, босмачи, отаман!»

Бир қўл елкамдан ушлайди. Бетларимга шапатилайди.

— Кўзингни оч, Жамолиддинов, кўзингни оч!— дейди.

Ана шунда ўзимга келаман.

Тун қора бўлади.

Йўл чапи пахтазор бўлади, йўл ўнги ётоқ бўлади.

Мен йўл ўртасида бўламан.

Шу вақт тағин биров келади.

— Нима гап, Ҳамзаев?— дейди.

— Манави валдирвасар бўлиб кетиб бораяпти.

— Шабкўрдир-да.

Овозларини таниб оламан — бирови Жуғрофия бўлади, бирови Адабиёт бўлади.

Жуғрофия ўнг қўлимдан олиб келади, Адабиёт чап қўлимдан олиб келади.

Ётоқда болалар пиш-пиш қотади.

16

Ғўзапоя Зиёд елкаларида тарс-тарс этади.

Ғўзапоя кўк кўсаклари учиб-учиб тушади. Ғўзапояда битта-да кўсак қолмайди.

— Сатторов! — дейди директоримиз. — Боринг, бошқа ғўзапоя олиб келинг!

Адабиёт чопқиллаб ташқарилайди. Бир ғўзапоя тарашлаб келади.

Ғўзани учлари кўсаксиз бўлади.

— Мен қоқчўп билан чилик ўйнайманми?! Боринг, кўсаклисидан олиб келинг!

Директоримиз шундай дея, ғўзапояни ташқари отади.

Адабиёт шода кўсак ғўзапоя олиб келади.

— Энди, ошпазни айтиб келинг!

Адабиёт ўнинчи синф қизни эргаштириб келади.

Директоримиз ошпаз қизга рўйхат узатади.

— Эломонова! — дейди. — Эртадан бошлаб манави текинтомоқларга гўштсиз овқат берасан! Агар ушоқдай гўшт берсанг — кунингни кўрасан!

Шу-шу — косам гўшт кўрмайди.

17

Жива қошиғимни йўқотиб қўяман.

Ошпаз қиздан қошиқ сўрайин дейман — директоримизга айтади, дея қўрқаман.

Шу боис, Нуралини косасига қўшиламан.

Зиёд билан Мелиям қўшилади — улар-да қошиқ йўқотади.

Тўртовора бир коса бўламиз.

Қошиқ Нуралидан бошлаб айланади.

Нурали икков ичади — Мелига қошиқ ташлайди. Мели икков ичади — Зиёдга қошиқ ташлайди. Зиёд икков ичади — менга қошиқ ташлайди.

Гир-гир айланмиш қошиқдан кўз айирмай тураман.

Учов ичувчи бўлса — дарров билагидан қўшқўллаб ушлайман. Қўлидан қошиқни юлиб оламан.

— Учов ичдинг, учов! — дейман.

18

Ичим бураб-бураб қолади. Ичим қабз этиб-қабз этиб қолади.

Дардим ичимда бўлади.

Кундан-кун дармондан қоламан.

Мактаб футбол майдони бадрабхонамиз булади.

Қаллаи саҳарлаб футбол майдонига чопқиллайман. Майдон дуч келмиш ерида ўтира қоламан.

Теварак-бошимга уйқусираб-уйқусираб аланглайман.

Теварагимда оёқ босар ер жуда-жуда кам бўлади.

Шунда, ажаб бир нималарни кўраман. Кўзларимни уқалаб-уқалаб кўраман.

Теварак-бошим қип-қизил қон бўлади! Теварак-бошим сап-сариқ қон бўлади! Теварак-бошим тўда-тўда қон бўлади!

Кўрмайин дея, чаккамни кафтимга қўйиб оламан. Кўзларимни юмиб оламан.

Бир маҳал биров елкамдан туртади.

Мен сескаииб кўзимни очаман — бошимда Зиёд туради.

— Ухлама, ичбуруғ!— дейди.

Мен лик этиб тураман. Кетимга қарайман.

Футбол майдонда тағин бир тўда қон бино бўлади.

19

Тушлик чой қайнай бермайди.

Мен офтобда чой қайнашини қараб ётаман.

Шу маҳал дала йўлидан бир машина келади.

Машинадан шляпали одам тушади.

— Ҳормаиглар, болаларим!— дейди.

Бригадир билан қўл бериб кўришади.

— Уф-ф, бир пиёла чой бер-е, барака топкур-е!— дейди.

— Чой энди қайнайди,— дейди бригадир.

Шляпали одам хирмон бағрида ёнбошлайди. Шляпасини хирмонга ташлайди.

Шу вақт тағин бир машина хирмон қоралаб келади.

Машинадан директоримиз тушади.

Директоримиз у ерда-бу ерда ётмиш болаларга бақиради:

— Бу нима ётиш?!— дейди.— Пахта фронти энангни уйими?! Мен ҳозир бюродан келдим! Сенларни деб ўртоқ Мавлоновдан эшитмаганларимни эшитиб келдим!

— Чой қайнасин, домла, чой қайнасин,— дейди ўнинчи синф.

— Сен тирранчаларга чойни ким қўйибди?! Ана, ариқ тўла сув — ариқдан ич!

Шунда, шляпали одам хирмондан бош кўтаради.

— У-ў, домла, берман ҳайданг!— дейди.

Директоримиз шляпали одамга қарайди-қарайди — таниёлмайди. Таниёлмаса-да, шляпали одам тараф юради.

Шляпали одам ёнбошлаб ётмиш куйи қўл узатади.

— Қамнамосиз, домла?— дейди.

Директоримиз қўл берайинми-қўл бермайинми, зайлида қўл узатади.

— Узлари ким бўладилар?— дейди.

Шляпали одам кафтларини очиб айтади:

— Ҳашарчи. Мана шу болалардай бир ҳашарчи,— дейди.— Чойингиз қайнамади, домла. Энди сиз буюргандай, ариқдан ичамиз-да.

Шляпали одам шундай дея, машинаси тараф йўл олади.

Директоримиз шляпали одам кетидан қараб туради-туради — бригадирга ўгалади.

— Бу ким бўлди?— дейди.

— Танимаяпсизми? Райком-ку.

— Райком? Қандай райком?

— Қандай райком бўларди — Мавлонов бова-да.

— Ўртоқ Мавлоновми? У киши далада нима қилиб юрибди?

— Далага самолёт келаяпти. Самолётдан олдин далаларни қараб юрибди.

— Ия,— дейди директоримиз.— Олдинроқ айтсангиз бўлмасмиди, ия.

20

Шу-шу — марказ, бюро, Мавлонов дегич гаплардан қутуламан.

Кейин-кейин биламан — директоримиз марказда пивохўр бўлиб-бўлиб қайтиб келиб юргич бўлади.

21

Кетма-кет уч ётар йўқлама бўлмайди.

Кўк кўсак ғўзапоя бошим узра ўйнамайди.

Далада муаллимларимиз қадамимни санамайди.

Муаллимларимиз бири қўйиб бири жория этади:

— Мактабимиз социалистик мусобақада ғолиб келди!

— Мактаблар аро Кўчма Қизил Байроқни олди!

— Юздан зиёд ёрдмчи мактаблар орасида-я!

Мен ҳур бўламан. Мен хуррам бўламан.

— Энди пахта термаймиз-а, домла?— деймап.

— Пахта термайсан? Энди пахта терасан-да!

— Қизил Байроқ бор-йўғи бир ойлик ишимиз учун берилди!

— Қизил Байроқ кучимизга куч қўшади!

— Қизил Байроқ зафарларга чорлайди!

22

Болалар билан ётоқ олдида бўйсира бўламан.

Штаб дея аталмиш хонадан оппоқ сочли кекса одам чиқиб келади.

Кекса одам кетидан директоримиз билан муаллимларимиз қаторлашиб келади.

Директоримиз ютуқ-камчиликлардан сўзлайди.

Мен ичимни ушлаб-ушлаб кучанаман. Икки кўзим футбол майдонида бўлади.

Директоримиз бизни тағин-да юксак-юксак зафарлар сари чорлайди.

— Ўртоқлар, энди сўз район халқ маорифи бўлими мудири, ҳаммамиз учун ҳурматли ва азиз ўртоқ Дадабоевга!— дейди.

Оппоқ соч одам лўнда-лўнда сўзлайди. Оппоқ соч одам мунис-мунис сўзлайди:

— Азиз ўқувчилар! Сизларни қутлашдан олдин ўртоқ директорларингизни алоҳида табриклаб қўймоқчи эдим. Боисиким — мана уч йилдирким, ўртоқ директорларингиз коммунистик партия сафига ўтолмай юриб эди. Куни кеча мактабларингиз Кўчма Қизил Байроқни қўлга киритиши биланоқ тегишли мутасадди ўртоқлар директорларингизни коммунистик партия сафига қабул қилди. Устига-устакким, айни шу кунларда ўртоқ директорларингиз эгизак қизалоқ кўрди, эгизак қизалоқ! Буни қарангким — Кўчма

Қизил Байроқ — коммунистик партбилет — эгизак қизалоқ! Азиз ўқувчилар! Келинглар, ўртоқ директорларингизни ана шу қўша-қўша зафарлар билан бир муборакбод этиб қўяйлик!

Оппоқ соч одам шундай дея чапак чалади.

Муаллимларимиз билан болалар-да қўшилиб чалади.

Мен ичимни ушлаб-ушлаб тура бераман.

— Қани, ўртоқ директор,— дейди оппоқ сочли одам.— Энди шу қора кўзларга қарата бир-икки оғиз дил сўзларингизни айтасиз энди. Сизнинг коммунистик партия сафига ўтишингиз учун бу қора кўзлар озмунча тер тўкдими!

Директоримиз бир одим олдинлайди. Ўнг қўлини кўксига қўяди. Ҳаволаниб-ҳаволаниб бош ирғайди.

— Ўртоқлар!— дейди.— Ҳақиқатан ҳам, ҳаммамиз учун ҳурматли ва азиз ўртоқ Дадабоев айтганларидай, коммунистик партия сафига қабул қилиниш шарафига эришишим осон бўлмади! Ўтган икки йил мобайнида мактабимиз ўқувчи-ёрдамчилари бирор марта ҳам Қизил Байроқ олиш шарафига муяссар бўлолмади! Бунда, маълум маънода ўзим айбдор бўлдим! Пахта йиғим-теримига масъулият билан ёндашмадим! Қаттиққўл бўлмадим! Партиявий принципиаллик кўрсатмадим! Ўртоқлар, мен ана шу йўл қўйган хато-камчиликларимдан тегишли хулоса чиқариб олдим! Мана, маълум муваффақиятларга эришдим! Мен бу муваффақиятга район халқ маорифи мудири, ҳаммамиз учун ҳурматли ва азиз ўртоқ Дадабоевнинг бевосита ва билвосита раҳнамолиги туфайли эришдим! Мен сиз ўқувчи-ёрдамчилар номидан, қолаверса, ўзимнинг номимдан, ана шу муваффақиятларим бош айбдори, ҳаммамиз учун ҳурматли ва азиз ўртоқ Дадабоевга миннатдорчилик билдираман!

Қарс-қарс қарсак бўлади.

Директоримиз қўли кўксида таъзим этади.

— Ўртоқлар!— дейди.— Эгизак фарзандларим оталари шопли коммунистик партия сафига қабул этилган улуғ айём кунларда дунёга келди! Мен шу улуғ санага бағишлаб, эгизак қизларимга шонли коммунистик партия асосчиларидан Роза Люксембург билан Клара Цеткин отларини қўяман! Бир қизимни Роза қўяман, бир қизимни Клара қўяман!

Чалп-чалп чапак бўлади.

Муаллимларимиз:

— Ура-а-а, ура-а-а!— дея чапак чалади.

Директоримиз ҳаминқадар ҳаволанади.

— Ишонаманки,— дейди,— эгизак қизларим Роза Люксембург ва Клара Цеткинлардай буюк марксистлар бўлиб етишадилар!

Оппоқ соч одам тантанали вазиятда директоримизга Қизил Байроқ топширади.

Оппоқ соч одам бўйсира бўйлаб юради. Олд саф болалар билан қўл бериб кўришади.

— Қутлайман, қутлайман!— дейди.

Оппоқ соч одам болалар кийим-бошларига разм солади. Болалар юз-кўзларига разм солади.

Ниҳоят, оппоқ соч одам мен билан муқобил бўлади. Менга қўл узатади.

Мен қўш қўлимни-да чўзаман. Оппоқ соч одам қўлини қўшқўллаб ушлаб оламан.

Оппоқ соч одам бош-адогим бўйлаб қарайди. Билинар-билинмас бош чайқайди.

— Қўлларингизни қаранг, қўлларингизни,— дейди.— Бу қўл эмас — косов бўлибди. Елкаларингизни қаранг, елкаларингизни. Бир елкангиз юқори, бир елкангиз қуйи. Бу елка эмас — қинғир-қийшиқ темиртерсак бўлибди. Қуриб кетгур пахтадан нималар келмайди-я.

Оппоқ соч одам ранги ўчади. Қизил Байроқ олдига қайтиб боради.

Оппоқ соч одам болаларга ўйчан-ўйчан боқиб қолади.

— Болаларим...— дейди.

Оппоқ соч одам лабларини чўччайтириб-чўччайтириб ўйлаб қолади.

— Болаларим...— дейди.— Мен сизларни бола дейишгаям тилим бормаяпти. Сизлар катталар ҳаётини бошдан кечираяпсиз. Сиз кўраётган кунлар болалик эмас — қарилик. Қачон боладай бўлиб кун кўрасиз — унисини пахтадан сўрайсиз.

Оппоқ соч одам директоримиздан Қизил Байроқни олади.

— Болаларим, манови Кўчма Қизил Байроқ. Ўз оти ўзи билан Кўчма,— дейди.— Кўчма Қизил Байроқ шу вақтгача бировга вафо қилмади — сизгаям вафо қилмайди. Бир кило кам терсангиз бўлди — қўлингиздан бошқа биров қўлига кўчиб ўтади-кетади. Шуидай экан, Қизил Байроққа кўп сажда қила

берманглар. Қизил Байроқни сақлаб қоламан деб, кўп кучана берманглар. Қўлларингиздан келганича тера беринглар.

Оппоқ соч одам Қизил Байроқни директоримизга қайтиб беради. Қўлларини қорин қовуштириб-қорин қовуштириб туради.

— Болаларим,— дейди,— бизниг юртта Амир Темурлар керак. Бизнинг юртга Бобурлар керак. Бизнинг юртта Улуғбеклар керак. Жуда, жуда керак! Аммо сизлар Темур бўлолмайсизлар, сизлар Бобур бўлолмайсизлар, сизлар Улуғбек бўлолмайсизлар. Лекин юртга тўрт мучали бус-бутун одамлар керак. Лекин юртга соғлом-соғлом одамлар керак. Шундай экан, ўзларингизни-ўзларингиз авайлангизлар, болаларим!

Учинчи синф ер тепиб-ер тепиб қарсак чалади.

23

Пахтакорлар ёрдамчиларга ўлигини ташлаб олади.

Далада нима иш бўлади — бригадир директоримизга келади.

— Пахта ортишга учта бола беринг.

— Пахта туширишга иккита бола беринг.

— Дори сепишга битта бола беринг,— дейди.

Бригадир айтмиш ишлар қийин ишлар бўлади. Қийин бўлса-да, болалар мен борайин-мен борайин, дея талашади. Боиси — болалар бир кун бўлса-да, пахта теришдан қутулайин, дейди.

Директоримиз бундайчикин ишлар учун оз терувчиларни жўнатади.

Эрталаб бригадир тағин сарғаяди.

— Самолётга йўл кўрсатувчи беринг,— дейди.

Бу сафар катта болалар ўзларини олиб қочади. Талашиб-тортишмайди.

— Жамолиддинов!— дейди директоримиз.— Олға! Мен бўйсирадан отилиб олдинлайман.

Директоримиз қалами учи билан мени бригадирга кўрсатади.

— Мана, манавини олинг!— дейди.

Бригадир мени бош-оёқ қараб олади.

— Домла, бунингиз рўзалар ичида кўринмайди-ю?— дейди.

Бўйсира пиқ-пиқ кулади.

— Кўринади!— дейди директоримиз.— Байроқча дастасини узунроқ қиласиз — кўринади!

Бригадир мени улкан туткунда олдига эргаштириб боради.

Туткундада бир одам байроқ ясаб ўтиради.

— Сопини узунроқ қил,— дейди бригадир.— Манавини бўйига қараб қил.

Байроқчи одам бўй-бастимдан лаб буради.

— Жонлироғи йўқмиди?— дея тўнғиллайди.

Байроқчи калтароғини ташлайди. Узунроқ хода олади. Хода учига бир қулочлик чўпни қоқ белидан михлаб қоқади. Уч қаричча қуйироқдан тағин бир чўпни бел қилиб михлайди. Хода бир тарафига оппоқ сурп ёйиб тикади. Тағин бир тарафига қизил сурп ёйиб тикади.

Байроқ — ковунпалак қўриқловчи мисол бўлади.

Байроқчи байроқни олдимга дўқиллатиб қўяди.

— Ана, дафтар-қалам!— дейди.

Мен байроқни кўтариб-кўтариб кўраман. Бир қўлим билан кўтаролмай, қўшқўллаб аранг кўтараман. «Оғир бўлса-да майли,— дейман.— Ўлиб пахта тергандан кўра, шуни кўтариб юра бераман».

Байроқчи мени далама-дала эргаштиради. Юражак йўлларимни тайинлайди. Туражак жойларимни тайинлайди. Бажаражак юмушларимни бот-бот баёнлайди.

Байроқчи ажи-бужи дорилар билан булғанмиш жанда чопон беради.

— Манави танапўш,— дейди.— Жайдари танапўш.

Танапўш чопон йиртиқ-йиртиқ бўлади. Танапўш чопон қўланса ис-қўланса ис бўлади.

24

Саҳармардонда футбол майдон тараф чопаман.

Физика билагимдан ушлаб қолади.

— Далада... ўша далада...— дейди.

Ўша дала тараф чопаман.

Туткунда остидан байроқ билан жанда чопонни оламан.

Ўқариқ бўйлаб қадамлайман-қадамлайман — дала қоқ бошида оёқ иламан.

Салқин саболар этимни увуштиради.

Шунда, элас-элас самолёт овози эшитилади.

Хиёл ўтади — самолёт ўзи келади. Самолёт дала узра бир айланиб қайтади.

Самолёт энди мени мўлжаллаб келади.

Мен апил-тапил жанда чопонни ёпинаман. Байроқни олдин елкамга оламан. Ундан бошим узра кўтараман.

Байроқ оғирлигидан далбанглаб-далбанглаб оламан.

Бор кучим билан кучанаман. Тишимни тишимга босаман. Ост лабимни тишлаб оламан. Юзларим лов-лов ёниб тураман.

Жанда чопон тешикларидан мўралайман — самолёт мени нишонлаб келади.

Самолёт байроққа тегайин-тегайин дея учади. Самолёт тизз-тизз дори сепиб-сепиб учади.

Мен жанда чопон йиртиқларидан учувчини кўраман.

Самолёт кўтарила-кўтарила олислайди.

Мен жанда чопон ичидан калламни чиқараман.

Димоғим шундай бир заҳарда қолади, шундай заҳарда қолади!

Мен кучаниб-кучаниб ўқчийман. Томоғимдан бир нима ана отилиб чиқайин дейди, мана отилиб чиқайин дейди.

Ўқчий бериб-ўқчий бериб, кўз олдим қора бўлади...

Оҳиста-оҳиста ўзимга келаман. Теварак-бошимга назар соламан.

Жанда чопон сап-сариқ бўлади. Ўқариқ бўйлари сап-сариқ бўлади. Ғўза барглари сап-сариқ бўлади.

Мен байроқчи баённи карахт-карахт ёдлайман: ЯК-12 самолёт дори сепса — нақд саккиз қадам санаб ташланади. АН-2 самолёт дори сепса — нақд йигирма уч қадам санаб ташланади.

Мен чап тараф узун-узун қадамлайман. Санаб-санаб қадамлайман:

— Бир, икки, уч...

Роппа-роса йигирма учинчи қадамда оёқ иламан. Боиси — бизнинг самолёт АН-2 бўлади.

Мен йигирма учинчи қадамда байроқ кўтариб тура бераман.

Самолёт бошим узра тизз-тизз дори сепиб ўтади.

Мен оҳиста-оҳиста самолётга эл бўламан.

Мен энди қабатма-қабат далага ўтиб тураман.

Самолёт бир сидра тизиллатиб ўтади.

Қуюқ ғўзалик-қуюқ ғўзалик далаларда икки бор дори сепилади. Боиси — илк дори ғўза уст-уст

баргларида қолади. Қайта дори эса ғўза ост-ост баргларигачайин тушиб боради.

Ушбу дала ана шундай дала бўлади.

Шу боис — мен жойимда қимир этмай тура бераман.

Самолёт икки сидра дори сепиб ўтади.

Мен жанда чопонни силаб-силаб кўраман — кафтларим бинойидай ҳўл бўлмайди. Мен ғўза баргларини ушлаб-ушлаб кўраман — бармоқларим бинойидай ҳўл бўлмайди.

Шу боис, байроқ дастаси учидан ушлайман. Байроқни тўнтариб оламан. Байроқ оқ-қизилини оёқларим олдига тўнтариб тураман. Байроқдаста учини пешонамга теккизиб тураман.

Ушбу ҳолат мана бундай дейди:

«Самолёт бинойидай дори сеполмаяпти,

самолёт бинойидай дори сеполмаяпти!»

Учувчи байроқ тилини уқиб олади.

Самолёт бошим узра тағин бир сидра тизиллатиб ўтади.

Бу сафар бинойидай сепади.

Кун тутлар учини чалиб кетади. Нам салқиндан файз кетади.

Ғўза оралаб-ғўза оралаб келаман — уст-бошим шудринг бўлмайди. Барг сийпалаб-барг сийпалаб келаман — кафтларим шудринг бўлмайди.

Шу боис, байроқни бошим узра айлантираман. Чапдан ўнгга айлантираман. Доираувратида айлантираман:

«Баргларда шудринг йўқ — дори сепманг,

баргларда шудринг йўқ — дори сепманг!»

Энди байроқни бошим узра бир чапимга чайқайман, бир ўнгимга чайқайман.

«Дори сепиш тамом бўлди, дори сепиш тамом бўлди!»

Учувчи байроқ тилини уқиб олади. Учувчи самолёт қанотларини соллантириб чайқаб-соллантириб чайқаб олади:

«Англадим — дори сепиш тамом бўлди,

англадим — дори сепиш тамом бўлди!»

Учувчи ана шундай дея-дея, манзил-макони тараф равона бўлади.

Мен умримда биринчи бор самолётни ана шундай яқиндан кўраман. Мен умримда биринчи бор учувчини ана шундай яқинидан кўраман.

Мендан саодатманд бўлмайди!

25

Ётарда болалар ҳавас билан ҳол сўрайди.

— Қандай?— дейди.

Мен бошмалдоғимни нарра этиб кўрсатаман.

— Мана бундай!— дейман.— Мазза!

— Учувчини-да кўрдингми?

— Кўрмай нима!— дейман.— Учувчи менга мана бундай қилиб қўл силкиди!

— Сенга-я?

— Эса-чи, менга бўлмай кимга — менга-да!

— Сен нима қилдинг?

— Нима қилар эдим — қўл силкидим-да!

— Ёрил-е, уккағар-е, ёрил-е!

Илғор теримчилар куйиб-куйиб қолади.

— Учувчи-да шабкўр экан-да,— дейди.— Келиб-келиб, ўн бир килочига қўл силкийдими?

26

Тағин каллаи саҳарлаб этик кия-кия ташқарилайман. Зинага оёқ ташлайман...

Оҳиста кўз очаман. Кўз қирим билан ёнбошларимга қарайман.

Мен муаллимларимиз ётоғида ётмиш бўламан.

— Болани тезроқ турғазиш керак,— дейди директоримиз.

— Қўйинг, ётсин,— дейди муаллим.— Бечора бола зинадан ёмон учиб тушди.

— Бовужуд, ёнбоши билан тушди.

— Боши билан тушса калласи ёриларди.

— У дорини бутифос деб қўйибди.

— Бутифос ёмон-е, ёмон!

— Ўртоқ директор, энди болани дори сепилувчи далага юбориб бўлмайди.

— Онасини биласиз — кимсан Болхин теримчи.

— Болхин теримчи бўлса нима бўпти?— дейди директоримиз.

— Болхин теримчи обрў-эътиборли аёл. Болага бир нима бўлиб қолса, онасидан балога қоламиз.

— Унда, кимни юборамиз, айтинглар?— дейди директоримиз.— Фақат оз терадиганлардан бўлсин. Йўқлама дафтарни ўқийман: Жалилов Хуррам?

— Бўлмайди — отаси учига чиққан аризабоз.
— Бир гап бўлса Тошкангача ёзади.
— Ёзишни қўйинг, идорама-идора чопади.
— Оти катта бор — қабулига киради.
— Унда, бўлмайди. Қорабоев Абил?
— Абил мерганни ўғлими? Э-э, қўйинг-қўйинг.
— Нимага қўямиз?
— Абил мерганни билмайсизми?
— Биламиз!— дейди директоримиз.— Мерган бўлса ким бўпти?
— Манави синф раҳбаридан сўранг, айтиб беради.
— Буёқ чин айтаяпти, ўртоқ директор. Абил мерган одам эмас. Бир сафар боласини дарсда бир-икки туртиб эдим — отасига бориб айтибди. Бир маҳал Абил мерган уйимизга бостириб борса бўладими. Елкасида милтиқ!
— Милтиқ?
— Ҳа-да, милтиқ бўлгандаям — қўшоғиз милтиқ! Дарвозадан, қани жаллод деб бақиради-да. Аёлимиз уйда йўқ, десаям кетмайди. Милтигини уйимизга пешлайди. Тепкисини шақур-шуқурлатади. Ўша жаллод буёққа бир қарасин, дейди.
— Қарадингизми?
— Қараб бўладими! Мерганга одам билан бўрини нима фарқи бор — пақиллатиб отади-қўяди-да. Шуидан буён боласини чертолмай қолдим.
— Хавфли шахс, хавфли!— дея бош сараклайди директоримиз.— Чўлибоев Зиёд?
— Бир қари онаси бор.
Директоримиз шаҳодат бармоғини нишлайди.
— Ана шу бўлади!— дейди.
Муаллимларимиз ташқарилайди.

27

Мен тушларда ўзимга келаман.
Ошпаз қиз турғазиб олади.
— Тур ўчоққа ўт ёқ,— дейди.— Директор тайинлаб кетди.
Учоқ қошида чўк тушиб ўт ёқаман.
Қозонда билқ-билқ қайнамиш шўрва кўнглимни айнитади.
Мен ўқчиб-ўқчиб ўт ёқаман.

28

Йўқламада Зиёд йўқ бўлади.

Директоримиз Физика билан Кимёни дориланувчи дала жўнатади.

Муаллимларимиз ҳаяллаб-ҳаяллаб қолади.

Директоримиз бизни ухлатмай олиб ўтиради.

Ниҳоят, муаллимларимиз қайтиб келади.

Олдин Зиёд кириб келади. Остонада кўзларини уқалаб-уқалаб туради. Мудраб-мудраб туради. Гап йўқ, сўз йўқ — ўз тўшаги тараф юради. Ўзини тап этиб тўшакка ташлайди.

Директоримиз бармоқ ликиллатиб-бармоқ ликиллатиб ўзига имлайди.

— Эй, бери кел! — дейди. — Тур, бери кел!

Зиёд директоримиз олдига боради. Теварак-бошига аланглайди-аланглайди — ўзини хиёл ўнглайди. Аланглашидан — Зиёд теваракда ўтирмиш болаларни энди кўради.

Директоримиз Зиёдни лунжидан чўзади.

— Мастми дейман! — дейди. — Буни қаердан топдиларингиз-е?

— Даладан топдик, — дейди Физика. — Далада одамзот қораси йўқ, лекин шу бор экан.

— Чўлибоев, Чўлибоев, деб қичқириб эдик, ғўзалар ичидан шитир-шитир этиб чиқиб келди, — дейди Кимё.

— Қоронғида ғўза ичида нима қилиб юрибди экан? — дейди директоримиз.

— Нима қилар эди, ухлаб қолибди-да.

— Ул-е, шу кунингга-е! — дея бақиради директоримиз. — Дориланган ғўза ичидаям ухлайсанми-а? Ухлаш учун бошқа жой қуриб қолганми-а?! Ул-е, бор-е, ёт-е!!

Директоримиз Зиёдни кўксидан итариб юборади. Зиёд кети билан гуп этиб тушади.

29

Зиёд шу ётишида қайтиб турмайди.

Эртаси-да турмайди. Индини-да турмайди.

Жойидан қимир этмайди. Кўз очмайди, туз тотмайди.

Мен Зиёдни оғзига чой совутиб тутаман.

— Чой ич, Зиёд ошна, чой ич, — дейман.

Зиёд лабларини олиб қочади.

Зиёд мумсик-мумсик кулимсинади.

Зиёд шундай кулимсинади, шундай кулимсинади — бешикдаги чақалоқдай кулимсинади!

— Туш кўрдим, Деҳқонқул ошна, туш кўрдим,— дея пичирлайди.

— Туш кўрдинг! Нима туш кўрдинг?

— Самолёт кўрдим, масалан.

— Эловрама, Зиёд ошна, эловрама. Сомолётни далада кўриб эдинг.

— Тушимда-да самолёт кўрдим. Деҳқонқул ошна, тушимда-да самолёт кўрдим. Мен тушимда самолёт ҳайдар эмишман, масалан. Ўзимиз пахта тераётган далани айланиб-айланиб ҳайдар эмишман. Болалар менга қўл силкиб-қўл силкиб қўяр эмиш. Мен қўл силкимас эмишман, масалан. Сабаби — қўлларим рулда эмиш-да. Деҳқонқул ошна, қўлларим рулда эмиш. Бор овозим билан ашула айтиб-айтиб самолёт ҳайдар эмишман. Директор кўк кўсак ғўзапоя ўйнатар эмиш... Эй, ичбуруғ, сенга самолёт ҳайдашни ким қўйибди, дер эмиш. Мен парво қилмас эмишман, масалан. Директор энди дағдаға қилар эмиш... Туш самолётдан, дер эмиш. Мен ашула айтиб-айтиб самолёт ҳайдай берар эмишман. Самолётимни айлантириб-айлантириб футбол майдонга қўндирар эмишман. Футбол майдондаи чўнқайиб-чўнқайиб ўтирган бери бешинчи синфни самолётимга миндириб олар эмишман. Мен бешинчи синфни миндириб уйимизга жўнар эмишман, масалан. Директор кетимиздан ғўзапоя ўйнатиб қола берар эмиш...

— Мениям самолётингга миндирасанми, Зиёд ошна?

— Миндираман, Деҳқонқул ошна, миндираман. Фақат директорни миндирмайман. Директор қўл кўтарса-да самолётимга миндирмайман, масалан...

30

Қош қорая бериб-қош қорая бериб, даладан қайтаман.

Ичкари ҳадаҳалайман — Зиёд ошнам ҳолини сўрайин дейман.

Аммо Зиёд ошнам жойида йўқ бўлади.

Ташқариларни айланиб-айланиб қарайман — Зиёд ошнам йўқ бўлади.

Ошпаз қиз ўчоқ бошида ҳиқ-ҳиқ йиғлаб ўтиради.

— Зиёд кетди,— дейди.— Зиёд энди қайтиб келмайди...

Болалар бир бурчакда ғуж бўлиб олади. Нима қилишларини билмайди.

— Нима қилиб турибсизлар?— дейди ошпаз қиз.— Косаларингни олиб келинглар, овқат сузиб бераман.

— Зиёд қани?— дейман.

— Зиёд кетди, деяпман-ку, Зиёд кетди...

— Зиёд қаёққа кетди?

— Зиёд... норасида кетди!

Болалар дувв-дувв йиғлайди. Болалар ҳўнг-ҳўнг йиғлайди.

Йиғламаган бола қолмайди.

Мен бари айбни ўзимдан кўраман.

— Ғўза ичида ухлама, деганимда, Зиёд ошнам кетмас эди...— дея йиғлайман.

31

Бир оёғим тўшакда бўлади, бир оёғим футбол майдонда бўлади.

Шунда, тимирскиланиб-тимирскиланиб юрмиш қизларга кўзим тушади.

Қизлар-да футбол майдонга қатнар бўлибди-да, дея ўйлайман.

Гап-сўзлардан билиб оламан — йўқ... ундай эмас бўлади.

Бугун чин арафа бўлади.

Қизлар бурчак-бурчакларда тўда-тўда бўлиб соч ювади.

Қизлар саҳарда турнақатор далалайди.

Қизлар бир хушрўй бўлади, бир хушрўй бўлади!

Қизлар қошида кўк-кўк ўсма бўлади. Қизлар юзида ялт-ялт мой бўлади. Қизлар либосида бўй-бўй атир бўлади.

Айниқса, ўнинчи синф Зулайҳодан хушбўй-хушбўй атир анқийди.

Мен беихтиёр Зулайҳо кетидан эргашаман. Зулайҳони тўйиб-тўйиб искайман.

Зулайҳо эгат тушади.

Мен Зулайҳо билан иргама-ирға эгат тушаман.

Мен бурнимни Зулайҳо тарафга қаратиб-қаратиб

пахта тераман. Қўлим чаноқда бўлади, бурним Зулайҳода бўлади.

Мен Зулайҳони искаб-искаб пахта тераман!

32

Туш маҳал бир момо эшак миниб келади.

Мен момони дарров танийман — момо Зиёдни онаси бўлади.

Кўнглим бир орзиқиб олади.

Зиёдни онаси эшагидан тушади. Теварак-бошга қарайди. Муаллимларимиз тараф юради.

Зиёдни онаси муаллимлар билан гапиришиб ўтиради.

Физика мени имлайди.

— Момони штабга олиб бор,— дейди.

Мен Зиёдни онаси оёғидан олиб юбораман.

Зиёдни онаси тўқимга жойлашиб ўтириб йўл олади.

Мен эшак қабатида бораман.

Йўлда Зиёдни онаси инқиллаб-инқиллаб боради. Бир оғиз-да гапирмай боради.

Мен эшак ётоқ олди толга қантараман. Зиёдни онасини ётоқ эргаштираман.

Зиёдни онаси ётоққа бир сидра қараб олади.

— Улимниг жойи қаерда?— дейди.

Мен Зиёдни жойини айтаман.

Зиёдни бўхчаси ҳалиям жойида турмиш бўлади.

— Манави бўхчаси,— дейман.

Зиёдни онаси бўхчани олади. Бўхча уёқ-буёғини қарайди.

— Ҳа, шу,— дейди.— Улимники...

Зиёдни онаси бўхчани қўлтиқлаб ташқарилайди.

Зиёдни онаси тол остида бўхчани очади. Ичидан Зиёдни кийим-кечагини олади. Икки тол ораси симга қоқиб-қоқиб ёяди.

Зиёдни онаси соялаб ўтиради. Билакларини тиззаларига қўйиб ўтиради. Зиёдни кийим-кечагига қараб ўтиради.

Зиёдни кийим-кечаги офтобиёрда сарғайиб-сарғайиб туради.

Зиёдни онаси бетини билакларига босади. Зиёдни онаси из-з-из-з йиғлайди. Зиёдни онаси юм-м-юм-м йиғлайди.

Мен Зиёдни онасига қўшилиб йиғлайман.

— Бари айб мендан бўлди,— дейман.— Ғўза ичида ухлама, деганимда, Зиёд ошнам кетмас эди...

Мен кўзларимни қўлим сирти билан артиб-артиб йиғлайман. Мен Зиёдни уст-бошига қараб-қараб йиғлайман.

Шунда, кўз олдим жимир-жимир этади. Жимир-жимирни офтоб зиё деб бўлмайди.

Мен тағин-да яқин бориб қарайман. Кўзларимни артиб-артиб қарайман.

Зиёдни уст-боши ғиж-ғиж... бит бўлади! Тикишлардан бит уради! Йиртиқлардан бит уради! Офтобнёрда ғимир-ғимир этади! Мисоли нур жимирламиш бўлади!

Юзларим лов-лов ёнади — Зиёд учун-да орланаман, ўзим учун-да орланаман!

Боиси — баданимда ғимирламиш битларим Зиёдни битларидан зиёд бўлса бўлади — кам бўлмайди!

Мен юзларимни чет бураман. Мен кўзларимни олиб қочаман.

Зиёдни онаси энди овоз бериб-овоз бериб йиғлайди.

Шунда, штабдан директоримиз чиқиб келади.

— Нима гап, ўртоқлар?— дейди.

Директоримиз Зиёдни онасини кўриб ранги ўчади.

— Бизда нима айб, момо,— дейди директоримиз.— Бизда нима айб. Буни ўз оти ўзи билан пахта фронти деб қўйибди. Фронт қурбонсиз бўлмайди.

Директоримиз Зиёдни онаси елкасига қўлини қўяди.

— Болани ўзи пахта ичида қолибди-да,— дейди директоримиз.— Ким билади, бирон нимага йўлиққанми. Сизлар эскичани яхши биласизлар-ку...

Мен директоримиз кўрмасин дея, Зиёдни уст-бошини симдан тортиб-тортиб оламан. Бўхчага солиб-солиб қўяман.

Директоримиз Зиёдни онасини қишлоғимизга қайтариб жўнатмоқчи бўлади.

Аммо Зиёдни онаси кўнмайди.

— Улим йўлиққан жойни кўрсатинглар!— дейди.

Директоримиз менга имо беради.

— Майли, олиб бор,— дейди.— Кейин, қишлоқ йўлига солиб юбор.

33

Мен Зиёдни онаси оёғидан олиб юбораман.

Ўзим эшак олдида бораман.

Зиёдни онаси Зиёдни йўқлайди.

— Зиёд кетишидан олдин бирон нима демаб эдими?— дейди.

— Деб эди,— дейман.

Зиёдни онаси бирдан сергакланади. Зиёдни онаси таққа нўхтани тортади.

— Нима деб эди?— дейди.— Айт, нима деб эди?

— Деҳқонқул ошна, сени самолётимга миндираман, деб эди.

— Тағин нима деб эди?

— Тағин, директорни самолётимга миндирмайман, деб эди.

Зиёдни онаси зарда билан эшак ниқталайди.

Мен дориланган дала бошида оёқ иламан.

Зиёдни онаси эшагидан имиллаб ерлайди. Ерда серрайиб қолади. Теварак-бош қарайди.

Зиёдни онаси тутлар орасида пайпанглаб аланглайди. Зиёдни онаси ўқариқларда пайпанглаб аланглайди. Зиёдни онаси ғўзалар остида пайпанглаб аланглайди.

— Бу жойни оти нима?— дейди.

— Пахтазор,— дейман.

— Пахтазорда пахтадан бошқа нима бўлмаса, улим нимага йўлиқади?

Зиёдни онаси кафтини пешонаси соябонлаб қарайди. Бирон-бир нима топаманми, дейди — тополмайди.

Зиёдни онаси сукут олиб қулоқ солади. Бирон-бир нима эшитаманми, дейди — эшитолмайди.

Ана шунда Зиёдни онаси пахтазор қараб-пахтазор қараб чақиради:

— Зиёд-у-у-у!

Мен Зиёдни онаси қўлидан тортиб-тортиб йиғлаб қўя бераман.

— Юринг кетамиз, момо!— дейман.— Юринг кетамиз, ҳозир самолёт келади!

Зиёдни онаси гапимни корламайди. Энтикиб-энтикиб чақиради:

— Зиёд-у-у-у!

Зиёдни онаси ўпкаси тўлиб-тўлиб чақиради:

— Зиёд-у-у-у!

Мен бир амаллаб Зиёдни онасини эшакка миндираман. Мен бир амаллаб эшак нўхтасидан етаклаб оламан.

Зиёдни онаси пахтазорга боқиб-боқиб йиғлайди:

— Вой болам-ай, пахтага йўлиққан болам-ай!..

Зиёдни онаси пахтазорга айтиб-айтиб йиғлайди:

— Вой болам-ай, пахта уриб кетган болам-ай!..

ТЎРТИНЧИ БОБ

1

Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда!

Ўйнаб қўяй! Мақолдаи-да ўйнаб қўяй, шу мақолни айтмиш элдан-да ўйнаб қўяй!

Мен далаларимга темиртиш солдим. Далаларимни қирқ сантим ўйиб ҳайдадим.

Қирқ сантимдан чуқури ҳаво кўрмаган ер бўлади. Сув кўрмаган ер бўлади. Ўлик ер бўлади!

Ер чуқур ҳайдалса — ана шу ўлик ер юзалаб-юзалаб қолади.

Ўлик ерда чигит қийғос унмайди. Ўлик ерда ғўза ўз вақтида етилмайди. Ўлик ерда пахта ҳаяллайди.

Мен темиртиш билан далаларимни ёнбошлаб-ёнбошлаб ҳайдадим. Мен темиртиш билан далаларимни палахсалаб-палахсалаб ҳайдадим.

Далаларим ости устун бўлди, далаларим усти остин бўлди.

Далаларимда кўрсичқонлар ўрмалаб чопди. Далаларимда кўрсичқонлар йўрғалаб чопди.

Ҳа, ўйнаб қўяй, бидир-бидир йўрғалашларингдан, ўйнаб қўяй, дедим.

Кўрсичқон ер ковлай беради, ер ковлай беради — далаларимни мулойимлайди-да. Кўрсичқон бир ер ости, бир ер усти бўйлаб бидирлай беради-бидирлай беради — ер ости ҳаво йўлларини очади-да. Кўрсичқон ер остини шамоллатиб-шамоллатиб туради-да.

Шу боисдан кўрсичқон бор дала семиз-семиз келади. Кўрсичқони бор дала унумли-унумли келади.

Далаларим ғимир-ғимир чувалчанг бўлди.

Мен тағин-да хушвақт бўлдим — чувалчанг бор дала даламисан-дала бўлади. Чувалчанг бор дала далалар гултожи бўлади. Чувалчанг бор дала далалар хўрози бўлади!

Боиси — чувалчанг ерда бор бўлмиш жами нимани чиритиб-чиритиб ўғит этади. Чувалчанг ерни қайта-қайта ишлайди. Чувалчанг ерни майин-майин сақлайди.

Далаларимда оппоқ-оппоқ қуртлар-да бўлди.

Темиртиш изидан қарғалар эргашди. Темиртиш изидан қушлар эргашди.

Қарғалар оққурт овлаб еди. Қушлар чувалчанг териб еди.

Мен қарғалар қилмишидан рози бўлдим — оққурт ҳашаротлар онаси бўлади. Катта бўлса, қанот олиб учади.

Қош қорайди.

Мен трактор чироқларини ёндирдим.

Чироқ ёруғида тулкилар қора берди.

Тулкилар темиртиш кетидан эргашди. Тулкилар қўнғиз териб-қўнғиз териб еди.

Тулкилар қаердан келди, қачон келди — унисини ёлғиз товуқлар билди.

2

Уйимизда нимамиздир йўқдай бўлди, уйимизда нимамиздир камдай бўлди.

Бола-бақраларимни қарадим — бари омон-эсон бўлди.

Мол-ҳолларимни санадим — бари тугал бўлди. Товуқларимни санадим — товуқларим-да тугал бўлди.

Унда кимим йўқ бўлди, унда нимам йўқ бўлди?

Мен ўйлаб-ўйлаб топдим — айвонимиз шипида ҳаёт кечирувчи қалдирғочларимиз йўқ бўлди.

Қалдирғочларимиз қаёққа кетмиш бўлди?

Қаёққа бўларди — Афғонистонга-да. Амударё ўнг бети Афғонистон-да. Илиқ юрт оти бўлади — қалдирғочлар юрти бўлади-да.

Қалдирғочлар афғон юртга сафарлабди — куз охирлабди-да.

3

Бир далам юзи оппоқ-оппоқ бўлди.

Бу не бўлди? Эрта тушмиш қор бўлдими ё қиров бўлдими?

Бир вақтлар ана шу далам ғуж-ғуж қамишзор эди. Қирғовулзор эди.

Деновдан беш-олти қур келди. Қурлар ана шу қамишзорни теп-текислади. Пол-поллади. Шолипоя этди.

Қамишзорда шундаям шоли бўлмоқлик қилди, шундаям шоли бўлмоқлик қилди-е! Қурлар ўз шолисини ўзи ташиб ололмай қолди!

Шунда қурлар бизга-да бир халтадан гуруч берди.

Ана шунда қозонимиз гуруч кўргандай бўлди! Ана шунда қорнимиз палов егандай бўлди!

Аммо... катталар қурларни кўп кўрди.

— Ўзбекистон Қурия эмас!— дея дўқлади.

Шу-шу — қурлар қорасини қайтиб кўрсатмади. Шолипоя пахтазор бўлди.

Мен мазкур даламни сувлаб эдим — ер усти суви ер остига қараб сингди-сингди — ер ости суви билан қўшилди. Шунда, ер ости суви тупроқ қил-қил нозик йўлларидан ер бетилаб келди. Ер ости суви ер бетида буғланди-бугланди — ҳаволаб учиб-учиб йўқолди.

Ер бетида ана шу оппоқ-оппоқ тузлар қолди.

Мен ушбу даламни учта полладим. Полларни тизза бўй-тизза бўй марзаладим. Марзаларни бел юзи билан тарс-тарс уриб зичладим.

Полларни айлантириб ариқ қаздим. Ариқ энди бир кетмон энича бўлди. Ариқ чуқурлиги тизза бўйича бўлди.

Учта полни-да лаболаб-лаболаб сувладим. Кўллатиб-кўллатиб сувладим.

Кечаю кундуз пол айландим. Марзалаб бўйлаб-бўйлаб айландим.

Сув марзаларни уриб кета берди-уриб кета берди.

Мен сув уриб кетмиш жойларни кетмон билан битай бердим-битай бердим.

Сув кўллади-кўллади — далам шўрини остига босиб-босиб юбора берди. Далам шўрини ер ўлик қатламига чўктириб-чўктириб юбора берди.

Ер бетида қолмиш шўрни эса сўриб-сўриб ола берди. Оқова сув бўлиб оқиб-оқиб кета берди.

Шўр даламни икки бор ана шундай кўллатиб-кўллатиб сувладим.

Шўр далам шўрдан фориғ бўлди.

4

Далаларим узра мезонлар учмай қолди.

Далаларим узра сокин ҳам ғамгин бир ҳолат чўкди.

Далаларим мудраб-мудраб олди.

Далаларим кўз илиб-кўз илиб олди.

Далаларим уйқуга кетди.

Мен энди далаларимга қўл уришдан тийилдим.

5

Далаларимдан қор ариди.

Узун қиш қорайиб-қорайиб ётмиш далаларим ерранг-ерранг бўлди.

Далаларимда омонат-омонат қотиб ётмиш кесаклар умалиб-умалиб тупроқ бўлди.

Далаларим кўпчиб-кўпчиб қолди.

Далаларим тўлғонди.

Далаларимдан оппоқ-оппоқ ҳовур ҳаволанди. Далаларимдан элас-элас овоз ҳаволанди.

Овоз далаларим остидан келдими ё олислардан келдими — билиб бўлмади.

Далаларим хўрсинди.

Овозда ранг-рўй-да бўлмади, овозда бўй-баст-да бўлмади. Овоз дейин дедим — овозга менгзамади, овоз демайин дедим — овоз шундай пешонамдан келди.

Далаларим энтикди.

Далаларим уйғонди. Далаларим кўз очди.

Далам мени имлади, далам мени чорлади.

6

Бир тонна гўнгга йигирма кило калий аралаштирдим, йигирма кило фосфор арашлатирдим.

Далаларимга сепиб-сепиб ташладим.

Ер — хамир, ўғит — хамиртуруш бўлди.

Далаларимни такрор шудгорладим. Далаларим чет-четлари чала қолмасин учун чорсилаб-чорсилаб шудгорладим.

Шудгор кетидан Дилнавоз солдим.

Дилнавоз — длина базовой гридёр нож — 4, дегич техника. У ер текислайди. Узунлиги ўн қадамни олади. Тўрт оёғи билан тўрт қулочлик кетмони бўлади.

Бундайчикин бир қулоч отни айтиш учун менда тил қани? Бундайчикин отни айтиш учун менда вақт

қани? Бундайчикин отни айтаман дегунимчайин кун кеч бўлади!

Шу боисдан мен уни Дилнавоз, дея атадим.

Мен ана шу Дилнавозим билан шудгорни кўндаланглаб-кўндаланглаб ҳайдадим. Шудгорни белидан қирқиб-белидан қирқиб ҳайдадим.

Дилнавозим билан шудгор ҳаворладим.

7

Қиш оладан, ёз моладан, дейдилар.

Бу демак — қишда ер сувласанг ола қолдирма, кўкламда ер ҳайдасанг бемола қолдирма, демакдир.

Боиси — кўклами шудгордан кейин ер оралари ҳавол-ҳавол бўлиб қолади. Ана шу ҳаволлардан шамол киради-киради — ер нами қочиб қолади. Ер намини сақлаб қолиш учун эса шудгорни бороналаш лозим бўлади.

Мен шудгорни бороналадим.

Далаларим кафтдай-кафтдай бўлди. Далаларим мояк қуйса кўринар бўлди.

Аммо бир боронани ўзи кифоя этмайди. Энди молалаш лозим бўлади. Мола ер намини ост қабатидан уст қабатига кўтариб беради. Мола ер юза кесакларни майдалаб-майдалаб беради.

Мен энди далаларимни молададим.

Далаларим сумалакдай-сумалакдай бўлди.

Жўя олиб экилмиш ғўза ўн-ўн беш кун олдин етилади. Жўя олиб экилмиш ғўза ўн-ўн беш кун олдин очилади. Жўяда униб чиқмиш ғўза офтоб тафтини тез олади.

Шу боис, трактор билан жўя олдим.

Далаларим кокилдай-кокилдай бўлди.

8

Чин, далаларим қиши билан қор сув ичди. Чин, далаларим қиши билан ёмғир сув ичди.

Аммо сув билан сув бор-да. Масалан, ҳовуз сув ғозсиз сув бўлади. Одам ҳовуз сувдан ичса — сув ичгандай бўлмайди.

Одам оқар сувдан ичса — бадани жимир-жимир этади. Бадани яйрайди!

Оқар сувдан мия тўлади. Оқар сувдан мия равшан тортади.

Оқар сувда жон бор-да!

Шу боис, далаларимга яхоб сув бердим.

Жўялардан жилдиратиб-жилдиратиб яхоб сув оқиздим.

Далаларим бир ҳафта яхоб сувлади. Далаларим бир ҳафта захлаб сувлади.

Ана энди далаларим донадор-донадор бўлади. Ана энди далаларим серкесак-серкесак бўлади.

Донадор дала намдор дала бўлади.

Сув ана шу доналар оралаб ер сингади. Ҳаво ана шу доналар оралаб ўтади.

9

Дала кўнгли нозик бўлади — вақт-бевақт оралай берса кўнглига олади.

Дала феъли инжиқ бўлади — бот-бот трактор сола берса айниб қолади.

Дала тепкиланиб қолади. Дала зичланиб қолади. Дала тош-метин бўлиб қолади.

Даладан тирик мавжудотлар қочади. Қочолмай қолмиш мавжудотлар ўлиб-ўлиб қолади.

Оқибат — ғўза эмин-эркин илдиз отмайди. Ғўза ором-ором ўсмайди.

Мен далаларимдан оёғимни тортдим.

10

Тукли чигит бўлади, туксиз чигит бўлади.

Туксиз чигит бўлали-бўлали бўлади. Туксиз чигит залворли-залворли бўлади.

Туксиз чигит бехато олади, туксиз чигит бехато кўкаради.

Далаларим учун ана шу туксиз уруғ чигит келди.

Мен омборимни шамоллатдим. Дорилаб ювдим. Оҳак билан оқладим.

Омборимга тахта тўшадим. Тахта устига чигит ёйдим.

Мен бош-адоқ танапўш кийдим. Резина этик кийдим. Қўлқоп кийдим. Кўзойнак тақдим.

Уруғ чигитни ҳовуз солдим. Формалин дегич қуруқ дори билан дориладим.

Бадбўйдан-бадбўй доридан ўкчиб-ўкчиб олдим.

Шийпон олдида бир қарич қалин ёйдим. Устидан пуркагичда сув сепдим. Ёғоч курак билан остин-устун ағдардим. Бетиним сувладим.

Уруғ чигит сувдан тўйди.

Ивитилмиш чигитни тизза бўй тўпладим. Тағин сувладим.

Чигит томирига илдизкана киради. Томирни ейди-ейди — эгри-бугри яра этади. Чигит қорамтир-қорамтир бўлиб қолади.

Бундай чигит кўкармайди.

Ана шу илдизканани даф этиш учун чигитни гексахлоран билан дорниладим.

Чигит униб қолмасин дея, шамоллатиб-шамоллатиб олдим.

11

Трактор кетига тўрт қутилик уруғсепгич тақдим.

Бир қутига ўн беш килодан чигит солдим.

Бир вақтлар чигит билан гербицид аралаштирдим. Чигит ер кўрди — айни вақтда чигит билан гербицид-да ер кўрди.

Хлорфенидим дегич оч кулранг гербицид бир-икки паллали бегона ўтни ўн-ўн беш кун ер остида босиб турди. Дихлорфенидим дегич кулранг гербицид кўп паллали бегона ўтни ўн-ўн беш кун ер остида бош кўтартирмай турди.

Гербицид ер остида бир ярим ойча турди — аммо бегона ўтни тамоман йўқотолмади.

Ёмондан-ёмони — гербицид бегона ўт билан баробар ўн-ўн беш кун чигитни-да ундирмай турди. Гербицид пахтани ўн-ўн беш кун ҳаяллатди.

Шу боис, мен энди гербицид баҳридан ўтдим.

Катталардан лалми-лалми дўқлар эшитдим.

Аммо гапимни қайтиб олмадим.

12

Ҳаво билан ер ҳарорати ўн даражадан остида чигит бўртади — аммо кўкармайди. Чигит бўртик-бўртиклигича чириб тамом бўлади.

Ҳарорат ўн икки-ўн тўртда чигит экса бўлади.

Айни кунлар ана шундай кунлар бўлди!

Чин, далаларимда ҳарорат ўлчагичим бўлмади. Ҳарорат ўлчагичга куним-да қолмади.

Мен далаларим ҳароратини вужуд-вужудим билан билдим. Мен далаларим ҳароратини тан-жоним билан туйдим.

Мен далаларим ҳароратини ердан бир ҳовуч тупроқ олиб билдим.

Вужуд-вужудларим айтди, кафт-кафтларим айтди: ана энди эк, деди. Бугундан ҳаялласанг — дала

бети қуриб қолади, деди. Сўғин, чигит кеч униб чиқади, деди. Ундан сўғин, кўкартириш учун чигит сув бериш лозим бўлади, деди. Унда-да сўғин, чигит сув далани қотириб ташлайди, деди. Оқибат — чигит ёппа барака униб чиқмайди, деди. Ёмондан-ёмони — кеч экилмиш чигит камҳосил бўлади, деди.

Мен тракторни дала ўнгардим.

Уч сантимдан саёз чигит экиб бўлмайди. Далабет дарров нам олдиради. Чигит намсиз бетда қолади. Ҳадеганда кўкара бермайди. Кўкарса-да — ёппа барака кўкармайди. Битта-битта кўкаради. Оқибат — ғўза сийрак-сийрак бўлиб қолади.

Беш сантимдан чуқур-да экиб бўлмайди. Беш сантим чуқурга ҳарорат етмайди. Беш сантим чуқур оҳиста-оҳиста қизийди. Оқибат чигит-да оҳиста-оҳиста унади.

Беш сантим чуқурни ёриб чиқиш — чигит учун ит азоб бўлади!

Шу боис, мен тўрт сантим чуқурликда чигит экдим.

Бир қадам пуштага йигирма-йигирма бештадан чигит тушди.

Чигит нима учун билониҳоя-билониҳоя тушди?

Масалан, йил серёмғир келди. Дала сернам келди.

Бир-иккита чигит сернам даладан бўртиб чиқолмайди. Бир-иккита чигит сернам даладан ёриб чиқолмайди. Чигит қуввати етмайди.

Ер оғир-да, ер оғир.

Масалан, зил-замбилни бир-иккита одам кўтаролладими? Кўтаролмайди. Кўпчилик бўлса — даст кўтаради.

Чигит-да шундай-да! Чигит билониҳоя бўлса — ерни даст кўтаради. Чигит билониҳоя бўлса — ерни қувват билан ёриб чиқади.

Далаларимни чигит дори иси босди.

Мен ўқчиб-ўқчиб чигит экдим.

13

Дарвозамиздан ичкарилаб эдим — Ойсулув қизимиз пешвоз чопиб келди.

— Ота, суюнчи беринг, қалдирғочларимиз келди! — деди.

Даҳлизимиз шипига назар солдим — чини билан

нида бир қалдирғоч бўлди. Тағин иккита қалдирғоч шиплар аро учиб юрди.

Кўзим қувонди.

— Уйнаб қўяй, ўйнаб қўяй...— дея пичирладим.

Қалдирғочлар чиндан-да ўзимизни қалдирғочлармн ё бегонами, дея синчиклаб-синчиклаб қарадим.

Қалдирғочларда улги-да бўлмади, тамға-да бўлмади.

Чин-да — қалдирғочлар кийим киймайдилар. Қалдирғочлар сўйламайдилар. Қалдирғочлар кулмайдилар.

Шундай бўлса-да, мен ич-ичимдан туйдим: уйимизни топиб келибди — ўзимизни қалдирғочлар бўлади-да.

Қалдирғочларимиз бошимиз узра учди. Чархчарх учди. Гир-гир учди.

Қалдирғочларимиз инларида қатор бўлиб ўтирди. Қалдирғочларимиз бизга мўралаб-мўралаб ўтирди. Қалдирғочларимиз бизга мўлт-мўлт ўтирди.

Мен ташқарилаётиб эдим — бир қалдирғочимиз бошим узра чирқ-чирқ айланди. Қалдирғоч қанотлари телпагимга тега-тега айланди.

Қалдирғочимиз мен билан салом-алик қилди-ёв!

Қалдирғоч қанотлар ҳавоси пешонамни силабсийпаб айланди.

Қалдирғочимиз мен билан ўпишиб-ўпишиб кўришди-ёв!

Мен кула-кула кўзларимни чирт юмдим. Мен кула-кула бетларимни чет бурдим.

— Хуш кўрдик, жониворлар, хуш кўрдик!— дедим.

14

Далаларимга вакил келар бўлди.

— Элбурутдан вакилга пишириб қўйибдими,— дедим.— Ҳали чигит экиб бўлмаган бўлсак.

— Энди, хўжалигимиз гуллаб-яшнайди!— деди раиснмиз.— Район вакили ўзимиздан бўлди.

— Қани, эшитайлик, қани?— дедим.

— Ўрток Клара Ходжаевна район партия комитети учинчи секретари бўлдилар. Айни вақтда хўжалигимизга вакила этиб тайинландилар.

— У киши ўзимиздаими?— дедим.

— Ўзимиздан-да. Мактаб директори бор эди-ку, ўша директорни қизлари-да.

— Э, ҳа, бўлди!— дедим.— Раҳматлик мактаб директоримизни фарзандлари-да?

— Ҳа-а, каллангиздан! Ана ўша мактаб директорини қизлари!

— Раҳматлик мактаб директоримизни қизлари кўп эди, қайси бири бўлди?

— Ўртоқ Клара Ходжаевна! Роза Ходжаевна обкомда ишлаяптилар!

— Бўлди-бўлди, — дедим. — Эгизаклар-а? Эсладим-эсладим.

Раисимиз шийпон олдини саранжом-саришталатди.

— Эшаклар кўздан панага олинсин!— деди.

Деҳқонларимиз эшакларнни Жарариққа бойлаб келди.

Самад бобо қирчанғи отини етаклаётиб эди, раисимиз ўнг қўлини кўтарди.

— От турсин! От — маданий ҳайвон!— деди.

15

Шийпонимиз олдида машиналар қатор бўлди.

Олд машинадан бир аёл тушди.

Аёл келишимли-келишимли бўлди. Аёл турмаксоч-турмаксоч бўлди.

Аёл турмаксочлари қалдирғочларимиз уясидай-уясидай бўлди.

Аёл шийпонимиз теварак-бошига қараб-қараб олди.

— Нормално, нормално!— деди.

Аёл қўл узатиб кўришди-кўришди — мен билан муқобил бўлди.

Мен аёлни қизим-қизим, дейин дедим — катта одамни қизим дейиш учун тилим бўлмади.

Мен аёл отига хон ё гул қўшиб айтайин, дедим — фарғоначи бўлмадим.

Бўлдим-бўлдим, сурхони бўлдим — байча дейинда.

— Қани, ё, бисмилло!— дея қўшқўллаб кўришдим.— Омонгинамисиз, Кларабайча? Вақтигинангиз хушми, Кларабайча? Ўйнаб-кулибгина юрибсизми, Кларабайча?..

— Нима-нима?

— Кларабайча?

Аёл лаб бурди. Аёл қош керди.

— Байча? Какая байча?— деди.— Мен Клара Ходжаевнаман!

Мен нима дейишимни билмадим. Мен кўз остимдан раисимизга қарадим.

Раисимиз узр сўра, дея қўлини кўксига қўйиб ишора берди.

Мен дарров ўнг қўлимни кўксимга қўйдим.

— Тавба қилдим,— дедим.

Аёл ана шунда юзимга тикилиб қаради.

Аёл сергакланди. Аёл қизариб-бўзарди. Аёл... ирганди!

Аёл кўзларини олиб қочди. Аёл далалар узра разм солди. Аёл оҳиста-оҳиста бош ирғади.

— Ўртоқ раис?..— дея мажнунтоллар тараф йўл олди.

Раисимиз лаббайгўй бўлиб-лаббайгўй бўлиб борди.

Аёл мажнунтоллар остида одимлади.

Раисимиз аёл кетроғида одимлади. Аёл оғзига қараб-қараб одимлади.

Тағин, катталар чақирса эшитмай қолмайин дея, мажнунтоллар ортидан бориб турдим. Катталар йўталса бўлди — чопқиллаб бораман дея, қулоғимни динг этиб турдим.

— Машъал бригадирингиз шуми, ўртоқ раис?— деди аёл.

— Шул-шул,— деди раисимиз.— Деҳқонқул шул!

— Деҳқонқул... классический от! Лекин шу...

— Чин, пича ўқимаган, чин.

— Гап ўқишда эмас, ўртоқ раис. Юқоридан партия-ҳукумат арбоблари ташриф буюриб, илғор пахтакорингизни кўрсатинг деса, қандай қилиб кўрсатамиз?

— Кўрсата берамиз, нима қипти?

— Институтда эстетикадан неча баҳо олгансиз? Тўғри, аввало меҳнат. Лекин меҳнат ўз йўлига. Илғор пахтакор учун ташқи кўриниш ҳам керак. Илғор пахтакор партия-совет арбоблари билан қўл олиб-қўл беради. Илғор пахтакор мажлисларда, матбуотда чиқишлар қилади. Бу кўриниш билан қандай қилиб чиқиш қилади?

— Бет-боши туппа-тузук-ку, Клара Ходжаевна?

— Илғор пахтакорингиз бетидан бузилган песку? Кўнглимни айнитиб юборди-я!..

Раисимиз... бет-бошимни оқлади.

16

Ўзбекистон ўз оти ўзи билан жануб бўлди.

Бизнинг Сурхон жанубни жануби бўлди.

Сурхон жазирамаси жазирамани жазирамаси бўлди.

Сурхон саратони саратонни саратони бўлди.

Тошкент радиосида ҳарорат ўттиз бўлди, бизнинг Сурхонда қирқ бўлди.

Тошкент ойнаижаҳонида ҳарорат қирқ бўлди, бизнинг Сурхонда эллик беш бўлди.

Сурхон саратони кўз очирмади. Сурхон саратони киприк қоқтирмади.

Кўз очмаса, тағин бўлмади — ғўза қараб турмади!

Ғўза кун санади! Ғўза учун ҳар бир кун ғанимат бўлди.

Мен кўзларимни қизиб-қисиб кетмон чопдим. Мен кўзларимни қисиб-қисиб ғўза ўтоқладим. Мен кўзларимни қисиб-қисиб пахта тердим.

Жазирама жингиртоб-жингиртоб қафсига олди.

Мен бор ҳол-қувватим билан кўз қисдим. Мен бор диққат-эътиборим билан кўз қисдим. Мен бор ақл-фаросатим билан кўз қисдим.

Шунда, пешонамда чуқур-чуқур ажинлар чизиқ тортди. Шунда, ёноқларимда узун-узун ажинлар чизиқ тортди. Шунда, лабларимда майда-майда ажинлар чизиқ тортди.

Бутун бет-бошим бижи-бижи ажин бўлди. Бутун бет-бошим ғуж-ғуж ажин бўлди.

Бет-бошим бет-бош бўлмади — дарз-дарз ер бўлди. Бет-бошим бет-бош бўлмади — қақроқ-қақроқ ер бўлди. Бет-бошим бет-бош бўлмади — шўр-шўр ер бўлди!

Мен қирқ даража саратондан ана шу ажинларим остида кун кўрдим. Мен эллик даража жазирамадан ана шу ажинларим остида жон омонладим.

Мен чилла дея аталмиш дўзахдан ана шу ажинларим остида жон ҳовучладим.

Саратон куйдира берди-куйдира берди — ўлмаган ана шу ажинларим бўлди.

Мен соя-салқинда бет-бошимни бўш-бўш қўйдим. Мен соя-салқинда кўзларимни эмин-эмин очдим.

Ана шунда қоп-қора ажинларим ёйилди. Ана шунда қоп-қора ажинларим остида тилим-тилим йўллар кўриниш берди. Ана шунда қоп-қора ажинларим остида тарам-тарам йўллар кўриниш берди. Ана шунда қоп-қора ажинларим остида ҳалқа-ҳалқа йўллар кўриниш берди. Тилим-тилим йўллар қизғиш-қизғиш бўлди. Тарам-тарам йўллар оқиш-оқиш бўлди. Ҳалқа-ҳалқа йўллар оқимтил-оқимтил бўлди.

Илк бор кўрмиш одам бетидан бузилибди, дея ўйлади...

17

Аёл билан раисимиз олдин-кетин қайтиб келди.

— Молодец, машъал бригадир!— деди аёл.— Партия-ҳукуматимизга ана шундай қуёшда тобланган пахтакорлар керак!

— Қуллуқ,— дедим.

— Бизга қандай хизматлар бор?

— Хизмат йўқ. Бари нима тўкин-сочин.

— Ишларингизга муваффақият тилайман!

— Тагин бир қуллуқ.

Аёл далаларимни қаради. Оқтупроқ далам экувсиз эканини билиб қолди.

— Нега ҳозиргача чигит экилмаган?— деди.

Раисимиз қириниб йўталди. Баён этиш учун шайланди. Яна-тағин менга қаради — ўзинг айт, деган бўлди.

Мен нима дейин?

Раҳматлик мактаб директоримизни қизгинаси, чин, оқтупроқ далам экувсиз ётибди, бонси — қуриб-қақшаб ётибди, оппоқ чангиб ётибди, дейинми? Оқтупроқ далам мироб марҳаматини қараб ётибди, дейинми?

Мен миқ этмайин қараб тура бердим.

— Маза йўқ-ку, машъал бригадир?— деди аёл.

Энди нима дейин?

Ўйнаб қўяй, раҳматлик мактаб директоримизни қизгинаси, ўйнаб қўяй, оқтупроқ даламга айни шу ҳолида чигит экайин — чигитим унмайди, дейинми? Чигитим унса-да, уч-тўрт кўсакликкина нимжон ғўза бўлади, ҳосили бир теримдан ортмайди, дейинми?

— Бу даламиз оқтупроқ дала...— дедим.

Ўйнаб қўяй, қалдирғочуя турмаккинангиздан ўй-

наб қўяй, мироб олдин сув берсин, мен олдин оқтупроқ даламни сувлайин, кейин тоблайин — ана ундан кейин экайин, дейинми?

— О, тем более, оқтупроқ!— деди аёл.

— Шундай, шундай,— дедим.

— Оқтупроқ ерга биринчи бўлиб экиш керак! Экканда ҳам тиғиз экиш керак! Тўғрими, ўртоқлар?

— Доно фикр!— деди раисимиз.— Ҳикматли гап!

Мен нима дейишимни билмадим — тилим айланмай қолди.

Аёл ўнг қўл оппоқ қўлқопини суғурди. Ерга қўл узатди.

— Қани, кўрайлик-чи,— деди.

Аёл бир сиқим тупроқ олди. Юзлари олдига олиб келди. Синчиклаб тикилди.

— О, машъал бригадир!— деди.— Бу ер эмас асал, асал! Шундай асал ерни куттириб ўтирибсиз-а Яхши эмас, машъал бригадир, яхши эмас.

— Экамиз, экамиз,— дедим.

— Экинг, кечиктирмай экинг! Анави турган трактор чигит экадими? Ўшани тез буёққа олиб келинг!

Мен энди нима дейин?

Ўйнаб қўяй, қалдирғочуя турмаккинангиздан ўйнаб қўяй, анави оппоққина кафтингиздаги ер эмас, у бир чанг, ғўза чангда кўкармайди, ғўза ерда кўкаради, дейинми?

Мени ҳамиша далаларим қўллайди. Мени ҳамиша далаларим қувватлайди. Мени ҳамиша далаларим ёқлайди.

Бу сафар-да далаларим қўллади: аёл оқтупроқни ташлаб эди — оқтупроқ деярли ерга тушмади! Оқтупроқ чангиб-чангиб учди!

Аёл бет бурди. Аёл бет ўгирди.

— Фу-у!..— дея кафти билан чанг қувди.

Раисимиз тирсагимдан чет тортди.

— Чопинг, тракторни олиб келинг,— дея шивирлади.

Мен кетимга қараб-қараб йўл олдим. Мен умидланиб-умидланиб йўл олдим.

Аёл, майли, қўя беринг, дейдимикин, дея умидландим.

Трактордан садо чиқди — аёлдан садо чиқмади.

Оқтупроқ даламга трактор солдим.

Аёл трактор кетидан мамнун-мамнун бош ирғаб қаради.

18

Намозшомда раисимиз дарвозасини олиб турдим. Раисимиз келди. Раисимиз билан ароқ ҳиди-да келди.

— Шефни жўнатдим,— деди раисимиз.— Клара Ходжаевнани жўнатдим. Қани, бундайчикин турибсиз?

— Оқтупроқ далани нима қиламиз, раис бова?— дедим.

— Нима қилардингиз — экинг! Шеф айтди — экинг!

— Эккан билан...

— Биламан! Лекин райком секретари оғзидан чиққан гап — қонун-да!

— Меҳнат қилган кираси эмас-да?

— Биламан! Лекин райком секретари буйруқ берди-да! Экмай кўринг — эрта-индин райкомга устимиздан юмалоқ хат тушади!

Мени-да аёл зоти бино этди. Болхин теримчи онамиз айбимдан ўтсин — аёл аралашмиш иш расвои радди бало бўлади.

Мени-да аёлим бор — у бир этак фарзанд туғиб берди. Бир этак фарзандларим онаси бўлмиш аёлимиз, мен учун қўли косов аёлимиз, мен учун сочи супурги аёлимиз айбимдан ўтсин — аёл аралашмиш иш очиқ мозор бўлади.

Мени-да қизларим бор, қизларим гуноҳимдан ўтсинлар — аёл аралашмиш сиёсат юрт шўри бўлади, аёл аралашмиш сиёсат эл шўри бўлади.

19

Саккиз кун қарадим, тўққиз кун қарадим, ўн кун қарадим — қани энди, оқтупроқ даламда чигит бўртса, қани энди оқтупроқ даламда чигит уч берса.

Оқтупроқ далам кал калладай ялтираб тура берди.

Охири тоқатим тоқ бўлди — оқтупроқ даламни буздим.

Оқтупроқ даламни сувладим. Оқтупроқ даламни тобладим.

Қайта экдим.

20

Шу-шу — вакила аёл бир оёғи далаларимда бўлди.

— Ўзи, шу пошикастани касби нима? — дедим.

— Идеология! — деди раисимиз.

Шундан буён раҳматлик мактаб директоримизни қизини Идеология дегич бўлдим.

21

Тоғ чўққилари узра кўмир-кўмир булут тошди.

Далаларим бошида кўмир булут тугул оппоқ булут-да бўлмади.

Мен кўнглимни тўқлаб уйга келдим.

Кечаси бир маҳал момақалдироқ гулдуради.

Мен ташқарилаб қарадим.

Қиблагоҳда сим-сим яшин ёнди. Кўндаланг ёнди. Тикка ёнди.

Шаррос-шаррос ёмғир ёғди.

Мен қўлимга хитойи фонаримни олдим. Елкамга кетмонимни олдим. Жарариқ йўл олдим.

Жарариқ тўлиб сел оқди. Тошиб-тошиб оқди.

Мен дала бошини қарадим. Этларим бир увишиб олди.

Сел Жарарикдан тошди. Сел дала ариққа ўтди. Сел ариқ қулоғини олди. Сел далаларим оралаб оқди.

Мен этикларимни суғурдим. Чолворимни липпа урдим. Сел ораладим.

Шу теваракда кесак бўлдими, тош бўлдими — қулоққа олиб келиб босдим. Трактор темирларини олиб келиб босдим.

Сел барини ювиб-ювиб оқди.

Мен кетмон билан чим ўйиб-чим ўйиб босдим — сел чимларни-да ювиб оқди.

Тан-жоним тер бўлди. Ўнгирим билан бет артдим, Энтикиб нафас олдим.

— Бор-е! — дея кетмонимни отиб юбордим.

Селга қараб ўтирдим. Сел остида қолажак далаларим кўз олдимга келди.

Мен иштончан бўлдим. Кўзимни чирт юмиб селга оёқ солдим.

Сел яхдай-яхдай бўлди.

Мен қулоқда тикка туриб сел балогардон бўлдим.

Сел белимга урди. Сел кўкрагимга урди.

Мен қулоч ёйиб-ёйиб сел балогардон бўлдим.

Сел дала ариққа деярли ўтмай қолди.

Сел ёғоч оқизиб келди — ёғоч кўкрагимга тегиб-тегмай ўтди. Сел шохча оқизиб келди — шохча кўкрагимга тегиб-тегиб ўтди.

Тан-жоним яхлади. Суякларим қақшади. Тишларим тик-тик этди.

Бир маҳал тиззаларимга зилдай бир нима келиб урилди. Зил нима тиззаларимдан оёқларим юзига тушди. Оёқларим юзида оқмай қолди.

Оёқларим бир оғриди, бир оғриди!

Бақирайин дея оғиз очдим — овозим чиқмади.

Оёқларим бировини қўйиб бировини тортдим — зил нима остидан тортиб ололмадим.

Оёқ панжаларим танам учун бегона бўлиб туюлди. Панжаларимни қимирлатдим — панжаларим-да қимирламади.

Бошим айланди. Кўнглим озди. Кўзим тинди...

22

Кўзларимни очдим — бошимда оппоқ кийимлик қизгина ўтирди.

— Эб-ей, қаерга келиб қолдим, эб-ей!— дедим.

Адоғимда онамиз ўтирди.

— Очиқ мозорга келиб қолдинг!— деди онамиз.— Очиқ лаҳадга келиб қолдинг!

Идеология билан раисимиз кириб келди.

— Нима бўпти, Болхин момо?— деди раисимиз.

— Нима бўлгич эди, ана, кўргилигини кўриб ётибди!— деди онамиз.— Эл-халқ азонда Жарариқ адоғидан топиб олибди. Мундай қарасалар, балчиқда бир мурда ётган эмиш.

— Ана қаҳрамон, мана қаҳрамон!— деди раисимиз.

— Матросов!— дея хитобланди Идеология.— Замонамиз Матросови! Бундай қаҳрамонлар билан коммунизм қурса бўлади!

Онамиз енги учи билан оғзини ушлаб йиғламсиради.

— Селда-да ақл йўқ экан-да,— деди онамиз.— Биратўла очиқ мозорга олиб бориб ташламабди-да!

— Ундай демаиг-е, Болхин момо!— деди раиси-

миз.— Деҳқонқул ака табиий офат билан қаҳрамонларча олишган!

— Э, қирилиб қирғинни олдидан кетсин, бундайчикин қаҳрамон!

— Ўртоқ Жамолиддинов табиий офатни кўкси билан тўсиб, Матросов жасоратини такрорлаган!— деди Идеология.

— Э, кафанини бичайин, бундайчикин Матросовни, кафангинасини бичайин!

— Бақирманг-е, эна...— дедим.

— Бақираман!— шанғиллади онамиз.— Ўлиб кетсанг, бола-бақрангни ким боқади?!

— Уф-ф, эна...

— Ҳа, фотиҳангга борайин, сендайчикин Матросовни, фотиҳагинангга борайин!

— Ҳа энди, пахта учун-да, Болхин момо, пахта учун!— деди раисимиз.

— Ҳа, пахталаринг қиёмат кетсин-а, пахталаринг қиёматгина кетсин-а! Мен пахта деб нима бўлдим? Бир беланги бўлдим! Улапам ўттиз сўм пенсия бўлди!

— Сиз сиёсий хато қилмоқдасиз, момай!— деди Идеология.— Социалистик системамизнинг энг буюк афзаллиги шундаки, у меҳнаткашларни ўз тақдирининг хўжайини қилиб қўйиш билан, инсоният тарихида биринчи марта оддий инсонни мисли кўрилмаган юксакликка кўтарди, капиталистик қуллик системаси эзиб келган миллион-миллион кишиларни актив ижодий фаолиятга жалб этди!..

— Эътибор берманг, Клара Ходжаевна,— деди раисимиз.— Момолар ўқимаган-да.

— Сиз момайлар гапига қулоқ солманг, ўртоқ Жамолиддинов!— деди Идеология.— Меҳнатни ижтимоий иш деб, давлат аҳамиятига эга бўлган иш деб, шарафли иш деб билиш, меҳнат унумдорлигини тинмай ошириш, социалистик мулкни авайлаб-асраш, совет кишисининг онглилигини, унинг олижаноб маънавий қиёфасини, унинг коммунизм ишига содиқлигини кўрсатувчи энг асосий фазилатдир, меҳнатни менсимаслик, паразитизм жамиятга зид ҳодисадир, одамнинг одам томонидан эксплуатация қилиниши тамомила йўқотилган ва меҳнат ўзи учун қилинадиган, ўз бахти учун, ҳамманинг бахт-саодати учун, социалистик жамият фойдасига қилинадиган меҳнат бўлиб қолган социализм шароитида эса бу ҳол халқ-

қа бутунлай зид ҳолдир, бизнинг жамиятимизда текинхўрлар ва дангасаларга ўрин бўлмаслиги керак!..

Даволандим-даволандим — бинойидай туриб кетдим.

23

Мўлт-мўлт дала қарадим.

Жўялар сарғиш-сарғиш сел бўлди. Жўялар сақич-сақич сел бўлди.

Далаларимни юмшатайин дедим — жўялар ҳали лойқа бўлди. Далаларимни юмшатмайин дедим — лойқа қотиб қолар бўлди.

Лойқа қотса ёмон қотади. Дала қатқалоқ бўлади. Дала тош-метин бўлади.

Ичимни ит тирнади. Даламдан кўз узмадим.

Далаларим дарз-дарз ёрилди. Далаларим сарғайди.

Мен далаларимга трактор солдим.

Далаларим кафтдай-кафтдай кўчди. Далаларим муштдай-муштдай кўчди. Далаларим тошдай-тошдай кўчди.

Шунда, пушталар бўртиб-бўртиб қолди. Шунда майсалар уч бериб-уч бериб қолди.

24

Кунботар тарафдан элас-элас гулдурос келди.

Кунботарда қоп-қора булут сузди. Кун булутда қолди. Беш тийинлик сариқ танга мисол қолди.

Булут кўпириб тошди. Булут кўпириб қорайди. Булут тоғни қоплади.

Азим-азим тоғдан ёнғоқдай чўққи-да қолмади.

Булут ичра айқаш-айқаш нур ялт этди. Булут бағрини ёруғ-ёруғ йўллар тилди — тоғда ёмғир ёғди.

Булут тоғдан энди. Булут қоялади. Булут қирлади. Булут адирлади. Булут далалаб келди.

Дим-дим сукунат бўлди.

Дарахтлар тош қотди. Чумчуқлар ичига бўйин тортди.

Тоғ тарафдан фавқулодда шамол турди. Шамол мўрт дарахтлар баргини дув тўкди. Шамол тол шохчаларни қирс-қирс синдирди.

Дона-дона ёмғир томчилади.

Далаларим чўтир-чўтир бўлди. Кийимларим нуқта-нуқта бўлди.

Булут шарр-шарр ёғди.

Далаларим чангиб-чангиб қолди. Далаларимдан ёппа барака чанг ўрлади.

Ҳаводан ер ҳиди келди.

Булут энди жала ёғди.

Қиялаб-қиялаб жала ёғди. Нўхатдай-нўхатдай жала ёғди. Муздай-муздай жала ёғди.

Эндигина ниш урмиш ғўзани нимаси бўлади? Бировгина ёлғиз барги бўлади!

Жала ана шу ёлғиз баргни уриб кетди.

Норасида ғўзани нимаси бўлади? Игнадай танаси бўлади!

Жала ана шу игна танани уриб кетди.

Норасида болани ўзидан олдин қулоғи кўринади. Шу норасидани қулоқ-чаккасига тарсиллатиб уриб бўладими? Кўкрагида имони бор одам норасидани урадими?

Норасида ғўза-да мисоли норасида — ўзидан олдин қулоқ-барги кўринади.

Ҳаво нима учун ана шу норасида ғўзаларимни ертепкилайди? Ҳаво нима учун ана шу норасидаларимни ерпоймоллайди?

Шундай вақтда яратганни ўзига-да ҳа, демайман.

Уйнаб қўяй, нотанти-нотанти қилиқларингдан ўйнаб қўяй, дейман.

25

Далаларим селгиди.

Баллоноёқ трактор селги далани қотириб-қотириб ташлайди.

Занжироёқ трактор селги далани қотирмайди. Занжироёқ трактор занжирини тўшаб-тўшаб юради-да.

Мен занжироёқ тракторга кетма-кет учта «Зигзаг» сихмола уладим.

Далаларимга «Зигзаг» сихмола солдим. Далаларимни энлатиб-энлатиб сихмола солдим. Далаларимни бўйлатиб-бўйлатиб сихмола солдим.

Сихмола кесакларни майдалади. Сихмола ғадир-будурларни текислади.

Далаларим тобга келди.

Далаларимга судрама арава солдим.

Олти ғўлалик судрама арава эзилмайман дегич кесакларни-да эзди. Бармоқдай-бармоқдай ўнта тиш-

лик судрама арава кетмаймаи дегич қатқалоқларнида кетказди. Бир қулочлик йўғон-йўғон судрама арава далалар бетини равон-равонлади.

Далаларим қиёмга келди.

Сихмола тегмай қолмиш чет-четларни кетмон билан ҳаворладим.

Судрама арава тегмай қолмиш бурчак-бурчакларии хаскаш билан равонладим.

Далаларим қуйруқдай-қуйруқдай бўлди.

Иккинчи бор чигит экдим.

26

Ай, бир аёлимиз бор-да, ай, бир аёлимиз бор-да!

Бир вақтлар суқсурдай-суқсурдай қиз эди! Бир вақтлар чиккабел-чиккабел қиз эди!

Мен кўнглим кетиб-кўнглим кетиб совчи қўйиб эдим.

Минг қилса-да, холамизин қизи-да — дарров ҳа, дея қолиб эди.

Мен мана бундай тўйнома тарқатиб-тарқатиб тўй қилиб эдим:

> Атиргул ҳидлари оламга кетди,
> Қувноқ ёшлигимиз вояга етди.
> Ҳатто тенгдир бўйимиз бўйга,
> Сизларни таклиф этамиз тўйга!

Тўйимиздан буён аёлимиз уни олиб бер-буни олиб бер, демайди. Деса-да, бировии олдида демайди.

Тўшакда айтади! Қўйнимга кириб айтади!

Олдин, силаб-сийпалайди. Сўғин, суйиб-эркалайди.

— Ў-ўй, жуҳуди атлас олиб берсин,— дейди.

— Жуҳуди атлас отлиққа йўғ-у.

— Бор экан. Чори мудир Душанбадан олиб келибди. Уйида яшириб сотаётган эмиш.

— Бир жўраси қанчадан экан?

— Бир жўра атлас икки юз сўм экан.

— Ўҳ-ў-ў...

— Кўп энтикмасин, атлас қўлда ўзи шунча туради. Раис аёлига олиб берибди.

— Раис ўз оти ўзи билан раис-да. Мен бир деҳқон бўлсам.

— Бу киши кимдан кам? Бригадир дегич оти бор. Бир жўра атласни кучай олмаса, бригадир бўп нима қилиб юрибди?

— Уйнаб қўяй, бригадир дегич отдан, ўйнаб қўяй. Бригадир бир деҳқон-да.

— Шу, раисни аёли жуҳуди атлас киядиган аёлми? Бети қоп-қора — оташкуракдай! Шугина жуҳуди атлас кийганда, менга нима қилибди?

— Бўлди, кўп ғингшима, болалар уйғониб кетади.

— Олиб бермаса, олиб бермасин!..

Аёлимиз шундай дея, чаппа бурилиб олди.

Бундай вақтда йўқ деб бўладими?..

27

Эртаси идора бордим.

— Икки юз сўм...

Қассир бетимга қайрилиб-да боқмади. Қассир чўтдан кўз олмади.

— Пул йўқ! — дея шиқ-шиқ чўт қоқди.

— Жуда зарил эди.

— Шу, ўқимаганлигингга борасан-да, Деҳқонқул. Пул йўқ деяпман-ку, Мана, ишонмасанг пўлат сандиққа қара. Пўлат сандиқда пул бўлмагандан кейин, қаердан бераман?

— Бутун бир бошли колхозда-я.

— Бутун бошли колхозда пул заводи йўқ, Деҳқонқул, пулни давлат беради. Давлат эса пул бермаяпти. Чеканка вақтида берамиз, деяпти.

— Чеканка? Чеканкани пулга нима дахли бор?

— Уқимагансан-да, Деҳқонқул, ўқимагансан. Ҳозир далада иш қўқиган вақт. Давлат ҳозир пул берса, колхозчи кам-кўстимни тузатайин деб, бозорма-бозор чопади. Далада иш қолиб кетади. Чеканка вақтида эса чеканкадан бошқа иш бўлмайди. Тушундингми? Давлат анойи эмас.

— Рўзғорчилик — йўқчилик-да.

— Шу гапингга ким ишонади, Деҳқонқул? Азза-мазза бригадир! Уял-е, шундай гапни!

— Йўқчилик ёмон-да.

— Унда, ана, катталарнинг бирортасидан қарз сўра.

Даҳлизда ўйланиб қолдим. Кимдан сўрашимни билмадим.

Уйладим-ўйладим — раисдан сўрайин, дедим. Ҳамсоя деган отимиз бор, дедим.

Келим-кетимни кети узилиши билан оҳиста кириб бордим.

— Иш вақти идорада нима қилиб юрибсиз, Деҳқонқул ака?— деди раисимиз.

— Зарил иш билан келиб эдим, раис бова.

— Зарил бўлса, кеча майлисда айтсангиз бўларди.

— Рўзғор иши, раис бова.

— Рўзғор иши бўлса, ана, ҳамсоямиз, девордан бўйлаб айтсангиз ҳам бўларди. Хўш, нима иш экан, айтинг қани, ҳамсоя.

— Шу... раис бова, бизга бир... икки юз сўмча зарил бўлиб қолди. Рўзғорчилик — йўқчилик-да.

— Садқаи суханингиз, ана, кассирга айтинг, беради.

— Айтдим, йўқ, деди. Сандиғини очиб кўрсатди, йўқ экан.

— Бўлмаса нима қиламиз, йўқ бўлса йўқ-да.

— Шу... шу, қарз бериб турсангиз дегандим, раис бова, пул тушганда узардим.

— Э-э, Деҳқонқул ака, Деҳқонқул ака. Менда пул нима қилади? У ойлигим бу ойлигимга аранг етади. Учта жонмиз. Тошкентда ўқийдиган Барот ўғлимиз келган, кўзингиз тушгандир. Шу ўғлимиз эрта-индин кетади. Ҳали, шунга поезд пулини ўйлаб ўтирибман.

— Ҳай, майли.

— Шу гап, Деҳқонқул ака. Хафа бўлмайсиз. Пулим бўлса жоним билан берардим. Сиз ўзимизникисиз, ҳамсоямизсиз.

28

Уйда аёлимизга бор гапни айтиб бердим.

Аёлимиз олдин ишонмади.

Мен энди қасам ичиб айтдим.

Аёлимиз ана шунда ишонди. Ишонди-да — бир бошқа бўлди-қолди.

Аёлимиз эшик-орада донламиш товуқларни қарғаб-қарғаб ҳайдади. Аёлимиз сатилни ер даранг-дурунглатиб ташлади. Аёлимиз чойнакни дастурхон дўқ-дўқиллатиб қўйди.

Аёлимиз аёллар ашуласини бошлади:

— Дунёга келиб нима кўрдим... Киядиган кийимим йўқ...

Мен иссиқ-иссиқ чой ичдим. Мен оғзим куйиб-куйиб чой ичдим.

Мен ич-ичимдан хоксорландим. Мен ич-ичимдан хўрландим.

Падарига лаънат бундай дунёни, дедим.

Эътибор бериб қулоқ солдим — аёлимиз овози ўчиб қолди.

Худо инсоф берди-е, дея ташқарыладим.

Аёлимиз қайрағоч остида бешик суяниб-бешик суяниб йиғлади. Аёлимиз бурун тортиб-бурун тортиб йиғлади. Аёлимиз пиқ-пиқ йиғлади.

Оғилда ётмиш қўй мени кўриб талпинди. Емиш умидвор бўлди. Тумшуқ чўзиб пих-пих этди.

Мен қўйга қараб қаҳримни сочдим:

— Пиқиллама-е-е, энағар! Нима, мен еб, сен қуруқ қолдингми? Рўзғорчилик — йўқчилик-да!

Аёлимиз пиқилламай қолди.

БЕШИНЧИ БОБ

1

Мен қозиқдан саратон телпагимни олдим.

Телпагимни тиззамга уриб-уриб қоқдим.

Саратон телпагимдан оппоқ-оппоқ чанг қўқиди. Телпагимдан майда-майда жонивор тушди.

Жониворлар ғимир-ғимир ўрмалади. Жониворлар гилам остилиб-гилам остилаб паналади.

Саратон телпагим олачалпак жун-олачалпак жун бўлди — жунларини саратон тўкиб-тўкиб ташлади.

Саратон телпагим ғозсиз-ғозсиз бўлди — ғозларини саратон куйдириб-куйдириб ташлади.

Оқибат — саратон телпагим яғир-яғир бўлиб қолди.

Мен ана шу саратон телпагимни босиб-босиб кийиб олдим.

2

Ҳаво мўътадил-мўътадил келди.

Далаларим бети таранг-таранг бўлди.

Далаларим ости билинар-билинмас ғимир-ғимир этди.

Далаларим остида кўрсичқон қимирламишдай бўлди. Далаларим остида чувалчанг ўрмаламишдай бўлди.

Далаларим бети сочдай-сочдай ёрилди.

Далаларим... болалади! Тўққиз кун-у, тўққиз соатда болалади!

Пушталарда тўп-тўп майсалар ниш берди. Пушталарда кўк-кўк майсалар ниш берди.

Далаларим бағри тўлди. Далаларим бағри бутун бўлди.

Мени бағрим далаларимдан-да бутун бўлди.

3

Майсаларим ўн беш кунлик бўлди.

Ушбу кунда майсаларим чинбарг ёйди.

Чинбаргдан тобинан майсаларимни чин оти билан атар бўлдим.

Ғўза!

4

Ўзингникидан қиз олма, демишлари ҳаққост чин бўлди.

Аёлимизга қаттиқ-қуруқ гапириб бўлмади. Гапирайин дедим — тилим бормади. Холамизни қизи-да — бўламиз-да!

Гапирмайин дедим — эркак эркак-да, тағин бўлмади. Бир оғиз гапирдим — аёлимиз онамизни пинжига тиқилиб ўтириб олди. Онамиздан бери келмади.

Имо этсам-да келмади, ишора этсам-да келмади.

Овозимни баландлатдим — онамиздан гап эшитдим:

— Кекирдагингни кўп чўза берма, ошингни ейин!

Ўзники-да, минг қилса-да ўзники-да — опасини қизи-да!

Онамиздан паналатиб-паналатиб аёлимизга кўрмушт дўлайтирдим. Ҳали кўрасан, деган бўлдим.

Муомала отангни қулини, дейди. Муомала этдим — аёлимизни айланиб-ўргилдим. Далага олиб бориб айланиб-ўргилдим, даладан олиб келиб айланиб-ўргилдим.

Аёлимиз боришда-да мазам йўқ, деди, келишдада мазам йўқ, деди.

Инчунин, аёлимиздан ранг кетди. Бет-боши заҳилдан-заҳил бўлди.

Кўзлари сузилиб қолди. Дармондан қолди.

Кўнглим ҳадик олди. Эшагимни миндим-да, Расул дўхтирга бордим.

Расул дўхтир қутисини ковлади. Олдимга бир-иккита дори ташлади.

— Мана шуларни бир кунда уч мартадан ичирасиз,— деди,— уч кун ичса, ўзидан-ўзи яхши бўп кетади.

— Олдин ўзини бориб кўринг-да, дўхтир.

— Кўриш шарт эмас, кўрмасдан биламан.

— Нимани биласиз?

— Дардини биламан. Ҳозир кун қизияпти. Витамин етишмаётган-да витамин.

— Витамин бор, дўхтир, витамин бор.

— Витамин етишмайди, витамин! Шундай кун тиғида пактада ишлашни ўзи бўлмайди. Ит азоб, ит азоб! Бари дард ана шундан.

— Ўйнаб қўяй, дўхтир, ўйнаб қўяй, витаминларингиздан. Ўзларимиз пахта ичида ўсдик. Худога шукур, мана, отдаймиз. Витамин тугул, ҳамма нарсамиз бор! Юзимизга қаранг, ким айтади, бизда витамин йўқ деб?

— Энди, сиз эркак одамсиз.

— Ўлманг, бир рўзғорда бир одамда витамин бўлса бўлди-да. Рўзғорбошида витамин бўлса бўлди-да. Юринг-е, дўхтир-е, аёлимиз кўп ёмон бўп қолди-е!

— Хўп, бораман, қандай бориб келаман?

— Мана, эшагимда ғир этиб олиб бориб, ғир этиб олиб келиб қўяман.

— Хўп, унда, юринг.

Расул дўхтирни мингаштириб келдим.

Шийпонда аёлимизни овоз бериб чақирдим.

Далада тизилишиб кетмон чопмиш аёллар қад ростлади. Қўлларини қошларига соябонлаб қаради.

Мен қўлимни пешлаб, аёлимизни кўрсатдим. Аёлимизни айтиб юборинглар, деган бўлдим.

Кун кетди.

Осмон зиғир гулдай-зиғир гулдай бўлди.

Қиблагоҳда уч кунлик ой бўй-бўйлади. Ой ўроқдай бел-бел бўйлади.

Аёлимиз даладан келди. Шийпон кетида иякчаккасини рўмоли билан ўраб турди. Менга қараб ияк силтади — нима дейсиз, деган бўлди.

— Берман кел,— дедим.— Мана, дўхтир бовани олиб келдим, сени бир кўрсатайин, дедим.

Аёлимиз рўмолини бўйнидан ошириб ўради, ерга қаради. Калиши учи билан ер чизди.

— Берман кел, дейман!— дедим.

Аёлимиз бош силтади — бормайман, деган бўлди.

— Ай, сенга айтаяпман!— дедим.— Дўхтир сени одам деб келди! Дўхтирни сендан бошқа-да ишлари мўл!

Аёлимиз ердан кўз олмайин зайли шийпон ичкарилади.

Расул дўхтирдан ийманаяпти, дея ўйладим. Кетидан кириб бордим.

— Ай, нимадан уяласан, дўхтир ўзимизни Расулбой-ку, юр,— дедим.

Аёлимиз шаҳодат бармоғини чаккасига нуқиб-нуқиб кўрсатди.

— Ҳа, калланг оғрияптими?— дедим.

— Ў-ўй, бу кишида калла борми ўзи?— деди аёлимиз.

— Бор, нима эди, бор?

— Калласи бўлса, дўхтир чақирадими?

— Дардга дўхтир чақирмай, кимни чақиради?

Аёлимиз тағин чаккасига бармоқ нуқиб кўрсатди.

— Бўлмаса, дардингни менга айт,— дедим.— Мен Расул дўхтирга бориб айтаман. Дўхтир, шундай-шундай экан, дейман.

Аёлимиз бош чайқаб кулди. Аёлимиз ерга қараб кулди. Аёлимиз оғиз ушлаб кулди.

Аёлимиз деразадан уч кунлик ойга ишора берди...

5

Ғўзаларим йигирма кунлик бўлди.

Мен ғўзаларимни яганалар бўлдим.

Жўя чўнқайиб ўтирдим. Силжиб-силжиб ғўза яганаладим.

Мен суғуриб-суғуриб ғўза яганаламадим — суғурилмиш ғўза қабатида қолажак ғўза томирлари жойидан кўчиб-кўчиб қолади.

Мен чимдиб-чимдиб ғўза яганаладим. Мен қўшқўллаб-қўшқўллаб ғўза яганаладим.

Бир қадамда йигирма-йигирма бештадан ғўза бўлди.

Бир ғўзам танаси оқимтил бўлди — ғўзам томиридан зил кетди. Демак, ғўзам энди одам бўлмайди.

Мен ана шу ғўзамни чимдиб ташладим.

Бир ғўзамни бир барги бор бўлди, бир барги йўқ бўлди. Яккабарг бўлди. Яккабарг ғўза — чала ғўза!

Мен яккабарг ғўзамни чимдим ташладим.

Бир ғўзам барглари илма-тешик бўлди. Донача-донача бўлди. Демак, ғўзам элбурутдан дардманд бўлди.

Мен дардманд ғўзамни чимдиб ташладим — соғлом ғўзаларимга дарди юқмасин, дедим.

Бир ғўзам пушта ёнбошида бўлди. Бир ғўзам жўя ичида бўлди. Иккови-да соғлом-соғлом ғўза бўлди. Аммо зиёди ғўзалар бўлди. Боиси — ўз жойида кўкармаган ғўзалар бўлди.

Мен икковини-ча чимдиб-чимдиб ташладим.

Нимжон-нимжон ғўзаларни чимдиб-чимдиб ташладим. Майиб-майиб ғўзаларни чимдиб-чимдиб ташладим.

Кесаклар орасида қолмиш ғўзаларимни силаб-сийпаб ростладим. Кесакларни кафтларимда уматиб-уматиб сочдим.

Бармоқларимни ер ботириб-ер ботириб ғўзаларим ост-устини мулойимладим.

Бир қадамда тўққиз-ўн тупдан соғлом-соғлом ғўза қолдирдим.

Бир ҳафтадан кейин иккинчи бор яганаладим.

Бу сафар олти-етти тупдан ғўза қолдирдим.

6

Оқшом вақти қизимиз илиқ сув қуйди.

Мен қўлларимни олқиндилаб-олқиндилаб ювдим. Бот-бот ювдим.

Кафтларимда ғўза кўки билан иси ўтириб қолди.

Тирноқларим ораси қоп-қора бўлиб қолди.

Мен тирноқларим орасини тирноқ тиқиб ковладим.

Мен тирноқларим орасини гугуртчўп тиқиб ковладим.

Мен тирноқларим орасини жуволдиз тиқиб ковладим.

Тирноқ учларим қоп-қоралигича қолди.

Тирноқ учларим кир-кирлигича қолди.

7

Уйқумда биров йиғлади.

Мен олдин тушим, дея ўйладим.

Йиғи ҳаминқадар зўрайди.

Шунда, уйқум қочди. Нимкала кўз очдим. Уйқули қарадим.

Бешикдаги чақалоғимиз йиғлади.

Мен аёлимизни узала туртдим.

Аёлимиз инг-инг эта жимиб қолди.

Мен энди аёлимиз биқинидан нуқиладим.

— Ай, тур, боланг йиғлаяпти,— дедим.

Аёлимиз тўлғонди. Аёлимиз уйқусиради.

— У-у-у...— деди.

Етмиш зайли бешикка қўл узатди. Бешик тебратиб-тебратиб ухлади.

Чақалоғимиз узмади. Чақалоғимиз мижжа қоқтирмади. Чақалоғимиз қулоқ-мияни еди!

Мен зада-зада туриб ўтирдим. Аёлимизни тебратдим.

— Ай, жонинг борми? Анави йиғлаяпти деяпман!— дедим.

Аёлимиз даст туриб ўтирди.

Бешик пардани очди. Бешик тебратгичда осилмиш ўйинчоқларни шалдиратди.

— Ҳа, жоним?!— деди.— Нима дейсан, жоним?! Ўчир, бўлди, ўчир!

Чақалоғимиз шунда-да ўчирмади. Биғғ-биғғ йиғлай берди.

Аёлимиз ёмон қилиқ қилди-ёв — чақалоғимиз энди чирр-чирр йиғлади.

Аёлимиз чимчилаб олди-ёв!

Мен хит-хит бўлдим — аёлимиз елкасидан итариб ташладим.

Аёлимиз бир мункиб олди.

— Ҳа?!— деди.— Нимага уради?!

— Нимага болани урасан?

— Ким ураяпти?!

— Сен ураяпсан.

— Урмадим!

— Урдинг. Бўлмаса, бола бундайин чинқириб йиғламайди.

— Урмадим деяпман-ку!

— Урмаган бўлсанг, чимчиладинг.

— Бўлмаса, нима қил, дейди?!

— Болани чимчилама, йиғлоқи бўп ўсади. Эркалат, суй!

— Майли, бўлдими, майлими?!

Аёлимиз бешик тебратди.

— Ўчир дейман, ўчир!— деди аёлимиз.— Сенлардан қачон қутуламан-а, қачон қутуламан!

Тағин чақалоғимизга бўлишдим. Тағин чақалоғимиз тарафини олдим.

— Болани жеркма,— дедим.

— Нима қилайин, ҳадеб бўкира берса?!

— Эмчак бер.

— Оғзига эмчак тутсам, олмаса нима қилайин?! Бўлмаса, ўзи келиб эмчак берсин?!

— Бир эмчак бериш қўлингдан келмаса, аёл бўп нима қилиб юрибсан?

— Уф-ф, ўчир! Ма, эм! Учир, эм! Уф-ф, сенлардан ўлсам қутуламанми-а, ўлсам қутуламанми!..

Аёлимиз заҳар билан-заҳар билан бешик тебратди.

Бешик йўрға гурс-гурс бориб келди. Бешик йўрға дўқ-дўқ бориб келди.

Сағал ўтди — чақалоғимиз тинди.

Кўзим кетди.

Тушимда нимадир... нимадир бир нима йўқ бўлди.

Ялт этиб уйғондим. Даст туриб ўтирдим.

Чин, қабатимда аёлимиз йўқ бўлди.

Аёлимиз бешик осилиб ухлади. Аёлимиз пиш-пиш ухлади.

Бир кўнглим — уйғот, деди. Бир кўнглим — қўй, ухласин, ҳадемай тонг отади, деди.

Етдим-етдим — аёлимизга раҳмим келди. Тағин, уйқусида ағнаб тушмасин дея, сочларидан оҳиста тортдим.

— Ай, тур, жойингга ёт, тур,— дедим.

Аёлимиз бир сесканиб тушди.

Аёлимиз чақалоғим йиғлаяпти дея, гурс-гурс бешик тебратди. Аёлимиз чақалоғим йиғлаяпти дея, айтиб-айтиб бешик тебратди:

— Уф-ф, сенлардан ўлсам қутуламанми-а, ўлсам қутуламанми!..

8

Тулки қизига тўй берди.

Кун қиялаб-қиялаб нур тўкди. Кун сариқ-сариқ нур тўкди.

Кун бетини кўриб бўлмади. Кун нурига қараб бўлмади.

Олам илиқ-илиқ бўлди. Олам сариқ-сариқ бўлди.

Ҳавода оппоқ-оппоқ бир нималар учди. Ҳавола-ҳавола учди. Айлана-айлана учди. Бурала-бурала учди.

Осмон мисоли ун элакламиш-ун элакламиш бўлди.

Оппоқ булутлар орасидан кун нурлари тўкилиб-тўкилиб турди.

Қор лайлаклаб-лайлаклаб ёғди. Қор ерга тушиб-тушмас ёғди.

Лайлакқор таққа тинди.

Ерда қор тугул, нам-да бўлмади. Қор ҳавоси-да бўлмади.

Ўйнаб қўяй, бундайин ҳавони оти нима бўлди?

Қор ёғмади, дейин дедим — ҳавода лайлаклаб қор ўйнади.

Лайлаклаб қор ёғди, дейин дедим — ерда қордан нишона бўлмади.

Деҳқон бундай ҳавони:

— Тулки қизига тўй берди,— дейди.

Кечаси йиғилишда раисимиз куилик яганани сўради. Йўл-йўриқлар берди.

Шунда, раисимиз олдида турмиш телефон жиринглади.

Раисимиз телефонда салом-алик бўлди.

Гап-сўзидан билдим — раисимиз Идеология билан гапиришди. Об-ҳавони гапиришди. Чайнаб-чайнаб гапиришди.

Раисимиз шарақлатиб телефон даста ташлади. Деразага қараб лаб бурди.

— Тавба,— деди.— Ажаб вакиламиз бор-да. Колхозларингизда қор ёққан эмиш, ғўза нима бўлди, дейди. Қор ёққан йўқ, тулки қизига тўй берди, десам, тулкиям тўй қиладими, дейди...

9

Далаларимга хонқизи дегич ҳашарот айланди.

Биз сурхонилар хонқизини гуллигич деймиз.

Гуллигич сариқ қўнғиздай келади. Тумшуғи қора бўлади. Танасида қора-қора доначалари-да бўлади, оқ-оқ доначаларида бўлади. Учса, қанотлари катта-катта ёйилиб учади.

Болалар гуллигич ушлаб ўйнади. Болалар гуллигич ҳайдаб ўйнади.

Болалар:

> Хол-хол,
> Отанг ўлди,
> Онанг ўлди,
> Бориб хабар олмайсанми?—

дея, дирр-дирр қўйиб чопди.

Гуллигич болалар кафтида юрди. Гуллигич бо-

лалар қўл-юзида юрди. Гуллигич болалар енгида юрди.

Гуллигич ўрмалаб юришдан қолмади — болалар дир-дирр қўйиб ашула айтишдан қолмади:

Хол-хол,
Отанг дарёга оқди
Онанг дарёга оқди
Кетмон олиб чоп-чоп,
Кетмон олиб чоп-чоп!

Гуллигич сурбет бўлди. Гуллигич кетмади.

Гуллигич кетмаса тағин бўлмади — гуллигич ҳашаротлар бош бобоси бўлди. Гуллигич минг-минглаб болалар бўлди.

Мен далаларимни гуллигичофат билан дориладим — «Б-58» дегич заҳар дори сепдим.

Заҳардан бир ҳафта дала йўлай олмадим.

10

Ўқариқ олдим.

Нима учун ўқариқ деймиз?

Бундай қаралса — ер равон-равон кўринади. Бундай қаралса — ер текис-текис кўринади.

Шундай-шундай ариқ олса бўлди — сув бир зайлда оқа берадигандай бўлади.

Аслида ундай бўлмайди.

Ерни ўз тоби бўлади. Ерни ўз ўнг-чапи бўлади. Ерни ўз тош-тарозиси бўлди.

Ана шу тобни туймагич деҳқон ўқариқ олиб юрмасин. У олмиш ўқариқ кўча-кўйги жайдари ариқ бўлади. У олмиш ўқариқда сув равон-равон оқмайди.

Ана шу ўнг-чапни илголмагич деҳқон ўқариқ олиб юрмасин. У олмиш ўқариқда сув кўллаб-кўллаб қолади. У олмиш ўқариқда сув уриб-уриб оқади.

Ана шу тош-тарозини билмагич деҳқон ўқариқ олиб юрмасин. Сув у олмиш ўқариқ охиригачайин оқиб-оқиб бормайди.

Деҳқони кўз тарози бўлади, деҳқони кўнгил қози бўлади!

Ўқариқни ана шу деҳқон олсин!

Ана шу деҳқон олмиш ўқариқ ўқдай бўлади.

Сув ана шу ўқариқдан ўқдай оқади.

11

Деразага ранг кирди.

Аёлимизни уйқули туртдим.

— Ай, тур, тонг отди,— дедим.

— Э-э-э...

Аёлимиз инғиллади. Қўлимни суриб ташлади. Тағин бир маромда пишиллади.

Бор-е, менга нима, дедим-да, чаппа бурилиб ётиб олдим.

Дераза тарафдан хўроз қичқирди. Хўроз чўзиб-чўзиб қичқирди.

Кўз очмаганларимга-да қўймади.

Дераза оқарди. Оппоқ пардадай бўлди.

Мен энди аёлимиз сочидан тортқиладим.

— Ай, тонг отди, деяпман.

— Э-э-э...

Аёлимиз туриб ўтирди. Юз-кўзини уқалади. Деразага қаради. Болишига қаради. Тағин тўшакка ташлади.

Бу сафар билагидан чимчилаб олдим.

Аёлимиз сапчиб турди. Қўлимга тарсиллатиб бир урди.

— Ўлсам қутуламанми шундан, ўлсам қутуламанми?!— деди.

Рўмолини бошига ила-ила ташқарилади.

Мен хиёлдан кейин турдим. Рўйи ҳушим бўлмади. Тандир четида чўнқайиб ўтирдим. Кўзларимни уқаладим. Керишиб эснадим.

Онамиз том кетилаб обтова кўтариб ўтди.

Аёлимиз қўлювгичда юз-қўл ювган бўлди. Нари-дан-бери артинган бўлди.

Бузоғини етаклаб келиб молини эмизди. Нўхта тортиб-нўхта тортиб эмизди.

Бузоқни тағин қозиқ қантарди.

Ошхонадан кади олиб келди, сигир остида чўнқайди. Тиззалари орасига кади олди.

Аёлимиз сигир соғди.

Сигир аёлимизни думи билан уриб-уриб турди.

Тағин бузоқни қўйиберди. Бузоқ онаси елинига ёпишди.

Аёлимиз ошхонада докадан сут ўтказди. Учоққа сут осди.

Бир қучоқ йўнғичқа ўриб келиб молга ташлади.

Итялоққа ёвғон сарқит солди.

Товуқларга дон сочди.

Қозонда кўпириб тошмиш сутни лўкиллаб бориб олди.

Мол остини қаради.

Эшик-орага сув сепди. Супуриб-сидирди.

Ичкаридан бирин-кетин болалар чиқиб келди. Бирови юз-қўлини ювди, бирови юз-қўлини ювмади.

Аёлимиз юз-қўл ювмагичларни қўлювгич остига етаклаб борди.

Болалар сувдан сесканди. Болалар сувдан бет бурди. Болалар вой-войлади.

Аёлимиз қулоқ солмади. Барини юз-қўлини ювди. Иштон киймагичларига иштон кийгизди.

Ташқи сўрига гилам тўшади. Кўрпача солди. Дастурхон ёйди. Чой дамлади.

Ичкаридан шиптирдан-шиптир кўрпачалар олиб келди. Симга ёйиб-ёйиб осди.

Ўчоқдан кул олиб келди. Шиптирларга ҳовучлаб-ҳовучлаб сепди.

Чақалоғимиз тувагини тўкиб келди.

Мактаб боргич болаларини кийинтирди. Қўлига китоб-дафтар берди. Елкасига сумка осди.

Қизлари сочига қизил тасма тақди.

Ўғиллари оёқ либосларини кийдирди. Пайдарпай-пайдарпай киймишларини ўнг-ўнг кийдирди. Ипларини бойлади.

Барини кўчалатиб ҳайдаб борди. Барини мактаб ҳайдаб солди.

Қодир ўғлини дастёрликка олиб қолди.

Онамиз мункиллаб-мункиллаб сўри келди.

Мен чойимни ичиб бўлдим. Кафтларимни юзимга сурта-сурта сўридан тушдим.

Аёлимиз қатиқ уютди: сутга бир қошиқ томизги қатиқ солди. Кадини жанда чопон ўраб-ўраб қўйди.

Молни бўшатди. Қодир ўғли олдига солиб берди.

— Подага қўш-да, шундан шуёққа мактабга жўна!— деди.

Сўри теварак-гирдини айланди. Болалар ташламиш ушоқларни териб-териб олди.

— Эна, невараларингиз ўқишдан келса, кўз айирманг, тағин кўчага чиқиб кетмасин,— деди.

— Ҳа, эр-хотин етимларингни топдиларинг!— тўнғиллади онамиз.

— Ундай деманг, эна, ундай деманг, бари ўзингизни болаларингиз.

— Бола, бола! Умрим бола боқиб ўтди! Отасини боққаним камдай, энди боласиниям боқаман!

— Боламни тўйгунимча боқаман, невaрамни ўлгунимча боқаман, деганлари шу-да, эна,— деди аёлимиз.— Кўкрагимдагини ташлаб кетмаганимга шукур қилинг.

— Ҳа, энди кўкрагингдагиниям ташлаб кет, ҳа! Бир камим невара эмизиш қолиб эди! Оёғимни узатиб, эмин-эркин ўлганиям қўйманглар!

— Ҳали эрта, эна...

— Ҳали эрта, эрта! Бу дунёни ишидан мозорга кириб қутулмасам, қутулмайман!

Мен эшагимга тушлик солинмиш хуржунимни ташладим. Аёлимизга тайинладим:

— Далага эртароқ бор,— дедим.

12

Техника ой билан бўйлашса-да, кетмонсиз дала — дала бўлмайди.

Мен трактор кетига тўрт қатор тиш уладим. Ҳар қатор орасида иккитадан пичоқ қўйдим. Ҳар қатор орасида биттадан ўқсимон панжа қўйдим.

Ғўзаларим остини ҳайдадим. Ғўзатомир қирқилмасин ё лат емасин дея, олти-етти сантим чуқурликда ҳайдадим.

Тиш ғўза бўғзига тегмай-тегмай юрди.

Тиш эгат тупроғини ғўза бўғзига уюб-уюб юрди.

Оқибат — ғўза бўғиз кўмилиб қолди. Ғўза бўғиз қотиб қолди. Ғўза бўғиз нафас ололмай қолди.

Бу боис, далаларимга кетмон солдим.

Ботириб кетмон солайин, дедим — ғўзатомир қирқилажак бўлди.

Саёз кетмон солайин, дедим — ғўзатомир остда қолажак бўлди.

Мен кетмонимга эрк бермайин-эрк бермайин кетмон солдим.

13

Ғўзаларим бир ойлик бўлди.

Ана шунда бир шамол турди, бир шамол турди!

Афғон шамоли дейин дедим — шамол Ҳисор тарафдан эсди.

Шамол ғўзаларимни бир чапга қайирди, бир ўнгга қайирди.

Ғўзаларим айқаш-уйқаш бўлиб қолди. Ғўзала-

рим букчайиб-букчайиб қолди. Ғўзаларим ётиб-ётиб қолди.

Пушталарда тизилмиш кўклар ғўза бўлдими ё бошқа бир майса бўлдими — билиб бўлмай қолди.

Мен наҳор-наҳорлаб далаларим бошида чўк тушдим.

Ётиб-ётиб қолмиш ғўзаларимни қўшқўллаб-қўшқўллаб ростладим.

Айқаш-уйқаш ғўзаларимни кафтлаб-кафтлаб тарадим.

Ғўзаларим тағин бўй-бўйлади.

14

Мажлис қариди.

— Сиз билан биз ҳали-ҳамон дотацияда яшаймиз, ўртоқлар!— дея якунлади раисимиз. — Дотациядан қутулиш учун қўлни қўлга бериб меҳнат қилмасак бўлмайди! Дотациядан қутулайлик, ана ундан кейин одамдай яшасак бўлади!

Қабатимда ўтирмиш бригадир қулоғига шивирладим:

— Қаерда яшаймиз, дейди?— дедим.

— Дотацияда,— дейди.

— У қаерда?

Бригадир товони билан ер тепиб кўрсатди.

— Шу ерда,— деди.— Мана, мана шу ерда. Шуниям билмайсанми, ҳе, кўрсавод.

Гапимизга тағин бир бригадир қўшилди.

— Дотацияда яшаймиз дегани, муттаҳамларча яшаймиз, дегани-да?

— Унчалик эмас-е, ҳе, гапинг қурсин.

— Бўлмаса, нима дегани? Ё, текинхўрларча яшаймиз, деганими?

— Ундай ҳам эмас. Нима десам экан, дотация дегани... давлат қарамоғида яшаймиз, дегани. Йўқ, буям ундай тўғри бўлмайди. Дотация дегани... қарз бўлиб яшаймиз, дегани.

— Шунча ишлаб-а?— дедим.— Йил ўн икки ой тонгдан шомгача ишлаб-а?

— Тонгдан шомгача ишласанг, ишлаб ёта берасан-да. Пахтанг арпага увоқ ҳам бўлмайди.

Мажлисдан кейин эшагимни қичаб-қичаб ҳайдадим. Ўйлаб-ўйлаб ҳайдадим.

Аёлимиз бирдай бригадирлигимни гапиради, мажлисимизни гапиради. Худоин берган кечаси нимани

мажлис қиласизлар, дейди. Аёлимиз одамни ё майна этади, ё қитиғимга тегмакчи бўлади.

Ана, мажлисда нимани гапирамиз! Дотация, дотация!

Аёлимизни ана энди боплайман! Дотация, дегич катталарбоп гаплардан гапираман. Аёлимизни лол-лол қолдираман.

Аёлимиз оғзи очилиб-очилиб қолади. Бригадирлигим билан мажлисимизни майна этмагич бўлади.

Чин-да — бригадир ўз оти ўзи билан бригадир-да. Катта, катта! Бригадир мажлисларда иштирок этади. Бригадир раислар билан гап олиб, гап беради. Дотация, дегич гаплардан гапиришади!

Йўл-йўлакай дотация-дотация... дея пичир-пичир этиб келдим. Эсимдан чиқиб кетмасин, дедим-да.

Эшагим бир ўнқир-чўнқирдан ҳуркди. Чаппа бурилиб тувлади.

Мени ерга шундай олиб урди, шундай олиб урди! Ҳушим бошимдан учди. Ҳушим билан қўшилиб дотация, дегич гап-да учди. Дотация эсимдан чиқди-кетди!

Уйда бот-бот ўйладим — аммо эслай олмадим. Бор-е, дедим-да, ётиб олдим.

Азонда ўйлаб-ўйлаб топдим. Тағин эсимдан чиқмасин дея, ичимда дотация-дотация... дея ўтирдим.

Бир аёлимизга қарадим, бир болаларимизга қарадим, бир онамизга қарадим. Гап очайин дея, баҳона қидирдим.

Бирови-да дастурхондан бош кўтармади. Худди чўлдан келмишдайин ҳур-ҳур чой ичди.

Бирови-да дотация билан иши бўлмади!

Шу тобда аёлдан-да хафа бўлдим, болалардан-да хафа бўлдим.

Ичимда дотация-дотация... дея ўтира бердим.

Баҳона қидирдим — буёғимга қарадим, баҳона қидирдим — уёғимга қарадим. Охири топдим!

Ойсулув қизимиз чойга иккита-учталаб қанд солди.

Мен насиҳатомуз гап очдим.

— Қандни битта-битталаб енглар, дотацияда яшаймиз,— дедим.

— У нима degani?— деди аёлимиз.

Ана шунда жоним кирди!

Кафтларимни тиззаларим тирадим, кўкрагимни кўтардим. Бошимни ғоз тутдим.

— Ҳали, дотацияни билмайсанми?— дедим.— Дотацияни-я? Ай, кўрсавод-е, ай, кўрсавод-е!

Қириниб-қириниб томоқ қирдим. Донишманд-донишманд сўзладим:

— Мактабни неча билан битириб эдинг? Ай, кўрсавод-е! Дотация, бу... ху-уш... муттаҳамларча яшаш... йўқ, давлат қарамоғида яшаш... йўқ, қарз бўлиб яшаш демакдир, ҳа!

— Қирилиб адо бўлгур, бизни раисимиз-да шундай деяр эди,— деди онамиз.

— Йўғ-е!— дедим.

— Эса-чи. Мен ҳам бор... оти нима эди?

— Дотация.

— Ана шундай гап-да бор!

Уйнаб қуяй, ота-боболаримиз-да дотацияда яшабди-да?

Отангга сўйилган кал улоқ — сенга-да бўлади шул улоқ, бўлибди-да?

15

Ғўзаларим томири гирдида аччиғ зах бино бўлди.

Аччиғ зах ғўзага эл бўлмайди. Аччиғ зах ғўза томирини чиритиб-чиритиб ташлайди.

Мен дарҳол ғўзаларимга сув бердим.

Аччиғ захни сув билан қувиб-қувиб ҳайдадим.

Ғўзаларим томири озод-озод нафас олди. Ғўзаларим томири ёйилиб-ёйилиб роҳат олди.

16

Қош қорайди.

Ғўза билан ёввойи ўт фарқига бориб бўлмай қолди.

Ана шунда аёлларга жавоб бердим.

Аёллар бирин-кетин қишлоқ йўл олди.

— Эртага кун чиқмай келинглар, салқинда иш унади!— дедим.

— Эртага бозор-ку!— деди биров.

— Уйнаб қуяй, пахта бозорни биладими!

— Бу дунёдан дам нималигини билмай ўтамизми энди.

— Дам оласан, пенсияга чиқ, пенсияни жарақ-жарақ олиб, еб ётасан!— дедим.

Аёлимиз шийпондан боласини олиб келиб узатди.

— У-ўй, манавини олдига ўнгариб кетсин, оёғимда оёқ қолмади,— деди.

— Бор-е, мен ҳозир идорага кетаман,— дедим.

Аёлимиз боласини қайтиб олди. Жеркий-жеркий бағир босди.

Аёлимиз боши узра гумбаз тугун қўндирди. Аёлимиз бағри аро қўшқўллаб бола қучди.

Аёлимиз қишлоқ йўл олди.

Қўл-ҳимосиз гумбаз ҳавода сузиб юрмиш шар мисол қишлоқлади. Қўл-ҳимосиз гумбаз тугун оҳиста тебрана қишлоқлади.

Аёлимиз қўшқўллаб-қўшқўллаб бола қуча-қуча қишлоқлади.

Аёлимиз аёллар ашуласини айта-айта қишлоқлади:

— Кўрган куним қурсин..

17

Идорадан бир маҳалда қайтдим.

Эшагимни қантардим. Тўқимини олмадим.

Пичадан сўғин тонг отади — ишни кўпайтириб ўтирайинми, дедим.

Ичкарида ойнаижаҳон кўрсатмай қолибди.

Болалар бурабди-бурабди — ойнаижаҳон бурагичини синдириб ташлабди.

Мен омбордан билакдай омбир топиб келдим.

Омбир билан ойнаижаҳон бурадим. Ўнглай-ўнглай бурадим. Чаппалай-чаппалай бурадим. Қирр-қирр бурадим.

Ойнаижаҳон пир-пир этди, ойнаижаҳон бижир-бижир этди — аммо кўрсатмади.

Мен болаларни уришиб-уришиб ташладим. Бирини қўйиб бирини сўкиб ташладим.

— Отангни илигига!..— дедим.— Дуппа-дуруст ойнаижаҳонни бузган отангни илигига!..

Болалар бир-бирига солди:

— Мен эмас, Қодир бузди.

— Биринчи Ойсулув буради.

— Э, баринг бир гўр!— дедим.

Мен девор соат қарадим — соат ўн иккидан ошибди. Ойнаижаҳон кўрсатувлари тамом бўлибди.

Шундай бўлса-да, болалар олдида сир бой бермадим.

— Боринглар, ётинглар,— дедим.— Яхши ўқисаларинг, эртага тузатиб бераман.

Мен ана қарадим-мана қарадим — таомдан дарак бўлмади.

— Ай, вақт бемаҳал бўлди! — дея овоз бердим.

— Бемаҳал бўлса нима қилайин? — деди аёлимиз.

— Бирон нимангг борми?

— Бор, энди пишади.

— Ҳалиям пишмадими-е?

— Шу вақтгача ўйнаб ўтирганим йўқ. Қозондан бошқаям тирикчилигим кўп. Хамир қордим...

Сағал ўтди — аёлимиз бир корсон пиёва олиб келди.

— Гўшти йўқ, гўшт тамом бўлди, — деди.

— Бизга бўла беради, — дедим. — Қозон ўзимизники, қорин ўзимизники. Қорин тўйса бўлди-да.

— Энди, гўштни қайтади?

— Жума бозор куни Норин қассоб мол сўяди дейишаяпти, шундан оламиз-да.

Пиёвадан сўғин чой ичдим.

Ёнбошлаб ётдим-ётдим — кўзим илинди. Қанча ётдим — билмадим.

Бир маҳал кўзимни очдим — ҳовлида ловв-ловв олов ўрлади.

— Ай! — дея сапчиб турдим.

Аёлимиз зардоб-зардоб овоз берди:

— Жоним, жоним?!

— Ай, нима қилаяпсан?

— Тандир қизитаяпман, нима эди?!

Шундагина нима гаплигини билдим. Нима дейишимни билмадим.

— Ётар вақтиям нон ёпадими? — дедим.

— Ётарда нон ёпмаса, гўрда ёпадими?!

18

Қуруқ беда егич мол гўнги аъло-аъло гўнг бўлади!

Қуруқ беда егич мол пешоби серазот-серазот бўлади!

Мен улкан ўрага ана шундай гўнг тўдаладим. Ўра бет-бошини синчлаб-синчлаб тупроқладим.

Ўрада қолмиш жониворлар ғимир-ғимир болалади. Бир жонивор бир соатда ўн беш-йигирма болалади. Бир жонивор бир кунда миллион-миллион болалади.

Ана шу жониворлар ғимир-ғимиридан гўнг ичичлари аро ҳаво кириб-чиқиб турди. Ана шу жони-

ворлар ғимир-ғимиридан гўнг чириб-чириб турди.
Урадан шиптир анқиб-шиптир анқиб қолди.
Мен ана шунда хазинамни очдим!
Шиптир гўнг билан тупроқ аралаштирдим. Пешма-пеш дала ташидим.
Далаларимни шиптир гўнгладим.
Димоғимда шиптир ис ўтириб-ўтириб қолди.
Бир қадамда бир тупуриб кун кўрдим.

19

Шоберди бахши чўзиб-чўзиб достон айтди.
Ё радиода айтаяпти, ё ойнаижаҳонда айтаяпти, дея ўйладим. Қулоғимни дингладим.
— Ҳа, жо-он, жуфт бўлсин!— деди одамлар.
Билдим — Шоберди шу теваракда айтаяпти. Оҳиста аёлимиздан сўрадим.
— Раисни қизига совчи келди,— деди аёлимиз.
— Уйнаб қўяй, қизи бўйи етдими-е?
— Эса-чи, қиз бола шайтон бўлади.
— Уйнаб қўяй, ўйнаб қўяй, қаердан совчи келди-е?
— Деҳқонободдаги уруғларидан келди.
— Раис бова мени айтмадими-е?
— Сўратди, улидан сўратди.
— Дали-ғули раисимиз бор-да!
Шундай деб ичкариладим. Сандиқдан оҳорли кийимларимни қоқиб-қоқиб кийиб олдим. Тахлоқлик оладўппимни ёйиб-ёйиб кийиб олдим.
Ана энди кечаси билан Шоберди эшитасан, Деҳқонқул, Шоберди эшитасан, дедим.
Ташқарилаб, соқолимни уқаладим.
— Ай, соқолим ўсган йўқми?— дедим.
— Кечасига бўла беради,— деди аёлимиз.
Қорним тўйиб қолмасин дея, оз-оздан чой ичдим.
— Раис бовани қизи бўйи етдими-а?— дедим.— Қиз бола шайтон дегани чин-да-а? Уэи, қизи қандай қиз бўлди?
— Пича шаллақироқ.
— Э-э-э, ундай дема-е, уккағарни аёли, ундай дема! Раисни қизнниям шундай дейдими? Раисни қизини-я!
— Раис бўлса бўпти-да. Билганимни айтаман-да.
— Билсанг-да айтма! Ён қўшнинг — жон қўшнинг!

— Унда, нимага сўрайди?

— Ҳали, гап очилса айтаман-да. Оғзимга толқон солиб ўтирмайман-да.

— Ҳа-а, мақтаб қўя берсин-да.

— Нима деб мақтайин, сен айт-да? Эркак одам умри далада ўтади, нимани билади.

— Тавба-е, аёл одамни умриям уйда ўгаётган йўқ!

— Ишқилиб, аёл аёл-да, қиз болани яхши билади.

— Нима деб мақтарди, қизимиз унча-мунча қизлардан эмас, дейди-да. Камгап, пазанда, чевар дейди-да.

— Бизни қизимиз дейин-а?

— Дейди-да, ўзини қизлари билан билла ўйнаб катта бўлгандан кейин, дейди-да.

— Чин, катта бўлибди, билмай қолибман, чин.

— Ўзини қизидай гап-да.

— Чин, ўзимни қизимдай гап, чин.

— Ишқилиб, мақтайди-да.

— Мақтайман-да, қизимизни мақтайман-да. Е, пирим, мен энди борайин, айтган жойдан қолма, дедилар.

Сўридан кўча йўл олдим.

Раиси дарвоза олдида майда машина мўл бўлди — демак, раисимиз даврани катта олди.

Мен раиси дарвозани жонли-жонли тақиллатдим.

Дарвозани раисимизни ўғли очди.

Мен чақирибсизлар дея, ичкари кириб кета берайин дедим — бетим бўлмади.

— Раис бова борми? — дедим.

— Бор-бор, айтиб келайин.

Раисимиз чайкала-чайқала келди.

— Э-э, Деҳқонқул ака, тинчликми? — деди.

— Тинчлик, раис бова, тинчлик, — дедим. — Ҳорманг, раис бова?

— Саломат, саломат...

Шоберди бахши эшиб-эшиб дўмбира чалди.

— Ҳа, нима гап?

— Ҳеч гап йўқ, раис бова.

— Тракторларинг бузилиб қолибди, деб эшитдим?

— Созладик, раис бова, созладик.

— Ғайрат қилинг, тракторни тўхтатманг!

Шоберди бахши эзиб-эзиб достон айтди.

— Ҳа-а, раис бова... қизимизга... одам келибди..

— Қизингизга одам келибди? Йўғ-е, қизингиз ҳали гўдак шекилли?

— Йўқ... қизимиз... қизингизга дейман.

— Ҳа-а, менинг қизимни айтаяпсизми? Келди келди, ҳали-ҳозирча эскичасига нон синдириб қўйдик.

— Нон синдирдиларингизми?

— Ҳа-да, ўйлаб ўтирамизми. Синдирдик-қўйдик.

— Бинойи бўпти, хўп бинойи бўпти,— дедим.— Ҳа-а, чақирган экансиз, раис бова?

— Чақирибман? Қачон? Э, ҳа-а, бугун Деҳқонободи қуда бўлмишлар иккита фотиҳа қўй ташлаб кетиб эди. Шу қўйни бировини сўйиб, район катталарини чақирайин, дедим. Чой ичиб кетинг, этайин, дедим. Уёққа бола юбордим, буёққа бола юбордим, қўй сўйгич одам тополмадим.

— Ўзимга айтинг эди, даладан вақтлироқ келиб сўйиб берар эдим.

— Бўлди-бўлди, Клара Ходжаевнани шопирига сўйдирдим. Ўзимиз сўйиб, ўзимиз еб ётибмиз.

— Қандай... Этли-сулли қўй эканми?

— Ҳа энди, Деҳқонободи қўй бўлгандан кейин, этли-сулли қўй бўлади-да.

Шоберди бахши бўғилиб-бўғилиб достон айтди.

— Бўпти, Деҳқонқул ака,— деди раисимиз,— тракторингиз тағин бузилса, дарров хабар беринг. Ана, ичкарида район техника бошқармаси пири ўтирибди. Бир оғиз айтамиз, исталган эҳтиёт қисмларни етказиб беради.

Кетимга қайрилдим.

Дарвозамиздан ичкариладим.

Сўри бошида серрайиб-серрайиб қолдим.

Аёлимиз ажабланмиш бўлди.

— Ҳа, вақтли қайтибди?— деди.

— Кўп ўтирмадим,— дедим.— Катталар маст-аласт. Ит эгасини танимайди...

20

Мен бегона ўт учун гўнг солиб эдимми?

Мен бегона ўт учун сув бериб эдимми?

Далаларимни шундай ўт босди, шундай ўт босди!

Ғўзаларим бегона ўт остида қолди. Ғўзаларим бегона ўт чангалида қолди.

Далаларимда етмиш хилдан зиёд бегона ўт ўсди!

Далаларим пахтапайкал бўлмади — далаларим ўтпайкал бўлди.

Ғўзаларим нозик даврида бўлди. Ғўзаларим сертомирламади. Ғўзаларим ботин ерламади.

Бундай вақтда далага трактор солиб бўлмайди. Трактор ерни парча-парча кўчириб ташлайди.

Ғўзаларим ерпарчалар билан кўчиб-кўчиб қолади. Ғўзаларим қуриб-қуриб қолади.

Айни вақтда ғўзаларимга кетмон солиб-да бўлмайди. Ғўзаларимга кетмон-да зиён беради.

Бирдан-бир йўлим — бегона ўтларни битта-биттталаб юлиб ташлаш бўлди.

Айни вақтда униб чиқмиш бегона ўтларни юлиб ташлаш мушкул бўлмади. Булар бир йиллик бегона ўтлар бўлди. Бир йиллик бегона ўт томири ер остлаб кетмайди. Шундай ер юзасида бўлади.

Боиси — бир йиллик бегона ўт дондан болалайди.

Дастлаб қўлим тегмиш ўт такасоқол бўлди.

Такасоқол ингичка барг ўт бўлди. Узун-узун ўт бўлди. Оппоқ танли ўт бўлди.

Оёқларим уюшиб-уюшиб қолди. Тиззаларим шол-шол бўлиб қолди.

Кун қоқ миямдан уриб турди.

Мен тизза суяниб қад ростладим.

Тиззамдан пастим қақшаб-қақшаб олди...

Чўнқайиб ўтиришдан оёқларим безиллаб қолди. Энди ерга икки букилдим — тўрт оёқ бўлдим.

Белим баландда бўлди. Икки оёғим эгатда бўлди. Икки қўлим пуштада бўлди.

Бир нозик танали бегона ўтни ушладим.

Бу печак ўт бўлди. Оппоқ гуллик. Нўхатсимон донлик. Донлари бир юз қирқ мингтача болалагич ўт.

Мен печак ўтни томири билан суғуриб ташладим.

Мен энди бориб турмиш зараркунанда ажриққа дуч келдим.

Ажриқ ғўза кўкариб чиқмасдан олдин кўкаради. Боиси — ажриқ томирдан кўкаради.

Ўзга бегона ўтлар ғўза билан иши бўлмайди. Боши етганичайин ўз ҳавосида ўсиб ёта беради.

Ажриқ ғўза бўғзидан олади. Ажриқ ғўза белидан олади.

Ажриқ ғўзани томир оттирмайин ўраб-чирмаб босади.

Ажриқни йўқотиб бўлмайди!

Эмишки, лайлак юксакдан-юксак бир қояда уя қўйибди. Лайлак уясига хас-чўп ташибди. Хас-чўплар орасида бир қовжироқдан-қовжироқ ажриқ хасда бўлибди.

Куз ўтибди, қиш ўтибди, баҳор ўтибди, саратон ўтибди.

Бир йилдан кейин шамол ана шу ажриқ хасни уядан ерга учириб туширибди.

Лайлак уясидан тушмиш хасни кўриб қолибди. Лайлак ўз маконига содиқ қуш-да — макони бир ғишти бўлмиш хасни олиб жойига қўйиш учун қуйи шўнғибди.

Лайлак хасни тумшуғи билан тортқилабди — бўлмабди. Лайлак хасни тумшуғи билан юлқилабди — бўлмабди.

Бонси — ажриқ хас ерда аллақачон томир отиб қолибди!

Мен бармоқларимни ер ботириб-ер ботириб ажриқ томир ковладим.

Кўз олдим қоронғи бўлди. Қўшқўллаб ер суяндим. Қаддимни кўтарайин дедим — кўтаролмадим. Белим қотиб қолди.

Бир қўлимни белимга тираб қаддимни кўтардим.

— Ай, белим-е, белим!— дедим.

Дардимни кимга айтдим — ўзим-да билмадим.

Қабатимда ўтоқ қилмиш деҳқонлар ўз дарди ўзи билан бўлди.

Тағин икки букилдим.

Бир қўлим билан ғўза ушлаб турдим. Бир қўлим билан бегона ўт юлдим.

Шундай қилмасам бўлмайди — ғўзаларим бегона ўт билан қўшилиб юлиниб қолади. Ғўзаларим ости кўчиб-кўчиб қолади.

Далаларим адоғигачайин ана шундай икки букилиб бора бердим. Далаларим адоғигачайин ана шундай қад кўтармай бора бердим.

Қаддимни кўтарсам бўлмайди — тағин букилолмай қоламан.

21

Қоронғи намозшомда иссиқ сувлаб-иссиқ сувлаб қўл ювдим.

Олқиндилаб-олқиндилаб қўл ювдим.

Бегона ўт кўклари кетмади.
Кафтларим кўкмак-кўкмак бўлиб қолди.
Кафтларим қора-қора чизиқ бўлиб қолди.

22

Аёлимиз кенжадан тўнғичимизни остонага қўйди.

— Бор отага, бор!— деди.

Кенжадан тўнғичимиз миййиқ кулиб қаради. Кенжадан тўнғичимиз бармоқ сўриб қаради.

— Ҳа?— дедим.— Кел, қани, кел!

Мен кенжадан тўнғичимизни бармоқларим билан ўзимга имладим.

Кенжадан тўнғичимиз қулоч очди. Бидирлаб-бидирлаб келди. Бўйнимдан қучоқлаб олди.

Мен кенжадан тўнғичимизни бағримга олдим. Ўзимни кетим билан болиш ташладим.

Кенжадан тўнгичимиз кўксимда миниб ўтирди.

Мен кенжадан тўнғичимиз... булбулини ўйнадим.

— Ўйнаб қўйй, чулдирингдан, ўйнаб қўяй!— дедим.— Чулдирингдан-да, чулдирингдан-да!.. Чулдир катта бўлса, бир аёл олиб олиб берамиз-да!..

Кенжадан тўнғичимиз бет-бошимда бармоқ юритди. Кенжадан тўнғичимиз ажинларимни санади.

— Бир, икки, уч...

Кенжадан тўнгичимиздан тўнғич-тўнғичимизгача-йин ажинларимни санаб-санаб катта бўлди.

Бирови олтмиш-етмиш санади.

Тағин бирови ... юздан ошириб санади!

Эмиш-эмиш — бир ажин бир қайғуни билдирар эмиш.

Эмиш-эмиш — бир ажин бир дардни билдирар эмиш.

Эмиш-эмиш — бир ажин бир армонни билдирар эмиш.

ОЛТИНЧИ БОБ

1

— Барча уй-уйига, капа-куйига!— дея мажлис тарқатди раисимиз.— Деҳқонқул ака, сиз бир майдон оёқ илинг!

Нима гап демишдай раисимиз юзига тикилдим. Бирон аломат англамадим.

Жойимга қайтиб ўтирдим.

Фаоллар кетиб бўлди.

Раисимиз идорани маҳкам ёпиб келди.

— Айтган-бойлаганларингизни чиқара беринг,— деди раисимиз.— Мукофотга мотоцикл олиб бераман.

Мен ҳазил дея ўйладим. Калла ирғаб-калла ирғаб кулдим.

— Ўйнаб қўйй, мотоциклларидан, ўйнаб қўйй,— дедим.

— Нимага каллапойчага ўхшаб ишшаяпсиз? Мен сизга ўнақай гапни айтаяпман!..

Раисимизни гапи қорнидан қўпол бўлди, қорни ғапидан қўпол бўлди.

Мен гап чинлигини билдим. Сергак бўлдим. Бармоқларимни қирс-қирс этдим.

— Ҳали-ҳозир бировга билдирмай туринг,— деди раисимиз.— Мукофот ўз оти ўзи билан мукофот-да.

Идорадан теримга сиғмайин қайтдим.

Мотоцикл мукофот олайин-у, ичимда ютайинми? Мотоциклдай учқур техникани ичда ютиб бўладими? Майдароқ бир нима бўлса экан!

Айтмайман-а, айтмайман!

Бола-бақрамни қатор ўтирғизиб мақтандим!

— Меҳнат — меҳнатни таги роҳат, ўртоқлар!— дедим.— Мана энди мотоцикл минамиз, ҳа! Яхши

ўқисаларинг, мактабга мотоциклда олиб бориб, мотоциклда олиб келаман. Йўқ, олиб келолмас эканман, ўзларинг пиёда келар экансизлар. Мен кечқурун мотоциклда майлисга борар эканман.

Аёлимиз дастурхондан кўз узмади.

— Мотоциклни пулга беради-да,— дея минғиллади.

— Йўқ, мукофотга олаяпман. Раис ўз тили билан ўзи айтди, мукофотга бераман, деди.

Ҳужраси тарафдан онамиз кела берди.

— Ҳа-а, келин?— деди онамиз.— Анави ошингни ейин Матросов нима деяпти?

Аёлимиз пиқ-пиқ кулди.

— Мотоцикл олаётган эмиш,— деди.

— Эб-эй, қайси битига олар эмиш?

— Мукофотга олар эмиш.

— Ҳа-а, давлат тентак бўпти-да, текиндан-текин мотоцикл бериб!

— Давлатни ундай деманг, эна,— дедим.— Идеология келса, айтиб бермайин, тағин?

— Айта бер!— деди онамиз.— Айта бер, Идеология суюнчисига иштонини ечиб беради!

Онамиз икки бармоғини энлаб-энлаб кўрсатди.

— Идеология суюнчисига манавиндай иштонини ечиб беради!— деди.

Аёлимиз оғиз ушлаб-оғиз ушлаб кулди.

2

Қари билгични пари билмайди, дегичлари чин бўлди.

Раисимиз ҳужжат кўрди.

— Энди, пулини чўзинг,— деди.

— Қандай пул?— дедим.

— Қандай пул бўларди, мотоциклни пулини-да.

— Ўзингиз... мукофотга бераман, дедингиз-ку, раис бова?

Раисимиз кет чалқайиб-кет чалқайиб кулди. Раисимиз қорин билқиллатиб-қорин билқиллатиб кулди.

Кула-кула, масалани баён этди.

Мен ўйлаб ўйимга етолмадим: буни нимаси мукофот? Ҳеч қурса, ярим пулига берсалар-да майли эди. Мукофот дейишга тил борар эди. Кўнгил таскин олар эди.

Мен бунча пулни қаердан оламан? Бозорда бир

кило гўшт тўққиз сўм. Ўн кун бўлди — қозонимиз гўшт кўрмади.

— Раис бова,— дедим.— Худога шукур, эшагим бор, бемалол етиб-ортиб турибди.

— Оласиз, мотоцикл оласиз.

— Колхозда нима кўп, аризабоз кўп. Мотоцикл мукофоти берсангиз, аризабозлар ёзади. Оч қорним, тинч қулоғим, раис бова.

— Сиз сара деҳқонимизсиз. Сиз мотоцикл мукофот олсангиз, аризабозлар... қолади!

Мен тиззамга шартиллатиб бир урдим. Бўлар гапни айтдим.

— Хуллас калом... пул йўқ! Ана бўлмаса!— дедим.

Раисимиз пинагини-да бузмади.

— Биламан, сиз айтмасангиз ҳам биламан,— деди.— Деҳқонда пул... ейдими! Деҳқон — бағри қон, дейди! Мотоцикл пулини колхоз тўлайди. Кейин, йиллик даромадингиздан ушлаб қолади.

3

Мен тумандан мотоцикл миниб келдим.

Мотоциклимни ҳовли нақд киндигида тикка тирадим. Олд оёғини қибла қаратиб кўтардим.

Мен мотоциклимни гир айланиб-гир айланиб томоша этдим.

Мотоциклим қибла тараф ана учайин-мана учайин, дегич... ракета мисол туюлди.

Мен ошхонада ивирсимиш аёлимизга овоз бердим.

— Ай, аканг қарағайни мотоциклини кўриб қўй!— дедим.— Бу мотоцикл эмас, ракета, ракета!

— Бу киши қачон одам бўлади,— деди аёлимиз.

— Эб-эй, бизга нима қилибди?— дедим.— Ракетани қара, ракетани!

Аёлимиз деразадан кўринмиш ойнаижаҳонга ишора берди.

— Бу киши-да анави одамлардай бўп, бундайгина, шляпа кийиб юрса бўлмайдими,— деди.

— Қайси, ойнаижаҳондагиларми? Энди, улар катта одамлар. Биз ҳали у даражага етганимиз йўқ.

— Нимаси катта, улар-да шу кишидай одам.

— Йўқ, сен билмайсан, улар катта одам. Катта одам бўлмаса, ойнаижаҳонга чиқармиди.

— Катта бўлган билан уларни мотоцикли йўқ, бу кишиники бор.

— Бу гапинг чин! Лекин, қўй, одам уялади, шляпа кийсам, биров-ярим, раис келаяпти, деб ўйлайди.

— Амирбойни аёли бу киши мотоцикли олаётганини эшитиб, мотоцикл олгандан кўра, калласига бир нима олиб кийса бўларди, калласидаги телпаги типратиконни ўлигига ўхшайди, дебди.

— Типратиконни ўлиги? Манави телпагим-а? Ҳай, энағарни аёли-я! Шу аёл қизлигида-да, мендан кир қндирарди! Ғаним — ғаним экан-да. Эртага тонг отсин, шляпа кийганим бўлсин. Ғанимлар куйиб кул бўлсин.

4

Ўзбаки — зўраки, дейди.

Эртаси эрталаб дала ишларимни бир ёқли этдим.

Мотоциклимни миниб Денов йўл олдим.

Шляпа ололмайман-а, шляпа ололмайман, мотоцикл олмиш жоним, шляпани ололмайманми, дея йўл олдим.

Мотоциклимни йўл гирдида қолдирдим.

Қўш қават дўконлаб кўтарилдим. Шляпа сотгич жойини топдим. Шляпаларга назар солдим.

Оқ шляпа, кўк шляпа, сариқ шляпа... бари тешик-тешик шляпа!

Бурчакда иккита қиз ойна кўриб-ойна кўриб ўтирди. Ҳиринг-ҳиринг кулишиб ўтирди.

Мен қизларга қараб турдим-турдим — қизлар отинг нима демади!

— У-ў, қизларим-ов! — дея овоз бердим.

Қизлар ияк силтади.

— Ҳа, нима? — деди.

Мен кафтим билан бери келинглар, ишорасини бердим.

Қизлар бир-бировига қараб олди. Бирови юзини ушлаб кулди. Бирови бошини кетига ташлаб кулди.

Бирови мен тараф юрди. Олдимга келар-келмас тағин ияк силтади.

— Ҳа, нима керак? — деди.

Қиз қошимда тойчоқдай лик-лик этди. Қиз пештахта чертиб-чертиб ўйнади.

Қиз уст-бошимга қаради. Қиз бетимга қаради... қиз афт бурди. Қиз бурчак қаради.

— Бўлинг, давай, бўлинг!— деди.

Мен нимадан гап бошлашимни билмадим. Бир шляпа бер, дейин дедим — эп бўлмади. Тилим бормади!

Тағин, турган-туришинг шу, сенга шляпани ким қўйибди, дейдими дея ўйладим.

Қиз бурчак тикилиб ликиллашидан — бизга ўхшагичларга шляпа бергич қиз бўлмади.

Бир кўнглим — обрўйимни борида қайтиб кета берайин, дедим.

Бир кўнглим — элан-қаран келдим, энди сўрайин, дедим.

Оғзимни шунча жуфтладим — шляпа деёлмадим!

— Анавиндан бер,— дедим.

— Шляпа? Размер, размер?

— Размер деб ўтирасанми, бировини бер-да қўй-да.

Қиз олдимга бир даста шляпа ташлади.

Мен ойна олдида битта-биттадан шляпа кийиб кўрдим.

Ўйнаб қўяй-ўйнаб қўяй, жигитни қаранглар-ай, жигитни-е, дедим.

Мен ўзимни ўзим танимадим. Мен ўзимга ўзим беш кетдим!

Қиз бурчакдан кўз олмади.

Қиз ер остидан калламга кўз қир ташлади.

Қиз бурун жийирди. Қиз пешона тириштирди.

Охир-оқибат — бир шляпа калламга чиппа ёпишди.

— Шуни нархини айт,— дедим.

Қиз юзимга қайрилиб-да қарамади.

— Беш сўм!— деди.

— Ўзи тешик-тешик бўлса, яна-тағин, офтобдан сақламаса, буни нимаси беш сўм?— дедим.

Қиз жавоб бермади. Бурчак қараб тура берди.

Мен беш сўм узатдим.

Қиз бурчак қарамиш зайлн пул олди. Ғийқиллатиб ғаладон очди. Пулни ғаладон ташлади. Тағин ғийқиллатиб ғаладон ёпди.

Шунда, пештахтада тахлоқлик бахмалга кўзим тушди. Гулдор бахмал кўзимни ўйнатди. Олмасамда, сўраб-суриштиргим келди.

— Бахмал қанчадан бўлди?— дедим.

— Олмасангиз нима қиласиз,— деди қиз.

— Уйнаб қўяй, бахмалларингдан, ўйнаб қўяй, оламан десам, оламан.

— Беш сўмлик шляпани кўриб юрагингиз ёрилиб кетди-ю.

— Ерилган йўқ, қизим, ёрилган йўқ, ундай дема.

— Сўзана қиммат, эллик сўм,— деди қиз.

— Юз сўм турса-да, бер қани, бир кўрайин қани.

Қиз бахмални зарда бнлан олдимга ташлади. Ўзи бир бурчидан ушлаб турди.

Мен гўё олар одамдай бахмални силкиб-силкиб ейдим.

Шунда, бахмал бурчи қиз қўлидан чиқиб кетди.

Қиз қўлини белига тиради. Қиз уччосини чиқарди. Қиз кафти билан бетига шамол этди.

— Уф-ф-ф... кўриб бўлдингизми?— деди.

Мен бир қизга қарадим, бир бахмалга қарадим, бир ёнимга қарадим.

Ёнимда пул бўлди. Аёлимиз ун оласиз, дея бермиш пул бўлди. Пул бир ҳафтадан буён ёнимда юрди.

Мен ёнимни ковладим. Ана шу пулни олдим.

Мен бармоқ тупуклаб-бармоқ тупуклаб пул санадим. Мен қиз қулоғига қуйиб-қуйиб пул санадим:

— Бир сўм, икки сўм, уч сўм... Эллик сўм! Ана, эллик сўм! Энди, шу бахмалингни берман бер!

Қиз пештахтадан пулни олди. Санаб-санаб ғаладон солди.

Қиз бахмал ўраб бошлади.

— Ўрама, шундай бер!— дедим.

Қиз бахмални олдимга сурди.

Мен бахмални олиб бурчак бордим. Ер жойлашиб ўтирдим. Этикларимни бирин-кетин суғурдим.

Бахмални тирр-тирр икки бўлдим.

Бир бўлагини бу оёғим ўрадим, бир бўлагини у оёғим ўрадим.

Этикларимни тортиб-тортиб кийиб олдим. Этикларимни ер тепиб-ер тепиб кийиб олдим.

Дўконда юрмишлар ажаблана-ажаблана қараб-қараб ўтди.

Қиз... кўрдим демади! Қиз... мижжа қоқмади!

Қиз ойна қараб қош силади. Қиз ойна қараб зулф тоблади.

— Бахмал сўзана...— дея минг-минг этди.

— Далага бўла беради,— дедим.— Бизни далага бахмал сўзанаям бўла беради!

Қиз... эшитдим демади! Қиз... қулоқ қоқмади!

Мен телпагимни қўлтиғимга боса-боса эшик равона бўлдим.

— Бозорим бароридан келди,— дедим.— Шляпа билан пайтава қидириб келиб эдим, икковини-да топдим!

— Гуля,— дея, ҳамкасабаси тараф юрди қиз.— Гуличка, уйдан голландский сир олиб келганман, обед қилмаймизми?

5

Остимда мотоцикл, бошимда шляпа — гармселдай-гармселдай елдим.

Шляпамни ойна солиб-ойна солиб елдим.

Ёрил-е, Деҳқонқул-е, ёрил-е, дедим.

Бир-икки чақирим елдим — шляпамни ойна солдим. Тағин бир-икки чақирим елдим — тағин шляпамни ойна солдим.

Раис бўлиб кет-е. Деҳқонқул-е, раис бўлиб кет-е, дедим.

Шунда, хиёл ўйлаб қолдим. Ўзимни ер урмишдай бўлдим. Паст кетмишдай бўлдим.

Чин-да, раис ким бўпти? Шляпси бўлган билан... мотоцикли йўқ! Давлатни машинасига куни қолган.

Уида... райком бўлиб кет-е, дедим. Шунда, ўзимни ўзим билмишдай бўлдим.

Раис билан райком ўртаси бўлиб кет-е, дедим.

6

Уйда шляпа кийиб ойнаижаҳон кўрдим.

Ойнаижаҳонда АҚШ президенти шляпасини ер олиб қўйди.

Сиз-да, шляпангизни олинг. Деҳқонқулбой, дедим.

Мен шляпамни олиб қўйдим.

АҚШ президенти шляпасини кийди.

Шляпангизни кийинг. Деҳқонқулбой, дедим.

Мен-да шляпамни кийдим.

АҚШ президенти шляпасини мен тараф силкитди.

Мен-да шляпамни ойнаижаҳон тараф силкидим.

АҚШ президенти шляпасини бошига қўндирди. Самолётга кириб кетди.

Мен-да шляпамни бошимга қўндирдим. Болиш ёнбошладим.

Ҳуриллатиб-ҳуриллатиб чой ичдим.

Ай, шляпангизни қирқувидан-да, Деҳқонқулбой, шляпангизни қирқувидан-да, дедим.

Аммо... бош кийим кўрдим — шляпадай беқиллиғини кўрмадим!

Калламни қашилайин дея қўл узатдим — қўлим ўз-ўзидан шляпа қирқувига тегиб кетди.

Шляпа ер тегиб-тегмай юмалаб-юмалаб жўнади. Уй бурчагига бориб тўхтади.

Мен ўрмалаб бориб шляпамни олиб келдим.

Тағин шляпа кийиб чой ичдим. Қўлим тағин шляпа қирқувига тегиб кетди.

Шляпа юмалаб-юмалаб жўнади.

Уйнаб қўяй, сендайчикин бош кийимдан, ўйнаб қўяй, дедим.

Бош кийим бўлса — киройи телпакдай бўлса-да. Телпак вазмин-вазмин, собит-собит бош кийим.

Телпак тап этиб ер тушдими, бўлди — жойида қимир этмай тура беради. Шляпадайин юмалаб, одамни ўрмалатиб юрмайди.

Шляпам ер тушиб, бурчак юмалашини қўймади — мен ушлаб келиб, калламга қўндиришимни қўймадим.

Мен теваракка ками билан раисона-раисона, кўпи билан райкомона-райкомона қарадим.

7

Аёлимиз даладан келиши билан ҳаволаниб-ҳаволаниб пешвоз бордим.

— Қандай?— дедим.

Аёлимиз шляпамни айланиб қаради. Аёлимиз шляпамни хушвақтланиб қаради.

— Бинойидай. Қуллуқ бўлсин,— деди.

— Жигит-да, жигит!— дедим.

Аёлимизга қараб турдим-турдим:

— Эллик сўм... оллоҳу акбар!— дедим.

Аёлимиз бўзрайиб-бўзрайиб қолди. Аёлимиз ёмон-ёмон қараб қолди.

Билдим — эллик сўм ун пулни ё йўлда йўқотиб келди, ё ҳавойидан-ҳавойи сарфлаб келди, дея ўйлади.

— Энди, унни қайтаман?— деди.— Энди, тандирга елкамни ёпаманми?..

Аёлимиз овози қалт-қалт этди. Аёлимиз лаблари пир-пир этди. Аёлимиз... йиғламоқдан бери бўлди.

Мен кечмишимни оқизмай-томизмай баён этиб бердим.

Аёлимиз шляпамга тикилиб хаёлланди.

— Мудир аёл эдими?— деди.

— Аёл эди-да, аёл!

Аёлимиз юзига ранг оралади. Аёлимиз рангига кулгич оралади.

— Ухшатибди! Ухшатса-да, улай-булай ўхшатмабди!— деди.— Ухшатса-да, кўнглимдагидай ўхшатибди!

8

Ғузаларим қирқ кунлик бўлди.

Ғўзаларим қирқида сувсади.

Ғўзаларим сувсаганини қандай билдим?

Бир қарич ер остидан бир сиқим тупроқ олдим. Тупроқни маҳкам-маҳкам сиқимладим.

Тупроқ бир-бири билан қовушмади. Тупроқ чочилиб-чочилиб турди.

Демак — ғўзаларим сувсади.

Чиртиллатиб бир барг узиб олдим. Баргни қўшқўллаб бир букладим.

Барг қоқ ўртасидан ўтмиш йўғон томир қирс этиб синмади.

Демак — ғўзаларим сувсади.

Мен ғўзаларимни сувладим.

9

Далаларимда ассаломалайкум билан чирмовиқ тошди.

Мен йигирма кило пентахлор-фенол билан беш юз кило сув аралаштирдим.

Бир гектар даламга йигирма килолаб сепдим.

Бўлмади — ассаломалайкум билан чирмовиққа бас келмади.

Бир дихлорпропинат дегич дори бор. Мен уни далапон дори дейман.

Саккиз кило ана шу далапон дори билан беш юз кило сув аралаштирдим.

Далаларимни уч бора далапон дориладим.

Ассаломалайкум билан чирмовиқни уйи куйди!

10

Ўйнаб қўяй, янги техникаларидан ўйнаб қўяй!

Ким қанча йилдиркин, хўжалигимизда КХУ-4 дегич янги техника бор отангга бўлади, бор онангга бўлади.

Боридан йўғи яхши бўлади!

Боиси — ғўза остини ишлагич мазкур техника кети бир рамалик. У баланд шатакка тақилади. Натижада трактордан хийла кейинда туради. Шу боис, ердан рисоладагидай кўтарилмайди.

Оқибат — тўрт-беш қадам дала бош-адоқ ғўзани қирқиб-қирқиб бурилади. Оқибат — тўрт-беш қадам дала бош-адоқ оппоқ пахтани нобудлаб-нобудлаб бурилади.

Мен ё тўрт-беш қадам дала бош-адоқ ғўзамни экмаслигим лозим бўлди, ё эксам-да, тўрт-беш қадам ғўзамни ўриб-ўриб ташлашим лозим бўлди, ё... ана шу янги техникадан кечишим лозим бўлди.

Мен янги техника баҳридан ўтдим.

Чин-да, янги техника дея аталмиш гўрсўхтани нима қиламан? Чин-да, дала бош-адоқ ғўзаларимни кунпаякун этиб нима қиламан?

Эскиси трактор бортовойига тақилади. Трактор баллонлари оралиғига тақилади. Шу боисдан-да эскисини ердан кўтариб олиш ғоят ўнғай бўлади. Эскисини буриб олиш ғоят қулай бўлади.

Эскиси битта-да ғўзамни қирқмайди. Эскиси битта-да ғўзамга зиён бермайди.

Мен ҳар йил ана шу эски техника туфайли далаларим бош-адоғидан йигирма тонна оппоқ пахтамни омон олиб қоламан.

Йигирма тонна оппоқ-оппоқ пахта!

Айтишга осон — оғиз бир четидан чиқади-кетади.

Аслида — йигирма тонна оппоқ пахта эл-юрт учун оламжаҳон-оламжаҳон наф бўлади.

Мен катталардан нордон-нордон гаплар эшитдим.

Аммо далаларимга эскисини солдим. Ғўзаларим остини ҳайдадим.

Трактор тишлари тегмайин ўтмиш ғўза уя оралари кўп-кўп қолди.

Ғўза уя оралари ана шундайин қола берса — ҳосил чўғсиз-чўғсиз бўлади.

Мен ғўза уя ораларини кетмоним билан юмшатиб-юмшатиб олдим.

Пушта тупроқни эгатлаб туширдим. Эгат тупроқни пушталаб олдим.

Оқибат — пуштада тўпланиб-тўпланиб ётмиш озиқ моддалар ғўзаларим остига тушди.

Ғўзаларим авж-авж ўсди.

11

Оғилимизни бирёғи қийшайиб қолди.

Мен қараб-қараб қўйдим. Бу йил қишни ўтказар, дея ўйладим. Аммо мен ўйламишдай бўлмади.

Қийшаймиш девор белидан ағнаб тушди.

Табиатим тирриқ бўлди.

Оғил олдилаб сим чироқ судраб бордим. Тут айрисига чироқ илдим.

Оғилхона ёп-ёруғ бўлди.

Ағнамиш деворни кетмон билан майдаладим — лойхона этдим.

Етар вақти-ётар вақти ариқ ёқалаб бордим.

Сув бошида қулоқчи йўқ бўлди.

Пахтага бормиш сувдан ўғирлаб келдим.

Сув мен билан баравар лойхоналаб келди.

Чолворимни тиззалаб липпа урдим. Кафтларимни тупуклаб ҳўлладим. Кетмон олиб лой кирдим.

Девор кесакларни тепиб-тепиб лой этдим. Кетмон билан уриб-уриб лой этдим. Тепкилаб-тепкилаб пиширдим. Устидан сув сепдим.

Саҳарда вақтлироқ туриб девор ураман, дея ниятландим.

Аммо саҳарда ухлаб қолдим.

Эснаб-эснаб лойхона келдим. Лой қарадим-лой қарадим — нима қилишимни билмадим. Девор урайин дедим — дала қолиб кетар бўлди, дала борайин дедим — лой қотиб қолар бўлди.

Ўйладим-ўйладим — тағин ариқ ёқалаб сув боши бордим.

Бу сафар қулоқчи бўлди.

Ундай дедим, бундай дедим — қулоқчи кўнмади.

— Йўқ, беролмайман, сув пахтага бораяпти,— деди.

Ёпишиб олдим, куйиниб олдим.

— Молхонамизни ярми йўқ!— дедим.

— Йўқ бўлса нима қилайин? Мол зарилми, пахта зарилми?

— Пахта зарил!

— Отангизга балли, пахтани олдида мол нима деган гап!

Нима дейишимни билмадим. Келгич изимдан қайтиб келабердим.

Уйдан катта бидон олиб келдим.

Бидон билан елкамда сув ташидим. Беш-олти марта қатнадим.

Лой сувладим. Лой юзи килкиллаб-килкиллаб қолди.

Мотоциклимни миниб дала йўл олдим.

Кун бўйи лойдан аларда бўлдим.

Кун ботиши билан аёлимизга жавоб бердим.

— Бор-да, лойга сув сепиб тур, қотиб қолмасин,— дедим.

Оқшом тунар-оқшом тунарда уйимизлаб келдим.

Тут айрисида чироқ ёниб-ёниб турди.

Лозимини тиззалаб-тиззалаб туриб-туриб олмиш аёлимиз... лой тепди.

Аёлимиз сочлари лой тегмасин учун соч турмаклаб-соч турмаклаб лой тепди. Аёлимиз рўмоли билан бел бойлаб-бел бойлаб лой тепди. Аёлимиз кўйлак этаклари лой ботмасин учун қўшқўллаб этак кўтариб-қўшқўллаб этак кўтариб лой тепди.

Аёлимиз ҳарсиллади!

Аёлимиз лойдан илла-илла оёқ кўтариб олди.

— Бекор лой кирибсан-да,— дедим.— Мен сенга сув сепиб тур, деб эдим-ку?

— Сув сепдим, қотиб қопти.

— Болаларни лой солсанг бўларди.

— Болалар зарра бошидан қорасой бўлсинмя энди.

Болалар майда-майда сатилларда сув ташиди.

— Бўлди, лойдан чиқ,— дедим.— Бор, мол-ҳолингга қара, қозон-тобоғингга қара.

Аёлимиз лойдан чиқаман деди — чиқолмади, чиқаман деди — чиқолмади. Оёғини лойдан тортиб ололмади!

Мен аёлимизни қўлтиқларидан олиб, лойдан чиқариб қўйдим.

Болалар ҳиринг-ҳиринг кулди.

Мен кетмон билан қўзғаб-қўзғаб лой тепдим. Мен сувлаб-сувлаб лой тепдим.

Лой пишиди. Лой тобга келди.

Мен оғилхона деворини миниб аёлимизни чақирдим.

Аёлимиз қозонини онамизга қолдириб келди.

Лой уриш осон, лой олиб бериш қийин.

Аммо аёл зоти девор уролмайди-да.

Шу боис — аёлимиз лой олиб берди, мен девор урдим.

Аёлимиз белдаста суяна дам олиб-белдаста суяна дам олиб лой олиб берди.

Аёлимиз лой соб бўлгуничайин лой олиб берди.

12

Ётар вақти аёлимиз ўнг оёғи бошмалдоғини ушлаб-ушлаб вой-войлади.

Аёлимиз бошмалдоғини онамизга тутди.

Онамиз ёруққа солиб қаради.

— Эб-э-й! — деди. — Тирноқ кўчибди, бошмалдоғингни тирноғи кўчибди. Тирноғингни олиб юрсанг ўласанми, қирилиб кетгур!

— Тирноққа қарайдиган вақтми, — деди аёлимиз.

Мен ишонмайин қарадим.

Чин, тирноқ четлар қонталаш-қонталаш бўлибди.

Чин, тирноқ учлар кўтарилиб-кўтарилиб турибди.

— Деҳқонқул, бор, қайчини олиб кел, — деди онамиз.

Мен қайчини олиб келдим.

Онамиз кўчган тирноқни қирт-қиртиллатиб олиб ташлади.

Аёлимиз инграб юборди

— У-у-уҳ!.. — деди.

Онамиз қайчини аёлимизга узатди.

— Ма, тирноқларингни ол, — деди.

Аёлимиз қайчини қўли билан қайирди.

— Дардим тирноқми, — деди. — Ўзи, уйқум келиб, ўлиб бораяпман.

— Кел, унда ўзим олиб қўяйин.

Онамиз аёлимиз оёқларини тиззасига олди. Тирноқларига қайчи солди.

Аёлимизни оёқлари... турли-туман бўлди!

Бебилчагидан юқориси осма қовундайин тўр-тўр қора бўлди.

Қалишдан ташқари юргич жойи ана шуидай тўрлама-тўрлама бўлди.

Бебилчагидан пасти қуйруқдайин оппоқ-оппоқ бўлди.

Қалиш ичида юргич жойи ана шундай қуйруқ-қуйруқ бўлди.

Аёлимиз товонлари... қон-қора бўлди!

Аёлимиз товонлари... тилим-тилим ёриқ бўлди! Қақроқ ердай-қақроқ ердай тарам-тарам ёриқ бўлди!

Субҳи содиққачайин зим-зиё уйимизни оҳ олди.

— О-о-оҳ, оёғим!..— дея уйқусиради аёлимиз.— О-о-оҳ, оёққинам-а!..— дея оҳ урди аёлимиз.

13

Тағин далаларимни бегона ўт босди.

Қадамимда семизўт ёйилиб ётди.

Семизўт ўз оти ўзи билан йўғон-йўғон ўт бўлди. Бармоқдай танаси тўла сув ўт бўлди.

Семизўт ерда бор бўлмиш намни сўриб-сўриб олди. Семизўт ерда бор бўлмиш гумусни шимиб-шимиб олди.

Ғумайларни таг-томири билан қўпориб тўдаладим. Жарариққа олиб бориб кўмиб ташладим.

Филқулоқ баргли итқулоқ юлдим.

Икки-уч баргли шалпангқулоқ юлдим.

Шўраўт тортқилай бериб қўлларим сасиб-сасиб қолди. Шўраўт тортқилай бериб димоғларим аксириб-аксириб қолди.

Бир хушрўй баргли ўт билан рўпарў бўлдим.

Ўт бир барги нопармон бўлди, ўт бир барги қип-қизил бўлди. Ўт учида попуги-да бўлди. Попугида ғуж-ғуж доналари-да бўлди.

Бегона ўт кўзимни олди. Бегона ўт кўнглимни олди. Бегона ўт завқ-шавқимни олди.

Еввойи тожихўроз ана шундай ўт бўлди!

Тожихўроз дони шамолда учса — беш мингга-чайин болалайди. Тожихўроз дони сувда оқса — беш юз минггачайин болалайди.

Эркак қамиш ичида оппоқ похолдайин пўпаги бўлади. Шу пўпагидан ичи мўрт бўлади. Бир қайириб синдирса бўлади.

Урғочи қамиш юлиш ит азоб бўлди! Урғочи қамишни тортдим — юлинмади. Урғочи қамишни қайирдим — синмади.

Шу чайирлиги учун-да урғочи қамишдан бўйра қиладилар!

Урғочи қамиш барги кафтларимни тилди. Урғочи қамиш барги бармоқларимни тилди. Мисоли олмос билан кесмишдай тилди!

Тиликларимдан қип-қизил қон кўпирди.

Мен тиликларимни лабларим билан сўрдим. Мен тиликларимни тупугим билан намладим. Мен тиликларимни қуруқ тупроқ босиб дориладим.

Қоним қолди. Аммо тиликларим ачишиб-ачишиб оғрий берди.

Мен қоп-қора нўхат ҳосилли итузум юлдим.

Мен ҳандалак ҳидли зарпечак юлдим.

Қирқбўғин ғўзаларимни ёпиб-ёпиб ўсди. Қирқбўғин ғўзаларимни ўраб-ўраб ўсди. Қирқбўғин ғўзаларимни бўғиб-бўғиб ўсди.

Далаларимда кўк чирмовиқ-да сероб бўлди, сариқ чирмовиқ-да сероб бўлди.

Чирмовиқлар ғўзаларим танини ўраб-ўраб олди. Чирмовиқлар ғўзаларим жонини сиқиб-сиқиб олди.

Мен қирқбўғинларни чангаллаб-чангаллаб юлиб ташладим.

Мен чирмовиқларни тирноқлаб-тирноқлаб юлиб ташладим.

14

Ётардан олдин қўлларимни олқиндилаб-олқиндилаб ювдим.

Кафтларимни қайроқтош билан қирдим. Бармоқларимни қайроқтош билан ишқаладим.

Кафтларим ави-бужи кир бўлиб қолди. Бармоқларим чизиқ-чизиқ қора бўлиб қолди.

15

Идоралаб бориб эдим, раисимиз остонада олдимни олди. Ичкаридан қоғоз ўроғлиқ бир нима олиб келди.

— Манавини бизникига олиб бориб беринг, Деҳқонқул ака,— деди.

— Бу нима?— дедим.

— Қўй гўшт. Аёлга айтинг, катталарбоп овқат қилсин. Юқоридан одам бор. Тағин, бера солиб қочманг, гўштни майдалаб беринг.

— Майлис нима бўлади, раис бова?

— Ўша ўзингиз билган майлис-да, боринг.

— Тағин қайтиб келайинми?

— Келиб юрманг, аёлга қарашинг, боринг.

Мотоциклимни раисимиз дарвозаси олдида тўхтатдим.

Уэнмизни уйга кирмадим — болалар қўлимдаги гўштни кўрса томоғи тушади, дея ўйладим.

Раисимиз аёлига гўштни бердим. Бор гапни айтдим.

— Нима кўп, ёмон қовунни уруғи кўп, нима кўп, катта кўп...— дея минғиллади раисимиз аёли.

— Ундай деманг-е, ҳамсоя,— дедим.

— Нимага демайман, деймаи! Умрим катталарга қозон қайнатиб ўтди! Яна-тағин, қирилгурлар ундай-бундай таомни емайди! Бола-бақрага бошқа қозон, катталарга бошқа қозон қайнатаман. Билмайман, катталар осмондан тушганми!

— Ҳа энди, катта бўлгандан кейин, нозиктаъб бўлади-да.

— Ҳа, куйдирги чиқсин, нозиқ таъбига, куйдиргигина чиқсин! Яна-тағин, майлис пойлаб қозон қайнатаман. Майлиси ўлгур бўлса, ярим кечаси тамом бўлади!

Мен раиси сўрида жойлашиб ўтирдим. Пичоқни қайроқтош чархлаб олдим. Гўшт майдалаб бошладим.

Мен ойнаижаҳон қараб-қараб гўшт майдаладим. Ойнаижаҳон бор — раисимизда бор-да! Раисбоп ойнаижаҳон! Рангли-рангли ойнаижаҳон! Қизилини қизил, кўкини кўк кўрсатгич ойнаижаҳон!

Масковдан гўзаллар мусобақаси бўлдими ё гўзаллар намойиши бўлдими, ишқилиб — ажаб бир синоат бўлди.

Унг ёқдан бир гўзал келди, чап ёқдан бир гўзал келди — ойнажаҳон гўзалга тўлди!

Сарвқад гўзаллар, чиккабел гўзаллар, садафтиш гўзаллар бўлди!

Гўзаллар керила-керила қадамлади. Гўзаллар ирғала-ирғала қадамлади. Гўзаллар соллана-соллана қадамлади. Гўзаллар нозлана-нозлана қадамлади.

Ай, бир қизлар бўлди, ай, бир қизлар бўлди! Пахтадай оппоқ қизлар бўлди. Қош-киприги қоп-қора қизлар бўлди. Лаблари пахта гулидай қип-қизил қизлар бўлди. Айби... яланғоч қизлар бўлди!

Мен маҳлиё бўлиб ўтирдим-ўтирдим... ўз-ўзимдан уялдим. Юзларим қизиди. Йўқ, ловв-ловв ёнди. Кўзларим пир-пир этди.

Мен ойнаижаҳондан кўзларимни олдим. Бошимни қирт-қирт қашидим. Раисимизни аёли қараётган бўлса-я, дея кўз қирим билан ошхона тараф қарадим.

Раисимизни аёли қозони билан ҳаманкара бўлди. Дуюм-дуюм ойнаижаҳон-да қараб-қараб қўйди.

Раисимизни аёли мана мундай демишдай бўлди:

«Мунча кўзингни лўқ этиб қарайсан? Нима, умрингда яланғоч аёл кўрганинг йўқми?»

Юзларим ҳаминқадар лов-ловуллади.

Бошимни тағин-да қуйи эгдим. Дастурхон эгдим. Дастурхон букдим.

Мен мана мундай демиш бўлдим:

«Мен яланғоч аёлларга қараётганим йўқ. Мана, дастурхон қараб ўтирибман».

Эси дардим эса... гўзалларда бўлди! Кўз остимдан қараб-қараб олдим...

Турк гўзали босайинми-босмайинми, дея одимлади. Оқтерак бел-оқтерак бел оппоқ соңларини ирғаб-ирғаб одимлади...

Мен ич-ичимдан мириқдим. Мен қилт-қилт ютиндим...

Тағин ошхона тараф кўз қиримни ташладим

Раисимизни аёли қозондан юзини олди. Ойнаижаҳон қаради. Бир кўзи қозонда бўлди, бир кўзи ойнаижаҳонда бўлди.

Раисимизни аёли мана шундай демишдай бўлди:

«Эркак бўлмай ўл-а. Яланғоч аёлга қарамай кўзинг ўйилсин-а».

Мен бир-икки йўталиб-йўталиб олдим. Бошим узра шиғил-шиғил пишиб ётмиш ҳусайни узумларга бош кўтариб қарадим.

Бет-бошим узумларда бўлди, кўз қирим гўзалларда бўлди.

— Манави ҳусайни-я, ҳамсоя?— дедим.

— Ҳусайни, нима эди?

— Мен жовузмикин, дебман...

Мен мана мундай демиш бўлдим:

«Мен яланғоч аёлларга қараётганим йўқ. Мана, ҳусайни узумларга қараб ўтирибман».

Аслида... бет-бошим узумларда бўлди, кўз қирим гўзалларда бўлди.

Баданларим ваража-ваража этди.

Оғзимдан сувим оқди.

16

Катталар бир маҳалда келди.

Қўлювгичда қўл чайди. Бирин-кетин ичкарилади. Мен остонадан егуликлар узатиб турдим.

Раисимиз қўшқўллаб олиб дастурхон қўйиб турди.

Мен остонада турдим

— Энди нима қилайин, раис бова?— дедим.

Раисимиз эшик балдоғидан ушлади.

— Бўпти, энди қайта қолинг,— деди.— Эрта дала боргич одамсиз.

— Эса-чи,— дедим.— Дала бормай, қаер бораман.

Раисимиз эшикни ичидан ёпди.

17

Мотоциклимни ошхонамиз деворн суядим.

Оҳиста-оҳиста ичкариладим.

Тимирскиланиб тўшак топдим. Уст-бошимни ёнбош қўйдим. Оёқларимни узатиб керишдим. Кўзларимни юмиб-юмиб ётдим.

Аммо уйқум келмади. Бояги ғўзаллар кўз олдимдан кетмади...

Аёлимиз тараф оҳиста қўл узатдим. Тўшак силадим. Тўшак бош-адоғини пайпасладим.

Аёлимиз жойида бўлмади.

Аёлимизда болаларни нарёғига ўтиб ётиб олиш одати бор эди. Ё, шуидай этдимикин, дедим.

— Ай...— дедим оҳиста.

Овоз бўлмади.

Мен оҳиста турдим. Кафтларимни гилам тираб тўрт оёқ бўлдим. Болаларни бошн тарафдан ўрмалаб бордим. Юзимни болалар юзига тутиб қарадим. Бирин-бирин қарадим.

Аёлимиз бўлмади.

Тўшакни энг чеккасини — аёлимиз мендан безор бўлиб бориб ётиб олгич чеккасини қарадим.

Аёлимиз у ерда-да бўлмади.

— Ай, қаердасан?— дедим.

Шунда, чиндан-да аёлимиз уйда йўқлигини билдим.

Оёғимда тик турдим. Серрайиб қолдим. Бир-бир босиб даҳлиз чиқдим. Ундан меҳмонхона ўтдим. Чироқни ёқдим.

Аёлимиз меҳмонхона тўрида ётди.

Ўртада дастурхон ёйиқлик бўлди. Дастурхонда бир корсон таом бўлди. Таом усти нон билан ёпиғлик бўлди.

Чироқ ёниши билан аёлимиз болишдан бош олди.

Тиреак суяниб ўтирди. Кафтини пешонасилаб соябон этди.

— Қаёқда юрибди?.. — дея минғиллади.

— Юқоридан катталар келди,— дедим.— Катталар билан ўтириб қолдим.

— Унда, қорни тўқдир-да?

— Кўча-кўйда қачон қорин тўйиб эди-да, энди гўяди. Болаларни овлоқ қолдириб, сен буёқда нима қилиб ётибсан?

— Бу кишини хўрагини кўриб ётиб-ётиб, ухлаб қолибман. Ана, анави хўрагини еснн.

Аёлимиз шундай дея, тағин ёстиққа бош ташлади.

Мен кўрпача жойлашиб ўтирдим. Қошиқ билан таом қўзғадим.

Таомда тағин гўшт йўқ бўлди!

Мен аёлимизга бир заҳримни сочайин, дедим-дедим — тағин индамадим. Чин-да, гўшт бўлмаса аёлимизда нима айб?

Мен таомга нон тўғрадим. Корсон нон билан тўлди. Гўшт ўрнини нон босди.

Кўнглим тортиб-тортмай кавшандим. Теварак аланглаб-аланглаб кавшандим.

Узала ётмиш аёлимизга тикилдим.

Аёлимиз пиш-пиш ухлади. Аёлимиз ҳур-ҳур ухлади. Аёлимиз ўнг қўлини белидан бошига олиб қўйиб ухлади.

Шунда, аёлимиз ўнг қўлтиғи остига кўзим тушди. Оғзимдаги оғзимда қолди, бўғзимдаги бўғзимда қолди. Бир нафас кавшанмай қолдим. Аёлимиз қўлтиғига тикилиб қолдим.

Аёлимиз куйлаги қизил бўлди, қўлтиқ ости... олачалпак оқ бўлди.

Кўзим адашаяптимикин дея, тикилиб-тикилиб қарадим. Аёлимиз билиб-билмай қизил куйлагини оқ билан ямаб олдимикин дея, бор эътиборим билан қарадим.

Йўқ, оқариб турмиш олачалпак ямоқ бўлмади. Олачалпак... тер бўлди, қотиб қолмиш тер бўлди. Чанг аралаш, кир аралаш, жун аралаш тер бўлди...

Аёлимиз олачалпак қўлтиғи... шўр даламиз бетидай-шўр даламиз бетидай бўлди.

Кўнглим айниди. Таомни таъбим тортмади.

Қошиқни таом ташладим. Юзимни чет олдим. Теварак-бош алангладим.

Бўлмади — қорним очлигидан таом ичдим, ўлмайинни кунидан таом ичдим.

Таом ича-ича аёлимизга разм солдим.

Бечора далада-да бир кўйлакда юради, уйда-да бир кўйлакда юради.

Бечора кунда-да бир кўйлак кияди, тунда-да бир кўйлак кияди.

Бечора ҳафталаб бир кўйлак кияди, ойлаб бир кўйлак кияди.

Кўйлак алмаштирайин демайди. Кўйлак тугул, қўлтиқ тугул — ойна қарамайди.

Ойна қараш учун вақт тополмайди — қўлтиқ қарайдими, қўлтиқ эслайдими...

Оғзим таомда бўлди, кўзим аёлимизда бўлди. Тикилиб-тикилиб таом едим.

Шунда... шунда... гўзаллар хаёлимдан бир-бир ўтди. Хаёлимда — гўзаллар бўлди, кўз олдимда аёлимиз бўлди.

Мен ўйлаб-ўйлаб қолдим...

Бу зот... бу зот... гўзаллар намойишида иштирок этса... нечанчи ўринни... нечанчи совринни олар бўлди?

18

Мен болиш ёнбошладим.

Болишимни аёлимиз болишига қўшдим.

Қўлимни аёлимиз бўйни остидан оширдим. Бошини билагимга олдим. Пешонамни пешонасига теккиздим. Кўзларимни юмиб ётдим.

Шунда... аёлимиз сочларидан... аёлимиз сочларидан... бутифос... бутифос ҳиди келди!

Кўзларим ялт этиб очилди.

«Э, пирим-е, ҳали далага бутифос сепмадик, бутифос ҳиди қаердан пайдо бўлди?— дея ўйлай-ўйлай топдим.— Аёлимиз Жарариқдан молга ўт олиб келади. Ўтни бошида кўтариб келади. Бу ҳид ўтган йили сепилиб, ҳалиям ўтларда ётмиш бутифос ҳиди бўлди».

Мен кўзларимни чирт юмдим. Мен бутифос ҳидини билиб-билмасликка олдим. Мен бутифос ҳидини кўриб-кўрмасликка олдим.

Аёлимиз елкаларини силаб-сийпадим.

Аёлимиз силаб-сийповларимни ўзича ўйлади... Аёлимиз силаб-сийповларимни ўзича йўйди...

— Сидирға ётсин,— деди.— Сув совуқ...

Қўлимни елкасидан олиб ташлади.

Кўнглим увишди. Кўнглим эзилди. Кўнглим ўйилди!

Мен болишимни аёлимиз болишидан холисроқ олдим.

«Энди... бу эот-да... аёл-да?— дея кўнглим куйди.— Аёлдир-да, ана, ноз этаяпти-ку? Аёлдир-да, ана, нозланаяпти-ку?»

Мен юзларимни болиш босдим.

«Ким бўлса-да... болаларимни онаси,— дея кўнглим ийди.— Ким бўлса-да... пушти камаримдан бўлмиш болагиналаримни онагинаси»,— дея кўнглим ийди.

Шунда, яғриниларим аёлимиз тафти нафасини туйди.

— У-ўй?— деди аёлимиз.— У-ўй?..

Аёлимиз қапишиб-қапишиб келди.

Мен ўзимни ухламиш олдим.

— Бирдай шундай этади,— дея ёрилди аёлимиз.— Дардимни айтайин деймап, чаппа бурилиб ётиб олади...

— Нима дардинг бор, айта бер.

— У-ўй, аёллар Хўжаи Обигармга томошага бораяпти экан.

— Ҳа-а.

— Бари эркаги билан бораяпти экан.

— Ҳа-а.

— Хўжанов муаллим аёли билан бош бўлаяпти экан.

— Ҳа-а.

— Бир ҳафта ётиб келар экан.

— Бир ҳафта? Пахта нима бўлади?

Аёлимиз айтиб-айтиб йиғлади:

— Шундай дейишини билиб эдим. Мен бечора ишни остида чириб кетаман...

— Энди, сен ўзингни Хўжановни аёлига тенг этма-да. Хўжанов муаллим, аёли магазин мудир. Уларда бирёғи пул катта, бирёғи дам олиш куни деган гаплари бор. Сен билан бизда нима бор? На пул бор, на дам олиш кун бор, ўз отимиз ўзимиз билан колхозмиз.

— Мен бечора ишни остида ўлиб кетаман...

19

Чилла довулладиǃ
Кун бук бўлди.
Кун дим бўлди.
Қилт этмиш шабада эсмади.
Ғўзабоп-ғўзабоп ҳаво бўлди.

20

Дала юзасида кўз билан кўриб бўлмас зах бўлади.

Дала юзасида қўл билан ушлаб бўлмас нам бўлади.

Ана шу зах ғўзани ушлаб-ушлаб туради.

Ана шу нам ғўзани тортиб-тортиб туради.

21

Чилла ана шу юза захни ер остилатиб-ер остилатиб чўктирди.

Чилла ана шу юза намни ер остилатиб-ер остилатиб эндирди.

Чилла ер ғўза остидан кўтарди.

Чилла қуёш ғўза учидан тортди.

Ғўза гур-гур ўсди.

22

Ер ҳансиради.
Ғўзаларим барги оч-оч яшил туслана берди.
Ғўзаларим барги қўнғир-қўнғир доғ бўла берди.
Ғўзаларим барги буришиб-буришиб қола берди.
Ғўзаларим очқадиǃ
Мен ғўзаларимга босиб-босиб азот бердим.
Мен ғўзаларимга босиб-босиб фосфор бердим.
Мен ғўзаларимга босиб-босиб калий бердим.

23

Кун ғўзаларим учида илашиб-илашиб қолди.

Мен омборхонадан бир орқа дорихалта орқалаб келдим.

Дорихалталарни парр-парр йиртдим. Бўлак-бўлак этдим. Кафтдай-кафтдай этдим.

Уқариқ билан эгат қулоққа дориқоғоз қўйдим.

Шаршарасимон-шаршарасимон этиб қўйдим. Кулоққа босиб-босиб қўйдим.

Бош-адоқ ўқариқни ана шу мақомда дориқоғозладим.

Миробдан сув ҳайдаб келдим.

Сув ўқариқлаб-ўқариқлаб оқди.

Малла чумчуқ сув пишиниб-сув пишиниб ўйнади. Кулранг чумчуқ қанот тараб-қанот тараб ўйнади.

Кун сўлиди-сўлиди — оқ билан қорани фарқлаб бўлмайин қолди.

Мен бир қўйин дориқоғоз олиб олдим.

Фонус ёқиб ўқариқ ёқаладим.

Уқариқ оҳиста-оҳиста тўлди.

Сув дориқоғоз шаршаралаб келди. Сув дориқоғоз шаршарадан тошди. Сув ширр-ширр эгат тушди.

Мен ўқариқ ёқалаб қадамладим. Дориқоғозларга фонус тутиб-фонус тутиб қадамладим.

Дориқоғоз тушиб кетмиш кулоқлар бўлди.

Мен эгатда тушиб ётмиш дориқоғозни олиб кулоққа қўйдим. Кулоқ теварагини лойлаб-лойлаб шиббаладим.

Дориқоғоз оқиб кетмиш кулоқлар-да бўлди.

Мен бундайин кулоқларга қўйнимдан бошқа дориқоғоз олиб қўйдим.

Дориқоғоз қийшайиб-қийшайиб қолмиш кулоқлар бўлди.

Мен ана шу дориқоғозларни созлаб-созлаб қадамладим.

Чилла тунлар оппоқ юзли-оппоқ юзли бўлди.

Чилла юлдузлар болалади.

Чигирткалар чирр-чирр этди.

Фонусимни турли-туман ҳашаротлар ўраб-ўраб айланди. Фонусимни ҳашаротлар гир-гир айланди. Фонусимни ҳашаротлар чирт-чирт чертиб айланди.

Ҳашаротлар бирин-кетин ўлиб-ўлиб айланди!

Уқариқда сув уриб кетмиш жойлар бўлди.

Мен сув уриб кетмиш жойларни қўлим билан битаб-битаб қадамладим.

Уқариқ бир жойини ёмон-ёмон сув урди. Сув эгатлар оша шилдир-шилдир тошди. Сув эгатлар оша варақ-варақ тошди.

Мен билакларимни турдим. Сув уриб кетмиш ёриққа қўл тиқдим. Ёриққа кесак тиқдим. Ёриқни нуқилаб-нуқилаб муштладим.

Сув ҳамон булоқ бўлиб тоша берди.

Мен ўқариқ остидан лой олиб чиқайин, дея қўл узатдим. Бир чангал лой тортиб ола-ола — кўксим билан сувга тушиб кетдим.

Мен шилта бўлмиш уст-бошимни ташладим. Иштончан бўлдим. Яланг оёқ бўлдим.

Мен иштончан бўлиб сув битадим. Мен яланг оёқ бўлиб сув битадим.

Бир кўнглим иштончан бўлиб сув тарай берайин, дедим. Яна-тағин, пашшадан қўрқдим.

Шилтадан-шилта уст-бошимни сиқиб-сиқиб кийиб олдим.

Мен ўқариқ бош-адоқлаб бориб кела бердим.

Ғўзаларим жилдир-жилдир сув ичди.

Ғўзаларим мириқиб-мириқиб сув ича берди. Ғўзаларим тиниқиб-тиниқиб сув ича берди. Ғўзаларим қониб-қониб сув ича берди.

Чилла сув — тилла сув бўлди!

Тун қайтди. Ой оғди.

Оёқ-қўлим бўшашиб-бўшашиб қолди. Кўзларим кетиб-кетиб қолди.

Уқариқ бошида оёқ илдим. Фонусимни қабатимлатиб қўйдим.

Уқариқ бўйида майдароқ калладай бир кесак бўлди.

Мен ана шу кесакка ёнбошладим. Ёнбошдан чалқанча ётдим.

Кесак бошимга ботиб-ботиб ётдим.

Осмон кўриб-осмон кўриб ётдим.

Чилла юлдузлар сўлғин-сўлғин бўлди.

Кўзим илинди.

24

Момиқ-момиқ оқлиқдан кўзларимни очдим.

Тонг тўркади.

Дунё таги оқариб-оқариб кела берди.

25

Ғўзаларим шонага ўтирди.

Ғўзаларим битта-биттадан шоналади. Азоншомда бир шона тугди.

Намозшомда бир шона тугди.

Шунда, оқтупроқ далам сувсади.

Оқтупроқ ғўзаларим салқинда тирилди, офтобда сўлиди.

Ич-ичимдан қиринди ўтди. Дардим ичимда бўл-

ди. Тишим тишимда бўлди. Шона вақти дала сувсаса ёмон — ҳаминқадар ёмон!

Сув таралса — ғўза гуриллаб-гуриллаб ўсади. Ғўза ғовлаб-ғовлаб ўсади.

Сув тараб бўлмайди — шонага ўтирмиш ғўза шоналамай қўяди. Ғўза шонадан қолади.

Мен энди сув тараш тугул дала ораламадим.

Ғўзага ўнгир тегса бўлди — энди таг олмиш шона лип этиб учиб тушади. Ғўза бир силкинса бўлди — энди уч бермиш шона жалб этиб учиб тушади.

Бир туп ғўзадан иккита шона тўкилса — бир гектар даладан икки юз кило ҳосил камаяди!

26

Мен далаларимни айланиб-айланиб қарадим.

Мен шоналарини кўзим билан санаб-санаб қарадим.

Ғўзаларим етти-саккизтадан шона тугди.

Ана шунда далаларимга бир сув жилдириб-бир сув жилдириб олдим.

Шона вақти ботин сувлаб бўлмайди — шонага зиён беради.

27

Ғўзаларим шиғил-шиғил шоналади.

Ана шунда ғўзаларим азотга ерик бўлди! Ғўзаларим азотхўр бўлди!

Мен бир гектар ғўзамга йигирма беш килодан азот бердим.

Ғўзаларим тағин-да юз очди. Ғўзаларим тағин-да ранг олди.

28

Ғўзаларим ўттиз-қирқтадан шоналади.

Мен тағин бир сув жилдириб олдим.

29

Ғўзаларим саксон-тўқсонтадан шоналади...

Қани эди — шу шоналар гул бўлиб кўсак тугса эди! Қани эди — шу кўсаклар пахта бўлиб очилса эди!

Афсус, ғўза билониҳоя шонани қучай олмайди, афсус!

Шоналар ўз-ўзидан қуриб-қовжиради. Шоналар ўз-ўзидан тўкилиб-чочилди.

Бир туп ғўзада ўттиз-қирқтадан шона қолди.

30

Мен энди ғўзаларимни сувдан омонладим — кўп сув шона тўкади.

Мен энди ғўзаларим умрини чилладан тиладим — ўткир жазирама шона тўкади.

31

Ғўзаларим гуногун-гуногун гуллади.

Ғўзаларим ост-остидан гулга кирди.

Илк ҳосилшох айрилиш бўғинидан илк гулини очди.

Мен ғўзаларимга бир сув ичириб олдим.

Иккинчи қават ҳосилшох айрилиш бўғинидан гуллади.

Мен ғўзаларимга икки сув ичириб олдим...

Учинчи қават ҳосилшох гул берди.

Мен учинчи бор сув ичирдим.

Ғўзаларим гуллай берди-гуллай берди — мен сув ичириб гул салом эта бердим-сув ичириб гул салом эта бердим!

32

Ғўзаларим нопармон-нопармон гуллади.

Мен ғўзаларим гулини искаб-искаб кўрдим.

Ғўзаларим гулидан... қорақошгул иси келди.

Мен ғўзаларим гулини тағин бир бор искаб кўрдим.

Ғўзаларим гулидан... ис келмади.

Ғўзагул иссиз-иссиз гул бўлди!

33

Ғўзаларим қирмиз-қирмиз гуллади.

Қирмиз-қирмиз гулларимга капалак дориди.

Капалак қорамтир-сариқ бўлди. Узун-узун қанот бўлди. Қанотлари учида ёйма тўқ тасма бўлди. Қанотлари ўртасида иккита қўнғир доғ бўлди. Бир доғ буйраксимон бўлди, бир доғ ойсимон бўлди.

Капалак кундуз кунда бир жойда биқиниб ётди.

Капалак қора тунда бўйдор-бўйдор ғўзалар аро учди. Гулларга мояк қўйиб-қўйиб учди.

Капалак мояги гумбазсимон бўлди. Йигирма ол-

ти-йигирма саккиз қобирғали бўлди. Сарғиш-оқ рангли бўлди.

Мояк уч-тўрт кунда очди. Ичидан чорак эвлик қурт ёриб чиқди. Қурт қорамтир-яшил бўлди. Қурт устлари ҳамда ёнларида қўнғир-қўнғир йўллари бўлди. Йўллар тўлқинсимон-тўлқинсимон бўлди. Йўлларда сийрак туклар бўлди, тўқранг холлар бўлди.

Кўсакқурт ана шу бўлди!

Кўсакқурт олдин уст куртакларни кемирди. Уст гулларни кемирди.

Кўсакқурт тўлишди-тўйишди — ғўза ост шохларига эниб тушди. Ҳосилдор гуллар ичига кириб олди.

Кўсакқурт гул ич-ичидан қуригунчайин гул еди.

Кўсакқурт гул чириб-чириб тўкилгунчайин гул еди.

Кўсакқурт тишлари ўтмасланиб қолгунчайин гул еди.

Индамайин — капалак қирқ кун умр сўради. Қирқ кунда уч-тўрт минггачайин мояк қўяди.

Индамайин — кўсакқурт йигирма дона ҳосилгул ейди.

Йигирма дона ҳосилгул демак — ўн икки-ўн беш фоиз пахтам кўсакқуртда кетди, демакдир.

34

Мен бир гектар ғўзамни ўн беш кило калций арсенат билан чангладим.

Беш кундан кейин эфирсулфонатли хлорофос билан пуркадим.

35

Ғўзаларим сариқ-сариқ гуллади.

Гулён баргларда мояксимон-мояксимон ўргимчаккана инлади. Гулён баргларда бўғинюёқ-бўғинюёқ ўргимчаккана маконлади.

Ўргимчаккана барглар кетини ингичка-ингичка ўргимчакип билан ўраб-ўраб олди. Ўргимчаккана барглар кетини кулранг-кулранг ўргимчакип билан қоплаб-қоплаб олди.

Ўргимчаккана гулён барг ялади! Барг ялаб-барг ялаб кета берди!

Оқибат — барглар илма-тешик бўлди. Барглар ус-

ти хол-хол қизил бўлди. Бора-бора қора-қора тус олди. Охири қовжираб-қовжираб тўкилди.

Мен барини кўриб-билиб турдим. Аммо не иложим бўлди?

Ургимчаккана бино бўлгуничайин дала дорилаб бўлмайди. Ургимчаккана бино бўлгач-да дала дорилаб бўлмайди.

Ургимчаккана жами барг беш фоизини еганидан кейин дала дориланади. Ана шунда дори самарали бўлади.

Ургимчаккана билан бир вақтда... қандала бино бўлди. Қўнғиз бино бўлди. Олтинкўз бино бўлди.

Қандала... ўргимчаккана териб еди. Қўнғиз... ўргимчаккана босиб еди. Олтинкўз... ўргимчаккана билан тирикчилик этди.

Мен ўргимчаккана қачон беш фоиз барг еб бўлади, дея куним ўтди — қандала билан олтинкўз ўргимчаккана териб еб куни ўтди.

Бу дунё тескари дунё, демишлари чин бўлди.

36

Ниҳоят — далаларимга эфирсулфоиатли хлорофос сепдим.

37

Ғўзаларим оқ-оқ гуллади.

Оқ гул ёмон, оқ гул ёмон!

Танасида сув камчил ғўза оқ гуллайди.

Тагида ўғит тахчил ғўза оқ гуллайди.

Дардчил-дардчил ғўза оқ гуллайди.

Оқ гул кўсак тугмайди. Тугса-да — майда-майда кўсак тугади.

38

Бечиринди гўнг — бесамар гўнг. Бечиринди гўнг — беоқибат гўнг.

Бечиринди гўнг бегона ўт уйи бўлади. Бечиринди гўнг турли-туман дард ини бўлади.

Мен фермадан бермиш бечиринди гўнгни олмадим.

Қўча-кўйдан бўлса-да, чиринди гўнг топиб келдим.

Пилла қўювчилар уйидан ипакғумбак олиб келдим.

Товуқ фермадан паррандатезак олиб келдим.

Барини ўқариқ боши ҳовуз солдим. Устидан сув тўлдирдим.

Ҳовузни кураклаб-кураклаб ковладим. Азонда бир ковладим. Тушда бир ковладим. Шомда бир ковладим.

Икки кун ана шундай ҳовуз ковладим.

Учинчи кун ҳовуз бошидан бир ариқ олдим, ҳовуз адоғидан бир ариқ олдим.

Ҳовузбоши ариқдан сув ҳайдаб келдим.

Ҳовуз сув билан лаболаб-лаболаб тўлди.

Сув ҳовузда шарбат бўлиб адоқ ариқлади.

Сув ариқда шарбат бўлиб ўқариқлади.

Сув ўқариқда шарбат бўлиб далалади.

Далаларимда шира-шарбат сув оқди.

Шира-шарбат сув ғўзаларимни гул ташлашдан омон-омонлади.

Шарбат сув — шакар сув бўлди!

39

Кўсакларим бўзболадай-бўзболадай тўлиша берди.

Мен бот-бот сув қўя бердим.

Сув канда бўлса — кўсак ўз кунидан олдин очилади.

Сув ариса — ҳосил тош беғоз бўлади. Ҳосил бефазилат бўлади.

Чала бино бўлмиш чақалоқ қандай бўлади? Кўсак-да шундай-да!

40

Ғўзаларимга кўсакқурт тушди.

Кўсакқурт содда-муғамбир бўлади!

Кўсакқурт кундуз кун нам тупроқ орасини макон этади. Ғўзатана остини макон этади. Шонабарг орасини макон этади.

Кўсакқурт кушандаси чумчуқ бўлади!

Чумчуқ тунда учмайди. Чумчуқ тунда толшохда ухлайди.

Чумчуқ кундузда учади. Чумчуқ кундузда кўсакқурт териб ейди.

Кўсакқурт ана шуни билади!

Шу боис, кўсакқурт маконидан тунда ташқарилайди.

Кўсакқурт болдан-бол таом бўлса-да, қайрилиб

боқмайди. Фақат кўсак излаб урмалайди. Фақат кўсак топиб ўрмалайди.

Кўсакқурт кўсак тешади. Кўсакқурт кўсак ғовак этади.

Кўсакқурт ана шу ғовакдан ичкари кириб олади. Ичкарида сув-сув чигит кемиради. Ичкарида мулойим-мулойим чигит кемиради.

Бир кўсакқурт йигирмата кўсак нобудлайди. Йигирмата кўсак ўн икки-ўн беш фоиз ҳосил, демакдир.

Муғамбирдан-муғамбир кўсакқурт ундай-бундай доридан ўлмайди.

Шу боис, далаларимга метилмеркаптофос дори бердим.

Мен билгич дорилар орасида сассиқдан-сассиғи ана шу метилмеркаптофос бўлди!

Далаларимни қўланса-қўланса ис олди.

Мен икки кун туз тотайин дедим — тотолмадим.

Томоғимдан туз тугул, сув ўтмади.

Қайтанга — ичимда бори-да томоғимга қайтиб-қайтиб кела берди.

41

Чилла куйди!

Олам тандир тафт-тандир тафт бўлди.

Сонсиз ажинларим-да дош беролмади.

Саратон телпагим-да дош беролмади.

Мен лабларим ёрилиб-лабларим ёрилиб далаладим.

Мен бурним қонаб-бурним қонаб далаладим.

Мен каллам қайнаб-каллам қайнаб далаладим.

42

Ғўзаларим бўй-бўй ўсди.

Ғўза бўйлаб ўсса ғўза бўлмайди — дароз-дароз бўлиб қолади. Ғовлаб-ғовлаб қолади.

Ғўза ёнлаб-ёнлаб ўсса ғўза бўлади. Ғўза энлаб-энлаб ўсса ғўза бўлади.

Шу боис, ғўзаларимни чилпир бўлдим.

Бўйнимга этак осиб олдим. Дала бошидан ораладим.

Дароз-дароз ғўзаларим учини бармоқларим билан чирт-чирт чимдиб олдим. Пешма-пеш этак солдим.

Рисолада ўсмиш ғўзаларим учини чилпимадим.

Инсоф билан ўсмиш ғўзаларим учини-да чимдимадим. Майли, униб-ўссин, дедим.

Энлаб-энлаб ўсмиш ғўзаларимни билакларим билан қўзғаб-қўзғаб қўйдим. Кафтларим билан силаб-силаб қўйдим.

Этагим ғўзауч билан тўлди.

Ғўзаучлар бодроқ-бодроқ бўлди. Ғўзаучлар таомнўкат-таом кўкатдай бўлди.

Ғўзаучлар аззанча бодроқ бўлсин — ғўзаучларни эгатга ташлаб бўлмайди.

Ҳашаротлар ана шу ғўзаучларда болалайди!

Масалан, кўсакқурт ана шу ғўзаучларда мояк қўяди. Мояк ғўзаучда бола очади. Қурт бўлиб ўрмалайди.

Ғўзаучлар мулойим бўлади-да, ғўзаучлар офтобнёр бўлади-да!

Ғўзаучлар аззанча кўкатсимон бўлсин — ғўзаучларни мол-ҳолга-да бериб бўлмайди.

Ғўзаучлар дорихалта бўлади! Ғўзага сепилмиш жами дори ана шу ғўзаучларда жамланмиш бўлади!

Мен барн ғўзаучларни Жарариққа олиб бориб кўмдим. Тепкилаб-тепкилаб кўмдим.

43

Бир ҳафтадан сўнг тағин бир бор чилпидим.

Ғўзаларим бўйдан қолди.

Ғўзаларим энди кўсакка зўр берди.

44

Ўн кўсакли ғўзам гектаридан йигирма центнердан ҳосил беради!

Йигирма кўсакли ғўзам гектаридан қирқ центнердан ҳосил беради!

Йигирма беш-ўттиз кўсакли ғўзам гектаридан қирқ беш-эллик центнердан ҳосил беради!

ЕТТИНЧИ БОБ

1

Оқ тупроқ далам кўсаклари уч-учидан ёрилди. Оқтупроқ далам кўсаклари уч-учидан очилди.

Оқтупроқ даламга оқ оралади.

Бемаврид оқ оралади!

Оқтупроқ нозик-нозик ер бўлади. Оқтупроқ орик-орик ер бўлади.

Шу боис, оқтупроқ ер булайга силласи қуриб қолади. Оқтупроқ ер булайга дармонсиз бўлиб қолади.

Оқибат — оқтупроқ ғўза элдан бурун пишади.

Оқтупроқ ғўза элбурутдан очилади.

Оппоқ-оппоқ раққоса қизлар бўлади. Ялт-юлт раққоса қизлар бўлади.

Раққоса қизлар кўзни олади. Раққоса қизлар эс-ҳушни олади.

Аммо... раққоса қизлар пахта теролмайди. Раққоса қизлар хамир қоролмайди. Раққоса қизлар қозон қайнатолмайди.

Оқтупроқ ана шу раққоса қизлардай бўлади!

Оқтупроқ син-синбат бўлади, оқтупроқда қут-баракот бўлмайди!

2

Ғўзаларим бошидан кун урди, остидан нам урди.

Оқибат — ғўзаларим ора-оралари дим-дим бўлди. Ғўзаларим ора-оралари бук-бук бўлди.

Бундай вақтда трактор билан ғўза оралаб бўлмайди.

Трактор очилмиш пахталаримни чувалатиб-чувалатиб ташлайди. Трактор очилажак пахталаримни

тўзғитиб-тўзғитиб ташлайди. Трактор кўсакларимни эзиб-эзиб ташлайди.

Ғўзаларим орасини шамоллатмасам — тағин бўлмайди.

Кўсакларим димда понгсиб-понгсиб қолади. Кўсакларим букда чириб-чириб қолади. Омон қолмиш кўсакларим очилмай-очилмай қолади.

Мен ана шунда бирдан-бир йўлдан бордим — бор деҳқонларим билан сочилиб-сочилиб ғўза ораладим.

Ғўзаларимни қимирлатиб-қимирлатиб ораладим. Ғўзаларимни туртиб-туртиб ораладим.

Ғўзаларим шамоллади — кўсакларим ҳаво олди.

3

— Сизни Тошкангга уч кунлик кўрикка жўнатаман, Деҳқонқул ака,— деди раисимиз.— Бир кунгилни черини ёйиб келасиз.

— Қандай кўрик?— дедим.

— Пахта тергич машиналар кўриги бўлар эмиш.

— Далада иш қўқиб ётган бир вақтда-я?

— Энди, сиёсат-да, Деҳқонқул ака, сиёсат.

— Унда, ўзингиз бориб кела қолинг, раис бова?

— Қани эди, бир сайрлаб келар эдим. Катталар механизатор-бригадир боради, деяпти-да.

— Бир одамни икки бўладиган кунда-я?

— Бари колхоздан бировдан илғор бораяпти.

— Мен боролмайман, раис бова, боролмайман.

— Дўппингизни осмонга отсангиз-чи, Деҳқонқул ака! Тошканни айланиб келасиз! Йўл харажатларингизни колхоз тўлайди!

Ана шунда жоним кирди!

— Майлингиз, раис бова,— дедим.— Кўп қўймадингиз, майлингиз.

— Хў-ўш, қайта-қайта чўмилинг... Яхшилаб кийининг. Тошкан ўз оти ўзи билан Тошкан. Уст-бош борми?

— Бор, йўқ эмас, бор. Лекин барини оҳори тўкилиб ётибди. Шу теваракда кийса бўлади.

— Унда, бўлмайди. Сиз республика анжуманига бораяпсиз. Шу, парткомда фасон-фасон кийимлар кўп. Бир сидрасини олиб бераман. Уч кунга ейилиб кетмайди.

Мен эрталаб партком уйилаб бордим. Дардимни айтдим.

— Хабарим бор, раис айтиб эди,— деди партком.— Фақат, гард юқтирмай қайтариб келасиз!

Партком шундай дея, ичкаридан бир камзул-чолвор билан бир кўйлак олиб келди.

— Манавиларни кийинг; қани,— деди.

Мен барини бир бошидан кийиб олдим. Ўзимни тошойна солдим.

Уйнаб қўяй, партком бўл-е, дедим, ўйнабгина қўяй, парткомгина бўл-е, дедим.

Партком бўйнимга гулдор-гулдор бўйинбоғ тақиб бошлади.

Мен партком қўлини шунча ушладим — бўлмади.

— Тек ўтиринг!— деди партком.— Сиз пойтахтга томошага бораётганингиз йўқ, сиз республика кўригига бораяпсиз! Кўрикда катта одамлар бўлади. Сизни кўриб кулади. Галстуги йўқ — қолоқ экан дейди, маданиятсиз экан, дейди.

Бўйинбоғ бўйнимни бўғди.

Мен оҳиста-оҳиста иҳ-иҳ, дедим. Нафасим ҳир-ҳир этди. Нафасим бўйинбоғ тугунида тўхтаб қолмишдай бўлди.

Мен тоқат этолмадим. Бўйинбоғ учини қўшқўллаб-қўшқўллаб тортдим. Узиб олиб отайин, дедим.

— Нимага мунча типирчилайсиз?— деди партком.

— Манави... бўлмайди, партком бова.

— Нимаси бўлмайди, микдай-ку?

— Иштонбоққа ўхшаб шалвираяпти.

— Э, ундай деманг! Маданиятли гапиринг!

— Қўйни нўхтасига ўхшаяпти, партком бова.

— Э, бир иштонбоғ дейсиз, бир нўхта дейсиз! Бу галстук, югославский галстук! Отлиққа топилмайди!

— Буюрсин, партком бова, буюрсин. Лекин шуни бўйнимдан олинг.

— Кўп гапирманг, мана бўлмаса!

Партком шундай дея, бўйинбоғни тортиб-тортиб қўйди.

Шунда, бўйним пича озод бўлди. Эмин нафас олдим.

Жўна-жўна куни бўйинбоғни ташлаб кетаман дея, ниятландим.

Бўлмади — раисимиз уришиб-уришиб тақиб қўйди.

Раисимиз мен Тошкентда ўзимни қандай тути-

шимни бот-бот тушунтирди. Мени машинада Дёнов жўнатди.

Туман қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи Ўтоғамиз бўлди.

Ўтоға бизни бош-адоқ қараб кўрди. Бир-бир қараб кўрди.

— Бўлади!— дея бош ирғади.

Ўтоға бўйинбоғимга гумонсираб-гумонсираб қаради. Бир кўзларимга қаради, бир бўйинбоғимга қаради.

Мен илкис-илкис ҳолда қолдим.

Ўтоға, ана энди бўйинбоғимни сўрайди, дедим. Ўтоға, ана энди сен бундай бўйинбоғни қаердан топдинг, дейди, дедим.

Мен апил-тапил олдини олдим.

— Бу меники эмас!— дея, бўйинбоғимни тортқилаб-тортқилаб кўрсатдим.— Йўқ, меники эмас! Бу парткомимизники!

Ўтоға тотли-тотли кулимсиди. Кулимсиб-кулимсиб бош ирғади.

— Биламан, Жамолиддинов, биламан,— деди.— Буни парткомларингиз таваллуд кунида мен ҳадя этиб эдим. Кўзимга иссиқ кўринганидан қараяпман.

4

Мен Тошкентда Ўтоға билан ўртоқ Ленин ҳайкали пойига гулчамбар қўйдим.

Қўриқ бўлгич идора бордим.

Келим-кетим мўл бўлди, ўтинг-ўтинг ундан-да мўл бўлди.

Мен бир бурчакни олиб ўтирдим. Қўл қовуштириб ўтирдим. Тўрга қараб ўтирдим.

Тўрдагилар чапак чалса, мен-да чалдим. Тўрдагилар оёққа турса, мен-да турдим.

Мен тўрдан кўз узмай ўтирдим.

Шунда, тўримда ўтирмиш бир катта кўзларини бет-бошим лўқ этди.

Мен юзларимни девор буриб ўтирдим.

Сағалдан сўгин кўз қиримда қарадим.

Катта ҳамон бетимдан кўз олмади.

Мен ёмон ҳолда қолдим. Бошимни тиззам эгдим. Оёқларим учига боқдим.

Мен шу кўйи тағин оҳиста кўз остимлаб-кўз остимлаб қарадим.

Катта, кўзи ўлган қўйни кўзидай-ўлган қўйни кўзидай боқди.

Мен, жойимдан туриб кетайин, дедим. Тағин, қўй, дедим. Катталар олдида қоқилиб кетиб шарманда бўлма, дедим.

Катталар бири қўйиб, бири сўзлади.

Бир катта бир нима ўқиб-ўқиб берди.

Бир катта қўл пешлаб-қўл пешлаб эътироз билдирди.

Бир катта ёмон бўлиб қолди — кўксини чангаллаб-чангаллаб ташқарилади.

Бир катта араз уриб-араз уриб жўнаб қолди.

Уликкўз катта ҳамон бет-бошимдан кўз айирмади.

Уйнаб қўяй, кўзларингдан ўйнаб қўяй, мен Сурхондай олисдан келдим, қўй, пича одамдай ўтирайин, дедим.

Қани эди, катта лўқ кўзларини бет-бошимдан олса, қани эди!

Мен музтар бўлиб-музтар бўлиб анжуман қаратдим.

5

Жойнишинда:

— Нималар бўлаяпти-а, катта? — дедим.

Утоғамиз қўл силтади.

— Бари Даққиюнусдан қолган гаплар,— деди.— Мен ҳам бор, шу гаплар ҳам бор. Булар ўзи беш-олти гуруҳ. Беш-олтовиям олғир гуруҳ. Бир-бирини еймам дейди. Аслида, биринчи сўзлаганларни гапи жуфт гап. Ушаларни машинасини далага чиқарса бўлади. Аммо иккинчи гуруҳ йўл бермайди. Чунки иккинчи гуруҳни илмий раҳбари мартабаси баланд одам, ўзим бўлсам дейди. Бошқаларни бўлишини хоҳламайди. Нимаики янгилик бор, кашфиёт бор — шунга шерик бўлгиси келади. Аслида, қўлини совуқ сувгаям урмайди. Аммо ҳамма ишда, ҳамма рўйхатда номим бўлса, дейди. Тайёр ошга эгалик қилгиси келади. Шу сабаб, тиш-тирноғи билан қаршилик қилади. Илмда нима кўп — камчилик кўп, бўлмаса — топади! Кейин, гапида туриб олади. Бирида илм зўр, бирида мартаба зўр, бирида орқа зўр. Булар дунёдан аиа шундай бир-бирини еб ўтиб кетади. Уртада ўлган-ўлган — деҳқон ўлган!

6

Эрталаб меҳмонхона олдида узун бир автобус бел бўлди.

Автобус бизни шаҳардан олис тажриба даласи олиб борди.

Анжуманда сўзламиш катталар-да келди.

Мен ўликкўз катта назари тушмасин дея, ўзимни чет-чет олдим.

Бир катта дала бошида турмиш пахта териш машинаси олдида гап очди.

— Кўрикдан мақсад,— деди катта,— келажаги бор машиналарни аниқлаш, сўнгра уларни оммавий ишлаб чиқаришга тавсия этишдир. Бу жуда мураккаб масала, етти ўлчаб бир кесадиган масаладир. Бунда асосан қуйидаги уч нарсага эътибор берилади. Биринчи — толани чаноқда қолдирмай териш, иккинчи — кўрак фонзи, учинчи — толани мосламалар орқали пахтандишга бориб тушишидир. Фақат мана шу талабларга жавоб бера олган техникагина агротехника талабларига биноан оммавий равишда ишлаб чиқарилади. Аввало тарихдан бир саҳифа. Маълумки, биринчи пахта териш машинаси 1947 йилда яратилган. Шундан буён тўқсондан зиёд пахта териш машинаси яратилиб, синаб кўрилди. Аммо биронтасиям ҳамон талабга жавоб бермайди. Шундан буён изланаяпмиз, илмий ишлар қилаяпмиз, синаб кўраяпмиз. Аммо бирон-бир ижобий натижага эриша олмаяпмиз. Интилганга толе ёр, дейди халқимиз. Шундай экан, илмий изланишда, синовда давом этамиз. Сизларни ишонтириб айтамизки, биз олимлар сизларга ижобий натижалар берадиган пахта териш машиналари яратиб беришга ваъда берамиз! Мана, бугун навбатдаги янги ишлаб чиқарилган машиналарни синаб кўрамиз, улар жами ўн еттита. Лекин биз сиз азиз деҳқонларнинг вақтларингизни олмаймиз. Шунинг учун шу ўн еттита машинанинг тўрттасини синаб кўрамиз.

Синовчи механизатор биринчи турмиш машинани эгат солди.

Янги машина тозалаб терди. Ғўзани шипшийдамлаб терди. Чаноғида қолдирмай терди.

Аммо хом кўсакларни чайнаб-чайнаб ташлади. Юлиб-юлиб ташлади. Ғўзапояларини ғажиб-ғажиб

ташлади. Толани кўк барглар билан булғаб-булғаб ташлади.

Катта чайнаб ташланмиш кўсакларни олди.

— Янги машинани ана шу иши агротехника қоидаларига мос келмайди,— деди катта.— Олимларни эндиги вазифаси буни ўйлаб кўриб, бартараф этишдир. Олимлар мазкур машина устида ишлаётганларига мана, йигирма йил бўлмоқда. Бу олимларни иши шундан иборатки, улар шу вақтгача ишлатилиб келинаётган пахта териш машиналаридаги урчуқ барабанларидан воз кечиш йўлидаги уринишлардир. Бу лойиҳани афзаллиги шундаки, унда тик тайёқчалар ўрнатилган бўлиб, таёқчаларга қатор лаппаклар жойлаштирилгандир. Худди ана шулар ғўза теварагида айланиб, толани тортиб олади. Та-ак, энди навбатдаги янги машинани синовдан ўтказамиз. Бу машина ижодкори машинада ўтирган олимдир. У киши ҳозир ўз машинасида ўзи механизаторлик қилади. Бу машинага ҳам худди ҳалигидай лаппаклар ўрнатилган бўлиб, аммо буниси бир оз фарқ қилади. Бу машина жуда нозик, аниқроғи, жуда бўш. Яъни, пахтани бирчаноқ қилиб териб кетади. Толалар чаноқда чувалиб, дала оппоқ бўлиб қолади. Аниқроғи, бу машина чала теради. Аммо бу машинанинг ҳам афзал томонлари бор. Масалан, уни ишлатиш осон, қулай. Бошқа машиналардек, унинг урчуқларини ҳадеб юваверлайсиз. Мазкур машина лаппакларини алмаштириб, кўрак теришда ҳам фойдаланса бўлади.

Ҳавокуч ёрдамида пахта тергич машина синаб кўрилди.

Ҳавоютгич мосламада пахта тергич машина синови бўлди.

— Кўриб турибсизки,— деди катта,— янги машиналарни биронтаси ҳам шу кунларда далада пахта тераётган машиналарга тенглаша олмайди. Ўша машиналардан қолманглар!

Катталар давра олиб талашиб-тортишди. Гўё, кимўзар ўйнади.

Билсам — қирқинчи йилларни ўрталарида Розенблюм дегич ихтирочи машинага урчуқ қўйиб, пахта теришни ўйлаб топибди. Шундан буён урчуқ билан пахта териш жорий бўлибди. Шундан буён пахтани шу урчуқлар терар экан. Шу вақт мобайнида урчуқлардан бир неча марта воз кечмоқчи бў-

либди. Аммо урчуқ ўрнини боса оладиган техника топа олмабди. Юздан энёд... пахта териш машинаси ҳақида юздан энёд диссертация яратилибди! Тўқсон киши фан номзоди бўлиб, тўққиз киши фан доктори бўлибди! Иккита академик сайланибди. Аммо машина ҳамон ўша-ўша — қирқинчи йилларда Розенблюм яратган машина эмиш! Яна-тагин — бари диссертациялар айни ана шу урчуқлар ҳақида эмиш!

Катталар уялмай-нетмай айтиб ўтирибди:

— Урчуқ эскириб қолди.

— Аммо бошқа техника йўқ-да.

— Қўяверинг, американиклар ҳам урчуқлар билан пахта термоқда.

— Тўғри, аммо улар пахта териш машиналарини йил сайин такомиллаштириб бормоқда. Масалан, Американинг «Жон Дир» фирмасида ишлаб чиқилаётган пахта териш машиналари кейинги йигирма йил мобайнида ўзининг пахтани кўп ва тез териш хусусияти билан бизни машиналардан бир ярим баравар ўзиб кетди.

— Бизда эса пахта ҳамон қўлда терилмоқда.

Пахта тергич машина яратгич катталар нима фикрга келдилар?

— Биз яратган машиналар ёмон ишлаётгани учун энг аввало нав яратувчилар айбдор! — деди бир катта.— Нав яратувчилар бизнинг машиналарбоп пахта нави яратиб бермаяптилар. Янги машина керакми? Демак, янги пахта нави ҳам керак. Янги пахта нави қандай бўлмоғи керак? Янги пахта ўрта бўйли, хипчадан келган бўлмоғи керак!

7

Автобусда меҳмонхона келгунимча**й**ин ўйладим.

Одамзот Гагарин бўлиб Ой учди. Одамзот Ойдан тош олиб келди.

Аммо... деҳқон оғирини енгил қилажак пахта териш машинаси яратилмади!

Одамзот юраги жойига ўзга юрак жойлаштирилди. Одамзот юраги алмаштирилди!

Аммо... урчуқ алмашмади! Шугина урчуқ ўрни учун бир техника ўйлаб топиб бўлмади!

Деҳқон кўнглидагидай бир пахта тергич машина яратилмади!

8

Автобус бизни катта йўл четида ташлаб кетди.

Мен ўнгимга аланг-жаланг лўкилладим. Мен чапимга аланг-жаланг лўкилладим.

— Маданият уйи қаерда-қаерда?..— дедим.

— Шатта-шатта!— деди бир йўловчи чол.

Чол кўрсатмиш иморатни кўзлаб бордим. Иморат чиндан-да маданият уйи бўлди.

Мен тағин лўкилладим. Охир маданият уйини топдим. Ичим илиди.

— Худога шукур-е, ҳақиқат бор экан-е!— дедим.

Йўл-йўлакай қайишимни ечиб-ечиб ичкариладим.

Шундай ичкарилашимни биламан — бир қий-чув бўлди, бир қий-чув бўлди-е!

Мисоли ердан чиқмишдай беш-олтита аёл бўй берди! Бари аёл қўзиқорни мисол оппоқ-оппоқ бўлди!

— Что за баран?!— дея бақирди.

Мен бир қўлим билан қайишимни ушладим, бир қўлим билан бетимни ушладим.

— Ай, ўлдим-ай!— дея шаҳд бурилдим.

Кетимдан бир малласоч аёл қувиб келди. Халтачаси билан елкам оралатиб урди.

— Ух, ты баран!— дея урди.

Бир тарафдан эркаклар чиқиб келди. Эркаклар орасида бир мелиса-да бўлди.

— Кўз борми, ока?— деди мелиса.

— Бор-бор!— дедим.

— Кўз бўлса шундай қиласизми? Ана — «М», «Ж», деб ёзиб қўйибди-ю? Ё, хат-савод йўқми? Ана энди эллик сўм жарима тўлайсиз!

Билдим — иш чатоқ бўлди. Бир бефаросат қадамим туфайли эллик сўм кетар бўлди.

Эллик сўм-а, эллик сўм!

Бир меҳнат куни уч сўм ўттиз етти тийин туради. Эллик сўм топишим учун ўн беш меҳнат куни бажаришим лозим бўлади.

Энди, бола-бақрани насибасини омон олиб борайин. Эллик сўмга ким қанча қозон қайнайди?

— Хат-савод бор!— дедим.— Ана шу «М», «Ж»-ларни ўқиб кўриб кирдим! Мана шундай келиб ўқидим: «М» — маржаларники бўлди. «Ж» — жигитларники бўлди. Худога шукур, жигитман! Жигитларникига кириб кета бердим!

— Ёпирай, ёпирай!— дея ёқа ушлади мелиса.

— Ёпирайи бўптими!— дедим.— Шаҳарда бор хат-савод, қишлоқда-да бор!

Мен бетимни қалини — жонимни ҳузури, дея сур бўлиб-сур бўлиб тура бердим.

Мелиса ё, олачипор бетимни кўриб раҳми келди, ё, шу кўрсавод билан айтишиб ўтирамани, деди.

— Э, боринг-е!— дея жеркиб ташлади.— Қаттан келган бўлсайиз, ўшатга гумдон бўлинг-е!

— Гумдон бўламиз!— дея кўкрак кўтардим.— Биз шаҳрингизга мусофирмиз! Гумдон бўл, десангиз — бўла берамиз!

Малласоч аёл сувдан қуруқ чиқишимни билиб қолди. Тағин халтачаси билан уриб қолди.

Мен лик этиб мелисани кетига ўтиб олдим. Мелисани елкаси оша қарадим.

— У-ў, маржа!— дедим.— Советни бадрабхонасини кўп қизғана берма! Советни бадрабхонаси сенгада етади, менга-да етади!

Аёллар олдида мен ҳақ-мен ҳақ, мақомда қадамладим. Зафарона-зафарона қадамладим.

Аёллардан пана бўлишим билан юлдуз учмишдай-юлдуз учмишдай чопиб-чопиб қўя бердим!

9

— Отингни сот, молингни сот, машъал бўл-да!— деди раисимиз.

— Ўйнаб қўяй, ўйнаб қўяй!— дедим мен.— Тағин ким келаяпти?

Раисимиз шаҳодат бармоғини юксак кўтарди.

— Шоирлар!— дея хитобланди.— Ана энди репортаж бўласиз, очерк бўласиз!

— Ўйнаб қўяй, меҳмондан, ўйнаб қўяй!

— Қассирдан пул олиб бозорланг. Бир қўй, учтўртта арoқ...

Шоирлар чошгоҳда келди.

Шоирлар ўқариқ ёқалаб оҳиста-оҳиста одимлади. Шоирлар далалар узра назар ташлаб-назар ташлаб одимлади. Шоирлар далалар узра қўл шоп қилиб-қўл шоп қилиб одимлади.

— Пахтазор — чаққон қўлларга интизор!— дея хитоблниб одимлади.

— Пахтазор — пахта фронтининг механизациялашган қўшинларига интизор!— дея хитобланиб одимлади.

Идеология билан раисимиз шоирлар кетидан эргашиб юрди.

Шоирлар ўқариқ адоғида оёқ илди.

Шоирлар оёқлибос қоқди. Шоирлар чолвор қоқди. Шоирлар кўйлак пуфлади.

Шоирлар бизникига йўл олди.

Кайф-сафо авж олди.

Шоирлар ўзларини ўзлари мақтаб ичди. Шоирлар ўзларини ўзлари улуғлаб ичди.

Косагул шоир пиёла тўла ароқни бир кўтаришда ютди. Газагига ана шу пиёлани чертиб-чертиб хиргойи этди:

Юртим шундай бир диёрки
Нурхонаю — нурхона
Дурхонаю — дурхона
Гулхонаю — гулхона...

— Ўртоқ Деҳқоний!— деб қолди бир маҳал.

Мен сергак бўлдим. Мен аланг-жаланг бўлдим. Мен ўз-ўзимдан уялдим.

— Ундай деманг-е, домла, ундай деманг-е,— дедим.

— Ия, нега демайман? Деҳқонни Деҳқоний дейди-да!

— Мен шоир бўлсам экан — шундайчикин десангиз. Мен бир деҳқон одам бўлсам. Шундай экан, Деҳқонқул дея беринг.

— Қул? Шўро замонида қул йўқ! Бўлиши ҳам мумкин эмас! Улуғ Октябрь социалистик революцияси барча қулликларга барҳам берган!

— Ҳа!— дея кесак олиб берди Идеология.— Улуғ Октябрь социалистик революцияси планетамизнинг социал-сиёсий қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди, кишининг киши томонидан эзилишига ва эксплуатация қилинишига асосланган бутун жаҳон системасига 1917 йил октябрида қақшатқич зарба берилди, жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг ташкил топиши жаҳон тарихининг янги даврини бошлаб берди, чор Россиясида аҳолининг тўртдан уч қисми қишлоқ хўжалигида банд эди, эндиликда меҳнатга қобилиятли аҳолининг учдан бир қисмидан камроғи қишлоқ хўжалигида меҳнат қилмоқда, ўтмишда саводсиз бўлган, помешчик томонидан хўрланиб келган деҳқон эндиликда ўз хўжалигининг озод эгаси бўлиб олди, абадий фойдаланиш учун колхозларга бериб қўйилган ерларда меҳнат қилмоқда, коопера-

тивнинг бошқа аъзолари билан биргаликда коллектив меҳнат самараларини тақсимлаб олмоқда, унинг оила аъзолари социалистик тузум берган барча маданият неъматларидан баҳраманд бўлмоқда, Совет ҳокимияти йиллари мобайнида деҳқонларнинг реал даромадлари ошмоқда...

— Энди, домла, ота-энамиз, шундайин от қўйиб эди-да.

— Домла? Қанақа домла?— деди косагул шоир.— Домла мачит-мадрасаларда бўлади! Биз социалистик халқ шоирларимиз!

— Тавба қилдим!— дея қўлимни кўксимга қўйдим.— Майли, билганингиздай дея бериинг.

— Ҳа, ана, бу бошқа гап!— деди косагул шоир.— Ана шундай кетсангиз, шубҳасиз, ўсасиз! Хў-ўш, ўртоқ Деҳқоний, мана бу ёнимдаги зотни танияпсизми?

— Йўқ,— дея бош чайқадим.

— Бу зотни танимабсиз — дунёни танимабсиз! Бу зот замонамизнинг буюк адиби бўладилар. «Бўри изидан» деган романни ўқигандирсиз?

— «Бўри изидан», «Бўри изидан»...

Мен шундай дея, чапимга қараб кўз пирпиратдим. Мен шундай дея, ўнгимга қараб кўз пирпиратдим. Мен шундай дея, осмонга қараб кўз пирпиратдим.

Мен ўқидим, дейин дедим — ёлғон бўлди. Мен ўқимадим, дейин дедим — Идеология кўз қисди.

Идеология ўқидим, деб айт-ўқидим, деб айт, дея кўз қиса берди.

— «Бўри изидан», «Бўри изидан»...— дея тағин минғ-минғ этдим.— Э, ҳа, ов ҳақнда эди-а?

Ана шунда буюк адибни ўзлари гап берди.

— Да, ов ҳақида!— деди ҳокимона.— Қашқир ови ҳақида!

— Эсладим-эсладим!— дея бош ирғадим.— Энди эсладим. Пича хаёлимдан кўтарилибди. Овга қизиқмагандан кейин шу-да.

— Ну, у овга қизиқмайдиган одам ҳам бўладими?

— Қизиққаним билан, даламизда бўри йўқ-да, ов қилайин десам.

— Ну-ну, бўри йўқ!.. Бир вақтлар бу далалар бўрилар макони эди, бўрилар макони!

— Бўрилар макони?— дея анграйдим.

— Да, бу далалар бўрилар макони эди!

Мен далаларимда илон кўрдим, чаён кўрдим, тулки кўрдим. Аммо бўри кўрмадим.

— Мана шу далалар-а?— дедим.

— Да, бу далалар бўрилар уяси эди, бўрилар уяси!

— Шундай-я?— дедим.

— Да-да, бу далаларда бўри галалари тўда-тўда бўлиб изғиб юрар эди!

— Йўғ-е?— дедим.

— Да-да, бу далаларда йиртқич бўрилар увиллаб-увиллаб дайдиб юрар эди!

Мен нима дейишимни билмадим.

— Бўри ўз уясидан олислаб кетмайди, дейишади,— дедим.— Уида гала-гала бўри қаёққа кетади?

— Шўро ҳукумати қириб ташлади! Мана бундай пақ-пақ отиб қириб ташлади! Шўро ҳукумати икки миллионтача йиртқич бўрини ана шундай қириб ташлади! О-о-о, Шўро ҳукумати бўлмаса, бу далаларда деҳқончилик қилиш қаёқда эди? О-о-о, Шўро ҳукумати бўлмаса, бу далаларда деҳқон қаёқда эди?

— Ҳа!— дея яна кесак олиб берди Идеология.— Совет Иттифоқида социализмнинг ғалаба қилиши натижасида эксплуататор синфлар тугатилди ва кишининг киши томонидан эксплуатация қилинишига барҳам берилди, ишсизлик ва қашшоқлик йўқ қилинди, меҳнаткашларнинг моддий ва маданий фаровонлиги йил сайин ўсиб борди, миллий зулмни келтириб чиқарган ва халқлар орасида бир-бирига ишонмасликни кучайтириб келган эксплуататор синфларнинг тугатилиши, Совет ҳокимияти томонидан СССРдаги барча халқлар ўртасида ҳақиқий тенгликни юзага чиқаришга қаратилган ленинча миллий сиёсатнинг амалга оширилаётганлиги, айрим миллатларнинг хўжалик, сиёсий ва маданий жиҳатдан ўтмишдан мерос бўлиб қолган қолоқлигини йўқ қилишда рус халқининг системали суратда ёрдам бериб келаётганлиги натижасида совет қишлоғи ҳаётида жуда катта ўзгаришлар юз берди, социалистик қишлоқ хўжалигининг экономикасини мустаҳкамлаш негизида колхозчи деҳқонларнинг моддий фаровонлиги ошди, қишлоқ ҳаёти шаҳар ҳаёти билан тенглашди, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовут йўқолди...

— Мана бу ёнимда ўтирган зот барча даврлар ва барча халқлар адибидир,— деди косагул шоир.—

«Самарқанд осмонида юлдузлар» романи муаллифи бўлади.

— «Самарқанд осмонида юлдузлар»...

Буюк адиб гапимни илиб олди.

— «Самарқанд осмонида юлдузлар» романида ҳам йиртқич қашқирлар ҳаёти қаламга олинади,— деди.— Фақат унда қадим-қадимги қашқирлар тасвирланади. Фарқимиз — у киши нуқул тарихий қашқирлар... нуқул тарихий қашқирлар ҳаётига мурожаат қилади, холос...

Шоирлар жўна-жўна бўлди.

— Сиз идорагача юринг, иш бор,— деди раисимиз.

Шоирлар машина кет ўриндиғида жойлашди.

Мен раисимиз имоси билан ҳайдовчи қабатидан жой олдим.

Машина Сайрак қишлоғи ёналаб юрди-юрди — Ақраб шаҳид қоралаб келди.

Ҳайдовчи машинани оҳисталатди. Чап қўлида машина бошқарди. Унг қўлини юзлари аро кўтарди. Ақраб шаҳидга қараб пичир-пичир фотиҳа ўқиди. Унг кафтини юзларига суртди.

Мен ҳайдовчига қўшилиб фотиҳа ўқидим.

— Танҳо мозорда ётган зот ким бўлди?— деди буюк адиб.

Мен: отамиз, дейиш учун оғиз жуфтлаб эдим — раисимиз оғзимдан гапимни илиб олди.

— У зот уруш қаҳрамони!— деди раисимиз.

— Уруш қаҳрамони? Қанақа уруш?— деди барча халқлар адиби.

— Улуғ Ватан уруши қаҳрамони!— деди раисимиз.

— О-о-о, Улуғ Ватан уруши қаҳрамони!— дея хитобланди буюк адиб.— Очерк ёзиб, номини абадийлаштириш керак эди!

— Ҳали ҳам кеч эмас,— деди барча халқлар адиби.— Адҳам Раҳматга айтамиз, келиб ёзиб кетади.

— Адҳам Раҳмат бўлиши шарт эмас,— деди раисимиз.— Тошканда қаҳрамонни ёзувчи жияни бор. Шу жияни ёзса-да бўлади.

— Ёзувчи? Ким дейди?— деди косагул шоир.

— Тоғай Мурод, дейди.

— Тоғай Мурод? Тоғай Муродни биламиз!— деди косагул шоир.— О-о, Тоғай Мурод худони балоси у, худогинани балоси у!

— Жиян тоғага тортади-да!— деди раисимиз.

Идеология керма қош бўлди. Идеология лаб бурди.

— Улуғ Ватан уруши қаҳрамони... Улуғ Ватан уруши қаҳрамони...— дея ўйланди Идеология.— Шундай одам вафот этади, нега мен билмайман, ўртоқ раис? Бу воқеа қачон бўлиб ўтди?

— Ўтган беш йилликларда бўлиб ўтиб кетди,— деди раисимиз.

— А-а, вот как!— деди Идеология.— Мен унда Москвада ўқишда эдим!

10

Бир ҳафтадан кейин супрадай бир рўзномада мана бундай мақола ўқидим:

ЁЗУВЧИЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

ОППОҚ ТОНГ ЮЛДУЗЛАРИ

Тонг киприк қоқмоқда. Боботоғ чўққилари-ла осмон оқариб кўринмоқда. Она қуёш дастлаб қалдирғоч қанотига ўхшаб кўринади-да, зум ўтмай тоғнинг ясси чўққисида қип-қизил мис товоқдай товланиб, воҳага ажиб бир зар тўкади. Ҳур, бахтиёр кун бошланади.

Шу лаҳзада Хурсандой билан Норгулой сўқмоқ ёқалаб боришмоқда. Улар бугун Жарариқ анҳор бўйида «оқ олтин» теришади. Сўлим, сулув Жарариқ анҳори! Анҳор бўйида «оқ олтин» териш нақадар гаштли! Яна-тағин ўн кунликнинг охири. Бир юз қирқ уч килограммдан пахта теришса, жами беш тоннага етади. Дугоналар кеча оқшом маслаҳатлашиб олишган. Хурсандой биринчи эгатга тушади. Норгулой уни ёнлаб тушади.

Пахта юзини шудринг босган, қўл тегса, ёмғир ёққандай дув этиб тўкилади, қўл жиққа ҳўл бўлади.

— Хурсандой, шудрингнинг ялтирашини қара, худди ёмғир ёққандай-а,— деди Норгулой.

— Баҳор, мисоли сўлим баҳор!

Хурсандой шундай деб, Норгулойга бир нима узатди.

— Дугонажон, манави атирдан сепиб олинг, чивин чақмайди.

— Вой, бу нима?

— Француз атири.

— Раҳмат, дугонажон, раҳмат, далага француз атириям бўлаверади.

Бригадир Деҳқонқул ака бизнинг илтимосимизга биноан иккита дала юлдузини, иккита тонг юлдузини бир-икки дақиқага олиб қолди. Биз дала юлдузлари билан суҳбатда бўлдик.

— Ҳорманг энди, она қизларим!

— Саломат бўлинг,— жавоб берди дала юлдузлари лабларида табассум ўйнаб.

— О, яхши, яхши! Турмуш шароитларингиз қалай, қийналмаяпсизларми ўзи?

— Қийналиш қаёқда, ҳамма нарса етарли. Уйларимизда газ, радио, телевизор бор. Ҳар куни кечқурун колхоз клубида кино кўриб турамиз. Биз пахтакорлар учун ҳамма нарса муҳайё!— деди қизлар бахтиёрларча.

— Пахта териш қийин эмасми?

Қизлар юзларида бахт ва шодлик ўйнаб, ўзларининг дил сўзларини изҳор этди:

— Пахта теришнинг нимаси қийин? Пахта териш гул теришдай гап! «Оқ олтин»лар лўппи-лўппи бўлиб, бизга табассум билан термулиб туради. Биз авайлабгина олиб, этагимизга соламиз!

— О, поэзия, поэзия!

— Пахта териш гул теришдан осон! Гулнинг тикани бор, авайламаса бўлмайди. Пахтанинг эса тикани йўқ, шундайгина кафтимизга олиб, этакка соламиз-қўямиз, вассалом. Қайтанга кафтимизга момиққина тегиб, жонимизга ҳузур бағишлайди, роҳат бағишлайди.

— Кафтимизга момиққина тегиб... Ана ўхшатиш! Шоир бўлиб кетинг-е!

— Биз пахтани яйраб, ҳавас билан, завқ-шавқ билан терамиз! Чунки пахта ифтихоримиз!

— Офарин, қизим, офарин! Ана фалсафа-ю, мана фалсафа! Биз фалсафани сиз қўли гул дала юлдузларидан ўрганишимиз керак! Хўп, она қизларим, ишларингизга муваффақиятлар тилаймиз! Вақтларингизни олганимиз учун кечирим сўраймиз!

Дала юлдузлари дала сари елиб кетди. Ҳа, юлдузлар шошилмоқда, ҳа, оппоқ далага талпинмоқда. Дала юлдузлари тушгача юз килодан ошириб «оқ олтин» териб хирмонга тўкиб, толзор оғушидаги дала шийпонига келди. Юлдузлар тушлик қилиб, маданий ҳордиқ чиқарди.

— Далада юрганлар тушлик қилмайдими?— сўрадик биз бригадирдан.

— Улар мана бу маданий ҳордиқ чиқараётган илғорлар билан социалистик мусобақа ўйнаган,— деди бригадир ғурур билан.— Илғорларга етиб олайлик деб, туш вақтидаям пахта теради, илғорларнинг дам олиб ўтирганидан фойдаланади. Тадбиркор, серғурур қизлар-да! Рўмолларининг учида нони бор, шуни йўл-йўлакай тишлаб еб, пахта тераверади.

— О, ана буни чинакам меҳнатсеварлик деса бўлади!

— Дала меҳри!

— Пахта ишқи!

— Ватанга фидокорлик!

Шу пайт колхоз агитмашинаси шийпон олдига келиб тўхтади. Радиокарнайдан колхоз агитатори Жавлонбой аканинг жарангдор овози янгради:

— Терим илғорларига шон-шарафлар! Азиз теримчилар, ярим кунда юз килограммдан «оқ олтин» териб, эл хирмонига тўккан Хурсандой билан Норгулойга тенглашингиз! Ҳозир эшиттириладиган «Бахт ялласи» ана шу икки илғор дугонанинг бугунги ютуғига бизнинг олқишимиз бўлади! Диққат, «Бахт ялласи»!

Бахтиёрлар ўлкаси бу — яйрашинг, ўйнанг, кулинг,
Булбулигўё бўлиб, хўп сайрашинг, қувнанг, кулинг,
Тер тўкиб сизлар шу юртда бунданам бахтли бўлинг...

Бахт ялласидан ҳоргин кўзлар тиниқлашди, белларга, қўлларга қувват кирди, оёқларга дармон кирди.

Дала юлдузлари бахт ялласи қанотида яна далалар сари елиб кетди.

Биз улкан тўйхонани эслатувчи пахтазор қўйнидан олам-олам завқ ила, қувонч ила қайтар эканмиз, қулоқларимиз остида ҳамон «Бахт ялласи» жаранглаб турди:

Бахтиёрлар ўлкаси бу...

Уфқда порлоқ келажакдан дарак бериб, қуёш қизариб ботмоқда...

Сергей БОРОДИН,
Михаил ШЕВЕРДИН,
Комил ЯШИН.

11

Умрда шундай кун бўлади: одам бирдан айниб қолади!

Кўнгилга қил сиғмайди. Кўнгил бир хижил бўлади, бир ланж бўлади.

Кўнгилни нимадир бир нима бармоқ ботиряб-бармоқ ботириб тирнайди.

Кўнгилни бир ҳадик босиб келади. Кўнгил туб-туби нимадир бир нима бўлади, дейди.

Ҳадик юзларга ўтади. Ҳадик қобоқларга ўтади.

Чап қобоқ пир-пир учади.

Кафт чап қобоқ силаб-сийпайди.

Лаблар қобоқ силамиш кафтни чўлп-чўлп ўпади.

— Кет, бор, кет!..

Одам ўзича ана шундай ҳадик қувмиш бўлади.

12

Кўзимга дала-да кўринмади. Кўзимга пахта-да кўринмади.

Мотоциклим билан қишлоқ учдим.

Дарвозамиздан елиб ичкариладим.

Шунда, димоғимга қўланса бир ис келди.

Ҳовли юзида сатиллар думалаб ётди. Бидонлар юмалаб ётди.

Майда-майда кўлмак сувлар йилт-йилт этди.

Қоп-қора куялар сочила-сочила ўйнади.

Қўланса ис ҳаминқадар анқиди.

Бир ерда латта куяпти, дея ўйладим.

— Ай!..— дедим.

Ичкаридан Ойсулув қизимиз чиқиб келди.

— Сен эмас, энанг қани?— дедим.

Қизимиз хўнгиллаб йиғлади. Юмалаб ётмиш бидон ўтириб йиғлади. Юзларини кафтлари билан яшириб йиғлади.

Ҳадаҳалаб қизимиз олдига бордим. Юзини ўзимга қаратдим.

— Нима қилди, айт?— дедим.— Энанг қани?

Қизимиз гапирмади, қўли билан туман тарафни кўрсатди.

Аччиқ билан қизимизни елкаларидан даст кўтариб олдим.

— Сенга айтаяпман, тилинг борми?! Энанг қани деяпман?!

Қизимиз ўпкасини босолмайин айтди:

— Энам ўзига ўт қўйиб юборди.
— Нима-нима?! Қаерда-қаерда?!
— Туман олиб кетди.
— Момонг қани?!
— Момом энам билан кетди.

13

Мен мотоциклимни йўл-йўлакай ўт олдириб учдим. Тезликни охиригача босдим.

Мен қандай етиб келдим — худо билмаса, мен билмадим.

Мотоциклимни касалхона дарвозаси олдида қолдирдим. Ичкарилаб чопдим.

Қабулхонада одам мўл бўлди. Биров касалхона кийимида бўлди. Биров кўча-кўй кийимида бўлди.

Мен дардимни туйнукдан айтдим.

Оқ халатли йигит бош ирғади.

— Биламан, олиб келди, биламан,— деди.

— Ичкари кираман,— дедим.

— Йўқ, мумкин эмас.

— Мен... мен хўжайини бўламан.

— Қатъий назар, беморга ҳозир тез ёрдам кўрсатилмоқда.

У дедим, бўлмади, бу дедим, бўлмади.

— Бўлмаса, момони чақириб беринг?— дедим.

— У ким?

— Бизни энамиз.

— Ҳа-ҳа, ёнида бир кампир бор эди, ўша-да? Бу мумкин!

Қабулхонада бари-бари менга қаради.

Биров ачиниб қаради. Биров қайғуриб қаради.

Биров бош чайқади. Биров бош ирғади.

Қабулхонада пичир-пичир бошланди.

— Эркаги экан, шўрпешонани эркаги экан.

— Ҳай, бечора-е, бечора.

— Э, тавба-е, туманда бир ойда тўртта шундай кўргилик бўлди-а?

— Тўртов бўлдими-а?

— Эса-чи. Жобида биров, Мўминқулда биров, Сайракда биров, буниси билан тўртов.

— Қандай замон бўлди-а?

— Олдинлариям кўп бўлиб эди, билдиришмади. Энди билдиришаяпти.

— Кўрасиз, ҳали шуниям босди-босди этадилар.

— У-ку, чин. Олдинги тўрттасиниям босди-босди этдилар.

— Ойдай-кундай кўриниб турган куйикни қайтиб босди-босди этадилар?

— Эб-е, жўқчи деса, жўқчи дегуликсан-да, эб-е. Катталарни олдида оқни қора дейиш нима деган гап...

Оқ халатли йигит телефонда биров билан гапиришди.

— Бир четга? Бўпти, бир четга, бўпти,— деди.

Йигит билагимдан ушлаб ҳовли етаклади. Қўли билан бир четни — қуюқ дарахтлар остини кўрсатди.

— Ана ўша ўтирғичга бориб ўтириб туринг, кампирни ҳозир юбораман,— деди.— Шовқин-сурон қилмай, тинчгина ўтиринглар.

— Ким шовқин қиляпти?

— Сиз эмас, кампир шундай экан. Кампир келганда шундай бақириб-чақирди, шундай шовқин-сурон қилди, касалхонани бошига кўтарди! Шунга, бош врачимиз шовқин қилмасин, четроқда гаплашсин, деяпти. Энди сиз эркак одамсиз, кампирга айтиб қўясиз-да.

Мен йигит айтмиш хилват бориб ўтирдим. Оёқ узатиб ўтирдим.

14

Сағал ўтди — онамиз пайпанглай-пайпанглай келди.

Онамиз рангида ранг бўлмади. Онамиз кўзлари шиш-шиш бўлди. Онамиз бурунлари оқиб-оқиб ётди.

Онамиз қабатимдан жой олди. Дока рўмоли билан оғзини ушлаб... сел-себор йиғлади.

— Кўргилигинг кўп бўлсин, сендайчикин эркакни!— деди.

— Эб-е, мен сизга нима қилдим?

— Қичқирганимдан чопа келсанг, ўлармидинг!

— Қачон? Эшитганим йўқ, худо урсин агар, эшитганим йўқ!

— Қанча қичқирдим, том-тошни бошимга кўтардим, ҳовлини бошимга кўтардим. Деҳқонқул-а, кела бер-чи кела бер, деб қичқирдим.

— Эшитганим йўқ, ит бўлайин агар, эшитганим йўқ!

— Эл-халқим, кела бер-чи кела бер, деб бақир-

дим. Қани, бировгина жонзот овоз берса, отинг нима деса!

— Бари менга ўхшаб далада юрган-да?

— Ҳа, даланг билан қўшилиб чалпак бўлгин, чалпаккина бўлгин! Ҳа, даланг билан қўшилиб қўшмозор бўлгин, қўшмозоргина бўлгин! Шу аёлга бир нима бўлсин қани, мен сени нима қиламан экан!

— Ўзи, нима бўлди, айтинг қаникайин?

— Очиқ мозор бўлди, очиқ лаҳад бўлди!

— Кўп бақирманг-е, эна, теварак-бошдан-да уятдир.

— Ичкарида жондайгина келиним куйиб ётадида, мен бақирмай ким бақиради?!

— Хўп, нима бўлди ўзи? Бир бошидан айтинг қаникайин?

— Бир қарадим: келин ичкарида бешикка бағрини бериб ўтирди. Боласига эмчак берди. Пешонасини бешик тебратгич қўйиб ухлади. Ай, келин, бўл, дедим. Майли, ҳозир, деди. Сўғин ҳужрамга кириб кетдим. Келиндан ҳадеганда дарак бўла бермади. Икки қарадим: ай, келин, бўл, дедим. Майли, манавини эмизиб бўлайин, майли, деди. Бир оғиз қаттиқ-қуруқ гапирган бўлсам, ўлайин агар, ўлибгина кетайин, агар! Қарадим-қарадим: келин қимирламади. Бор-е, дедим, бу дунёмдан у дунём яқин бўлса, менга нима, дедим. Ҳужрамга кириб ётиб олдим. Ётиб-ётиб, кўзим кетди. Бир маҳал, ойнадан биров қаради. Мен кўзимни билинар-билинмас очиб турдим. Келин ойнадан мўралади. Кафтларини ойна тутиб мўралади. Мен ўзимни ухламишга олиб ётдим. Келин ойнадан мўралади-мўралади... кетди. Энди далага ҳаяллаб-ҳаяллаб боради, эридан кўр бўлиб гап эшитади, дедим. Келин шу кетишида ошхонага борибди. Гап йўқ, сўз йўқ, бурчакда турган ермойини олибди-да, елкасидан қуйибди.

— Елкасидан қуйибди? Ермойини-я?

— Ермойини-да, елкасидан-да! Сўғин, кўйлаги этагидан гугурт чақибди.

— Ўзи чақибдими?

— Бўлмаса ким чақади, ўзи-да.

— Чопиб бормадингизми?

— Эб-е, туш билибманми, ўт қўйишини!

— Ё, тавба, ё, тавбангдан...

— Бир маҳал, чириллаган овоз эшитдим. Аввал-аввал, нима эмиш, дедим. Шу яқинда биров-яримни

эри ураяпти-ёв, дедим. Ҳадаҳалаб жойимдан турдим. Ойнадан ташқари қарадим. Қарасам: ҳовлида бир ўт ёнаяпти. Ут бўлиб ўт эмас, кун бўлиб кун эмас! Ут, дейин дедим — шу вақтда ўт нима қилади, дедим. Келин тандир қизитаяпти, дейин дедим — кеча тандир қизитиб, нон ёпиб олиб эди-ку, дедим. Бир маҳал ўт чинқириб қўя берди! Тавба дедим, ўт ҳам чинқирадими, дедим. Умрим ўтиб, чинқириб ёнгич ўт кўрмаб эдим-ку, дедим. Бир маҳал, ўт ҳовлини айланиб чопди! Мен ташқари отилиб чиқдим. Қараб турдим: ўт ҳовлида зир-зир айланиб чопди! Ут чинқириб-чинқириб чопди! Ут буралиб-буралиб чопди! Ут ўйнаб-ўйнаб чопди! Ут эшилиб-эшилиб чопди! Мен овоз қўйиб чириқ бердим. Сени йўқлаб чириқ бердим. Эл-халқим кела бер, деб чақириқ бердим. Чириқ бера-чириқ бера — ўтни олдимга солиб қувиб қўя бердим! Ҳовлини айлантириб ўт қуваман-ўт қуваман — қани энди, етолсам! Утни етолмадим! Бир-икки марта етаман-етаман дедим ағнаб тушдим. Белларим зирқираб оғриди. Жойимдан туролмай қолдим, ётган еримда: эл-халқим, қаердасан, эл-халқим, кела бер, деб бақира бердим. Бир бало қилиб жойимдан тўркадим. Тағин ўт қувиб кетдим. Ут ўзини девор олиб бориб урди! Ут ўзини дарахт олиб бориб урди! Сўғин, ўт ўзини... бузоқни остига отди! Бузоқ қозиқ айланиб-қозиқ айланиб қочди. Маъраб-маъраб қочди. Ут лоп этиб тўркади. Ут энди бурчакда уюғли қумга қараб чопди. Ут ўзини қумга урди. Ут қумга ағнаб-ағнаб чинқирди. Ут қумга юмалаб-юмалаб чинқирди. Ут тағин ҳовлини гир-гир айланиб-айланиб чопди. Мен бечора ўт қуваман деб, тағин ағнаб тушдим. Мен жойимдан туролмай-туролмай чирилладим. Мен қўлларимни чўзиб-чўзиб чирилладим. Бовужуд, кўчадан ўткинчи-кеткинчилар чопиб келди.

— Улар-да ўчиролмадими-а...

— Учиргани шу-да, тирик қолди, ўчиргани шуда! Бўлмаса, келинимни суягиям қолмас эди! Кўп кўп-да — ўтни етиб олиб, қумга босиб-босиб турди. Утга сатиллаб-сатиллаб сув сепиб турди. Гиламни ҳўллаб-ҳўллаб, ўтга ёпиб-ёпиб турди.

Мен тиззамга тарс-тарс уриб йиғладим. Мен ўкириб-ўкириб йиғладим. Мен айтиб-айтиб йиғладим.

— Ай, дала-дала демай мен ўлайин-а, ай, эркак бўлмай мен ўлайин-а!..

— Бебоққина келиним-а!..

— Ай, пешонам қурсин-а, дунёга келмай мен ўлайин-а!..

— Қўли косов, сочи супурги келиним-а!..

— Дарров кийимларини ечиб олмабсизлар-да, эна!..

— Кийим кимни эсига кепти, дейсан...

— Дарров кийимларини ечиб олса бўлди эди, одам ёнмас эди!

— Одам ёнмас эди? Эб-е, одам ёнмаганини кўрибсан! Одам ёнсин-да! Одам гуриллаб-гуриллаб ёнди! Ҳамсоя-қўллар кийимларини юлиб олди. Барибир одам ёнди! Одам танаси ёнди! Одам гур-гур ёнди!

— Қўйинг-е, эна, одам ҳам ёнадими! Ўзларинг бўш-баёв бўлиб ўчиролмагансизлар!

— Эб-е, эб-е, одам ёнсин экан-да! Одам ёнар экан-да! Ҳўл кундани ёнганини кўриб эдингми? Одам ана шу кундадай ёнар экан! Одам баданлари пиш-пиш этиб ёнар экан! Одам баданларидан сув чиқиб-сув чиқиб ёнар экан! Одам баданларидан сув оқиб-сув оқиб ёнар экан! Одам бадбўйдан-бадбўй ҳид чиқариб-ҳид чиқариб ёнар экан!..

15

Касалхона дарвозасидан учта машина кириб келди.

Машина йўлак четида оёқ илди.

Машиналардан катталар тушди.

Катталар машиналари олдида гапириб-гапиришиб турди.

Раисимиз биз тарафлади.

Раисимиз бизни қошимизда бош эгиб турди. Бош чайқаб турди.

— Ҳай-ҳай, фалокат-да,— деди.— Фалокат. Қалай ўзи, тилга келдими?

— Гўрда тилга келадими!— деди онамиз.— Кўзини очолмайди, гўрда тилга келадими!

— Фалокат оёқ остида дегани шу-да. Сиз энди, момо, олдинга боринг-да, кўз-қулоқ бўлиб туринг, боринг.

Онамиз ичкарилаб жўнади.

Раисимиз менга қаради. Зим-зимдан қаради. Бир нима дейиш учун оғиз жуфтлади. Тағин, индамади.

Раисимиз ер сингалаб-ер сингалаб катталар тараф кетди.

16

Каллам... каллам елкамдан босиб-босиб келди. Каллам катталик қилди. Каллам оғирлик қилди.

Ўтирғич қиррасига тирсакладим. Калламга қўлимни тирадим. Калламни кафтимга олдим.

17

Куйди-куйди — аёлимни тани куйди.

Куйди-куйди — мени бағрим куйди.

Куйди-куйди — болаларимни шўри куйди.

18

Куйди-куйди — катталарни нимаси куйди?

Катталарни... оёғи куйди!

Катталар питирлаб қолди. Катталар зириллаб қолди. Катталар вос-вос бўп қолди!

Катталарга бир бўлак кун туғди.

Катталар тўда-тўда бўлиб гапиришди. Катталар қўлларини бигиз этиб гапиришди. Катталар қўлларини шоп этиб гапиришди. Катталар қўлларини мушт этиб гапиришди. Катталар ер тупуриб-ер тупуриб гапиришди.

Катталар қатор бўлишиб келди.

Мен жойимдан қўзғолдим.

Идеология қайғудошлик ҳам меҳрибонлик билан елкамга қўлини қўйди.

— Ўтиринг, қимирламанг, ўтиринг,— деди.

Мен тағин жойимга чўкдим.

Иккита катта ўнгим ўтирди. Иккита катта чапим ўтирди. Тағин иккита катта пешонамда тик турди.

Идеология қўл қовуштирди. Идеология бош ирғади. Идеология хўрсинди.

— Фалокат, фалокат,— деди.— Ўртоқ бригадир, Деҳқонқулова... касал эдими?

— Йўқ, соғлом эди,— дедим.— Аёлимиз умри меҳнат билан ўтди.

— Балки... ёшлигида касал-пасал бўлгандир?

— Аёлини ёшлигини бу қаердан билади,— деди бир катта.

— Нимага билмайман, биламан. Холамизни қизини билмаймами, биламан.

— Деҳқонқулова уйида қаттиқ йиқилган жойи бор эдими?— деди Идеология.

— Йўқ?

— Мабодо... бошини тасодифан девор-певорга уриб олиб эдими?

— Йўқ?

— Балки далада пахта ичида ухлаб қолгандир? Яхшилаб эсланг?

— Йўқ, ундай бўлган йўқ.

— Ёнғоқни остида ҳам ухлар эдими?

— Йўқ, уйимизда ёнғоқ йўқ.

— Гапирганда, гап-сўзларидан адашар эдими?

— Йўқ, гаплари туппа-тузук эди.

— Авлодида эси... эси эмас, нима десак экан... авлодида эси бундайроқлари бор эдими?

— Йўқ, аёлимиз етти пуштигачайин палаги тоза аёл!

Идеология теварак-бош қараб-қараб олди.

Идеология овозини бир парда кўтарди.

— Унда... нимага ўзига ўзи ўт қўяди?— деди.

Мен бармоқларимга йиғлаб-йиғлаб қўя бердим.

— Энди... кўргилик-да, катта, кўргилик!— дедим.

Бармоқларим орасидан дардларим дув-дув тўкилди.

Раисимиз дув-дув дардларимни илиб-илиб олди:

— Деҳқонқул ака чин айтади, Клара Ходжаевна,— деди.— Бу кўпга келган кўргилик. Узбекистон республикамиз бўйича шу охирги икки йилда етти юз эллик уч хотин-қиз ўзига ўзи ўт қўйибди!

— Бу абсурд!

— Етти юз эллик уч хотин-қиз ўзини ўзи ёқибди-я!

— Абсурд, абсурд!

— Худо урсин агар, Клара Ходжаевна, худо урсин агар! Бу ҳақда матбуотда неча марталаб айтди. Қайси бир шоир ғазал ҳам битди.

Идеология пешонамда тик турмиш йигитдан сўради:

— Ким экан у шоир, ўрток Мелиев?

— Михаил Дудин,— деди Мелиев.

— Дудин? Оти айтиб турибди — буржуа мафкурачиси!

— Буржуа мафкурачиси эмас,— деди Мелиев.

— Буржуа мафкурачиси бўлмаса, тирноқ орасидан кир излайдими? Шеър ёзаман деса, ана, қан-

чадан-қанча активистка хотин-қизларимиз бор! Хотин-қизларимиз орасидан иккита космонавт етишиб чиқди. Даже, АҚШда ҳам иккита космонавт хотин-қиз йўқ!

— Йўқ, Дудин ленинградлик шоир,— деди Мелиев.

— Ленинградлик шоир? Ленинградлик шоир Ўзбекистонда хотин-қизлар ёнаётгани билан нима иши бор? Биламиз, совет адабиётида ҳали ҳам ана шундай диссидентлар учраб туради! Диссидент Солженицин каби бадарға этсак, биларди!..

— Дудин катта шоир, Клара Ходжаевна,— деди Мелиев.— Социалистик Меҳнат Қаҳрамони...

— Социалистик Меҳнат Қаҳрамони? Нима деб ёзибди? Эсингизда борми?

Мелиев ён чўнтагидан бир даста рўзнома олди. Бир супрадай-супрадайини ёйиб ўқиди:

Аёллар ёнмоқда Ўзбекистонда
Бу ҳақда ёзилмас бизлар томонда,
У қандай оғриқдир, шўрлик гулларни
Оловга йўллаган, ёққан гулханни?
Уларга аёндир мен билмаган сир:
Не сабаб оловга бўлдилар асир?
Бу ҳақда ёзилмас, айтилмас сўзлар
Кул устида қанот қоқмас қақнуслар
Тутун-ла қовушиб ўрлайди ҳарён
Мангуга тарк этар танадаги жон
Исёндир бу, сохта ҳаёт қаърида
Чимилдиқ кўрмаган келин бағрида
Оналар ёшидан чақнаган ўтдир
...Дунё-чи, бепарво кўз юмиб ўтди...
Оламни босмоқда шомнинг шарпаси
Қолмади жаҳонда шодлик нафаси
Дам сайин туғилар менда ҳам шуки
Бу ёруғ оловда покланиш эрки
Бу ҳақда ёзилмас бизлар томонда
Аёллар ёнмоқда Ўзбекистонда!
Бор дунё соқовдир, сўз демас худо
Инсон келажаги ёнар даҳр аро!

— Иносказательства!— деди Идеология.— Бу иносказательства! Социалистик реализм методига ёт асар! Социалистик маданиятни барпо этиш ва меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш — реакцион буржуа идеологиясига, шунингдек, ўнг ва

сўл оппортунизм идеологиясига қарши, буржуазиянинг реакцион маданияти ва капиталистик турмуш тарзи олдида тиз чўкиб сажда қилувчиларга қарши, совет идеологиясига душман бўлган миллатчилик ва космополитлик руҳидаги бузғунчиликларга қарши адабиётда, санъатда ва илм-фанда сиёсатдан қочиш ва ғоясизликка қарши ҳужум қилиш, демакдир!

— Ким билади, Клара Ходжаевна,— дея минғиллади Мелиев.

— Бу асар районимиз хотин-қизларига тегишли эмас!— деди Идеология.— Районимиз хотин-қизлари морально-устойчивая!

— Районимизда...

— Район номидан гапирманг, ўртоқ раис! Сиз бор-йўғи раиссиз, ўзингизни билинг! Район номидан биз раҳбарлар гапирамиз!

— Ўзбекистон бўйича етти юз эллик уч хотин-қиз, район бўйнча ..

— Яна район, яна район! Районимиз хотин-қизлари морально-устойчивая!

Идеология шаҳодат бармоқни пешонаси нуқиди. Идеология сўзни қалин-қалин айтди:

— Хуллас, Деҳқонқулова... манавиндай!

Идеология аёл одам. Эркак бўлса — ўзим билар эдим!

Шундай бўлса-да — айтгичимни айтдим.

— Катта,— дедим.— Эси борми-йўқми, ишқилиб, кўз очиб дунё кўргандан буён далада ҳалол меҳнат қилди. Этак-этак фарзанд кўрди. Эси бордир-да.

Идеология гапимни корламади.

— Эси бўлса... ўзига ўзи ўт қўядими?— деди.— Шундай бахт-саодатли замонда-я?

— Катта...

— Шундай ҳур замонда-я? Тўқликка шўхлик бу!

— Катта...

— Тўқликка шўхлик бу! Хотин-қизлар эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлса! Эркаклар билан тенгма-тенг меҳнат қилса! Билмайман, хотин-қизларга нима етишмаяпти!

— Катта...

— Капиталистик жамиятдагина одамлар ўз жонига ўзи қасд қилади! Бу бизнинг жамиятимиз учун иллат! Мафкурамиз учун ёт!

— Катта, у бечора ажал билан олишиб ётибди,

Ҳали, одам бўладими-йўқми, билмайман. Шундай экан, нима қиласиз, бир бечорани ёмон отлиқ қилиб...

Идеология гапимни корламади.

— Эси бўлса... ўзига ўзи ўт қўядими?— дея тўти бўлди.

— Эси бордирки, ўзига ўзи ўт қўйибди! Эси йўқ одам ўз жонига ўзи қасд қиладими? Қилмайди, катта, қилмайди! Боиси — шунга ақли етмайди!

— Ия, ўртоқ Мелиев, бу қандай фалсафа бўлди?

— Гапни у жигитдан сўраманг, мендан сўранг, катта! Гапни мен гапирдим! Мен фалсафа айтмадим. Мен жигити гап айтдим, жигити! Чин-да, эси кам одамни дунё билан нима иши бор? Эси кам одамни ўз жони билан ўзини нима иши бор? Эси кам одам оғзини очиб юра беради-да, дунё ўзи шундай бўлар экан, деб!

— Хуллас, Деҳқонқулова... шизофреничка! Гап тамом!

— Ким-ким?— дедим.

— Шизофреничка! Уртоқ Мелиев, шизофреничка деҳқончасига қандай бўлади?

— Псих!

— Йўқ, далачаси-далачаси?

— Телба!..

Тан-жоним қизиди. Қўлларим қалт-қалт этди. Лабларим пир-пир учди.

Жоним ҳалқумимга келди!

Бисотимда бор ёмон сўзларни билан катталарни тутиб сўкайин, дедим.

— Кет, баринг кет!— дея бақирдим.

Катталар қотиб қолди. Катталар бир-бирига қаради.

— Ия!— деди Идеология.— Эрида ҳам борми деймаи, ўртоқ Мелиев?

— Ҳа, менда-да бор! Аёлимиз билан лойимиз бир ердан олинган! Бўлдими? Кўнглинг жойига тушдими? Энди, кет!

— Мени сенсираманг, ўртоқ бригадир, мени сенсираманг!

— Кетмайсанми, кетмайсанми?

Теварагим аланглади́м — бирон нима изладим. Қўлимга маккажўхори пояси илашди.

Катталар жойидан туриб кетди.

Раисимиз қўлимдаги маккапояга ёпишди.

— Деҳқонқул ака, ай, Деҳқонқул ака!— деди.—

Тентак бўлманг!

— Шулардай катта бўлгандан кўра, тентак бўлганим яхши!

— Деҳқонқул ака, эсингизни йиғинг!

— Ушламанг қўлимни, ушламанг дейман!..

Раисимиз қўлларимни кетимга қайирди. Мени ўтиргичга босиб турди.

Катталар кетига қарай-қарай ичкари кириб кетди.

Раисимиз шундан кейингина мени қўйберди. Қўлимдан маккапояни тортиб олди. Холисга отиб юборди.

Раисимиз-да катталар кетидан ичкарилади.

19

Мен пешонамни тиззам қўйдим. Энтикиб нафас олдим.

Қаҳримдан қайтдим. Ҳовуримдан тушдим.

20

Ичкаридан катта дўхтир ташқарилаб келди.

Мен бир вақтлар яхшилик кўрдим — шу одамдан кўрдим. Яхши гап эшитдим — шу одамдан эшитдим.

Шу боис — лик этиб жойимдан турдим. Қўлларимни қовуштириб турдим.

Катта дўхтир елкамга кафт қўйди. Мени жойимга ўтиргизди

Ўзи-да — қабатим ўтирди. Қўлини қўлим қўйди.

Дўхтир — дўхтирдай дилтанг-дилтанг бўлиб ўтирди.

Ўтирди-ўтирди — қайғудош ҳамроз бўлди:

— Деҳқонқул,— деди.— Тағин, мендан ўпка-гиналор бўлма. Мен бир фақир дўхтирман. Энди... касалингни олиб кетадиган бўлдинг.

— Аёлимизнними? Қаёққа олиб кетаман?

— Билмасам, қаёққа олиб кетасан.

— Е, тузалиб қолдими?

— Қаёқда тузалади, энди келди-ю...

— Унда, қаёққа олиб борамаи?

— Ўзинг биласан. Биз биринчи ёрдамни кўрсатиб бўлдик. Энди, касални даволаш керак. Биз даволай олмаймиз. Бизнинг касалхонамиз куйганларни даволамайди.

— Куйганларни қаерда даволайди?

— Куйганлар учун алоҳида касалхоналар бор.

Тошкентда бор. Москвада бор, яқин йўл десанг, Душанбадаям бор. Касалингни олиб кет, биз бошқа сақлаб туролмаймиз. Фақат, тезроқ олиб кет, бўлмаса, кеч бўлади...

— Эб-е, у нима деганингиз? Қаёққа олиб кетаман? Қандай олиб кетаман?

— Билмадим, Деҳқонқул, билмадим.

— Буёғи ура-ура пахта вақти бўлса. Пахта нима бўлади? Ўзи, бу кимдан чиққан аҳмоқлик?

— Уёғини катталардан сўрайсан. Мен бир дўхтирман.

— Қани ўша... катталар?

Забт билан ичкари жўнадим.

Катта дўхтир қўрқиб қолди. Кўзлари катта-катта бўлди. Белимдан қўшқўллаб қучоқлаб олди.

— Ҳай, Деҳқонқул, ҳай!— деди.— Эсингни йиғ! Барака топ, ўтир!

Катта дўхтир мени жойимга қайтариб ўтирғизди. Ҳарсиллаб-ҳарсиллаб нафас олди.

— Ёмон экансан, Деҳқонқул, ёмон экансан,— деди.

— Ўзингиз айтдингиз-ку, катталардан сўрайсан, деб!

— Айтдим-қўйдим-да! Катталарни олдида нима қиласан?..

— Каллапойча қиламан!

Катта дўхтир сесканиб тушди.

— Нима қиласан?— деди.

— Катталарни каллапойча қиламан! Этини бирёқлик қиламан, суягини бирёқлик қиламан!..

Дўхтир кўзлари катта-катта бўлди. Қорачиғи камайди — оқи кўпайди!

— Ўйлаб гапираяпсанми, ука?— деди.— Эсингни йиғ, ука, эсингни йиғ!

— Эсимни йиғсам-йиғмасам!..

— Қамбағал катталарда нима айб? Дунёда туядан катта филлар бор.

— Бўлмаса, нимага бундай қилади? Ўзига ўт қўйгич бизни аёлимиз бўлса — катталарга нима?

— Сен снёсатни тушунмайсан, Деҳқонқул, снёсатни тушунмайсан. Қандай даврда яшаяпмиз — билмайсан...

— Худо берган даврда яшаяпмиз-да, қандай даврда яшардик!

— Ана, айтдим-ку, Деҳқонқул. Ўз отинг ўзинг

билан деҳқонсан, деҳқон. Сен шундай дейсан. Катталар эса ундай демайди. Ўз жонига қасд қилиш — исён! Ўз жонига қасд қилиш — даврдан норозилик! Ана, катталар нима дейди!

— Бир бегуноҳ бечорани псих, деди, индамадим. Тентак, деди, индамадим. Энди, касалхонадан чиқариб юбораман, деяптими?!

— Ҳа-да, чиқариб юбор, деяпти-да? Шизофреничка, деб диагноз қўйиб чиқариб юбор, деяпти-да? Мен айтдим, инсоф қилинглар, ахир, дедим. Мен бу аёлни гўдаклигидан биламан, дедим.

— Ўзига ўт қўйгич аёлимиз бўлса, катталар нимадан қўрқади?

— Катталарга амал керак, Деҳқонқул! Сенинг аёлинг керак эмас! Катталарга мансаб керак! Сенинг аёлинг катталарни газагига дори эмас! Аёллар ўз жонига қасд қила берса, катталарни тинч қўймайди! Ишдан олади, партиядан ўчиради! Сенинг аёлингни деб, катталар мансабидан айриладими? Айрилмайди, ўлсаям айрилмайди. Йўлини қилади... Тентакка чиқар, деб буюради. Касалхонага қабул қилма, деб буюради. Бажармайин, мени ишдан ҳайдайди, партиядан ўчиради. Катталар дастидан кун кўролмайман. Мен нима, мен бир дўхтирда. Чин, қасам ичиб эдим. Лекин туманга катталар хўжайин. Катталар гапи билан иш қилсам... аёлингку, аёлинг... бола-бақраларинг ҳам руҳий касалга чиқиб кетади. Онасида бор эди, дейди. Авлоддан аждодга ўтади, дейди. Шизофрения деган тамға ёмон тамға, Деҳқонқул. Шунинг учун, кел, сенга бир акалик қилайин. Бир йўли бор. Бундай қиламиз: аёлинг ўзига ўт қўйганини фалокатга йўямиз. Айтайлик, аёлинг газни ёқмоқчи бўлади. Газ бирдан лоп этиб, аёлингни енгига ёпишади.

— Газ? Бизда газ нима қилади?

— Газимиз бор, ана, Обшир қишлоғи адоғидан қувурда ўтиб ётибди.

— Қувурда ўтиб ётса, қайси бир мамлакатга ўтиб кетаяпти-да.

— Ишқилиб, газинг борми, бор-да. Шу газ бизники-да. Қайси бир мамлакатга кетса-да, ишқилиб, бизнинг газимиз-да. Ҳеч бўлмаса, баллон газинг бордир?

— Ўтин бор, таппи бор.

— Хўп, уёғини қўя бер. Газинг бор, деб фараз

қиламиз. Кейин... аёл киши эмасми, енгини ўчириш ўрнига, қўрқиб қолади. Эсини йиғиб олгунича ўт ёқасига қараб ўрлайди. Дод деб бақиради. Додини ҳеч ким эшитмайди. Сабаби, ҳамма далада бўлади-да... Бўлди, шу билан катталар тинчийди-қолади. Катталар тинч — олам тинч!

— Майли, нима десангиз майли. Менга аёлимизни тузатиб берсангиз бўлди.

— Мана, мен борман!— дея кўкрак урди дўхтир.— Ўзим даволайман! Аёлинг бор-йўғи олтмиш фоиз куйибди, олтмиш фоизгина! Яхши бўп кетади!

Болаларим кўз ўнгимга келди. Кўнглим бузилди.

— Ишқилиб, болаларимни пешонасига яхши бўп кетса бўлди...— дедим.

Мен кафтларимга йиғладим.

Дардларим кафтларимдан селоба-селоба бўлиб оқди.

— Отдай бўлиб кетади!— деди дўхтир.— Олтмиш фоиз куйик ундай қалтис эмас...

Дўхтир елкам қоқа-қоқа кетди.

Мен ўнгирларимга йиғладим.

21

Аёлимиз... одам бўлмади...

22

Субҳи содиқда аёлимиз бошига бордим.

Мозор пойида тизза бўлдим.

Мозорни оҳиста-оҳиста туртдим — аёлимизни уйғотдим...

— Ай, мен келдим?— дедим.

Бир сиқим мозор олдим — аёлимиз сочларини ушладим...

— Ай, сенга айтаман?— дедим.

Томоғим тўлиб-тўлиб келди...

23

Уй бурчида турмиш бешикбеллик кўзимга ёмон-ёмон кўринди.

Мен энди бешикни нима қилайин? Мен энди бешикка ўзимни белайинми?

Мен бешик қараб турдим-турдим.

Шунда бешик... шунда бешик аёлимиз тобути бўлиб кўринди!

Ичида... аёлимиз ётмишдай бўлди! Баданлари олтмиш фоиз куйиб-куйиб ётмишдай бўлди!

Аёлимиз пичир-пичир мени йўқламишдай бўлди!

— Ҳа, нима дейсан?— дедим.

Бешикдан жавоб бўлмади.

— Айт, айтгичингни?— дедим.

Бешик — тобут деса тобут дегудай сукут этди.

Мен оҳиста-оҳиста бешик олдилаб бордим. Энкайиб қўлларимни тиззаларим тирадим. Ўнг қулоғимни бешик тутдим.

Бешикдан овоз бўлмади.

Бешикёпғич бурчидан оҳиста ушладим. Хиёл-хиёл кўтардим. Бешик ичи-мўраладим.

Бешикда жон зоти бўлмади.

Бешик кўзимга ёмондан-ёмон кўринди.

Бешикни кўрмайин-да, куймайин-да, дедим.

Бешикни даст кўтариб ташқариладим.

Нарвондан бешик қўлтиқлаб томладим. Бешикни ғўзапоя уюми устн ташладим.

Бешик ғўзапоя ботиб-ғўзапоя ботиб қолди.

Шунда, бешикёпғич шамолда ҳилп-ҳилп этди. Ҳилп-ҳилп эта-эта бешик кетилаб учиб тушди.

Бешикёпғич бир учи бешиккушда илашиб-бешиккушда илашиб қолди.

Бовужуд, бешиккуш борлик бўлди — бешикёпғич ер учиб тушарман-ер учиб тушарман бўлди.

Мен бешикдан қовузини олдим. Оқўрагични олдим. Тагпўшини олдим.

Сумакни олдим. Тувакни олдим.

Барини бешикёпғич солдим.

Шунда, димоғим гуп-гуп шиптир иси туйди.

Мен бешиктебратгичда осилиб турмиш кўзтумор билан тўққизкўз мунчоқни узиб-узиб олдим.

Кўзтумор билан тўққизкўз мунчоқни-да бешикёпғич солдим.

Бешикёпғични ўраб-ўраб бешик жойладим.

Бешик кунда очилиб-очилиб қолди.

Шунда, бешикдаги сонсиз жимжималарга кўзим тушди.

Кўзларим кунда қамашди.

Бешик гуллари бўлса бордир, дея ўйладим.

Тикилиброқ-тикилиброқ қарадим.

Бешикдаги жимжималар бир араби ҳуснихат бўлиб кўринди, бир жимжимадор гуллар бўлиб кўринди.

Бешикда бундайчикин оҳангжамолар йўқ эди — қаердан бино бўлди?

Шу вақт онамиз ҳужрасидан ташқарилади. Кафтини пешонаси соябонлади. Кун қаради. Кун вақтини билмоқ бўлди.

Шунда, мени кўрди.

— Бешикни нимага томга олиб чиқдинг, ерчилим бўлгур?— деди.

Мен миқ этмадим.

Онамиз кафтини пешонаси соябонлаб қарашини қўймади.

Мен айтмасам бўлмади:

— Энди бешик нима керак...— дедим.

— Нимага бешик керак эмас?

— Энди... бўлди,— дедим.— Бешик бўлди...

— Шу гапингга номаъқулни нонини ебсан! Олиб туш пастга!

— Энди... бешикни ким тебратади?

— Болаларимни майда энаси кетган бўлса, мана, катта энаси бор! Мана мен — момоси бор! Олиб туш — ўзим бешик тебратаман! Аллалаб-аллалаб бешик тебратаман!

— Майли, олиб тушаман, бора беринг, олиб тушаман.

Мен бешиктебратгичдаги жимжималар тикилдим. Жимжималар нима билан битилмиш бўлди, дедим.

Шаҳодат бармоғим учини ҳўллаб-ҳўллаб артиб кўрдим.

Бир жимжима кўкара-кўкара ёйилди.

Билдим — жимжималар кўкқалам билан битилмиш бўлди.

Қош-кўз бўягич кўкқалам бўлса бордир?

24

Аёлимиз бешикка бағир берди. Боласига кўкрак берди.

Боласи чўлп-чўлп эмди.

Аёлимиз боласи бошидан майдагина ойна олди, тўмтоққина қалам олди.

Ойнани бешик узра тутди. Лаби билан қалам учини ҳўллади.

Аёлимиз қошига қалам суртди. Бир у қошига суртди, бир бу қошига суртди.

Бешикдаги боласи миқ-миқ эмди.

Аёлимиз турайин деди — бешикдаги боласи кўкрагини қўйибермади.

Аёлимиз бешик михланиб-бешик михланиб қолди. Аёлимиз пешонасини билаклари қўйди. Аёлимиз билакларини бешиктебратгич қўйди.

Аёлимиз бешиктебратгич битди:

«Ў-ўй, ичим куяпти, ичим ёнаяпти».

«Ичимда бир нима қимирлаяпти».

«Ў-ўй, бошим айланаяпти».

«Дунё кўзимга қирмиз-қирмиз бўлиб кўринаяпти».

«Қирмиз-қирмиз... думалоқ-думалоқ»...

«Ў-ўй, эртага даладан жавоб берса бўлмайдими?»

«Бошимни ювиб олсам деб эдим».

Аёлимиз иккиқат бўлди.

Бешикдаги боласи сутдан қолмайин иккиқат бўлди!

Аёлимиз ипакдайин майин бўлди. Аёлимиз ипакдайин сузик бўлди.

Кечалари бир ўнг ёғига ўнгарилди, бир чап ёғига ўнгарилди.

Аёлимиз кун санади. Аёлимиз тун санади. Санай-санай тонглар оқлади.

25

Кун ёнгандан-ёнди.

Дала кундан-да ёнди.

Кун калла қайнатди, кун товон куйдирди.

Аёлимиз даладан бош олиб кетайин, деди — кетолмади.

Бола азиз бўлди, ғўза боладан-да азиз бўлди!

Аёлимиз шийпон деворига елка бериб ўтирди. Юзларини осмон тутди. Кўзларини юмди. Оғзини каппа-каппа очди.

Мен елкасидан оҳиста туртдим.

«Ай, нима бўлди?»— дедим.

Аёлимиз кўзларини очди. Тиззаларини ёпди.

«Бошим айланаяпти,— деди.— Қоним кам».

«Унда, сув ич».

Аёлимиз далалар узра жимир-жимир этмиш ҳилга термулди.

«Қирмиз-қирмиз... Думалоқ-думалоқ»...— деди.

Мен қўлимда ўйнаб юрмиш ғўза гулини аёлимизга узатдим.

«Мана!— дедим.— Қирмиз-қирмиз... думалоқ-думалоқ... гул!»

Аёлимиз қўлимни қайтариб ташлади.

«Бундайчикин эмас»,— деди.

«Бўлмаса, қандайчикин? Шу гул яхши-да. Идора олдидаги атиргуллар бўлмайди! Ҳиди бўлган билан — маҳсулоти йўқ! Ғўзагул маҳсулдор гул — ҳосил беради!

«Одамни кўп майна этмасин».

«Майна этаётганим йўқ. Ойнаижаҳон билан киноларда-да аёлга гул беради-ку?»

«Ойнаижаҳон билан кинолардаги одамлар қорни тўқ одамлар. Гул қорни тўқларни эрмаги. Гулни еб бўлмайди»...

«Бўлмаса, қирмизи думалоғинг ниманг?»

Мен жўрттака шундай дедим.

Билдим — аёлимиз қирмизи олма, деди. Билдим — аёлимиз қирмизи олмага ерик бўлди!

Далада қирмизи олма нима қилади? Қирмизи олма Денов бозорида бўлади! Денов бозори эса қирқ чақиримча келади! Қачон бораман, қачон келаман?

26

Бешикбелликдаги битиклар салмоқли-салмоқли бўлди.

Боиси — белликк текис ҳам энлик бўлди.

«Уй-ўй, Холиқов иқтисодчи аёлини Тошкан олиб бориб келибди».

«Метро дегич автобусга минибди».

«Метро дегич автобус узун-узун эмиш».

«Ер остидан юрар эмиш».

«Ичи доим салқин эмиш».

Беллик пастламиш сайин битиклар қинғир-қийшиқ бўлиб борди.

«Ў-ўй, Темиров агрономни аёллари Самарқандга бориб келибди».

«Ҳай бир мадрасалар, ҳай бир мачитлар бор эмиш».

«Мадрасалар баланд-баланд эмиш, қараб бўлмас эмиш».

«Қарайин, дегичларни рўмоли бошидан тушиб кетар эмиш».

«Рўмолим бошимдан тушиб кетсин дегичлар мадраса баландига қарасин эмиш».

«Темиров агрономни аёли қарайин деса, рўмоли бошидан тушиб кетибди».

«Рўмоли сувга учиб бориб тушибди».

«Шунда-да билмабди».

«Бир одам, ай хола, рўмолингиз сувга тушиб кетди, дебди».

Шундагина бошида рўмоли йўқлигини билибди».

«Вой, дебди-да, бошини қўллари билан яшириб-ди».

«Мениям рўмолим сувга тушиб кетса экан...»

«Мадраса пойида рўмолим бировгина... бировгина бошимдан учиб тушса экан»...

Тагтахтадаги битиклар майда-майда бўлди. Чумоли из-чумоли из бўлди.

«Ў-ўй,.болаларни нафақасини йўқлаб келса бўлмайдими?»

«Қодир — 4 сўм туради. Ҳанифа — 6 сўм туради. Ҳалима — 7 сўм 50 тийин туради».

«Аёл бошим билан икки марта бордим».

«Бир сўрадим — пул йўқ деди, икки сўрадим — пул йўқ, деди».

«Сўғин — бормадим ҳам, сўрамадим ҳам».

«Одамга бет ҳам керак-да».

«Бу киши бўлса, нафақани сен сўра — сен энасисан», дейди».

«Шу 4 сўмни сўрагани бетим чидамайди, дейди».

«Эркак бўп туриб, бу кишини бети чидамаганда, аёл бошим билан мени бетим чидайдими?»

«Аёлга-да бет керак».

«Бу киши айтади — ўнинчи болага 12 сўм 50 тийин нафақа беради, дейди».

«Бу киши айтади — ўнинчи боладан кейин бораман, дейди».

«Бу киши айтади — 12 сўм нафақа бер, дейишга тил боради дейди, бет чидайди, дейди».

«Мен ўнинчи болани қаердан оламан?».

«Бола беш ёш бўлса — шуниям бермайди, эмиш».

«Унда... бола беш ёшдан кейин нима ейди?»

Тагтахта адоғидаги беш-олтита битикни ўқиб бўлмади.

Аёлимиз адоқ битикларни битаётиб кўзи кетдимикин? Ё, кенжамиз аёлимиз кўкрагини ёмон-ёмон тортдимикин?...

Таг-тамал битикларни ўқиб бўлди:

«Дунёга келиб нима кўрдим?»

«Бешик кўрдим».

«Дунё кўриб нени кўрдим?»
«Ғўза кўрдим, пахта кўрдим».
«Кун кўрдим — ғўза кўрдим».
«Тун кўрдим — бешик кўрдим».
«Бешик мозорим бўлди, дала мозористоним бўлди».

САККИЗИНЧИ БОБ

1

Ғўзаларим ост-остларидан очилди.

Ғўза нима учун ердан чиқмиш бўғзи олдидан очилади?

Ғўза ер озиқ-қувватини ғўзаучлаб-ғўзаучлаб тортади. Ғўза ер қуввам қудратини қуёшлаб-қуёшлаб кўтаради.

Оқибат — ғўза ост-ост шохлари озиқсиз қолади. Ғўза ост-ост шохлари қувватсиз қолади.

Охир-оқибат — ғўза айнан ана шу ост-ост шохидан очилади. Майда-майда очилади. Ғозсиз-ғозсиз очилади.

2

Ғўзаларим уч-учларидан очилди.

Ғўзауч пахталар-да остшох пахталардай бебарокат-бебарокат пахта бўлади.

Ғўзауч пахталар-да остшох пахталардай бебарор-бебарор пахта бўлади.

Боиси — қоқбел кўсаклар уч-уч кўсакларга оз-оз ер озиқ қияди. Қоқбел кўсаклар уч-уч кўсакларга кам-кам ер қувват қияди.

3

Ғўзаларим қоқ белидан-қоқ белидан очилди.

Қоқбел кўсак ерда бор озиқ-қувватни тортиб олади. Қоқбел кўсак ерда бор куч-қурбни ўзида олиб қолади.

Шу боисдан қоқбел кўсак пахтамисан-пахта бўлади!

Қоқбел кўсак барорли-барорли пахта бўлади. Қоқбел кўсак тарози босажак-тарози пахта бўлади.

Деҳқон кунига-да ана шу қоқбел кўсак ярайди!
Шу боисдан-да, қоқбел кўсакни деҳқонкўсак, дейдилар!

4

Ғўзабарг сариқ-сариқ бўлса, дори рисоладагидай барг тўкмайди.

Ғўзабарг қуруқ-қуруқ бўлса, дори бинойидай барг тўкмайди.

Шу боис, миробдан сув сўрадим.

— Оқар сув тамом бўлди,— деди мироб.— Энди, сув омбордан сув бераман-да.

Сув омборда сув йиллаб кўллаб-кўллаб ётади. Йил мобайнида лойқа сув остилаб чўкиб-чўкиб қолади.

Сувни сув этгич ана шу лойқа бўлади.

Ана шу лойқасиз сув билан суғорилгич ғўза йигирма кун ҳаяллайди.

Ана шу лойқасиз сув билан суғорилгич ҳосил ўттиз-қирқ фоиз камаяди.

Ғўзаларим у даврдан ўтди — ғўзаларимга энди оти сув бўлса бўлди.

Мен далаларимни омборсув билан оқар-оқмас сувлаб олдим.

5

Дориланмиш ғўза тағин қайтиб кўсак тугмайди.

Ёмондан-ёмон — дори бор кўсакларни-да қовуриб-қовуриб ташлайди.

6

Мен кўсакларим мўл-кўл очилишини қарадим.

Ниҳоят — олтмиш фоиз кўсагим очилиб бўлди.

7

Тонг саҳарда трактор кетига ўн тўртинчи тўртбурчак ускуна тақдим.

Ускунада иккита юм-юмалоқ идиш бўлди.

Мен ҳар идишга юз эллик кило-юз эллик килодан уч юз кило дори солдим.

Дорилашдан олдин сут ичиб олишим қарз ҳам фарз бўлди.

Молимиз илла бир кади сут беради — шуни-да мен ичиб олсам, болалар нимани ичади?

Мен сут ўрнида яхдай сув ичиб олдим.

Қоржома кийдим. Кўзойнак тақдим. Оғиз-бурнимга заҳарниқоб тақдим. Қўлқоп кийдим.

Трактор кабинасини маҳкамлаб-маҳкамлаб ёпдим.

Тракторни биринчи тезликда ҳайдадим.

Мен саҳармардонда далаларимга заҳар бердим.

Мен тонглай-тонглай далаларимни заҳарладим.

Пуркагич насосларини ўнглаб-ўнглаб дала заҳарладим.

Пуркагичлар бирваракай йигирма-йигирма тўрт эгатга сариқ-сариқ заҳар пуркади.

Цилиндрни олтинчи рақамга қўйиб-қўйиб дала заҳарладим.

Насос босимини ошириб-ошириб дала заҳарладим.

Мен бир гектар даламга тўрт кило қўлансадан-қўланса заҳар бердим. Аччиқдан-аччиқ заҳар бердим.

8

Тонг тўркади.

Боботоғ узра кун шафақланди.

Тонг-тонг шудринглар ол-ол шафақларда кетди.

Мен дала заҳарлашдан тийила қолдим — бешудринг барг заҳарни тан олмайди!

9

Кун олис бошим айланди.

Кун олис кўзим ёшланди.

Кун олис ичак-қорним томоғимда бўлди.

Ғарра-ғарра қусишдан армоним қолмади.

10

Салқинтоб-салқинтоб оқшом қўнди.

Мен тағин дала заҳарладим.

Ғўзаларим туси ўчди.

Ғўзаларим сап-сариқ бўлди.

Ғўзаларим энтикди.

Ғўзаларим ҳансиради.

11

Бутифос барг қовжиратиб-барг қовжиратиб ташлади. Бутифос барг қовуриб-барг қовуриб ташлади.

Бутифос чала-чала барг тўкиб бошлади.

Бутифосда бор-йўғи битта хосият бўлди — бутифос хом кўсакка зиён бермади.

Хом кўсак бодраб-бодраб очила берди.

12

Заҳар-заққум бутифосдан ўзга дори қуриб қолиб эдими?

Бутифосдан ўзга-да барг тўкажак дорилар мўл-кўл бўлди.

Масалан, калций цианимид дегич зиён-заҳматсиз дори бўлди. Магний хлорат дегич ҳид-бўйсиз дори бўлди.

Магний хлорат бутифосдан самарали-самарали барг тўкади. Магний хлорат бутифосдан авло-авло барг тўкади.

Аммо магний хлорат хом кўсакка зиён беради.

Магний хлорат зиён бермиш хом кўсак учлари қизил бўлиб қизил бўлмайди, сариқ бўлиб сариқ бўлмайди.

Гулоби-гулоби ранг бўлади!

Гулоби ранглари бошидан қолсин — тўрт мисқол кўсак икки мисқол бўлиб қолади! Серфазилат тола бефазилат бўлиб қолади!

Магний хлорат бутифосдан арзон-да тушади.

Бир тонна магний хлорат икки юз тўқсон сўм туради.

Бир тонна бутифос икки минг эллик сўм туради!

Уида, катталар нима учун заҳар-заққум бутифос сеп, дейди?

Бутифос хом кўсакни омонлайди, магний хлорат хом кўсакни заволлайди!

Е, эл-юрт, ё, кирим!

Қатталар бот-бот кўсак очилишни ўйлади.

Қатталар қайта-қайта пахта терилишни ўйлади.

Қатталар қишгачайин пахта терилишни ўйлади!

Е, эл-юрт, ё кирим!

Қатталар киримни танлади!

13

Одам тонг саҳардаароқ ичса нима бўлади?

Одам пиёниста бўлади.

Далаларим-да ана шу одам мисол пиёниста бўлиб қолди.

Одам толтушда тамаки чекса нима бўлади?

Одам банги бўлади.

Далаларим-да ана шу одам мисол банги бўлиб қолди.

Одам намозшомда наша чекса нима бўлади?

Одам нашаванд бўлади.

Далаларим-да ана шу одам мисол нашаванд бўлиб қолди.

Энди, ана шу оғулар барини бир одам танаввул этса нима бўлади?

Одам пушти куйиб кул бўлади. Одам насл-насабсиз бўлади.

Далаларим-да ана шу одамдай бўлиб қолди!

14

Баданда жон бор — қилмиш-қидирмиш бор.

Қилмиш-қидирмиш бор — жиноий модда бор.

Одам бирон иморатга зиён берса — фалон моддага биноан жавобгарликка тортилади. Одам бирон техникага зиён берса — фалон модда бўйича қамалади. Одам бировни урса — фалон моддага биноан кесилади.

Нима учун одам ерни заҳар дорилайди — аммо жавобгарликка тортилмайди?

Нима учун одам ерни заҳарлаб хўрлайди — аммо жавобгарликка тортилмайди?

Дунёда кўп-кўп эмиш-эмиш эшитдим. Аммо ер заҳарлаб жавобгар бўлибди, деган эмиш эшитмадим.

Ер қариди. Ер пушти куйиб заҳар-заққум бўлди. Ер кўкси куйиб кул бўлди — ер тақдир пешонасидан кўриб ёта берди.

Ер ўз дардини айтайин деди — ерда тил бўлмади.

15

Бозорни яхши кўраман!

Ноз-неъматлар товлана-товлана туради. Ширин-шакарлар боллана-боллана туради. Аччиқ-чучуклар бўйлана-бўйлана туради.

Ноз-неъматлардан кўзим тўяди. Ширин-шакарлардан кўнглим тўяди.

Бозорда еганим олдимда бўлади, емаганим кетимда бўлади!

Мен бозорда беҳиштда юрмишдай-беҳиштда юрмишдай бўламан.

Мен олмасам-да — нарх-навони сўраб-суриштираман.

Мен емасам-да — қирмизи олмани кафтимда салмоқлаб-салмоқлаб кўраман. Искаб-искаб кўраман.

Қирмизи олмадан кафтларим роҳатланади. Қирмизи олмадан димоғларим ҳузурланади.

Мен дунёда борлигимдан шукурланаман!

16

Аммо... бозорда бир айб бўлди.

Бозор айби... нарх-навоси ёмон бўлди! У-ў-ў, ёмон-ёмон бўлди!

Боботоғ пистаси ўн беш сўм бўлди. Вахшивор ёнғоғи тўққиз сўм бўлди. Дашнобод анори беш сўм бўлди.

Тошдан қиммат-тошдан қиммат нарх-наво бўлди!

Нима бўлса бўлди — баридан бир килодан олдим.

Икки дона анор бир кило келди.

Мен анор салмоқлаб-анор салмоқлаб ўйладим: дастурхонга иккитагина анор қўйса бўлмайди. Катта меҳмонлар нозиктаъб бўлади. Ўл-е, бор-йўғи иккита анор қўйибди-е, дейди.

Шу боис, тағин бир кило анор олдим. Жами тўртта катта-катта анор бўлди.

Дастурхонда тўрт бурч бўлади. Ана шу тўрт бурчига биттадан тўртта анор қўяман.

Дастурхоним бинойидай-бинойидай дастурхон бўлади!

Мен анор пулини санадим. Ич-ичимдан қиринди ўтди. Бармоқларим қалт-қалт этди.

Бир пул қарадим, бир анор қарадим — тўртовгина анор учун ўн сўм тўлагим келмади.

Қўлларим қалт-қалтини билинтирмайин дея, анор пулини қўшқўллаб ушладим. Анорчига қўшқўллаб узатдим.

Аммо анорчи билди — мийиғида кулди.

— Дашнободи анор, пулингиз ўзингиз билан кетади,— деди.

— Яхши анорликка яхши анор...

Мен бир анор бир меҳнат кунига тушаяпти-да, дегим келди — деёлмадим. Анорчини олдида паст кеттим келмади.

— Дашнободи анорлиги учун олдим-да,— дедим.

Анорчи қўлини кўкси қўйди.

— Қуллуқ, ош бўлсин!— деди.

Анорга мени оғзим тегармиди? Теккан билан анор ош бўлармиди?..

Шунда, қишлоқдошимиз Қаюм қоровул келиб қолди.

— Қани, Деҳқонқул, бозорлабсан-да?— деди.

— Ҳа, тирикчилик.

Қаюм қоровул бир тўрхалта бозорлигимга сер солди. Хиёл кўз олайтди. Бир менга қаради, бир бозорлигимга қаради.

— Тинчликми, Деҳқонқул?— деди.

— Тинчлик, осойишталик.

— Мабодо кайфинг йўқми?

— Умримда оғзимга олмаганман, Қаюм ака. Нима эди?

— Бозорлигингни кўриб айтаман-да. Кайфи йўқ одам ҳам шундай бозорлик қиладими?

— Дастурхонни ободи-да, Қаюм ака.

— Дастурхон ободи учун ол, эви билан ол-да. Бундайин бозорлик учун мендайин деҳқон бир ой терлайди!

— Ўзимдайин деҳқон-да шу, Қаюм ака, ўзимиздайин деҳқон-да шу.

— Манави пистами? Ўн беш сўм-а? Ё, пирим-е, ё, пирим-е! Нарх-навони Худо урмади — мен қутулмадим! Ҳали шу яқинда писта чаққанимни эслай олмайман. Шу қишдаги бир тўйда беш-олтита чақиб эдимми, билмайман.

— Сиз шу қишда чақибсиз экан, мен қачон писта чаққанимниям билмайман. Энди, меҳмон атойи худо, Қаюм ака. Ўзбакчилик — ўзбакчилик.

— Ўлма! Шу гапдан қолма, Деҳқонқул, кам бўлмайсан!

— Шу теваракни меҳмони бўлса гўрга эди. Московдан меҳмон келаяпти, Масковдан. Бари нозик меҳмон. Раисимиз айтди.

— Меҳмон келган уйдан барака аримайди, Деҳқонқул, барака аримайди. Меҳмон ризқи ўзидан олдин келади, дейди. Масковчи меҳмон бўлса, унда, бундай қил: бозорга хурмо кирибди. Ҳай, анави ерда сотаяпти, ҳайла!

— Қани-қани?

— Ҳайла-ҳайла, қозоншляпа савдолашаяпти. Ана шу хурмодан бир-икки кило ол. Масков ёқларда хурмо ўсмайди. Меҳмон ош деб келмайди. Меҳмон меҳмон-да — ҳавасаки ейди-да.

Қаюм қоровул айтмиш қатор-қатор хурмолар олдилаб бордим.

— Хурмо қанчадан бўлди?— дедим.
— Уч сўмдан,— деди.
Хурмоларни ушлаб-ушлаб кўрдим.
— Хурмо қаерники?— дедим.
— Субтропикники,— деди.
— Суптропикникидан бир кило тортинг қани.
Субтропик боғ шундай олдимизда. Даламиздан йигирма чақирим келади.
Бозор дарвоза олдидан икки чўнтак майдаписта олдим.

17

Тўлиб-тошиб уй келдим.
Бозорлигимни ошхона қўйдим.
Болалар бозорлик ёпирилди. Болалар бозорлик гирдини олди.
— Олма, ота, олма!
— Ота, анор беринг!
— Узум беринг, узум!
Бирови олмага қўл узатди. Бирови анорга қўл узатди. Бирови узумга қўл узатди.
Болаларни қўлини уриб-уриб ташладим.
— Торт қўлингни, торт!— дедим.
Болалар кетига қўл бекитди. Болалар қўлтиғига қўл тиқди. Болалар оғзига қўл солди.
Болалар мўлт-мўлт қаради. Болалар илтижо-илтижо қаради.
Мен бошим билан бозорликка имо бердим.
— Буларни еб бўлмайди, қ-ҳа!— дедим.— Ҳа, қ-ҳа, қ-ҳа!
Мен афт буриштирдим. Мен бош сарак-сарак этдим.
— Ични оғритади, қ-ҳа! Ични кеткизади, қ-ҳа!— дедим.— Қара, пуф-е, сассиқ узум экан, пуф-е!
— Менга нима олиб келдингиз, ота?
— Сенгами, сенга бир нима олиб келдим! Қани, қўлингни бер. Ана, кўрдингми?
Бир-иккита майдаписта чақиб кўрсатдим.
— Ана шундай чақ!— дедим.— Қирсиллатиб-қирсиллатиб чақ, тишинг бақувват бўлади! Қани, баринг қўлингни тут!
Болаларга майдаписта бўлиб бердим.
— Ана энди, бориб ўйнанглар!— дедим.— Боринглар!

Болалар тарқалди.

Фақат Қулмат ўғлимиз қолди.

Қамбағалга кет, деёлмадим — кўнглим бормади.

Қамбағал Қулмат — дардманд!

Дўхтир кўриб, витамин етишмайди, деди. Бир даста дори битиб берди.

Денов дорихонасидагилар битикларни кўрди-кўрди — биттасиям йўқ, лекин бўп туради, тез-тез хабар олиб туринг, деди.

Мен айтдим: витамин ғўза эдимидики — тез-тез хабар олиб тураман, дедим.

Тағин қайтиб бормадим.

Дардманд Қулматимиз ингиллади:

— Ота, помидор беринг!— деди.

Мен ҳайронландим — тўрхалтада помидор йўқ бўлди.

— Помидор? Қани помидор?— дедим.

Қулматимиз қўли билан хурмони кўрсатди.

Э, тавба-е, ўғлимиз хурмони танимади!

Э, тавбангдан-е, ўғлимиз хурмони таниёлмади!

Мен палағдароқ бир хурмо олиб бердим.

— Ма, бу помидор эмас,— дедим.— Бу хурмо, ҳа, хурмо!

Деразадан Денов тарафни кўрсатдим.

— Ҳай, анави қуюқ дарахтзор бор-ку, ана шу субтропик боғ,— дедим.— Субтропик боғда хурмо ўсади, бизни далада ғўз ўсади!

Ошхона занжирлаб ташқариладим.

Оғилхона айланиб қарадим.

Ўзи, бисотимда учовгина қўйим бўлди. Икковя совлиқ бўлди. Бирови сўйиб сотиш учун боқилиб ётмиш қўй бўлди.

Ана шу қўй масковчиларга насиб этажак бўлди.

Мен масковчи меҳмонларга сўйилажак қўйимни қарадим. Думбасини чангаллаб-чангаллаб қарадим.

Қўйим ориқ бўлди, сўйишга арзигич гўшт қилмагич бўлди.

18

Оғилхона олдида кафтимни пешонам соябонлаб кун қарадим.

Шунда, ошхона деразасидан бир нима лип этиб тушди.

Ё, қоғоз, ё, латта учиб тушди, дея ўйладим.

Лип этиб тушмиш нима чопиб кетди.

Мушук бўлса керак-ов дея, тикилиб-тикилиб қарадим: Нодир ўғлимиз пириллаб чопиб бораяпти.

Билдим — ошхонадан бир нима олиб қочди.

— Ў-ў-ў, қайт! — дея бақирдим.

Нодир ўғлимиз қайтмади. Қуюндай-қуюндай чопди.

Мен изидан қувиб кетдим.

Бола бола-да — дарров ҳолдан тойиб қолди.

Мен етиб олиб елкасидан ушладим.

Ўғлимиз елкасини силкиб олиб чопаман дея, бети билан йиқилиб тушди. Тупроқда юзтубан ётиб олди.

Ўғлимиз бир нимани бағрига босиб йиғлади. Оёқларини типирчилатиб йиғлади. Ер тепиниб йиғлади.

Тупроқ чангиб-чангиб қолди.

Ўғлимиз йиғлай-йиғлай — охири ҳолдан тойди. Ўпкасини босолмай ҳиқ-ҳиқ нафас олди.

Ўғлимиз қалт-қалт этди. Елкалари пир-пир учди. Боши сарак-сарак бўлди.

Бола қўрқди!

Кўзини оҳиста очди.

— Тур, уйга юр,— дедим.

Ўғлимиз ингиллади. Кўзини тағин юмди. Юзини ер қўйди.

Ўғлимизни бир ёнига ағдардим. Нима экан дея, бағрига қарадим.

Ўғлимизни бағрида икки дона хурмо бўлди.

Ўғлимиз хурмоларни тағин-да бағир босди. Ер тепиб-ер тепиб йиғлади.

— Бермайман, йўқ, бермайман! — деди.

Ўғлимизни даст кўтариб қўлтиқлаб олдим.

Ўғлимиз қўлтиғимда тепкилаб йиғлади. Билакларимни тишлаб йиғлади.

Еш болани тиши ёмон-да — билакларим ачишиб оғриди.

Бир амаллаб ичкари олиб кирдим. Оғзига тарс эткизиб бир урдим.

Жони ёмон-ёмон оғриди шекилли — оғзини ушлаб-ушлаб йиғлади.

Ана шунда хурмолар ер тушди. Хурмолар юмалаб-юмалаб жўнади.

Мен хурмоларни ушлаб-ушлаб келдим.

Ҳамсоя-қўлларникидан онамиз келди. Оғзини ушлаб ётмиш ўғлимизни ердан кўтариб олди.

Шунда, ўғлимизни оғзи бурнида қип-қизил қон кўрдим.

Онамиз ўғлимизни ер энкайтирди. Кафти билан оғзи бурнини артди.

— Ҳа, қўлинг синсин-а, шугина норасидани урган қўлгинанг синсин-а!— деди.

Онамиз теварак аланглади. Тандир олдида ётмиш темир косовни олиб отди.

Мен энкайиб қолдим — косов устимдан ўтиб кетди.

Онамиз ердан бир сиқим тупроқ олди. Ўғлимизни оғзи бурнини артди. Дока рўмоли учидан йиртиш олди. Йиртишни юмалоқлаб ўғлимизни бурнига тиқди.

— Бола сенга нима қилди-а, норасида бола сенга нима қилди-а?— деди.

Мен қўлимдаги хурмоларни кўрсатдим.

— Манавини қаранг, шуни олиб қочди!— дедим.

— Шугина учун норасида болани оғзи бурнини қон қиласанми, ерпарчин бўлгур?

— Уйпаб қўяй шугинадан, шугинани килоси уч сўм туради!

— Шу икковгина хурмога-я? Ҳа, қирчининггдан қийилгин, қирчингинангдан қийилгин!

— Икковгина бўлган билан салкам бир кило келади!

— Бир кило келса нима бўпти? Ҳа, хурмоларинг бошингдан қолсин, бошгинангдан қолсин!

— Эртага меҳмон келса, олдига нима қўяман? Бировини буниси еса, бировини униси еса, меҳмонлар нимани ейди?

— Нима, меҳмонлардан хурмо қарзинг борми, ерчилим бўлгур?

— Қарзим йўқ, эна, қарзим йўқ. Лекин меҳмон атойи Худо-да. Меҳмон отадан улуғ-да. Меҳмонлар олдида ким деган одам бўламиз?

— Унда, мўлроқ ол эди...

— Хурмони пулга беради. Энам айтди деган билан бермайди.

— Бола бола-да, кўнгли кетади...

— Катта меҳмонлар инсофли бўлади, эна. Назари тўқ одамлар бўлади. Барини еб қўймайди! Дастурхонда қолдиради! Меҳмонлардан қолса — болалар ейди-да!

Гапим маъқул бўлди шекилли — онамиз ўғлимизни ичкари етаклаб кетди.

Мен хурмоларни енгим билан артиб-артиб олдим. Жойига олиб бориб қўйдим.

Жовуз доналарига қараб ўтириб-ўтириб... оғзимни суви қочди! Беихтиёр қўл узатдим.

Узумдан беш-олти дона олсам — узумбош лош-лош бўлиб қолади. Узумбош чумчуқ чўқилаб ташламишдай-чумчуқ чўқилаб ташламишдай бўлиб қолади.

Оқибат — меҳмонлар олдига қўяр ҳоли қолмайди.

Мен узумдан қўл тортдим.

Ошхонани ташқаридан қулфладим.

Очиқ деразадан ичкари мўраладим.

Ўғлимиз уйқуда бўлди. Бурунлари тиқиғлиқ оппоқ дока қип-қизил бўлди.

Ўғлимиз оғзини каппа-каппа очиб энтикди. Бир чапи ўнгарилди, бир ўнги ўнгарилди. Кўрпасини тепкилаб-тепкилаб туширди.

— Хурмо, ота, хурмо!..— дея уйқусиради.

19

— Шу... меҳмонлар неча киши ўзи, раис бова?— дедим.

— Ҳозир санаймиз-да. Битта режиссёр, иккита оператор, битта комментатор. Жами бир машина. Аммо одатимизни биласиз: юқоридан бир машина катта келса, пастдан икки машина катта ҳамроҳ бўлиб келади.

— Ўйнаб қўяй, меҳмондан, ўйнаб қўяй. Масаласи осон экан. Шу... бозордан қўй гўшт олсам бўлмайдими, раис бова?

— Ажаб одамсиз-да, Деҳқонқул ака. Киночилар бизни олдимизга очидан ўлиб келаётгани йўқ. Меҳмон ош деб келмайди. Қўй обрўй-да. Кимсан — катта бир хўжаликни машъал бригадири! Семизликни қўй кўтаради, Деҳқонқул ака.

— Чин — қўй кўтаради. Чин — мен кўтараман.

— Сиз ҳам семизликни кўтаринг-да.

— Кўтараман, раис бова, кўтараман. Семизликни — қўй кўтаради. Семизликни — мен кўтараман.

— Ҳа, бали! Қўй нима деган гап?

— Чин, қўй қўй-да. Шу, болаларни қишга устбоши йўқ эди, раис бова. Борлари-да йиртиқ-ямоқ

эди. Шу қуйни боқиб-боқиб, болаларга уст-бош олиб берсам деб эдим. Қуйда ҳали сўйгулик ҳол йўқ.

— Майли, майли! Қўй сўйилди оти бор, қўй сўйилди! Болаларга уст-боши эса... давлат пахта терим учун мана-мана пул бераман, деяпти. Ана шундан олиб берасиз.

— Майли, раис бова, майли. Қўй бўлса қўй-да.

— Ҳа, яшанг! Ким айтади сизни ўзбак деб? Ўзбак ўзи емайди, ўзи ичмайди — бор топганини меҳмони олдига қўяди!

— Майли, қўй бўлса қўй-да, майли.

— Авлод-аждодлар... урф-одатлар... ўзбакчилик... дегандай. Ўзбакни қониқиб меҳмон кутгани — подшо бўлгани!

— Хўп, раис бова, хўп.

— Кино бўласиз, кино! Тарихда қоласиз, тарихда!

— Тавба қилдим, раис бова, тавба қилдим.

— Ўзбакни қониқиб меҳмон кутгани — подшо бўлгани! Бир подшо бўлинг, Деҳқонқул ака!

— Шундай бўлайин, раис бова, шундай бўлайин!

20

Норбой чавандоз отини олиб келди. Ҳовлимиз юзаси арқонлаб кетди.

Чори магазин мудир «Волга» машинасини олиб келди. Бўсағамиз қўйиб кетди.

Онамиз сув сепа ҳовли супурди.

— Энди... болаларни уст-бошини қайтасан?— деди.

— Давлат пахта терим учун ана-ана пул берарман эмиш. Шу пулни оламан-у, уст-бош учун Денов чопаман.

— Шу, каллапойча қилайин қўйни эртароқ пулла, дедим...

— Қўя беринг, эна, қўя беринг. Бу кунлар ўтади-кетади — кино бўлганимиз ёнимизга қолади!

Онамиз мол-ҳолни кўз кўринарли ер қантарди.

— Уямас-да-буямас — тақдир-пешона!— деди.

— Эб-е, тақдир-пешонамизга нима қилибди, эб-е? Мана, кино бўлиб тарихда қолаяпмиз! Бу кунлар ўтади-кетади — тарихда қолганимиз ёнимизга қолади!

— Қарғиш урган одамни пешонаси ана шундай бўлади.

— Энани қарғиши болага урмайди. Эна, энани қарғиши болага урмайди. Оғзингизни тўлдириб қарғай беринг — барибир қарғишингиз менга ўтмайди!

Онамиз товуқлар кўз кўриниб донласин учун — сўри гирдилатиб дон сочди.

— Сени мен эмас — сени Худо қарғаган.

— Худо қарғаган? Эб-е, мен худога нима ёмонлик қилдим-е? Худо нима деб қарғаган-е?

— Худо, илойим, шу ўзбак дегични топгани азиз меҳмонига буюрсин, деб қарғаган!

21

Кун кўтарилди.

Дарвозамиз олдида узундан-узун автобус бел бўлди.

Автобусдан уч-тўртта бўзбола тушди.

Бўзболалар пахмоқсоч бўлди. Қора кўзойнакли бўлди. Соқолдор бўлди.

Бўзболалар дарвозамиз олдида аппарат жойлаштирди. Аппаратларини ҳовлимиз қаратди.

Остонада Идеология билан раисимиз қора берди.

Мен бор бисотимни кийиб пешвоз бордим.

Онамиз Сталин замонида теримчилиги учун олган кўйлагини кийиб пешвоз келди.

Мен улар билан қўл бериб кўришдим. Кучоғимни катта очиб:

— Қани, марҳамат, хуш келибсизлар! — дедим.

Идеология билан раисимиз эгилиб-эгилиб кўришди. Тантанавор-тантанавор кўришди.

Аппаратлар шир-шир сурат олиб турди.

Мен меҳмонларни эргаштирдим. Бутун ҳовли юзини кўз-кўз этдим.

Сўри олдида оёқ илдим. Кулимсидим. Қўлимни кўксим қўйдим. Меҳмонларга тавозе этдим.

Микрофон судраб юрмиш жингаласоч бўзбола ўртани олиб гап бошлади:

— Ўзбек хонадони! Бу сўзда олам-олам маъно бор! Ўзбек хонадони демак — «Волга» машина демакдир! Ўзбек хонадони демак — қорабайир от демакдир! Ўзбек хонадони демак — сурув-сурув қўй-қўзи демак, мол-бузоқ, етти хазинанинг бири демакдир! Шундай эмасми, раис бобо?

— Ҳа, — деди раисимиз, — хўжалигимизда уч мингдан зиёд хонадон бор! Ҳаммаси худди мана шу кў-

риб турганингиздай тўқ, фаровон хонадонлар! Хонадонларимизда етти хазинадан тортиб машинагача — ҳамма-ҳамма нарса муҳайё!

— Деҳқонқул ака, мана, сиз шу хонадон соҳиби экансиз, ноўрин саволим учун афв этасиз: иш вақтида уйда нима қилиб ўтирибсиз?

— Соат эндигина саккиз ярим бўлди,— дедим.— Иш бошланишига ҳали ярим соат бор.

— Демак, ишларингиз тўққизда бошланар экан-да?

— Ҳа, ишимиз роппа-роса тўққизда бошланиб, роппа-роса олтида тамом бўлади.

— Демак, ҳозир...

— Ҳозир оила аъзоларимиз билан маданий ҳордиқ чиқариб ўтирибмиз.

— Далага бораверсак ҳам бўлар, боргунимизча иш вақти ҳам бўлиб қолар?

— Иш вақтига ҳали ярим соатча бор-у, майли, бир марта эртароқ борсак борибмиз-да!

Аппаратлар дарвозадан чиққунимизга қадар сурат олди.

22

Машиналар далалаб келди.

Онамиз қалб амри билан пахтакорларга ёрдам бергич онахон бўлиб сурат тушар бўлди.

Режиссёр онамиз билан хўп ҳам кўп машқ олди.

Онамиз кўрак тергич онахон бўлиб йўл белида турди.

Жингаласоч чучуксўз-чучуксўз бўлди:

— Субҳидам!.. Оппоқ сочлари ўзига ярашган мунис онахон йўл бўйлаб келмоқда. Бўйнига этак боғлаб олган. Энгашиб, тупроқдан бир нималарни олади, пуф-пуфлаб, хас-чўплардан, чанг-ғуборлардан тозалайди. Сўнг, онахонларга хос бир меҳрибонлик ила этагига авайлабгина солади.

— Ассалому алайкум, онахон! Йўл бўлсин, онахон?

Мунис онахон она ердан, она тупроқдан бир дам бўлса-да, кўзларини узмади. Етмишни қоралаган, аммо чарчаш нималигини билмаган қадди-қоматини кўтарди. Енги ила юзларидаги ҳалол меҳнат терини артди. Меҳнат гаштидан теваракка завқ ила боқди. Мунис кўзлари порлади.

— «Оқ олтин» тераяпман!

Мунис онахон ғурур ва фахр ила шундай деди-да, яна йўлдаги трактор изларини титкилади, тупроқ ковлади.

— Онахон, исми шарифингиз, касб-корингиз?

Онахон камтарлик ила жавоб берди:

— Исми шарифим — Пахтахон! Пахтаой десангиз ҳам бўлади! Касб-корим — пахтакор!

— Пахтахон! Пахтакор! Мунис онахон бу гапи ила ўзини жисман ҳам, исман ҳам — пахтаман, демоқчи! Нақадар доно ўхшатиш!

Пахтакор онахон жиддий бўлиб қўшиб қўйди:

— «Оқ олтин» нондек табаррукдир. Нон ушоғини ерда қолдирмаганимдек — бир тола «оқ олтин»ни ҳам ерда қолдирмайман!

23

Режиссёр ўнгён чўнтагимлаб «Правда» солди, чапён чўнтагимлаб «Совет Ўзбекистони» солди. Рўзнома номларини кўз кўринарли-кўз кўринарли этиб жойлади.

Режиссёр тан-тап елкам қоқди.

— Барра калла, барра калла!— деди.

Елкамдан гуп-гуп чанг ўрлади. Елкамдан оппоқ-оппоқ чанг ўрлади.

Режиссёр афт бурди, режиссёр кафт билан чанг қувди.

— Фу, фу!..— деди.

Режиссёр чанг қаердан ўрлади демишдай — бир ўнгимдан қаради, бир чапимдан қаради, бир ер қаради.

— Елкасидан чанг кўтарилди, елкасидан!— деди раисимиз кула-кула.

— Елка?— анграйди режиссёр.

— Ҳа, елка!— деди раисимиз.— Ер нима — деҳқон елкаси нима?

Режиссёр тағин елкам қоқди.

— Барра калла, барра калла!— деди.

Режиссёр елкам қоқа-қоқа мени машина тараф жўнатди.

Мен йўл-йўлакай раисимиздан сўрадим:

— Раис бова, режиссёр нима деяпти?

— Баракалла деяпти, баракалла.

— Баракаллани шундай дейдими?

— Ҳа, энди... улар ВГИКда ўқиган-да, ВГИКда.
— Ўшанда шундай ўқитадими?
— Ҳа, энди... ВГИКни битирган-да, ВГИКни.

24

Мен дала бошида турмиш тўрт қаторли машинани эгат солдим. Режиссёрга қаратиб ҳайдадим.

Аппаратлар мен тараф пешланди.

— Дўстлар!— дея пешвоз юрди Жингаласоч.— Келинг, аввало ўтмишга бир саёҳат қилайлик!

Жингаласоч шундай дея, бир оппоқ чаноқ узиб олди. Пешонаси узра кўз-кўз этди. Чаноқ тикилиб-чаноқ тикилиб ваъз айтди:

— Пахта! Пахта мальвовлар оиласига мансуб бўлиб, госсипиумлар аждодидандир! Госсипиум — лотинча сўз бўлиб, пахта берувчи дарахт демакдир! 1670 йилда подшо Алексей Михайловичнинг буйруғига биноан Москва шаҳрида ҳам пахта экилди. Уни сарой боғбони Аносов экди. Москвада Измайлов маданият ва истироҳат боғи бор. Ана шу хушманзара ерда пахта даласи барпо бўлди. Измайлов даласи яхши ҳосил берди! Мамлакатимизнинг Одесса ва Херсон ўлкаларида ҳам Америка «сиайленд» пахтаси экилди. Ҳосилдор пахта бўлди. У ерликлар пахтани бир териб олди. Уч кундан кейин... тағин очилиб турди! Куз охирлагунича очилди! Охири — у ерлик маҳаллий халқ пахтадан кечишга қарор қилди. Бизга ҳосилини бир териб оладиган ўсимлик керак, дедилар. Ундай пахта эса йўқ эди! У ерликлар пахта машаққатига, пахта азобига... бардош беролмади! Аммо жафокаш ўзбек халқи, жафокаш ўзбек ери бардош берди! Ўзбек халқи, ўзбек тупроғи умрини пахтага бахшида этди. Қиш демади, ёз демади — пахта, деди. Тун демади, кун демади — пахта деди. Шундайми, Деҳқонқул ака?

Жингаласоч микрофонини чўзди.

Мен машинадан микрофон энкайдим.

— Ҳа, шундай,— дедим.— Бизнинг «пахтаой» пичагина нозиктаъб, бизнинг «оқ олтин» пичагина куйдирмажон!

— Кечирасиз, ҳол-аҳвол ҳам сўрамабмиз, бу... иш қалай?

— Муваффақиятли!

— Иш шароитларингиз қалай?

— Қулай!

— Бўш вақтларингизда қандай дам олмоқдасиз?

— Кўнгилдагидай!

— Қанақа дам олмоқдасиз?

— Маданий!

— Иш жараёнида аҳён-аҳёнда учраб турадиган қийинчиликларни қандай енгмоқдасиз?

— Мардонавор!

— Ҳали-ҳамон кўзга гашланиб турадиган камчиликларни қандай бартараф этмоқдасиз?

— Аёвсиз!

— Бу йилги режаларингиз қандай?

— Юксак!

— Доно партиямиз белгилаб берган йўл-йўриқларга қандай амал қилмоқдасиз?

— Оғишмай!

Режиссёр чапак чалиб юборди.

— Браво, браво!— деди.— Вот, советский деҳқон!

25

Осмонда паға-паға оқ булут сузди.

Кун булут ортида қолди.

Далалар хира тортди.

Киночилар кун ангниди.

Жингаласоч Хурсандой билан Норгулойга «Пахта ишқи» дегич қўшиқ машқ эттирди.

Кун булутлар ортидан чиқиб келди.

Далалар кундай ёруғ бўлди.

Уқариқ бўйида аёл-қизлар сафланди. Этак бойлаб терим шайланди.

Идеология аёл-қизларни бир-бир кўздан кечирди. Маъқул, дея бош ирғади.

Режиссёр беш-олти одим берида турди. Оёқ керди. Қўлларини бел тиради.

Режиссёр тишлари орасидан чирт-чирт тупурди. Тупуги ўзи билан теримчилар ўртаси бориб тушди.

Режиссёр бир ёнидан папирос олди, бир ёнидан гугурт олди. Теримчилардан кўз узмай папирос эзғилади. Чирсиллатиб гугурт чиқди. Бўйин қийшайтириб папирос тутатди. Гугуртчўпни елкаси оша отди.

Юрагим шувв этди.

Гугуртчўп тушмиш ер ҳадаҳалаб бордим. Гугуртчўпни босиб-босиб ташладим.

«Катта, далада папирос чекмайди — пахта ўт олиб кетади», дейин-дейин дедим.

Бир Идеологияга қарадим, бир раисимиз қарадим. Раис билан Идеология билиб-билмасликка олди.

Режиссёр бурқситиб-бурқситиб папирос тутатди.

Режиссёр тутунлар орасидан аёл-қизлар қаради. Папиросини лаби у бурчидан-бу бурчи суриб қаради. Лабларини дўрдайтириб-дўрдайтириб қаради.

Режиссёр мисоли кучук имламишдай — шаҳодат бармоғини ликиллата Жингаласоч чақирди.

Жингаласоч лик-лик эта келди. Режиссёр гирдида елпатак-елпатак бўлди.

Режиссёр кафтини коса этиб-этиб гапирди. Қўлини бигиз этиб-этиб гапирди, бармоғини пешонаси нуқиб-нуқиб гапирди.

Жингаласоч бош ирғаб-бош ирғаб эшитди. Бош ирғай-ирғай теримчилар олдилаб келди. Хурсандой билан Норгулойга бошдан-оёқ разм солди.

Теримчилар ийманиб ер қаради. Рўмоли учини қайирди. Рўмолини пешоналари сурди. Тер ялтирамиш бўйинлари билан ёриқ-ёриқ лабларини яширди. Теримчилар кўйлак этакларини тортиб-тортиб қўйди.

— Бўлмайди!— деди Жингаласоч.— Бу атлас бўлмайди!

— Яхши атлас-ку,— деди Идеология.

— Яхши, ёмон эмас, яхши! Аммо бу сариқ атласда. Сариқ атлас экранда сап-сариқ читга ўхшаб кўринади. Чунки лентамиз рангли лента-да.

— Унда, қандай атлас яхши бўлади?

— Жуҳуди атлас яхши бўлади! Экранда турли рангда товланиб кўринади. Жуҳуди атлас ранг-баранг-да.

— Еврейский атласларингиз борми, Хурсандой ва Норгулой?— деди Идеология.

Теримчилар ердан кўз олмади. Калиши учи билан ер титкилади. Бош иргади — йўқ ишорасини билдирди.

— Ўзларида бўлмаса, бошқаларда бордир?— деди Жингаласоч.— Шундай катта колхозда жуҳуди атлас топилмайдими?

— Еврейский атлас топиш қийин. Бу атлас ҳам яхши-ку?— деди Идеология.

— Тўғри, яхши атлас. Аммо гап бошқа ёқда. Биласиз, фильмимиз Иттифоққа чиқади, Иттифоққа!

Ундан чет элларга! Фильмимизни бутун жаҳон кўради, бутун жаҳон! Экранда сап-сариқ чит кўйлакни кўрганлар нима дейди? Қаранглар, бечора ўзбек совет хотин-қизлари чит кўйлак кийиб пахта тераяпти, демайдими? Дейди! Ўзбек совет хотин-қизлари кийгани кийимга зор экан, демайдими? Дейди!

Идеология афтодаҳол-афтодаҳол бўлди.

— Виноват, виноват...— деди.

— Ахир, чет элларда Боймирза Ҳайит, Вали Қаюмхон, Булоқбоши каби буржуа-мафкуравий душманларимиз қадамимизни санаб юрибди! Буржуа-мафкурачиларимиз экранда чит кўйлак кийган ўзбек совет хотин-қизларини кўрса нима дейди? Совет Ўзбекистони оч-юпун, демайдими? Дейди! Ана, ўзбек совет хотин-қизлари чит кўйлак кийиб пахта термоқда, демайдими? Дейди!

Идеология бенаво-бенаво бўлди.

— Биз... атлас...— дея ғулдур-ғулдур этди.— Биз еврейский атлас деганда — ўзбек хотин-қизларини тушунамиз, ўзбек хотин-қизлари деганда — еврейский атласни тушунамиз!..

Раисимиз Идеология жонига ора кирди.

— Мунча теримчига жуҳуди атласни қаердан топамиз?— деди раисимиз.

— Ҳаммасига эмас,— деди Жингаласоч.— Мана шу икковига бўлса бўлади. Шу иккови йирик планда кўринади! Қолганлари шунчаки — фонда кўринади!

— Ҳа-а, иккита денг, иккита топилади,— деди раисимиз.— Қани Хурсандой, Норгулой, буёққа юринглар, қани. Холиқул, машинани ўт олдир!

Раисимиз Хурсандой билан Норгулойни машинасига миндирди. Пичир-пичир тайинлади.

— Зув этиб бориб-зув этиб келинглар!— дея эшик ёпди.— Раис айтди, десаларинг, бизни аёл ҳам, Чори мудирни аёли ҳам йўқ демайди!

26

Режиссёр тишлари орасидан чирт-чирт тупурди.

Режиссёр папиросини тутатиб бўлди. Папирос қолдиғини чертиб ташлади.

Шундай чертди-шундай чертди — кўзим илашмай қолди! Папирос қаерга тушди — билолмай қолдим!

Шундай бўлса-да — папирос учмиш ёқ алағда бўлиб бордим. Эгат оралаб қарадим — тополмадим.

Кафтларимни тиззаларим тираб қаради — тутун пайқамадим. Ҳали ўчмагандир дея, ҳаво искадим — ҳид олмадим.

Ғўзаларни бир-бир қарадим. Шохларини қайириб қарадим. Баргларини кўтариб қарадим. Папирос бир оппоқ чаноқда илашиб турди. Билинар-билинмас тутаб турди.

Мен апил-тапил ғўза учидан силкидим — папирос эгат тушди.

Папиросни товоним билан эзғилаб-эзғилаб ташладим. Ер кўмиб-ер кўмиб ташладим.

Ана шунда кўнглим жойлашди.

27

Машина келди.

Хурсандой билан Норгулой жуҳуди атлас кийиб келди.

— Ана атлас, мана атлас!— деди Идеология.— Қалай, ўртоқ режиссёр?

Режиссёр бошмалдоқ наррайтириб кўрсатди.

—Браво!— деди.

— Ана, ўзбек совет хотин-қизлари!— деди Идеология.— Ана энди буржуа-мафкурачиларимизни боплаймиз. Ана энди Боймирза Ҳайит, Вали Қаюмхонлар экранда ўзбек совет хотин-қизлари образини кўриб, оғзига урган итдай бўлиб қолади!

Режиссёр лабига бармоқ юритиб-бармоқ юритиб кўрсатди.

Теримчилар тушунмади.

— Лолаб деяпти.— деди раисимиз.

— Ҳа, яшанг, раис ака! Лолаб, лолаб!— деди Жингаласоч,— помидорранг бўлса, экранда яхши кўринади!

— Колхозимиз пири бадавлат колхоз!— деди раисимиз.— Лекин шу... лолаб йўғ-а!

— Лолаб минерал ўғит эмас, раис ака! Лолаб колхозда бўлмайди!— деди Жингаласоч.— Лолаб хотин-қизларда бўлади!

— Биламан, биламан,— деди раисимиз.— Колхозимизда лолаб қўйгич хотин-қизи ўзи йўқ-да?

— Бор,— деди Хурсандой.— Битта бор. Мактабда ўрис тили муаллими лолаб қўяди.

— Ана, бор экан-ку, раис ака?

— Энди... мактаб бор эдими...

Раисимиз латтачайнар бўлди. Бир кун қаради, бир ер қаради.

Энди Идеология раисимиз жонига ора кирди.

Идеология сумкасидан бармоқдай бир нимани олди. Теримчиларни машина тараф имлади.

— Келинглар!— деди.

Теримчилар машина пана бўлди.

— Хайрият-е!—дея кафт ишқади Жингаласоч.— Колхоз бўйича битта замонавий аёл бор экан!

— Уям райком...— минғиллади раисимиз.

28

Хурсандой биринчи эгатдан тушди, Норгулой иккинчи эгатдан тушди.

— Бўлди!— деди Жингаласоч.— Йирик планда шу иккита теримчи бўлади. Уёғида ким қандай тушса тушаверсин — уёғи шунчаики фонда кўринади!

— Ўзиям, йирик-йирик кўрингулик теримчиларда!— деди раисимиз.— Ҳар бирови мавсум охиригача саккиз тоннадан ошириб «оқ олтин» териш мажбуриятини олган!

— Машина бўл-е!— деди Жингаласоч.— Деярли машина!

— Буларни олдида машина нима деган гап!— деди раисимиз.— Машина бузилади, отказ қилади. Булар на бузилади, на отказ қилади!

Идеология иккита лўппи чаноқ узиб олди. Пуфпуфлади. Силаб-сийпади. Норгулой билан Хурсандойни қулоқлари устига қистириб қўйди.

Идеология Норгулой билан Хурсандойни ўрим-ўрим сочини елкасидан олиб кўксига тушириб қўйди.

Идеология бошқа теримчиларга-да кўз-кўз этди.

— Сизлар ҳам ана шундай қилинглар!— деди.

Бошқа теримчилар-да қулоқларига чаноқ тақди. Бошқа теримчилар-да ўрим сочларини кўксилари туширди.

Идеология Хурсандой қабатини олди.

Жингаласоч Норгулой қабатини олди.

Аппаратлар шир-шир сурат олиб бошлади.

29

— Она табиатимизда неча хил ранг бўлса, барча-барчаси пахтазорда мужассамдир!— деди Жингаласоч.— Ҳа, пахтазорда камалак рангларниг жа-

мики жилолари жамулжам! Пахтазорда хотин-қизларининг пиёла жарангидек шўх кулгиси янграйди! Сўнг, лапарлар, аскиялар, қўшиқлар эшитилади!

Жингаласоч Хурсандой билан Норгулойга микрофон тутди.

Хурсандой билан Норгулой юзларида табассум ўйнади. Тишларини оқини кўрсатиб жилмайди. «Пахта ишқи» ашуласини айтиб-айтиб пахта терди:

Тун демай, кундуз демай, бошингда мен нарвонаман,
Соғиниб қолдим, очил, кулсин, севинсин ҳар томон...

— Ҳа, далада ҳуркак тоғ оҳусидек хотин-қизлар турнақатор бўлишиб пахта термоқда! Бири қўйиб бири қўшиқ айтади, бошқалари жўр бўлади:

Кўкдаги сайёралардек — очил, оппоғим, чаман,
Кеч кириб то субҳидам ишқингда минг тўлғонаман...

— Стоп!

Режиссёр шундай дея, қўл кўтарди. Эгат оралаб келди.

— Хурсандай и Наргулай!— деди режиссёр.— Сизники пахтани севади? Севади! Сизники севги билан пахта теради? Теради! Бизники кино қилади!

Режиссёр пахта териб-териб кўрсатди.

— Вот так, вот!— дея пахта терди.— Сизники вот так муҳаббат билан пахта теради? Теради! Бизники Москвага байроқ қилади!

Гап Жингаласочда кетди:

— Хурсандой ва Норгулой!— деди.— Пахтани чаноқдан суғуриб олаётганингизда ғўзаларга, айниқса чаноқларга ўзгача бир меҳр-муҳаббат билан қаранг! Ахир, сиз пахтани севасиз-ку! Шундайми? Пахтага ишқингиз тушган-ку! Тўғрими? Қўшиқнинг мазмуниям шу, номиям шу —«Пахта ишқи»!

Режиссёр тишлари орасидан чирт-чирт тупурди. Режиссёр папирос тутатди.

— Хурсандой!— деди Жингаласоч.— Хўжайинингизни севиб қолганингизда қандай қилиб муҳаббат изҳор қилгансиз?

Хурсандой ер боқди. Хурсандой оғиз ушлаб-оғиз ушлаб уялди.

— Ундай деманг-е...— деди.

— Ия, ундай деманги бўптими? Тасаввур қиламан: хўжайинингизни юзларига севги тўла кўзларингиз билан боққансиз... сочларини муҳаббат билан силагансиз... қўлларини ўзгача бир меҳр-муҳаббат билан ушлагансиз... шундайми? Айтмаянсиз — шундай!

Пахтага ҳам ана шундай муносабатда бўлинг! Қаранг, мана бундай!

Жингаласоч пахта териб-териб кўрсатди:

— Пахтани чаноқдан мана бундай қилиб муҳаббат билан оласиз! Кейин — кафтингизда вафо билан мана бундай қилиб ушлайсиз! Ундан кейин — садоқат билан мана бундай қилиб этакка соласиз!

Жингаласоч термиш пахтасини Хурсандойни этагига ташлади.

— Тушундингизми? — деди. — Нигоҳларингизда муҳаббат, вафо, садоқат балқиб турсин! Боқишларингизда пахта ишқи барқ уриб турсин!

30

Аппаратлар шир-шир сурат олди.

Дала бошида турмиш агитмашина ашула айтди.

Теримчилар «Пахта ишқи»ни айта-айта пахта терди:

> Кўк рўмолинг, оқ юзинг, бизларни шайдо айламиш,
> Сен билан биз эскидан севги-муҳаббатдек таниш.

— Хотин-қизлар қўшиқ айтмоқда! — деди Жингаласоч.— Қўллари эса «оқ олтин»да! Ғўзага бир эгилади, бир қаддини ростлайди! Чаноқлардан мени ол-ол, деб турган оппоқ пахталарни ўзгача бир чиройли ҳаракат билан чаққонгина олади! Чангларини авайлабгина пуфлаб қоқади, кўзига суртгудек бўлади! Меҳр-муҳаббат билан силаб-сийпаб, кўкракларига тутилган этакка — қалбига солади! Қалби эса «оқ олтин»га тўлиб боради.

> Нуқраи гул-гул жамолинг, бир ўпай, очил, кумуш!
> Сен чиқиб Зуҳро кабн — кулсанг ҳавасга қонаман...

— Сахий куз офтоби бахтиёр ўзбек хотин-қизларининг бахтиёр меҳнатларини табассум ила эритиб туради. Бахтиёр ўзбек хотин-қизлари... мана, район партия комитети идеология котибаси, район хотин-қизлар совети раисаси Клара Ходжаевнанинг қалб сўзлари:

— Бизнинг мамлакатимизда давлатни идора қилишга хотин-қизларни жалб этиш ленинча принципи оғишмай амалга оширилмоқда! — деди Идеология.— Чор Россиясида хотин-қизлар сайлов ҳуқуқидан фойдаланмас эдилар, Октябрь революцияси хотин-қизларнинг ҳуқуқсиз аҳволини йўқотиб, уларга давлат, хўжалик, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида эркаклар билан тенг ҳуқуқ бериб

қўйди, капиталистик мамлакатларда бундай аҳволни мутлақо кўрмайсиз, капитализмда хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқдан маҳрумдирлар!

Агитмашина «меҳнат ва зафар қўшиқлари»дан айтди:

Мунча ширин экан бу — Совет даврони
Мамнун яшар ҳар инсон — йўқдир армони.

— Кечирасиз, Клара Ходжаевна, гапингизни бўламан, Клара Ходжаевна!— деди Жингаласоч.— Мана, колхоз агитатори Жавлонбой аканинг агитмашинаси ялла айтмоқда, бу қандай ялла?

— Бу — «Бахт ялласи»!

— Сиз район хотин-қизлари сардори сифатида бахт деганда нимани тушунасиз?

— Мен бахт деганда ўзбек хотин-қизларини тушунаман, ўзбек хотин-қизлари деганда бахтни тушунаман!

Мунча ширин экан бу — Совет даврони
Мамнун яшар ҳар инсон — йўқдир армони.

— Ҳа,— деди Жингаласоч.— Шоирлар «Бахтим бор деб эсади еллар», деб куйлаганидек, оппоқ далалар узра «Бахт ялласи» янграмоқда! Далалар — уйғоқ! Далалар — ҳур-бахтиёр!

— Ҳа,— деди Идеология.— Бахт — ўзбек хотин-қизларининг таржимаи ҳолига айланиб қолди!

Мунча ширин экан бу — Совет даврони
Мамнун яшар ҳар инсон — йўқдир армони.

31

Мен далаларимни машина терим учун шайладим.

Уқариқ ҳаворладим.

Кўндаланг қулоқ ҳаворладим.

Ўнқир-чўнқир ҳаворладим.

Якка-ёлғиз бегона ўтларни юлиб-юлиб ташладим.

Эгилиб-эгилиб қолмиш ғўзаларим қаддини адл-адл ростладим.

32

Йўл бўйида ўсмиш ғўза куни қурсин!

Унгдан бир машина келди — йўлбўйи ғўзаларимга гупиллатиб чанг уриб ўтди. Чапдан бир машина келди — йўлбўйи ғўзаларимга гупиллатиб чанг уриб ўтди.

Майда-чуйда техникалар чангитиб ўтди. От-улоқлар чангитиб ўтди. Пиёдалар чангитиб ўтди.

Бари чанг йўлбўйи ғўзаларимга гуп-гуп ёпишди. Чанг шудринг билан қорилди-қолди — ғўзаларимда чайирдай ёпишиб-ёпишиб қолди.

Йўлбўйи ғўзаларим ерранг-ерранг бўлиб қолди. Йўлбўйи ғўзаларим тупроқранг-тупроқранг бўлиб қолди.

Барг қайси бўлди, кўсак қайси бўлди, тола қайси бўлди — билиб бўлмай қолди.

Ғўзаларимни қоқиб-да бўлмади — ғўзаларим қирс-қирс синади, кўсакларим дув-дув тўкилади.

Аммо... чайир чанг тўкилмайди!

Чайир чангдан қутулишни бирдан-бир йўли бўлди: авж тушда ғўза бўшашиб қолади. Авж тушда ғўза шалпайиб қолади. Авж тушда тафтида чанг илла ғўза ёпишиб туради.

Авжи туш тафтида ғўзаларни силкаб-силкиб олса — чанг тўкилади.

Мен авжи туш тафтида йўлбўйи ғўзаларим ораладим. Ғўзаларим учидан ушлаб қоқиб-қоқиб олдим. Ғўзаларим учидан ушлаб силкиб-силкиб олдим.

Саккиз эгат йўлбўйи ғўзамни ана шундай қоқиб-қоқиб олдим.

Йўлбўйи ғўзаларим ғўзасинбат-ғўзасинбат бўлди.

33

Далаларимни келиндай-келиндай созладим.

Раисимиз далаларимни айланиб-ўргилиб қаради.

— Далаларингиз дала бўлмабди, далаларингиз ўнг ёқдаги келин бўлибди! — деди раисимиз. — Деҳқонқул ака, мен келин кўрди учун бир қўй айтдим! Эртага биринчи теримда сўясиз!

34

Далаларим чаман-чаман бўлди.

Чаманлар кўзимни олайин-олайин, деди.

Мен тонглай-тонглай ана шу чаманларни териб-териб оламан.

Ғўзаларим озорланмасин учун машина билан ғилдирак олдига тўсқич ўрнатаман.

Ғўзаларим жуф-жуфт барабанлар оралиғидан кетма-кет ўтади. Барабанлар ғўзаларимни айланиб-айланиб қисади. Барабанлар ғўзаларимни қамраб-қамраб қисади. Урчуқлар тескари-тескари айланади. Ур-

чуқ тишлари ана шу чаман-чаман пахталаримни ўзига ўраб-ўраб териб олади.

Биринчи терим пахтамни ана шундай териб оламан!

Биринчи терим пахтам аъло нав-аъло нав пахта бўлади. Эшимли-эшимли пахта бўлади. Бўлали-бўлали пахта бўлади. Момиқ-момиқ пахта бўлади. Яккачигит-яккачигит пахта бўлади. Хиёл сарғиш товлангич пахта бўлади.

35

Далаларим лўппи-лўппи бўлди.

Лўппи-лўппи момиқлар чаноқлардан тошайин-тошайин деди.

Урчуқлар айланади-айланади — ана шу лўппи-лўппи момиқларни илиб олгич чўткали барабанларга рўпарў бўлади. Барабанлар тескари тараф айланади-айланади — пахталаримни қабул гумбазхонасига улоқтиради. Қабул гумбазхонаси шамолпаррак ёрдамида пахталаримни ҳаво билан сўради-сўради — ичковакдан машина пахтандишига олиб бориб тўкади.

Иккинчи терим пахтамни ана шундай териб оламан!

Иккинчи терим пахтам биринчи терим пахтамдан майдароқ бўлади. Тўлиқ пишиб етилмаган бўлади. Сийрак-сийрак пахта бўлади. Кам эшим-кам эшим пахта бўлади. Кам момиқ-кам момиқ пахта бўлади. Момиқ ич-тани тўлқин-тўлқин пахта бўлади. Оқсарғиш пахта бўлади. Сариқ-сариқ доғли пахта бўлади.

36

Мен адл-адл ғўзаларим пахтасини териб олиш учун барабанлар оралиғини кенг-кенг оламан.

Мен ўртабўй-ўртабўй ҳам калтабўй-калтабўй ғўзаларим пахтасини териб олиш учун барабанлар оралигини тор-тор оламан.

Мен урчуқли барабанлар кетига ҳавоютгич мослама ўрнатиб пахта тераман.

Ҳавоютгич мослама ғўзаларим остилаб тушмиш пахталаримни сўриб-сўриб олади.

Ҳавоютгич мослама эгатлаб тўкилмиш пахталаримни ютиб-ютиб олади.

37

Учинчи терим пахтамни қўлда тераман.

Бир ҳисса қўл терим олтмиш кило бўлади.

Бир кило пахта териш учун икки юз эллик дона чаноқ товалайман.

Олтмиш кило пахта териш учун ўн беш минг бор чаноқ эгилиб-чаноқ эгилиб тураман. Олтмиш кило пахта териш учун ўн беш минг бор ер энкайиб-ер энкайиб тураман.

Учинчи терим пахтамни чала-чала очилмиш кўсакдан териб оламан.

Учинчи терим пахтамни тиржайиб-тиржайиб қолмиш кўсакдан териб оламан.

Шу боис, учинчи терим пахтам сни-синбати кўсаксинбат-кўсаксинбат бўлади.

Учинчи терим пахтам об-ҳаво мисол хира-хираранг бўлади. Айнима осмон мисол тунд-тундранг бўлади.

Учинчи терим пахтам сап-сариқ доғли бўлади. Қўнғир-қўнғир доғли бўлади.

Учинчи терим пахтам чиримандa-чиримандa пахта бўлади. Эшимсиз-эшимсиз пахта бўлади. Ғозсиз-ғозсиз пахта бўлади.

Олти мисқоллик пахтам учинчи теримда уч мисқол бўлиб қолади!

38

Мен ана шунда олибсотар бўламан-қоламан!

Олибсотар ориқдан-ориқ қўй боқади. Олибсотар тозидан-този қўй боқади.

Эрта бозорда ана шу този қўй ошиғи устидан тешади.

Олибсотар ана шу тешикка оғиз қўйиб пуфлайди. Лунж шишириб-лунж шишириб пуфлайди. Чираниб-чираниб пуфлайди.

Қўй бир ўлиб тирилади. Қўй бир ўлимдан қолади.

Қўй бир кечада семиради. Қўй пуфланмиш шар мисол таранг бўлади.

Олибсотар азонлаб қўйни бозор солади.

Молбозорда молжаллоб дегич кимса бўлади.

Молжаллоб учун кирим бўлса бўлди — бузоқни ҳўкиз дея сотиб беради. Молжаллоб учун кирим бўлса бўлди — эчкини қўй дея пуллаб беради.

Ана шу молжаллоб қўйни мақтаб-мақтаб пуллаб беради.

Далаларим ана шу қўй бўлиб-бўлиб қолади!

Катталар ана шу молжаллоб бўлиб-бўлиб қолади!

Мен ана шу олибсотар бўлиб-бўлиб қоламан!

39

Тўртинчи теримда қор ёғади.
Ҳаводан қиш нафаси келади.
Кечалари ҳалқоб сувлар музлайди.
Далаларим билч-билч лой бўлади.
Мен шилт-шилт лой ботиб кўсак тераман.
Мен қунишиб-қунишиб кўсак тераман.
Мен қалт-қалт қалтираб кўсак тераман.
Мен ҳовучларимга уфлаб-уфлаб кўсак тераман.
Кўсаклар тошдай-тошдай метин бўлади.
Кўсаклар муздай-муздай совуқ бўлади.
Тош-метин кўсаклардан қўлларим тилим-тилим бўлади.
Муз-муз кўсаклардан қўлларим йириг-йириг бўлади.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

1

Ит бемаврид-бемаврид ҳурди.

Мен уйқумда эшитиб ётдим.

Ит жон-жаҳди билан ҳурди. Ит қаҳр билан ҳурди.

Уйқум қочди. Чопонимни елкам ташлаб ташқариладим.

Тун тошдай-тошдай зим-зиё бўлди.

Тимирскиландим-тимирскиландим — ташқи чироқни ёқдим.

Ит хиёл забтидан тушди.

Мен дарвоза тарафладим.

Дарвоза одоб билан тик-тик этди. Дарвоза назокат билан тик-тик этди.

«Ким бўлса-да, ўзимиздан бўлмади,— дея ўйладим.— Ўзимиздан бўлса, тарақ-туруқ уради».

— Ким у?— дедим.

— Биз идорадан келдик!— деди бир овоз.— Биринчи теримда сўйиш учун қўй олиб келдик!

Мен дарвоза зулфинига қўл узатдим.

— Уйнаб қўяй, қўйларингдан!— дедим.— Ярим кечада қўйим нимам?

— Раис юборди, раис! Оча қолинг!

— Биринчи терим эртаматан бошланади. Эртаматан олиб келардиларингиз-да?

— Энди, раис машъал бригадиримиз эрталаб шошиб қолмасин, деди-да. Оча қолинг, қўйингизни ола қолинг!

— Уйнаб қўяй, раисдан-да!— дея-дея дарвоза зулфинини олдим.

Шунда, учта одам забт билан ичкари ёпирилди.

Бирови кўкрагимга тўппонча тиради.

Иккови ҳовлига автомат ўқталди.

— Қимирлама!— дея зуғум этди тўппончалик.— Қўлингни кўтар!

— Нима гап!— дея ҳанг-манг бўлдим.

— Қўлингни кўтар, деяпман!

Мен қўлларимни кўтариб-кўтариб турдим.

— Қўйнини ковланглар!— деди тўппончалик.

Автоматчилар қўйнимга қўл тиқиб-қўл тиқиб кўрди. Чўнтакларимни босиб-босиб кўрди. Уятли-уятли жойларимни ушлаб-ушлаб кўрди.

Ушламаган жойлари қолмади!

— Йўқ!— дея тўнғиллади автоматчи.

— Тўппончанг қаерда?— деди тўппончалик.

— Тўппонча? Қандайчикин тўппонча?— дея ҳайронландим.

— Кўп талмовсирама, сенларда пулемёт ҳам бор!

— Кетмонимдан бўлак балом йўқ!— дедим.

— Сенларда-я? Ҳали кўрамиз! Қани, ичкари бошла!

Автоматчилар елкамдан туртиб-туртиб ичкари ҳайдади.

Тўппончалик тўппончаси билан деразамизни зир-зир урди.

Ичкари чироқ ёнди.

Онамиз уй ўртасида серрайиб турди.

Болалар уйғониб қолди.

Болалар онамиз оёқларига осилди. Болалар уйқусираб-уйқусираб йиғлади. Болалар кўзларини ним очим-ним очиб йиғлади.

Онамиз бир менга олазарак боқди, бир автоматчиларга олазарак боқди.

Бир автоматчи автомати қўндоғи билан онамизни туртиб юборди.

Онамиз кетилаб тисарилди-тисарилди — бурчак суяниб қолди.

Болалар онамиз гирдида ғуж-ғуж бўлиб олди.

Автоматчилар автомат қўндоғи билан сандиқ усти бўғжомаларни ағдариб-ағдариб ташлади.

Автоматчилар сандиқ қулф-зулфларини суғуриб-суғуриб ташлади.

Бир сандиқда аёлимиз раҳматликдан қолмиш кийим-кечак тахлоқлик бўлди.

Автоматчилар аёлимиз раҳматликдан қолмиш кийим-кечакларни автомат учи билан илдириб-илдириб отди.

Автоматчилар аёлимиз раҳматликдан қолмиш ки-

йим-кечакларни автомат учи билан силкиб-силкиб отди.

Автоматчилар аёлимиз раҳматликдан қолмиш кийим-кечакларни автомат учи билан қоқиб-қоқиб отди.

Автоматчилар аёлимиз лозимини отмади — мени бағримни отди!

Бағрим бир ўпирилиб тушди!

Шунда... аёлимиз лозими улоғидан чироқ илашиб қолди. Аёлимиз лозими улоғидан чироқ ёпиниб қолди.

Ана шунда уй-ич нимқоронғи бўлди.

Тўппончалик лозимни олиб ташламоқ бўлиб қўл узатди. Тағин, бирдан қўл тортди.

— Т-фу!..— дея лозим тупурди.

Тўппончалик аёлимиз лозимилаб тупурмади — мени бетимлаб тупурди!

Бағрим икки ўпирилиб тушди!

Тўппончалик аёлимиз лозимини тўппонча учи билан олар бўлди. Бир тўппонча қаради, бир лозим қаради.

Тўппончасини лозим теккизишдан ҳазарланди!

Тўппонча билан онамизга ишора берди.

— Манавинингни олиб ташла!— деди.

Онамиз ҳадаҳа лозим олди. Лозим қўлтиқлаб бурчаклади.

— Илойим, шу қилғилиғинг ўзингга урсин, ўзингга бўлмаса, болангга урсин!— дея минғ-минғ қарғади.

Автоматчилар сандиқларни ағдариб-ағдариб қаради. Гилам остиларини босиб-босиб қаради. Дераза токчаларини тақ-тақ уриб қаради. Деворларни чертиб-чертиб қаради.

Уй-ич итирқин-итирқин бўлди!

Автоматчилар девор бош-адоғ косовсимон аппарат югуртириб-югуртириб кўрди.

Автоматчилар ошхона титди.

Автоматчилар омборхона титди.

Автоматчилар молхона титди.

Уй-таш итирқин-итирқин бўлди!

— Олтинлариниг қаерда?— деди тўппончалик.

— Олтин? Қандай олтин?

— Аппаратимиз ёниб кўрсатмаяпти. Яхшиликча, ўзинг айт! Бўл-бўл!

— Ўйнаб қўяй, олтин зотидан, ўйнаб қўяй. Олтин тилла дўконда бўлади-да.

— Айтмайсанми? Ҳали, айтасан!

Тўппончалик шундай дея, билакларимни жуфтлади. Шиқиллатиб кишан солди. Кишан жиловини билагидан ўраб олди. Дарвоза олдида турмиш машина тараф етаклади.

Ўғлимиз кетимдан овоз берди:

— Ота-а-а!

Тўппончалик мени машина имлади.

— Йўл бўлсин?— дедим.

— Энангни уйига!

Мен машина кира бермадим.

— Йўл бўлсин? Эртаматан биринчи терим бошланади?— дедим.

Автоматчилар мени итаргилаб-итаргилаб машина босди.

Машина ойнасидан уйимиз қарадим.

Онамиз уй бўсағада серрая-серрая қолди.

Болалар онамиз теварагида ғуж бўлиб-ғуж бўлиб олди.

Ўғлимиз тағин овоз берди:

— Ота-а-а!..

2

Машина зим-зиёда юрди-юрди — бир овлоқни манзилли жалол этди.

Тўппончалик мени етаклаб тушди. Ҳадаҳа билан бошқа бир машина солди.

Биринчи машинада қолмиш автоматчиларга тайинлади:

— Манави чап йўлдан ҳайданглар,— деди.— Мабодо мафия қувиб қолса, бор тезлик билан ҳайданглар!

Машинамиз ўнгга бурилиб жўнади.

Биқинимда тўппонча қадалиб-қадалиб турди.

— Йўлда мафиянг дафъа қилиб қолса, манави оёқ остига ётиб ол!— деди тўппончалик.— Сен бизга тириклайин кераксан!

— У ким?— ҳайронланиб сўрадим.

— Ўзингни овсарликка олма! Биз барини биламиз!

Бир кўприк пойида тонг отиб қолди.

— Ёруғ бўп кетди-я!— деди тўппончалик.— Машинани кўприк остига ол!

Тонг ёригандан-ёриди.

«Ҳализамат биринчи терим бошланади», дея хаёлландим.

Машина кўприк остида оёқ илди.

— Узи, қаёққа кетаяпмиз?— дедим.— Ҳализамат теримчилар далалаб келади.

— Учир-учир!

Тўппончалик ойнадан ташқари аланглаб-аланглаб олди.

— Сурхондарёча машина рақамларинг бор-а?— деди ҳайдовчига.— Дарров рақамларингни алмаштир! Сурхондарёча рақам қўй!

Ҳайдовчи апил-тапил машина олд-кет рақамларини алмаштириб-алмаштириб олди.

Машина тағин йўл равона бўлди.

Машинадан тайёра пиллапоясилаб оёқ босдим.

Тайёра ердан оёқ олди.

— Худога шукур-е!—дея елкадан нафас олди тўппончалик.— Мафиянгга ҳам чап бердик!

3

Том — тош бўлди.

Девор — тош бўлди.

Ер — тош бўлди.

Тошлар захдан-зах бўлди!

Мен бурчакда чўнқайиб ўтира бердим. Пешонамни тиззаларим қўйиб ўтира бердим.

Димоғим бир ис туйди.

Ис димоғим учун ҳаминқадар қўланса бўлса... ҳаминқадар қадрдон-да бўлди.

Ис — бутифос иси бўлди!

4

Иккита аскар ўртасида бордим.

Кун кундузими ё кечами — билмадим.

Қорағилоф эшикдан ичкариладим.

Тўрда ўтирмиш бароққош катта жойидан турди. Мен билан қўл бериб кўришди. Бош эгиб-бош эгиб мулозамат этди.

Бароққош катта жой лутф этди.

— Марҳамат, Деҳқонқул Ақрабович, марҳамат!— деди.

Мен бароққош катта марҳамат этмиш жой чўкдим.

Бароққош катта ўз жойини олди. Бош ирғаб-бош ирғаб илжайди.

Бароққош катта бетимдан кўз олмади — бир чапимдан қаради, бир ўнгимдан қаради.

— Кўп қараб ётманг,— дедим.— Бетим пес эмас.

Бароққош катта тағин бош ирғади.

— А?..— деди.— Бўлади, ҳаётда шундай дард бўлади... Аммо юқумли саналмайди...

— Эллик даража жазирамада кетмон чопамиз, ана шундан,— дедим.

— Ия!— дея ҳайронланди бароққош.— Унда нега юзингиз бир текис қора эмас?

— Саратон маҳали далада кўз очиб бўлмайди. Кўзимизни қисиб-қисиб кетмон чопа берамиз.

— Ҳа-а? Мен бошқа хаёлга борибман...

— Бари кўргилик кун билан кетмондан.

— Бўлди-бўлди, тушундим. Хў-ўш, унда, танишиб қўяйлик: мен Иван Иванович Иванов бўламан. «Ўзбеклар иши» билан шуғулланаман.

Тўрда баҳайбат пўлатсандиқ бўлди. Сандиқ узра супрадай қизил байроқ ёйилиб турди.

Бароққош боши узра ўрток Ленин кулиб-кулиб қараб турди.

Ўнг тарафда Дзержинский қаҳрланиб-қаҳрланиб қараб турди.

Бароққош сўрай берди — мен айта бердим.

Айтувларим хатга туша берди.

Бароққош хат қараб хаёл суриб қолди.

— Энди бўлди-а?— дедим.— Ўзиям, етти пуштимгачайин сўраб олдингиз Энди мен кетайин.

— Қаёққа кетасиз?

— Қаёққа бўларди — уйимга-да. Биринчи терим бошланди. Мен бўлса, буёқларда юрибман. Аслида теримчиларга қўй сўйиб беришим лозим эди. Оғзига етар бўлади, оғзига етмас бўлади, сўкади-да. Ўл-а, машъал бригадир бўлмай, дейди-да. Гап раисимиз қулоғига етса, ундан-да ёмон.

Бароққош лаблари бурчида кулди.

— Жамолиддинов, Жамолиддинов!— дея кулди.— Деҳқонқул Ақрабович, Деҳқонқул Ақрабович! Раисингиз шу ерда!

— Шу ерда?

— Ҳа-да. Сиз билан бир тайёрада келди.

— Эб-е?.. Ўйнаб қўяй-ўйнаб қўяй, қаерда-қаерда?

— Сиз билан қабатма-қабат ётибди. Хў-ўш, қалай жойлашдингиз, маъқулми?

— Сиз биласиз-да, мен не билайин?

— Ишқилиб, озодагинами?

— Озода? Бутифос иси анқиб ётибди. Чидаб бўлмайди.

— Энди, чидайсиз-да, Деҳқонқул Ақрабович. Биламан, бутифос ҳиди анқиб туради, биламан. У жойлар бир вақтлар заҳарли дорилар сақланадиган омборхона эди. У жойларга кириб бўлмас эди. Иложимиз қанча, «ўзбеклар иши» учун фойдаланар бўлдик.

— Кимлар учун?

— «Ўзбеклар иши» учун. Заҳарли дори омборда ўзбекдан бошқа халқ чидай олмайди-да. Чунки ўзбек халқи йил ўн икки ой далада заҳарли дори сепиб ишлайди-да. Йил ўн икки ой заҳарли дори ҳидлаб яшайди-да. Шу сабабли ўзбек халқини заҳарли дори омборига жойлаштирдик. Чиниққан халқ-да, чиниққан.

5

Кундузлари захда ўтириб турдим.

Кечалари тошдевор тўнтариб қулфланмиш камбардан-камбар тахтани тушириб ётдим.

Бутифос иси димоғим ботмади. Даламда ётмишдайин осойишта ёта бердим.

Дарвозани даранглатиб очмиш аскар бутифосдан афт бурди. Кафт билан оғиз-бурун ёпди.

Аскар боши билан чиқ, имосини берди.

Мен узун даҳлиз бўйлаб йўл олдим.

Кетимдан келмиш аскар оғзи бурнидан кафтини олди. Бурчакда турмиш сатилга энкайди. Томоғини чангаллаб-чангаллаб ўқчиди.

— Уҳ, туф, уҳ!— дея ўқчиди.— Энам-ай, ай, энам-ай!..

— Ўрганиб кетасиз-ўрганиб кетасиз!— дея далда бердим.

Аскар аччиқ билан елкамдан туртди.

— Юр, сендан сўраяпманми, юр!— деди.

Мен бир қалқиб йўл олдим.

6

Қорағилоф эшикдан ичкариладим.

Иван Иванович қулоғидан телефондаста олди.

Шаҳодат бармоғи билан жой буюрди.

Мен буюрилмиш жой чўкдим.

Иван Иванович пўлатсандиқдан бир жузгир олди. Жузгир варақлаб-варақлаб қаради.

— Деҳқонқул Ақрабович,— деди.— Сиз порахўрлар билан ош-қатиқ бўлиб келдингиз. Сиз текинхўрлар билан олди-берди қилиб келдингиз. Бор айбингиз шу. Бу эса, айб саналмайди. Шу боис, мен бириккита савол бераман. Сиз эса, саволларимга лўнда-лўнда жавоб берасиз — бўлди! Қанчалик ҳаққоний жавоб берасиз — шунчалик тез озод бўласиз! Келишдикми? Серқуёш Ўзбекистонда пахта хом ашёсини «оқ олтин» дейдилар-а? Ўзбек халқи ғоят зукко халқ — топиб айтади! Ана шу серқуёш Ўзбекистонда «оқ олтин» терими бошланди! Тез-тез жавоб берасиз — ана шу «оқ олтин» қўйнига етиб борасиз!

— Сўранг-сўранг,— дея бош ирғадим.

— Хў-ўш, биринчи сўров: ўртоқ Жамолиддинов, раисингизни олтинларини қаерга кўмиб эдингиз?

Ўйладим-ўйладим — ўйлаб ўйимга етолмадим.

— Ўйнаб қўяй, сўровингиздан,— дедим.— Қандайчикин олтинни айтаяпсиз?

— Қандайчикин бўларди — Мурунтов олтини-да.

— Олтин сариқ бўлади, деб эшитиб эдим. Аммолекин олтинни ўзини кўрганим йўқ.

— Мумкин, кўрмаган бўлишингиз мумкин. Чунки раисингиз олтинларни очиқча бермайди-да. Раисингиз... манавиларни кўмиб ташла... деб бирор нима бериб эдими? Ана шуни қаерга кўмиб эдингиз?

— Ўйнаб қўяй-ўйнаб қўяй, раис қаерда — мен қаерда? Раис одам менга бир нима берармиди?

— Беради! Ўзидан холис яшириб сақлаш учун беради! Ўртоқ Жамолиддинов, сиз ана шу олтин кўммангиз қаердалигини айтсангиз бўлди — сизга жавоб бериб юбораман!

— Менда олтин кўмма нима қилади, катта?

— Олдин айтинг: раисингиз олтинларни сандиққа солиб бериб эдими ё бидонга солиб бериб эдими?

— Ўйнаб қўяй, гапларингиздан, ўйнаб қўяй. Бидонга олтин соладиларми? Бидонга сув соладилар!

Иван Иванович олдимга бир рўзнома олиб келди. Рўзнома номини кўз-кўз этди.

— Кўраяпсизми, ўртоқ Жамолиддинов?— деди.— «Собеседник» рўзномаси. Бутун дунё ўқийди! Энди,

«Собеседник» ичини қараймиз!

Иван Иванович рўзномани ёйди.

Рўзнома қўшалоқ бетида уюм-уюм олтин тангалар сурати бўлди. Уюм-уюм олтин узуклар билан олтин сирғалар сурати бўлди. Қат-қат юз сўмлик билан қат-қат эллик сўмликлар сурати бўлди.

— Ў-ў-ў...— дея хушим бошимдан учди.— Булар қаерда, катта?

— Ўзбекистонда, Деҳқонқул Ақрабович, серқуёш Ўзбекистонда! Мана, остида битикларияам бор: «Бухоро шаҳар саноат моллари савдоси идораси бошлиғи Шоди Қудратовдан тўрт ярим миллион сўмлик олтин пул топилди. Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи Музаффаровдан бир миллион бир юз ўттиз бир минг... сўм пул, икки юз қирқ олти минг... сўмлик олтин буюмлар топилди»...

— Эбо-эй, эбо-эй... мунча нимани қандай қилиб топдиларингиз?

— Топамиз-да, Деҳқонқул Ақрабович, топамиз-да! Ҳали сизнинг олтин кўммаларингизнияам топамиз. Мана, қандай қилиб топамиз.

Иван Иванович бармоғи билан рўзномадан олтин уюмлар остини нуқиди.

Нуқилмиш ерда бир ўра бўлди.

Ўра теварагида бешта бидон бўлди. Иккита бўзбола ўрадан тагин бир бидонни арқон билан тортиб-тортиб олар бўлди.

Иван Иванович ана шу ўра бошида қоғоз-қалам ушлаб турар бўлди. Ўрадан бидон тортиб олишни назорат этиб турар бўлди.

— Манави сиз-да?— дея бармоғим билан нуқидим.

— Мен, ким бўларди, мен. Деҳқонқул Ақрабович, ана шу бидонлар тўла олтин! Энди айтинг: сизда ана шундай бидонлардан нечтаси бор?

— Бировгина бидонимиз бор!— дея, шаҳодат бармоғимни наррайтириб кўрсатдим.— Шу бировгина бидонимиз-да даранг-дурунг бўш ётади! Саратон чилласида шугина бидонимизни тўлдирайин деймиз — сув тополмаймиз! Ичгани сув тополмаймиз — олтинни қаердан топамиз?

— Сиз тушунмаяпсиз, Деҳқонқул Ақрабович, тушунмаяпсиз. Мен сизни олтинларингиз бор, демаяпман. Мана шу бидонларни сиздайин деҳқонлар уйи-

дан топдим. Аслида улар Каримов, Дўстов... дегич порахўрларга тегишлидир! Ана энди тушундингизми? Сиз ана шундай олтин бидонларни қаерга кўмиб эдингиз — шуни айтасиз, бўлди!

— Айтаяпман-ку: бировгина бидонимиз бор — ичида олтини тугул, суви йўқ!

— Айтаяпман, айтаяпман... Боринг, яхшилаб ўйланг! Марҳаматимни яхшилаб мушоҳада этинг. Мен сизга энг қулай йўлни марҳамат этаяпман. Эртароқ ўйлаб бўлсангиз — ўзингизга яхши бўлади!

Иван Иванович энкайди. Елкам оша узалди. Олдимда ёйилиб турмиш рўзномани олди.

— Пуф! — деди. — Сасиб кетибсиз-а! Нима бало...

— Ундай деманг, Иван Иванович, ундай деманг. Бу ис...

— Биламан, биламан. Бутифосда ана шундай ғариб-бенаво ётгандан кўра... дарров-дарров айтиб... қайдасан, серқуёш Ўзбекистон, дея жўнаб қолсангиз бўлмайдими?

— Бутифос ўз оти ўзи билан бутифос-да. Бошқа жой бўлса яхши бўларди-да.

— Сиз тарихий бинода ётибсиз, Деҳқонқул Ақрабович, тарихий бинода! Сиз ётган бино XVII асрда қурилган черков, ҳа, черков! Сиз зиндонда эмас, черковда ётибсиз. Шувелян ё Владикавказ зиндонларига тушганингизда кунингизни кўрардингиз! Биласизми, Шувелян зиндони ўз вақтида нима эди? Туяхона эди! Владикавказ зиндони эса оқпошшо лашкарлари отхонаси эди! У зиндонлардаги шарт-шароитлар ҳам ўз оти ўзи билан туялар ҳамда отлар учун мўлжаллангандир. Шундай экан, шукур қилинг, Деҳқонқул Ақрабович, шукур қилинг. Сиз черковда ётибсиз, черковда!

7

Тағин қорағилоф эшикдан ҳатладим.

— Қалай, Деҳқонқул Ақрабович? — дея кўнгил сўради Иван Иванович.

— Баҳарнав-баҳарнав...

— Яхши ўтирибсизми?

— Баҳарҳол-баҳарҳол...

— Хўш, ўйлаб бўлдингизми?

— Нимани ўйлаб бўламан?

— Демак... ўйламайсиз?

— Узи... нимани ўйлайин?
— Демак, бир-биримизга қараб ўтира берамиз?
— Ўтир, десангиз, ўтира бераман.
Иван Иванович жойидан турди. Деразадан ташқари қаради. Қўлларини чолвори чўнтаги тиқди.
Иван Иванович Ленин билан Дзержинский орасида бориб келди.
Бориб келди-бориб келди — бирдан айниди-қолди.
— Мен сени ўйлатаман!— деди.— Шундай ўйлатаман — Ўзбекистон файласуфи бўлиб ўйлайсан!
Иван Иванович тугма босди. Жон-жаҳди билан босди.
Аскарлар кириб келди.
— Манавини...
Иван Иванович гапни охирини имо-ишоралар билан айтди.
Аскарлар мени олдига солди. Даҳлизма-даҳлиз ҳайдади-ҳайдади — бир дарвозадан ичкари тепиб юборди.

8

Мен далбанглаб-далбанглаб бордим-бордим — зиндон киндигида серрайиб қолдим.
Теварак-бошимлаб аланг-жаланг бўлдим.
Зиндондан ўлакса гўшт ҳиди анқиди.
— Хуш келибсан, Жамолиддинов, хуш келибсан!— дегич гангир-гунгур овоз эшитилди.
Нимқоронғи бурчакдан иккита қора келди.
Қоралар шундай бурним остилади.
Қоралардан қўланса тер сасиди.
Кўнглим айниди. Илла чидаб турдим.
Қоралар бирин-кетин қўл берди.
— «Садист»,— деди.
— «Сокол»,— деди.
Қоралар мени гир-гир айлаиди.
Қоралар олчоқ-олчоқ гир-гир бўлди. Қоралар ялтоқ-ялтоқ гир-гир бўлди.
— Муборак шарифларини биламиз: Жамолиддинов! Аммо исмларини билмаймиз?
Қоралар бурним остида қарс-қарс бармоқ ўйнатди.
Қоралар кафтларини қулоқлари елпана этди.
— Лаббай?— деди.— Исмларини эшитайлик?
Мен миқ этмай тура бердим.

— Айтмасанг, айтма! Айтмасанг, биз сени рамзий от билан атаймиз: чурбан, чурбан! Бўладими?

— Менга қара, чурбан! Тилинг борми? Бўлса гапир?

— Гапир деяпман!

— Бу чурбан гапирмайди-ёв, «Сокол», кел, қўл тўпи ўйнаймиз.

«Садист» зиндон ўнг бурчини олди.

«Сокол» зиндон чап бурчини олди.

— Бошладик!

«Садист» иягим остилатиб бир солди.

Мен кетим билан «Сокол» қошилаб гандираклаб-гандираклаб бордим.

«Сокол» елкамдан қўшқўллаб ушлади. Ўзига ўгириб олди.

«Сокол»-да иягим остилатиб солди.

Мен кетим билан далбанглаб-далбанглаб «Садист» қўлига бориб тушдим.

«Садист» тағин «Сокол»га жўнатди.

Мен «Садист» билан «Сокол» оралиғида бориб кела бердим...

Охири ҳолдан тойдим.

Аро йўлда ўтириб қолдим. Жойимдан турайин, дея талпиндим.

Бўлмади — ўзимни тошдан ололмадим.

Бўлмади — чапим билан шилқ этиб тушдим...

Чап биқиним зир-зир зарб еди.

Зарбдан хиёл ўзимни олдим. Оҳиста-оҳиста тезарак-бошим назар солдим.

Бошимда тик турмиш «Садист» билан «Сокол»ни кўрдим.

«Садист» этиги учи билан тағин чап биқиним тепиб-тепиб орди.

Чап биқиним ҳаминқадар зир-зир қақшади.

— Эй, чурбан, тур!

— Сени ким айтади — Ўзбекистон далалари лочини, деб!

— Сени ким айтади — олти миллион тонна пахта теради, деб!

9

Аскарлар суяб-суяб олиб борди.

Аскарлар ҳимо бериб-ҳимо бериб ўтирғизди.

Иван Иванович мени айланиб-айланиб қаради.

— Ҳай-ҳай-ҳай! — деди. — Машъал пахтакор ёмон

йиқилибди-я! Қаерда йиқилдинг? Кўзингга қарасанг бўлмайдими?

Мен муштимни чаккамга нуқиб-нуқиб олдим.

— Мени урдилар...— дея минғилладим.

— Урдилар? Ким урди?

— Ётқизиб тепдилар...

— Ётқизиб тепдилар? Ким тепди?

Иван Иванович тугма босиб аскар чақирди.

— Жамолиддинов олдига ким кирди?— деди Иван Иванович.

— Биров ҳам кирмади!— деди аскар.

— Ана, ҳузурингга биров ҳам кирмабди. Нега мени алдайсан?

— Улар ичкарида ўтирибдилар,— дедим.

— Э, ҳа, ичкарида де... Ичкаридагилар ҳам сендай бир зиндонбандлар-да, Жамолиддинов. Песнинг чекига мохов тушади, дейдилар. Сен энди келдинг, улар эса веча йилдан буён силласи қуриб ётибди. Ўшаларга кучинг етмадими? Ким айтади сени — олти миллион тонна пахта тера оладиган азамат деҳқон, деб?

Мен индамайин қолдим.

— Хўш, энди айтарсан, Жамолиддинов?

Мен миқ этмадим.

— Ҳар бандани бекитиқча топган-тутгани бўлади...

— Бўлади, шундай, бўлади.

— Ҳа, ана! Ҳар бандани бир ёмон кунимга ярайди деб бекитиб қўйган бисот-бойлиги бўлади...

— Бор, бизда-да бор.

— Ҳа, яша! Ана шуларни айт! Қани-қани?

Мен бармоқ юмиб санаб-бармоқ юмиб санаб айтдим:

— Оқтупроқ далам — бир, шўртупроқ далам — икки, қумлоқ далам — уч...

— Йўқ-йўқ, мен мол-дунё маъносида айтаяпман?

— Катта, деҳқонда даладан бўлак мол-дунё пишириб ейдими? Деҳқон давлати — ер!

— Чин, чин.

— Чин бўлса, чин-да. Деҳқон давлати — ер-да!

Мен дераза бет буриб олдим.

Мен мум тишладим.

Иван Иванович эжакилаб-эжакилаб сўради.

Мен мумдан-мум тишладим.

Иван Иванович қаради-қаради — тоқати тоқ бўл-

ди. Вишш-вишш, этди. Бет-бошимлаб тупурди.

— Онағар, баран...— дея вишиллади.

Тупурикдан арод ҳидн келди.

Иван Иванович қулочкашлаб-қулочкашлаб чуйдам урди.

Мен зарбдан ағнаб тушдим.

— Йўқол, баран, йўқол!!

10

«Садист» билан «Сокол» орасида копток бўлиб бориб кела бердим-бориб кела бердим.

11

Мен ҳавода бармоқ юрдириб-бармоқ юрдириб олдим.

— Қоғоз-қалам беринг,— дедим.

— Қоғоз-қалам?— дея ажабланди Иван Иванович.— Қоғоз-қаламни нима қиласан?

— Ёзаман.

— Ёзасан? Кимга ёзасан?

— Прокурорга ёзаман.

— Мана, мен прокурор!

— Йўқ, Бош прокурорга ёзаман.

— Хўп, қоғоз-қалам бераман. Ёзувингни Бош прокурорга шахсан ўзим олиб бориб бераман. Ундан кейин айтасанми?

Мен йўқ, дея қайта-қайта бош чайқадим.

— Мен ҳам одамман...— дея минғилладим.

Иван Иванович пешонаси тиришди. Иван Иванович энсаси қотди.

— Ким-ким?— деди.— Одамсан? Сен-а? Сен — газандасан! Олтинга ҳирс қўйган газандасан! Ўзбеклар — олтинга ҳирс қўйган газандалар! Ана, ўзбеклар кимлар! Олтин — аввало илонларни ўзига ром қилади. Илондан кейин, илонсифат халқни ўзига тортади. Илондай очкўз халқни ўзига ром қилади. Илондай маккор халқни ўзига ром қилади. Сен ўзбеклар ана шундай халқсан!

Иван Иванович олдида қалашиб-қалашиб ётмиш қоғозларни титди.

— Даволаримни далиллаб берайми?— деди.— Далиллайман, далиллайман! Мана, Каримов иши. Шу иш юзасидан бир гуруҳ терговчиларим билан Бухорони босдим. Қаерда илон бўлса — ўша ерга эътибор беринглар, дедим. Олдин, сендай бир баранни

топдим. Баран отини Саид, дер экан. Ана шу Саид баран бизни улкан бир қайрағоч олдига олиб борди. Саид баран ана шу қайрағоч остини ковламоқчи бўлди. Шунда, қум узра сени башарангдай бир ола-пес илон бўй берди! Илон вишиллади! Илон бўйнини бўқоқ қилди! Илон қоп-қора бошларини адл қилди! Илон қонун посбонларини ўз домига тортиш учун шайланди! Аммо қонун посбонлари-да қараб турмади, ҳа, қараб турмади! Мен дарҳол билагимдай бир темир олдим. Илон бошларига боплаб бир солдим. Домтортар илон бошлари мажақ-мажақ бўлди! Ана шундан кейин Саид баран қайрағоч остини ковлади. Қайрағоч остидан олам-жаҳон олтин зеб-зийнатлар топилди! Ана — ўзбеклар кимлар! Ўзбеклар қонун посбонларига ана шу илон мисол қоп-қора бошларини кўтаради. Ўзбеклар ана шу илон кўзлари билан боқади! Ўзбеклар ана шу илон мисол виш-виш этади! Ўзбеклар қонун посбонларини чақиб-чақиб олайин, дейди! Ўзбеклар қонун посбонларини домига тортиб-тортиб юборайин, дейди! Аммо биз — ўзбеклар бошини янчамиз! Ўзбеклар бошини ана шу илон бошларидай янчиб-янчиб ташлаймиз! Ўзбеклар бошини ана шу илон бошларидай мажақлаб-мажақлаб ташлаймиз!

Иван-Иванович юриб-юриб чекди.

Иван Иванович дераза олдида туриб-туриб чекди.

Иван Иванович деразадан ташқари қараб-қараб чекди.

— Бўпти!— деди.— Мен сени одамбашара бўлармикинсан, деб эдим, бўлмадинг. Барандан ҳам ўтдинг! Эшакми, тўнғизми — шундай бир махлуқ бўлдинг!

— Гектаридан қирқ беш центнердан пахта бердим...— дея манқаландим.

— О-о, жавр бўпти-ку-а, жавр!

— Мени оҳимни-да эшитажаклар бордир...— дея манқаландим.

12

Оҳимни эшитажак одам тополмадим.

Дардимни ютиб ётдим-ётдим — бир нимани пайқаб қолдим.

«Садист» эшик тешигидан оҳиста-оҳиста овоз берди:

— «Юла», «Юла»...— деди.

Биров эшик ортидан келди. Тешикдан мўралади.

— Нима, нима?— деди.

— «Юла», қоғоз-қалам олиб кел,— деди «Садист».

«Садист» «Юла»дан қоғоз-қалам олди.

«Садист» мактуб битди. Мактуб буклади. Мактуб хатжилдлади.

«Садист» хатжилдни «Юла»дан жўнатди.

Мен-да тавалло этдим.

— Кимга ёзасан?— деди «Садист».

— Бола-бақраларимга-да?

— Болаларга бўлса, майли. Лекин мактуб пул билан бўлади, чурбан. «Юла» ҳар бир мактуб учун озодликдаги хеш-ақраболаримиздан пул олади. Бўлмаса, «Юла» бир қадам ҳам босмайди. Масковда таниш-билишлардан борми? Айтмоқчи, сен чурбанда таниш нима қилади. Майли, бир хайрия қиламан. Лекин бир шарт билан қиламан. Шартимни кейин айтаман. Келишдикми?

Мен майли-майли, дея бош ирғадим.

«Садист», «Юла»дан қоғоз-қалам олиб берди.

Мен кимга нома битишни ўйладим.

Бола-бақрага арз-дод этиб бўлмайди. Арз-дод этганим билан — бола-бақра қўлидан нима келади?

Зиндонбандни бор этгич-да прокурор бўлади, йўқ этгич-да прокурор бўлади. Аммо — прокурорга нома битиб бўлмайди.

Иван Иванович прокурор ўзимман... деди.

Шароф Рашидовни йўқлаб нома йўллайин дедим — Рашидов бобо оламда йўқ бўлди. У киши бор бўлсалар эди — Шароф ота, бандангни қутқар, дея нома битар эдим...

Ўртоқ Брежневга арз-дод этайин дедим — Брежнев-да йўқ бўлди.

Унда, дардимни кимга айтар бўлдим?

Ўйладим-ўйладим — ана шундай зотни топдим.

Тилим чиқмишдан буён исми шарифини ёдлаб-ёдлаб юрмиш зотни топдим.

Тилим чиқмишдан буён исми шарифини тилимдан-да, дилимдан-да қўймайин юрмиш зотни топдим.

Қўлларим қалт-қалт эта-эта битдим:

«Масковга. Кремлга. Ленин мавзолейига!

Ўртоқ Ленин! Сиз бизнинг яккаю ягона паноҳимизсиз, халоскоримизсиз!

Ўртоқ Ленин! Отамиз-да сиз, энамиз-да сиз, эмчакдошимиз-да сиз»...

Уйдан чиқмиш кечамдан ушбу кечамгачайин бўлмиш кечмишимни оқизмайин-томизмайин битдим.

Хатжилдни тилим билан ҳўллаб-ҳўллаб ёпдим.

Номамни «Юла»дан узатдим.

«Бўлди!— дея хаёлландим.— Олдин озод бўлмасам-да, ана энди озод бўламан!»

13

— Сурхондарёдан хат-хабар келдими, ҳамшаҳар чурбан?— деди «Сокол».

Мен ҳайронландим. Ажаб-ажаб қарадим.

— Кўп оғзингни очма. Биз ҳам ўша ёқдан,— деди «Садист».

— Қаердан?— дедим.

— Мозори Шарифдан.

— Мозори Шарифдан?— дея ажабландим.— Мозори Шариф Афғонистонда эмасми, «Садист»бой?

— Нима фарқи бор, чурбан. Амударё ўнг соҳили Сурхондарё, чап соҳили Афғонистон-да.

— Ҳайратондан ўтасан — афғон бўласан. Ҳайратондан қайтасан — ўзбек бўласан!

— Шундай, «Сокол»бой, шундай. Ҳайратон дегич кўприк бор.

— Бўпти-да, чурбан, бўпти-да. Биз Афғонистондан қайтишимизда ана шу Ҳайратондан ўтиб келдик.

— Афғонистонда нима қилиб юрибсизлар, «Садист»бой?

— Биз Афғонистонга байналминал бурчимизни адо этиш учун бориб эдик, чурбан.

— Брежнев бовамиз юбориб эди, дейсиз-да, «Сокол»бой?

— Афғонистонни босиб олиш Брежнев айби эмас, чурбан, Брежнев айби эмас. Брежнев ўлди-кетди. Энди бари Брежневни айблаяпти. Йўқ, Брежнев айбдор эмас. Тангриқут Пётр Биринчи! Тангриқут Пётр Биринчи бутун Осиёни Урусия вассали этиб олмоқчи эди. Шимол баҳримуҳити — Ҳинди баҳримуҳити — Тинч баҳримуҳити... Ана шу уч баҳримуҳит ҳилқати Урусия деб аталиши керак бўлади. Урусия салтанати ана шу уч баҳримуҳит ҳилқати аро ҳукмрон бў-

лиши керак бўлади. Шу мақсадда Пётр Биринчи 1716 йилда ғарандуқ Бекович-Черкасский сорбоилигида Хивага лашкар тортади. Аммо ғарандуқ лашкари Хива хони Шергозихондан мағлуб бўлади. Ғарандуқ Бекович-Черкасский қатл этилади. Шу вақтда тангриқут Пётр Биринчи Урусия-Швеция урушида баён бўлади. Ғарандуқ тақдири билан иши бўлмайди. Аммо тангриқут Пётр Биринчи умри якунида иккита армон билан оламдан кўз юмади. Бир армони — Урусия-Пруссия урушида мағлуб бўлганлиги учун Туркиядан ўч ололмай армонда ўлади. Тағин бир армони — ғарандуқ Бекович-Черкасский қатли учун Хивадан ўч ололмай армонда ўлади. Ана шундан буён тангриқут Пётр Биринчи армони — Урусия салтанати армони бўлиб келади. Ана шундан буён тангриқут Пётр Биринчи армони — Улуғ Урис армони бўлиб келади. Ана шундан буён Урусия пошшолари Пётр Биринчи тангриқут боболари дастуриламалини амалга ошириш пайида бўлади.

— Эҳ-е-е, Афғонистонда йиллаб қон кечдик, чурбан, йиллаб!

— Ўлим бизга писанд эмас эди, чурбан.

— Мана мен ўз қўлим билан «душман» жонини суғуриб олдим. Бир сув сотувчи «душман» бор эди, эсингдами, «Сокол»? Кўчада сув сотиб юрарди-ю? Ушанга сувингдан бер, десам бермади. Ўзича, бир нималар, деди. Билдим — Шўроларни сўкди. Шўроларни сўкма, дедим-да, автомат қўндоғи билан бошига бир солдим. Бошидан тирқираб қон отилди. Қонлари юзларимга сачради .«Душман» қонини лабларим билан ялаб-ялаб олдим. Бай-бай-бай, жануб қони шундай қайноқ бўлади, шундай қайноқ бўлади!..

Танамда қалтироқ қўзғалди. Бор эс-ҳушим жунбишга келди. Тилим каловланиб-каловланиб қолди.

— Мен... мен «душман» эмасман,— дедим.— Қўша-қўша орден-нишонларимиз бор. Ўктабр ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени...

— Демак, лайча эқансан-да, чурбан? Зиндонда орден-нишондорларни лайча, дейди.

— Лайчалардан зиндонбандлар жирканади, чурбан. Асло орден-нишондорман, дема — таёқ еб ўласан!

— Тавба қилдим, менда орден-нишон йўқ, тавба

қилдим!— дея талвасада қолдим.— Орден-нишон теримчи энамизда бор.

— Барибир! Орден-нишон отини айта кўрма — ўлиб кетасан!

— Мана, мен — Шўро Иттифоқи Қаҳрамониман, ҳа, Шўро Иттифоқи Қаҳрамони! Ишонмаяпсанми? Ана, «Садист»дан сўра.

— Чин, «Сокол» Шўро Иттифоқи Қаҳрамони. Қандаҳорни биласан-а? «Сокол» ана шу Қандаҳорни кунпаякун этишда қатнашди. Қандаҳорни мисоли иккинчи Сталинград этди! Қандаҳорни кунпаякун этишда кўрсатган жасорати учун Шўро Иттифоқи Қаҳрамони бўлди.

— Ана, эшитдингми, чурбан? Мени Афғонда «Сокол» дейишар эди —«Сокол!»

— Қуллуқ, «Сокол»бой, қуллуқ.

— Мен умримда чеккан эмас эдим, мен умримда ичган эмас эдим. Ана шу Афғонда ўрганиб келдим. Иттифоққа келсам — бариёқ қуп-қуруқ! Нимага бундай, дедим. Ичкиликка қарши кураш бошланди, деди. Бу аҳмоқчилик кимдан чиқди, дедим. Марказий Қўмита котиби Лигачёвдан, деди. Қаерда ўша Лигачёв — ҳозир бўғиб ўлдираман, дедим. Лигачёвга қўлинг етмайди — Лигачёв Кремлда, деди. Ундаароқдан бер — мен Афғонда қон кечиб келдим, дедим. Ароқ йўқ, деди. Бир шишагина ароқ қидириб шаҳар кездим! Барида шу гап бўлди! Мен ким, дайди ит ким — билиб бўлмади! Охири бир дўкончи ёқасидан олдим. Мен номи улуғ, супраси қуруқ Шўро Иттифоқи учун жон олиб, жон бердим — бир шишагина ароқ бер, дедим. Дўкончи мелиса чақирди. Иккита мишиқи мелиса келиб, қўлларимни қайирди. Таёқчаси билан калламга урди. Урма мени, дедим-да — бировини ариққа отиб юбордим. Кейин билсам — ўлиб қолибди.

14

— Шу кўргиликларни кўришимни билсам эдим — Афғондан қайтиб келмас эдим. Афғон кириб юра берар эдим.

— Бўлмади — Горбачёв қайтариб келди. Горбачёв бўлмаса эди — «душман»ларни битта қўймай қириб ташлар эдим.

— Кейин, Афғонистон ҳам ўзимизники бўлиб қолар эди.

— Ҳалиям ўзимизники. Ана, 1973 йилда Муҳам-

мад Довуд қўли билан Зоҳир Шоҳни тахтдан қулатиб, икки юз йиллик Афғонистон шоҳлигига барҳам бердик. Муҳаммад Довуд гапимизга кирмай бериб эди — 1978 йилда бир кечада йўқ қилдик! Тахтни Нурмуҳаммад Тараққийга олиб бердик!

— Ҳафизулла Амин гапимизга кирмай бериб эди — 1979 йилда ўлдириб юбордик! Тахтга Бабрак Кармални олиб келиб қўйдик.

— Бабрак Кармал Масков ўтир деса ўтирмади, тур деса — турмади. Аммо Кармални аядик. 1986 йилда Иттифоққа олиб келдик. Бир кулбага назарбанди этдик. Кармал худо бехабар назарбанди бўлиб ёта берди.

— Тахтга Нажибуллони қўйдик, де.

— Нажибулло Масковга содиқ ишлаяпти. Нажибулло вафодор лайча экан.

— Ўзи, Афғонистон ўн олтинчи жумҳуриятимиз бўлиши керак эди.

— Бир ҳисобга ўн олтинчи жумҳуриятимиз бўлмаганиям яхши бўлди. Мана, манави чурбанларни Шўро ҳукумати шунча йил боқди — бари бир туземецлигича қолди!

— Чин, шу чурбанларни одам қиламиз деб — қанчадан-қанча мол-дунёмиз кетди!

— Айтгилиги йўқ.

— Яна-тағин, бу чурбанлар борига қаноат қилмай, Шўро ҳукуматини талон-торож этибди.

— Тўқликка шўхлик деб шуни айтадилар-да.

— Олдинроқ билсам эди, Ҳайратондан ўтибоқ — бари чурбанни Термизда қириб-қириб ташлар эдим!

15

— Бошқасини қўй, чурбан, бари ўтди-кетди. Эсингдами, номанг учун шарт қўйиб эдим? Ана шу шартимни энди айтаман: уйингдан тарёк олдириб келтиртирасанми-йўқми?

— Тарёк? Уйимизда тарёк нима қилади, «Садист»бой?

— Опкелтир!

— Умрим бино бўлиб тарёк нималигини билмайман, «Садист»бой. Лекин қишлоғимизда чаён чақса, бовалар тарёк суркаб даволайди.

— Ана шундан опкелтир!

— Қанча десанг — пулини берамиз!

— Ўзинг ҳам тарёк ейишни ўрганиб ол.

— Бу жойни Шўро зиндони, дейдилар.

— Шўро зиндонида тарёк еб турмасанг — ажалингдан олдин ўласан!

— Ундай деманг-е, «Садист»бой, ундай деманг-е.

— Ана, «Сокол»дан сўра. Масалан, сил кимга ёпишади? Соғлом танага ёпишади. Соғлом тана ким? Папирос чекмайдиган, тарёк емайдиган одамда. Сен ана шундай одамсан.

— Шўро зиндонини ўз қонун-қоидалари бор, чурбан. Риоя этмасанг — ажалингдан олдин ўласан!

— Мана, айт, чурбан: сени кана чақаяптимийўқми?

— Ўйнаб қўяй-ўйнаб қўяй, еб қўйди-я, «Садист»бой, еб қўйди!

— Биламан, кечаси билан қирт-қирт этиб чиқасан, биламан. Бизни бўлса чақмайди!

— Чунки бутун танамиз заҳар-заққум!

— Шўро канаси очидан ўлсаям бизни чақмайди!

— Бизни чақиб, заҳарланиб ўлишни хоҳламайди!

— Шўро канаси кўп ақлли кана, кўп доно кана!

— Шўро канаси ҳамиша тозаликка риоя этади!

— Шўро канаси коммунистик руҳда тарбияланган, коммунистик руҳда!

— Сени эса чиқади! Чунки сенинг тананг — коммунистик тана!

— Қўйинг-е, «Садист»бой, қўйинг-е. Умрим ўтди, лекин шу номаъқул нимани емадим — энди емайин.

— Унда, бизга опкелтириб бер!

— Майли, уйдан дарак бўла берсин, қани.

16

— Мен учун Осиё демак — тарёк демак, чурбан! — деди «Сокол». — Осиё деса, кўз олдимда тарёк намоён бўлади. Шу боисдан мен Осиёни ҳурмат қиламан! Тарёк есам — ғамдан фориғ бўламан! Уша афғон кунларим эсимдан чиқади! Почамир хаёл бўламан, почамир! Дунё кўзимга аёл бўлиб кўринади, аёл! Тарёк — муҳаббат, чурбан, тарёк — муҳаббат! Мана, Шўро Иттифоқи учун «душман»ларни чумчуқдай қирдим, чумчуқдай! Эвазига нима

кўрдим? Мана оқибати, чурбан, мана! Энди... энди одам ўлдирсам дейман, чурбан, одам ўлдирсам дейман! Қонсирайман, чурбан, қонсирайман! Одам ўлдиришдан завқ оламан, чурбан, одам ўлдиришдан завқ оламан! Аёллар билан ётишдан кўра — одам ўлдиришдан роҳат оламан, чурбан, одам ўлдиришдан роҳат оламан! Одам ўлдиришни соғинаман, чурбан, одам ўлдиришни соғинаман! Одам суюкли аёлини қандай соғинади — мен одам ўлдиришни ана шундай соғинаман! Тўшакдаги қип-яланғоч аёлни кўриб қандай роҳатлансам — ўз қурбонимни кўриб ана шундай роҳатланаман, чурбан!..

«Сокол» билан «Садист» уст-бошларини суғуриб-суғуриб отди.

«Сокол» билан «Садист»ни тарёк хумори тутди!

Мен бир сесканиб олдим. Кўзларимни бот-бот юмиб очдим.

«Садист» елкаларида игна билан битилмиш капитан унвонли погон бўлди. Кўкракларида Ўроқ ва Болға битиги бўлди.

«Сокол» кўкракларида бармоқдай-бармоқдай ҳарфли «КПСС» битиги бўлди.

— Кўраяпсанми, чурбан?— деди «Сокол».— Биз мана шу тўрт ҳарфдан иборат «КПСС» учун кўкрагимизни қалқон этиб эдик. Кўкракларимиз ана шу «КПСС» қурбони бўлди!..

17

Ойлаб йўқламадилар-йўқламадилар — тағин ҳайдаб бордилар.

— Серқуёш Баранистондан саломлар бўлсин!— деди Иван Иванович.— Қаршига бориб келдим. Сенларни терговчиларинг ҳам баран-е! Маҳаллий баранларни ишимизга аралаштирмайлик-аралаштирмайлик, дедим. Йўқ, миллий урф-одатларни билади, дедилар, ўзбекчиликни билади, дедилар. Хулласи калом, орамизга Бахтиёр Абдураҳимов деган бир баран терговчини тиқдилар. Қашқадарё вилояти биринчи котиби Ғоиповни қўлга олмоқчи бўлдим. Қўлга олар одам пешонасига шартта тўппонча тирайди — қўлга олади-қўяди-да! Абдураҳимов бўлса — нуқул қўлини кўксига қўяди, нуқул теварак-бошга салом беради! Майли, ўзбекчилик... бараичилик бўлса — баранчилик-да, дедим. Индамай эргашиб бора бердим. Ичкари кирсам — Ғоипов тўрда наҳор но-

нуштаси еб-ичиб ўтирибди. Дастурхонини ноиушта дастурхонням деб бўлмайди. Мундайроқ тўй дастурхони деса бўлади. Ғоипов бизиням чойга чақирди. Майли, бараичилик бўлса — баранчилик-да, дедим-да, бир пиёла чой ичдим. Кейин, Ғоиповни прокуратурага марҳамат этдим. «Бир-иккита саволларим бор», дедим. «Шу ерда сўраса бўлмайдими», деди Ғоипов. «Йўқ, идора яхши», дедим. Ғоипов «хўп-хўп», дея ичкарилади. Аёлига кийимларини олиб келишни буюрди. Аёли Ғоиповнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Юлдузлик камзулини олиб кирди. Шунда, ичкаридан йиғи эшитилди. Ҳадаҳалаб бордим. Қарасам — Ғоиповнинг томоғидан шариллаб-шариллаб қон отилаяпти! Оппоқ кўйлаклари қип-қизил қон! Ғоипов қўлини қорнига узатади — етмайди, тағин узатади — етмайди! Нимага узатаяпти десам — Ғоипов шу кунларда кўричагини олдирибди экан. Ғоипов ана шу тикиғли кўричагига қўлини тиқиб — йиртиб ташламоқчи бўлибди! Ғоипов бизга қараб шундай бақирди-шундай бақирди! Оғриқ зўридан бақирмади — нафрат билан бақирди, нафрат билан! «Мустамлакачилар! Сенлардан қачон халос бўламиз!»— деди. Абдураҳимовга-ку, қутуриб бақирди. «Йўқол, ўзбекнинг хонни, йўқол!» деди. Шу билан... ўлиб қолди! Кимдан пул олди, кимдан олтин олди — билиб бўлмади! Барибир билиб оламан! Ғоиповнинг саккизта бола-бақраси билан уруғ-аймоғини олиб келиб қамадим! Ана шу саккизтадан бири бўлмаса, бири айтиб беради! Ана, ўзбекчиликка риоя этиш оқибати! Ўзбекчилик — баранчилик! Бўлди — энди Сталин, Вишинскийлар йўли билан ушлайман! Сени ушлаб келдилар-у — ана шундай ушлайман!

— Ушланг, армонда қолманг, ушланг,— дедим.— Аммо-лекин бола-бақрада нима айб? Саккизта бегуноҳ жон-а, саккизта жон-а?

Иван Иванович тутақди.

— Нима-нима?— деди.— Саккизта бегуноҳ жон? Саккизтаям гапми — бари ўзбек муттаҳам, бари ўзбек! Сен ўзбеклар Шўро ҳукуматининг тўрт ярим миллиард сўм пулини еб кетгансанлар! Тўрт ярим миллиард сўм! Йўқ пахтани бор деб — тўрт ярим миллиард сўмни манави ҳаром томоқларингдан ўтказиб юборгансанлар! Еб-еб — энди бўрилар галасига ўхшаб қутулиб кетаман, деяпсанларми? Кечириб қўясанлар, кечириб! Мен — Иван Иванович Иванов,

тўрт ярим миллиардни жиғилдонларингдан суғуриб оламан! Тийинма-тийин суғуриб оламан!

— Уйнаб қўяй, ишласа — халқ ишлабди, еса — халқ ебди-да.

— Халқ ишлабди? Сен ўзбеклар ўроқда йўқ, машоқда йўқ — хирмонда ҳозир халқсан! Сен ўзбеклар боқиманда барансан! Сен ўзбеклар Масков ҳисобига кун кўрасан! Масковдан катталар борса — зар чопон кийгизасан, чўнтагига пора тиқасан. Ана, генерал Чурбанов Баранистонда бир бўлишида тўққиз юз сўмлик зар чопон кийиб келди, ўттиз минг сўм пул олиб келди!

— Уйнаб қўяй, Чурбанов чўз, дебдики — ўзбак чўзибди.

— Масковдан катта борса бўлди — олдига олма-анор қўясан, қўй сўйиб қўясан.

— Узбак меҳмондўст эл, катта.

— Лаганбардор эл! Эвазига Шўро ҳукумати кўзини бўяйди! Сен баранлар Баранистонни ўзида қаноатланиб қолмайсанлар. Кўчага чиқсанг биласан — дўконларда минглаб оладўппи баранлар изғиб юрибди. Оладўппи баранлар дўконда кўзига нима кўринса бўлди — ола солиб халтасига тиқади-да, Баранистонга орқалаб кетади.

Шу вақт телефон жиринг-жиринг этди.

Иван Иванович телефонда олис гапиришиб олди.

— Ана, баран,— деди.— Раисингни ишини талаб этишаяпти. Бўл-бўл, дейишаяпти. Сен бўлса — ўжар эшак бўлиб ўтирибсан!

Мен номамдан умидвор бўлдим. Узимни орқага ташладим:

— Уйлаяпман,— дедим.— Айтаман, ўзим айтаман.

— Бўпти, тагин бир ўйла.

18

— ...Қайтариб айтаман, баран: бу ерда Худо ҳам мен, пайғамбар ҳам мен!

— Гектаридан эллик центнердан пахта берган йилларим-да бўлди...

— Эшакни хизмати ҳалол — ўзи ҳаром!

— Мени-да арз-доднмни эшитар одам бордир...

— Зах зиндонда додингни ким эшитади, ким?

— Нома битиб эдим. Ҳализамат йўқлайди...

— Нома? Қачон-қачон?

— Уч-тўрт ой бўлиб қолди.

— Уч-тўрт ой, уч-тўрт ой...

Иван Иванович ўзича шундай дея-дея, пўлатсандиқ очди.

Сандиқдан бир даста хатжилд олди. Олдимлатиб ташлади.

— Ана!— деди,— шулар ичидан ўз номангни топ қани!

Мен битта-битталаб хатжилд қарадим.

Ниҳоят — ўз номамни топиб олдим.

Юрагим шувв этди!

Номам термулиб-термулиб қолдим...

— Топдингми? Қани, бер қани, очиб ўқийлик қани,— деди Иван Иванович.— Хў-ўш... «Масковга. Кремлга. Ленин мавзолейига! Ўртоқ Ленин! Сиз бизнинг яккаю ягона паноҳимизсиз, халоскоримизсиз, ўртоқ Ленин! Отамиз-да сиз, энамиз-да сиз, эмчакдошимиз-да сиз»...

Иван Иванович кет чалқайиб-кет чалқайиб кулди.

Иван Иванович қорин ушлаб-қорин ушлаб кулди.

Иван Иванович кўз ёшлаб-кўз ёшлаб кулди.

— Чехов бўл-е, Чехов!— дея кўз артди.— Чехов қаҳрамонлари бобом қишлоғига, деб нома битади-ю? Сен ҳам Ленин бобом мавзолейига, деб битибсан-да? «Осиё устида бўрон» деган бир кинонинг бор эди, эсингдами? Ўшанда сендай бир баран Ленинга нома битади. Ўша баран оти нима эди...

— Шукур Бурҳонов.

— Йў-ўқ, сен ўша баранни ўйнаган ижрочини айтаяпсан. Оти... оти Юсуф Ялангтўш! Юсуф Ялангтўш эртаю кеч Лениндан жавобнома қарайди... қарайди! Ленин бўлса, Кремлда ўтириб... Туркистонни забт этиш йўлларини ўйлайди! Юсуф Ялангтўшдай босмачи баранларни қириб ташлаш йўлларини ўйлайди! Ўшанда йигирманчи йиллар эди. Қара, шунча йил ўтибди — сен ўзбеклар ҳалиям барандан одамга айланмабсанлар!

— Сабр таги олтин, дейдилар. Мени-да бошимга офтоб тегиб қолар.

— Офтоб? Қандай офтоб? Э, ҳа, офтоб бўлса офтоб-да!

Иван Иванович номамни бошим узра ошириб отди.

— Ана, бошингга офтоб тегди, ана! — деди.— Ура-а-а, баранлар бошига офтоб тегди, ура-а-а!

Иван Иванович папирос эзғилади. Лабларига папирос қистирди. Чирсиллатиб гугурт чақди.

Иван Иванович бурқситиб-бурқситиб папирос тортди.

— Қулоқ сол, баран,— деди.— Сен Ленинга нома битиб аҳмоқ бўлма. Яхшилаб эшитиб ол. Чин, бу жойлар Шўро зиндони, деб аталади. Аслида эса ундай эмас. Бу жойларни «Қизил зона», дейдилар. «Қизил зона»нинг ўз қонун-қоидалари бўлади. Зиндон ана шу «Қизил зона» қонун-қоидаларига бўйсунади. «Қизил зона»да Ленин йўқ! «Қизил зона»да Шўро ҳукумати йўқ! «Қизил зона»да адолат йўқ! «Қизил зона»да инсон ор-номуси, инсон шон-шуҳрати, инсон қадр-қиммати... йўқ, йўқ! Тағин йўқ! «Қизил зона» ўз номи ўзи билан — қизил, қизил! Қизил ранг — қон ранг! Қон ранг билан ўйнашма, баран, қон ранг билан ўйнашма! Акс ҳолда — қизил қонингга бўяласан! Акс ҳолда — қизил қурбонлик бўласан, қизил қурбонлик!..

19

— Майли, айтма. Сен айтмасанг ҳам ўзим топиб оламан,— деди Иван Иванович.— Топиб олаяпман, бундан кейин ҳам топиб оламан. Ана шунда ўша олтинлар билан пешонангга бир ураман-да, манави олтин бўлмай... дейман!

— Шундай қилинг, катта, шундай қилинг!

— Қиламан, қиламан! Мен сени манавидай ириб-чириб ётмагин, дейман-да.

Иван Иванович қалам учи билан қўлим юзи ярамни босди. Босиб-босиб турди!

Ярамдан билқ-билқ йиринг тошди!

Ярам лўқ-лўқ оғриди! Ярам зирқ-зирқ оғриди!

Мен апил-тапил ярамни тортиб олдим.

— Ана, баран, ана!— деди Иван Иванович.— Ана шундай ириб-чириб ўлиб кета берасанми? Майли, олтинларни айтма. Кел, яхшиси — мен сенга бор-йўғи бир савол берайин — сен икки оғиз гап билан жавоб бер-да, қутул. Келишдикми?

— Олдин айтинг, қани? Эшитайлик, қани?

— Хў-ўш, раисингга қанча пора бергансан?

— Пора? Қандайчикин пора?

— Қачон бергансан, нимага ўраб бергансан, неча сўмлик эди?

— Умримда бировга-да пора бермадим, бировдан-да пора олмадим.

— Биламан, сенга пора берадиган аҳмоқ йўқ, биламан. Лекин сен пора бергансан!

— Бировга-да пора бермаганман, деяпман-ку.

— Бергансан!

— Улла ўлайин агар-а, пора берган бўлсам-а!

— Бергансан! Сен — раисингга узатасан, раисинг — туманингга узатади, туманинг — вилоятингга узатади, вилоятинг — Марказкомга узатади!

— Улла ўлайин, бировга пора берган бўлсам-а!

— Катталарга бир нима узатмасанг... қандай қилиб бригадир бўлдинг?

— Мен меҳнат қила бердим-меҳнат қила бердим — раисимиз кўтара берди-кўтара берди.

— Кечириб қўясан, баран, кечириб қўясан! Ўзбекистон катталари олдин бир нима олади — ана ундан кейин бардор-бардор этади!

— Улла ўлайин, агар-а...

— Унда, қандай қилиб пахта топширишни узлуксиз бажариб келдинг? Узлуксиз-а, узлуксиз!

— Мен ерга тер тўка бердим-тер тўка бердим — ер менга ҳосил бера берди-ҳосил бера берди.

— Кечириб қўясан, баран, кечириб қўясан! Сен ўзбеклар ерга тер тўкмайсан! Йўқ-йўқ, сен ўзбеклар ерга тер тўкмайсан! Сен ўзбеклар... ергаям пора берасан! Ҳа, сен ўзбеклар ергаям пора берасан! Пахталарингни деярли ярим фоизи қўшиб ёзилган! Ҳа-ҳа, қўшиб ёзилган! Қўшиб ёзиш учун эса — тахи бузилмаган «Ленин»дан узатиш лозим бўлади! Энди айт, раисингга нечта «Ленин» узатдинг?

— Уйнаб қўяй, «Ленин»дан, ўйнаб қўяй! Йўқ «Ленин»ни қаердан оламан?

Иван Иванович ҳўппаклаб-ҳўппаклаб қулоқ-чаккам солди.

Мен ўтирғичдан жалпиллаб-жалпиллаб учиб тушдим.

Унг қулоқ-чаккам қизиб-қизиб оғриди. Унг қулоқ-чаккам шанғ-шанғ оғриди.

Шу кундан эътиборан ўнг қулоғим чиппа-чиппа битди-қолди.

20

— Усмонхўжаевни биласан-а?— деди Иван Иванович.

— Эса-чи. У киши пошшомиз бўладилар!— дедим.

— Ана шу пошшонг Ўзбекистон булбули бўлиб сайради! Навоий, Бобур... деғич барап шоирлар ғазалларида булбуллар хониш этади-ю? Пошшонг ана шундай булбул бўлиб хониш этди!

— Эб-е, у киши-да зиндонбандми, эб-е?

— Ҳа-да, зиндонбанд-да! Лекин Усмонхўжаевнинг аёли Элнурини гапга киритиб бўлмади. Элнури ўйлаб банди бўлиб ётди. «Эринг Усмонхўжаев тамом бўлди — энди эрингдан кеч», дедим. Қани кечса! Бошига ит кунини солдим! Охири масалани кўндаланг қўйдим: «ё, эрингдан кечасан, ё, жонингдан кечасан», дедим. «Майли, жонимдан кечаман, лекин эримдан кечмайман», деди Элнури. Ана аёл — мана аёл! Айтганда ҳам — юзимга тупуриб-юзимга тупуриб айтди! Юзимга тупурса ҳам майли — барибир Элнурига қойил бўлдим! Ана шундан кейин бутун ўзбек аёлларига қойил бўлдим!

Иван Иванович пўлатсандиқдан семиздан-семиз бир жилдтахлам олиб келиб очди.

— Хў-ўш, пошшо ҳазратингни Бош Прокуроримиз ўринбосари ўртоқ Васильев сўроқ қилдилар. Мана, сўроқ варақаси. Қулоқ сол, ана шу сўроқдан пича ўқиб бераман:

ВАСИЛЬЕВ: *Сиз бир неча бор СССР Бош Прокурори номига арзномалар билан мурожаат этибсиз. Сиз бу арзномаларда қандай йўллар билан пора олиб-пора берганлигингизни баён этибсиз.*

УСМОНХЎЖАЕВ: *Мени ушбу йил ўн тўққизинчи ўктабрида зиндонбанд этдилар. Мен илк кунданоқ ҳалол йўлдан бордим. Оқни оқ, дедим, қорани қора, дедим! Барча жавобгарликни бўйнимга олиб айтдим. Тағин айтаман: ҳа, пора олиб-пора бериш — Ўзбекистондан Масковгача кундалик воқеа эди!*

ВАСИЛЬЕВ: *Кимларга пора бериб эдингиз?*

УСМОНХЎЖАЕВ: *Мен бировга туҳмат қилмасдан айтиб бераман! Мен нима бўлди — ана шуни айтиб бераман!..*

Мен КПСС Марказий Қўмитаси ташкилий-фирқавий ишлар мудири **СМИРНОВ**га *эллик минг сўм*

бердим. Боиси — Смирнов очиқ-ойдин пул талаб қилди-да! «Ёрдам бер-чи, ёрдам бер!» деди-да!

Мен КПСС Марказий Қўмитаси котиби **РОМАНОВ**га *бир дипломат олиб келиб бердим. Дипломатда турли-туман миллий совға-саломлар ҳамда йигирма беш минг сўм пул бор эди.*

Мен КПСС Марказий Қўмитаси котиби **КАПИТОНОВ**га *икки маротаба эллик минг-эллик мингдан юз минг сўм пул бердим. Берганда-да — ўртоқ Капитоновни фирқавий ишхонасида бердим!*

Мен КПСС Марказий Қўмитаси ҳузуридаги фирқа назорати қўмитаси раиси **СОЛОМЕНЦЕВ**га *юз минг сўм пул бердим. Соломенцевга ҳам ўз фирқавий ишхонасида бердим!*

Мен СССР Бош Прокурори **РЕКУНКОВ**га *Юрмала шаҳрида эллик минг сўм пул бердим. Бош Прокурор қўлимдан пулни олди-олди-да, миннатдорчилик билдирди. «Қўллаб-қувватлайман», деб ваъдалар берди.*

Тошкентда **РЕКУНКОВ**га *тағин эллик минг сўм пул бердим. СССР Бош Прокурори тағин миннатдорчилик билдира-билдира — қўлимдан пулни олди.*

Мен СССР Олий суди раиси **ТЕРЕБИЛОВ**га *қирқ минг сўм пул бердим. Икки минг саккиз юз сўмлик гилам бердим. Гиламни Ўзбекистон Марказий Қўмитаси ишлар бошқармаси ходимлари тайёрага аранг-аранг юкладилар.*

Мен КПСС Марказий Қўмитаси котиби ўртоқ **ЛИГАЧЕВ**га *олтмиш минг сўм пул бердим!..»*

Иван Иванович жилдтахламни ёпди. Ипларини бойлади.

— Ана, эшитдингми?— деди.— Пошшои аъзаминг-а, пошшои аъзаминг!

21

Мен... илойим, қулоғим карлиги чин бўлсин, дедим.

Мен... илойим, бари айбни карлигимдан кўрайин, дедим.

Мен... илойим, умрбод кар бўлсам бўлайин — аммо-лекин... ана шу гапларни эшитмаган бўлайин, дедим.

Шу боис — дераза боқиб ўтира бердим.

— Ҳа, намунча безрайиб қолдинг?

Шунда-да Иван Иванович қайрилиб боқмадим.
— Ана сиз, ана Масков...— дея минғилладим.
— У нима деганинг?
— Ана, пошшомиз оппа-ойдин айтиб бераяптилар-ку? Масковга ўз-ўзидан чойчақа узатиб... Ўзбекистоннн калласи шамолда қоптими? Масков қўл чўзадики — Ўзбекистон садақа беради!
— Масковга тил теккизма, баран, Масковга тил теккизма!
— Масков бўлмаса — масковчи катталар! Ана, пошшомиз масковчи катталарни оппа-ойдин айтаяптилар! Яна-тағин... номма-ном айтаяптилар, номма-ном! Ана, масковчи катталарни бянди этиб гапириша беринг-да!
— Йўқ, баран, йўқ! Менинг масковчи катталар билан ишим йўқ! Масковчи катталар — ўзимизникилар! Ўзимизникилар — Улуғ Ўрис! Улуғ Ўрис билан ишим йўқ! Улуғ Ўрис нима қилиқ қилади — бари ярашади! Мен — сен баранлар билан ишим бор!
— Ё, пирим-е, ё, пирим-е, бизда нима айб?
— Масковга пора бергансан!
— Ҳолвани ҳоким ейди — калтакни етим ейди, дейдилар...
Иван Иванович бошимлаб келди.
Иван Иванович ҳалқумимдан ғиппа бўғиб кўтарди.
— Киноларда Африка ола-була эшагини кўрганмисан?— деди.— Манави юзларингдай ола-пес эшак? Сен ана шу Африка ола эшагига келбат берасан! Манави ола-чипор юзларинг ҳам айтиб турибди. Африка ола эшаги Африкада нима ўжарлик этса этади. Бонси, Африка — ўз оти ўзи билан Африка. Бу ер эса — Масков! Сенинг Африка ола эшагидай ўжарлигинг Масковда кетмайди!
Иван Иванович мени силкилаб-силкилаб ташлади.
Мен гуп этиб тушдим.
Иван Иванович олдимга қоғоз-қалам қўйди.
— Ма, ёз! Раисимизга ўн минг сўм берганман, деб ёз!— деди.— Тағин Африка ола эшагидай қайсарлик эта берсанг — манави миянгга тўққиз мисқол қўрғошин қуйиб қўяман! Қани, ёз!
— Мен ҳали умримда қўлимга ўн минг сўм пул ушлаган эмасман, катта.
— Биламан, Африка ола эшаги! Биламан, Афри-

ка қайсар эшаги! Сен раисимизга ўн минг сўм бердим, деб ёз — бўлди!

Мен қоғоз музтар бўлиб-қоғоз музтар бўлиб ўтира бердим.

Қаламни қўлимга-да олмадим!

— Соат тўрт бўлаяпти, ҳадемай тонг отади! Бўл, баран, бўл!

Мен кўзим кетиб-кўзим кетиб ўтира бердим.

Иван Иванович бетимга шама сепиб ташлади.

Мен сескана-сескана кўз очдим.

— Раисимизга ўн минг сўм бердим деб, қоғоз қоралаб бер — бўлди!

Мен йўқ дея-йўқ дея, бош чайқадим.

— Уҳ, Африка бола эшаги! Уҳ, Африка қайсар эшаги!

Иван Иванович ўнг биқиним оралатиб-оралатиб тепди.

Иван Иванович чап биқиним оралатиб-оралатиб тепди.

Иван Иванович чатаноқларим оралатиб-оралатиб тепди.

22

Иван Иванович назорат этиб турди.

Дўхтир аёл мадда-мадда яраларимни мой дорилади.

Дўхтир аёл қон-қон яраларимни кўк дорилади.

Дўхтир аёл моматалоқ-моматалоқ яраларимни йод дорилади.

Дўхтир аёл... баданларимни қаради-қаради... пиқ-пиқ йиғлади...

— Нега йиғлаяпсиз?— деди Иван Иванович.— Нима бўлди, Нина Сергеевна?

Дўхтир аёл оғиз бекитиб-оғиз бекитиб йиғлади.

— Мен... мен Ўзбекистонда беш-олти йил ишлаб эдим,— дея йиғлади.— Бечора халқ-а, бечорагина халқ-а...

— Шу баранларни нимасига куясиз? Бари ҳаромтомоқ, бари боқиманда!

— Ўзбекистон ундай эмас... Ўзбеклар ундай эмас...

23

— Далилингиз бордир-да: раисимизни қулф-калит этиб ўтирибсиз?

— Бўлади, далил бўлади!

— Унда, мени беёзиқдан-беёзиқ банди этманг-да? Мен бола-бақрам олдига борайин-да?

— Йўқ! Мен Иван Ивановичман! Узларингни ўз қўлларинг билан йўқ қиламан! Бировингни кўзингни бировингга ўйдираман! Бировингни каллангни бировингга едираман! Бировингни жонингни бировингга олдираман! Ўзим эса — пок-покиза бўлиб қоламан! Бу йўл — Иван Иванович Ивановлар йўли!

— Худо хайрингизни берсин, беёзиқдан-беёзиқ...

— Эшак семирса охурини булғайди, дейдилар! Сен баранлар мазахўрак бўлиб қолдинг, мазахўрак! Сен баранлар қорнинг тўйиб қолди! Шундай кета берсалaринг — қанжиқ итдай болалаб бора берасанлар! Ана, кўз очиб юмгунча йигирма миллиён бўлдиларинг! Йигирма миллиён халқ-а! Сен боқимандаларга нонни қаердан топамиз! Йўқ, биз йигирма миллиён боқимандани боқмаймиз! Балиқ бошидан сасийди, бошидан! Йигирма миллиённи бош-бошлиқларингдан бошлаб камайтирамиз! Бош-бошларингдан бошлаб камайтирамиз!

Ўз-ўзидан кўнглим озди. Юрагим беҳол бўлди. Кўзларим тинди.

Сув, дейин дедим — ҳолим келмади.

Олдимда турмиш пиёла узалдим. Чойқолдиқни оғзим олдим.

Иван Иванович қўлимдан пиёлани юлқилаб-юлқилаб олди.

— Буёққа ол!— деди.— Сенга ким қўйибди чой ичишни!

Оғзимдаги оғзимда қолди, бўғзимдаги бўғзимда қолди. Мен мўл-мўлт қолдим.

Иван Иванович бошмалдоғини лунжларимга нуқиб-нуқиб олди.

Оғзимда турмиш чой пирқ-пирқ отилди.

Томоғимда турмиш чой тиқилиб-тиқилиб қолди. Мен қир-қир йўталдим.

Мен кўзларим ёшланиб-ёшланиб йўталдим.

Мен Иван Ивановичга мўлт-мўлт боқиб йўталдим.

— Ул, шу кунингга!— деди Иван Иванович.— Иван Иванович Ивановлар пиёласидан чой ичишни сен баранларга ким қўйибди?! Ана шундай йўталиб-йўталиб — Бобомурод Омоновдай ўласан-қоласан! Намунча анграясан? Ҳа, Бобомурод Омонов ўлди! Термиз кетган терговчиларим телефонда айтиб берди. Омонов ўз ажали билан ўлди, деб ўйлайсанми?

Ана шу-да, барансан-да, баран! Омонов ҳам сендай оёқ тираб туриб олиб эди. Нимани сўраса —«Усмонхўжаевга жавоб бераман-Усмонхўжаевга жавоб бераман», деб туриб олиб эди. Охири... олгичини олди! Улимичи этиб урдилар! Тепиб-тепиб — музхонага олиб кириб ташладилар! Етмиш яшар чол музхонага бардош берармиди? Ана, ўлди-кетди! Бобомурод Омонов — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони эди, Улуғ Ватан уруши иштирокчиси эди, халқ депутати эди! Сен кимсан?! Итдай ўласан-кетасан! Йўқол, йигирма миллиён баран, йўқол!

24

Юзтубан бўлиб ёта бердим.

Шунда, елкамдан тепки едим.

Мен бошимни кўтариб қарадим.

Бошимда «Садист» билан «Сокол» турди.

— Ҳа, чурбан?— деди «Садист»,— ўлиб-пўлиб қолмадингми?

— Улма, қўй, ўлма,— деди «Сокол».— Сен ҳали бизга кераксан.

— Нимага миқ этмайсан, гапир.

Мен дармоним йўқ, дея бош чайқадим. Ҳовучимни оғзим олиб бордим — сув, ишорасини бердим.

— Масала равшан,— деди «Садист».— Бечора чурбан оч.

— Ярим кечада қаердан тўқ бўлади,— деди «Сокол».

— Энди биратўла тамадди этади-да.

— Олдин ҳожат олиб бориб келайлик.

— Қани, қўлтиғидан ол.

«Садист» билан «Сокол» ҳидоят қўлларини узатди.

Мени оҳиста-оҳиста тувак олиб борди.

Кўнглим «Садист» билан «Сокол» ҳидоятидан таскин олди.

«Урсалар-да майли. Шулар бўлмаса, ҳолим не кечар эди?»— дея хаёлландим.

Бурчакда турмиш тувак олдида тик бўлдим.

— Тескари қараб турингглар,— дедим.

— Уяласанми? Йўғ-е?

— Уялади-да!— деди «Садист»,— Ўзбеклар биров олдида ёзилиш уёқда турсин... Ўзбеклар тикка туриб чоптирмайди!

— Ор-номусли ўзбек халқининг садагаси кетсанг-да!— деди «Сокол».

«Садист» билан «Сокол» шундай дея-дея, тескари бўлиб турди.

25

...Мен чолворимни тортиб-тортиб тугмаладим.

Мен тувакдан бир қадам олдин босиб турдим.

— Бўлди! Ана энди қарай беринглар!— дедим.

«Садист» билан «Сокол» тағин қўлтиқларимдан кирди. Тиззаларимдан олиб тош ўтирғизди.

Ажабдан бир «Садист» қарадим, бир «Сокол» қарадим.

— Нима қилаяпсизлар? Мен ўтириб бўлдим!— дедим.

— Энди... тамадди этамиз!

— Қани, палов егич қўлингни бер, қани.

«Садист» ўнг қўлимни олди. Тувак олиб борди. Кафтимни... тезагим босди.

— Ай, нима қилаяпсизлар, ай!..

— Сени тамадди эттирамиз.

— Бечорагина, ҳолдан тойиб қолдинг.

— Бари томоқдан-да, томоқдан.

— Қани, ошамлаб-ошамлаб ол, қани.

— Ай, у тезак, у тезак!..— дея, типир-типир этдим.

— Нима фарқи бор?— деди «Садист».— Атала олдин қозонда эди. Қозондан косага ўтди. Косадан қорнингга ўтди. Қорнингдан тувакка ўтди. Мана энди... тағин қорнингга ўтади! Ўша-ўша атала!

— Чин, у тешикдан киради — бу тешикдан чиқади!— деди «Сокол».

— Ҳа-да, фарқи йўқ! Фарқи — бир тешик юқорида, бир тешик қуйида!..— деди «Садист».

— Қани, катта-катта ол, қани!

Мен бармоқларимни юммадим. Мен бармоқларимни тик тутдим.

— Ўлдир!— дедим.— Майли, ўлдир!..

— Йўқ, биз сени ўлдирмаймиз.

— Биз сени тамадди эттирамиз, тамадди.

Жойимдан турайин, дея талпиндим. Тувак оёқ тираб кучандим.

Мен «Садист» билан «Сокол»га куч бермадим.

Шунда, «Сокол» чуйдамдан босди.

Мен шунда-да куч бермадим!

Энди, «Садист» бўйнимни чатаноқлари ораси олиб-олиб бўғди. Кекирдагимга бошмалдоқ босиб-босиб бўғди...

Мен оғзимни каппа-каппа очдим. Ҳир-ҳир этдим.

«Сокол» қўлрўмол билан тезак олди. Мисоли палов ошатмищдайин-палов ошатмищдайин оғзим солди.

Мен ютинмадим — тезагимни оғзимда ушлаб турдим.

«Садист» бошимни чайқаб-чайқаб олди. «Садист» бошимни силтаб-силтаб олди.

Мен шунда-да ютинмадим!

«Сокол» ичимга созлаб-созлаб кўрмушт урди!

Ичим шилқ этди!

Ичим тортди — тезагимни тортиб олди...

— Ош бўлсин!— деди «Садист».

— Ош бўлсин!— деди «Сокол».

— Ўқчияпти... туйилиб қолди-ёв!

— Туйилиб қолса... тўқсон беш чой ичирамиз-да!

«Садист» тувакдан бир ҳовуч сийдик олди. Оғзимдан сийдик қуйди...

— Ош бўлсин!

26

— Бир йилдан ошди!— деди Иван Иванович.— Африка ола эшагидай оёқ тираб ётишингга ҳам бир йилдан ошди! Ета бер, қайсар эшак бўлиб ёта бер! Ана шундай ўласан-кетасан!

— Бировга ўлим тиламанг. Ажали етган ўлади.

— Ўласан! Бекордан-бекор ўласан! Хўш, ўлсанг — сен баранни ким йўқлайди! Йўқлайдиган йўлбошчинг қолмади! Мана, қулоқ сол: раисинг Ботиров зиндонда ётибди. Ижроқўм раисинг Холиқулов зиндонда ўз томнрини ўзи кесиб ўлди! Туманинг фирқа қўмитаси биринчи котиби Мирзабоев зиндон иккинчи қаватидан ўзини ўзи ташлаб ўлди! Вилоятинг ижроқўми раиси Бекназаров зиндонда ўз жонига ўзи қасд этиб ўлди! Вилоятинг фирқа қўмитаси биринчи котиби Каримов зиндонда ётибди. Ўзбекистон Ички Ишлар вазири Яҳёев зиндонда ётибди. Ўзбекистон Бош Прокурори Бўрихўжаев зиндонда ётибди. Ўзбекистон Бош Вазири Худойбердиев зиндонда ётибди.

Ўзбекистон Жумҳурияти Қўмитаси биринчи котиби Усмонхўжаев зиндонда ётибди! Ана, раисингдан тортиб пошшонггача зиндонда ётибди! Бор бошпаиоҳинг зиндонда ётибди! Хўш, энди сени ким йўқлайди?

«Чин, чин,— дея ўйлаб қолдим.— Раисимиздан тортиб, пошшомизгачайин зиндонда ётибди-я!»

— Зиндонимда йигирма беш минг бўлдиларинг — йигирма беш минг! Бари зиндонбандларим — Йўлчи Юлдуз зиндонбандлар! Зиндонимда тўртта Марказқўм котиби ётибди — Усмонхўжаев, Айтмуродов, Салимов, Абдуллаева! Зиндонимда йигирмата генерал ётибди! Генерал Яҳёев... Дунёда генерал зоти тўлиб ётибди, баран. Лекин ўзбек Яҳёевдайи камдан-кам топилади. Ўзбек Яҳёевдан Масков генераллари ҳам сабоқ олар эди. Масков генералларидан битта Щелоковни ўзбек Яҳёев билан ёнма-ён қўйса бўлар эди. Бошқа генераллар ўзбек Яҳёев олдидан ўта берсин эди. Ана шу Яҳёевдай йигирмата генералинг зиндонимда ётибди! Зиндонимда саккизта вилоят котиби ётибди. Зиндонимда ўнта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ётибди! Ўнта Социалистик Меҳнат Қаҳрамониям Ўзбекистон юлдузлари! Жами йигирма беш минг Йўлчи Юлдузинг зиндонимда ётибди!

Иван Иванович зўрма-зўраки илжайди.

— Йўлчи юлдузларингнин бола-чақаси-ю, қариндош-уруғлариям зиндонимда ётибди!— дея илжайди.— Пошшонг Усмонхўжаевни йигирма учта бола-чақаси билан қариндош-уруғи ётибди! Биласанми пошшонг Усмонхўжаевни зиндонбанд этиш учун ким қўл қўйди? СССР Олий Совети Президиуми раиси ўртоқ Громико қўл қўйди, Громико! Хў-ўш... Каримовни йигирма битта бола-чақаси ётибди! Худойбергановни ўн бешта бола-чақаси ётибди! Камолов, Ражабов, Жабборов дегичларни саккиз-тўққизталаб бола-чақаси зиндонимда ётибди!.. Қаҳрамон Оналаринггача зиндонимда ётибди — Қаҳрамон Оналаринггача! Зиндонбандим Саидова ўн иккита фарзанд онаси бўлади! Зиндонбандим Долиева ўн битта фарзанд онаси бўлади! Зиндонбандим Матғомова ўн битта фарзанд онаси бўлади! Зиндонбандим Алимова тўққизта фарзанд онаси бўлади...

Иван Иванович илжая-илжая чой ичди.

— Анави пайғамбарингни оти нима эди... Хў-ўш... хотирам ўлсин-а... Афсус, ўша пайғамбарингни қўлига кишан солишга улгуролмадим, афсус. Худо мен-

дан олдин жонини олиб қўйди! Уша пайғамбарингни оти нима эди...

— Муҳаммад пайғамбар.

— Йўқ-йўқ... Хў-ўш... Шароф Рашидов! Афсус, Шароф Рашидовингни зиндонбанд этишга улгуролмадим, минг афсус!..

Иван Иванович пўриллатиб-пўриллатиб чой ичди.

Иван Иванович киборона-киборона айтди:

— Энди... Узбекистон тож-тахтини ўзимиз бошқарамиз! Узбекистон Марказқўми котиби Анишчев, Узбекистон Халқ Назорати Қўмитаси раиси Ефимов, Узбекистон Бош Прокурори Бутурлин, Тошкент шаҳар прокурори Теркин, Тошкент шаҳар фирқа қўмитаси биринчи котиби Сатин... Жами ўттизтача азамат! Азаматларни Масков юборди! Насиб бўлса — ана шу азаматлар Узбекистонда пичоққа илашадиган ўзбекни омон қолдирмайди! Насиб бўлса — ана шу азаматлар бош кўтарган ўзбекни бошини янчиб-янчиб келади! Насиб бўлса — ана шу азаматлар кўзи очилган ўзбекни кўзини ўйиб-ўйиб келади!

Девордан садо бўлди — мендан садо бўлмади.

Мен тошдай-тошдай бўлиб ўтира бердим.

Иван Иванович ҳориқулодда айниди...

Иван Иванович заҳар юз бўлди.

Иван Иванович тана кўз бўлди.

Иван Иванович қалт-қалт қўл бўлди.

— Ҳали зиндонбандларим эллик мингта бўлади! Ҳали зиндонбандларим юз мингта бўлади! — дея лик этиб турди.— Пичоққа илашажак ўзбек — омон қолмайди! Узбекистон — тутдай каллак бўлади!

27

«Садист» бир тарафимлаб келди, «Сокол» бир тарафимлаб келди.

Мен апил-тапил туриб ўтирдим.

— Тун совуқ келди, чурбан,— деди «Садист».

— Тиқилишиб ётайлик...исиб ётамиз,— деди «Сокол».

«Садист» билан «Сокол» ўнг-чапимни олиб ўтирди.

— Чурбан,— деди «Сокол».— Биласан, мен Шўро ҳукуматидан нафратланаман!

— Мен эса жирканаман!— деди «Садист».

— Аммо яшаб қолиш керак!

— Зиндонда бўлса-да, одамдай яшаб қолиш керак!

— Ташқаридан ичкилик олиб турамиз.

— Тарёк олиб турамиз.

— Олди-бердимизни Шўро қонунбозлари билади.

— Шўро Бош Прокуроригача билади!

— «Юла»дан бошлаб Бош Прокуроргача бизнинг дастёрлигимизни қилади!

— Бош Прокурор дастёримиз бўлгач — емакни қусмоғи-да бўлади...

«Садист» билан «Сокол» билакларимдан олди. Қўлларимни кетим қайирди-кетим қайирди — елкам олиб борди.

Қўлларим қирс-қирс этди.

— А-а-а-ай!..— дея овоз бердим.

«Садист» билакларимни бир нима билан ўраб-ўраб бойлади.

Мен тишимни тишимга босиб-босиб турдим.

«Сокол» бўйнимдан босди.

Мен юзтубан энкайиб-энкайиб турдим.

Мен тиззаларимни йиғиб-йиғиб турдим.

«Садист» чолворимни қўшқўллаб тортқилади.

— Оёқларини ёй!

— Тиззаларингни оч!

Мен жон-жаҳдим билан тиззаларимни қапиштириб-қапиштириб турдим.

— «Сокол», синдир оёғини, синдир!

«Сокол» этик учи билан тиззаларим кўзилаб-тиззаларим кўзилаб тепди.

Тиззаларим этик тепкиларни кўтаролмади. Тиззаларим ўз-ўзидан ёйилди.

Шунда, чолворим лип этиб тушди...

— Бай-бай-бай!— дея, «Садист» қуймучларим шапатилади.— Тарвуз, мисоли тарвуз!

— Умр бўйи ётиб егач... тарвуздай бўлади-да!

— Билқиллайди-я, билқиллайди!— дея, «Садист» қуймучларим шапатилади.

Мен бор овозим билан бақирдим:

— «Юла»-а-а-а!..

— Бақирма, чурбан, бақирма! Ярим кечада «Юла» қолдими!

— «Юла»-а-а-а!..— дея, йиғлаб-йиғлаб қўя бердим.

— Бақирма деяпман!

— Нима... қизмисан?

— Қизмидинтки... дод дейсан?

— «Юла-а-а-а!..— дея, йиғлаб-йиғлаб қўя бердим. Осмон — тош бўлди. Ер — тош бўлди. Девор — тош бўлди...

— Айтаман, «Садист»бой, айтаман!— дея, йиғлаб-йиғлаб ёлбордим.

— Ана энди ўзингга келаяпсан!— дедилар.

— Қўйиберинг, «Сокол»бой, мени қўйиберинг!— дея, ёлбориб-ёлбориб йиғладим.— Айтаман, «Садист»бой, мана-мана айтаман!

— Ана энди эсинг кирди!— дедилар.

Мендан қўл олдилар.

28

Оппоқ қоғоз тикилиб-тикилиб шайландим. Қалам ушлаб-ушлаб шайландим.

— Қани, ёз, қани,— деди Иван Иванович.— СССР Бош Прокурори ўринбосари ўртоқ Сорокога...

Иван Иванович айтиб-айтиб турди.

Мен битта қолдирмайин, битиб-битиб турдим.

— Қани, менга бер, қани,— деди Иван Иванович.— Ай, кучингдан, жигит! Ана энди жигитмисан-жигит бўлдинг! Шугина гап учун Шўро қонун посбонларини бир йилдан зиёд қийнадинг-а!

— Энди... уст-бошимни берсангиз деб эдим.

— Уст-бош? Уст-бошни нима қиласан?

— Манави зиндони уст-бош билан қишлоқ бориб бўладими? Эл-юрт нима дейди? Дўст бор, душман бор...

Иван Иванович оғиз ушлаб-оғиз ушлаб кулди.

Иван Иванович бет чангаллаб-бет чангаллаб кулди.

Иван Иванович кўз артиб-кўз артиб кулди.

— Ҳай, жигит-ай, жигит-ай!..— деди.— Айт, тағин нима қилай?

— Тағин... мени кечаси бир маҳалда олиб келиб эдилар. Мен бедирамдан-бедирам келиб эдим. Шу боис... айта берайинми?

— Айт-айт?

— Шу боис... бир-икки сўм йўлкира қарз бериб турсангиз... деб эдим. Бола-бақрам олдига эсон-омон етиб борсам армоним йўқ... Омонатингизни чақама-чақа жўнатаман...

Иван Иванович хандон-хандон кулди.

УНИНЧИ БОБ

1

Сайёр суд Денов пахта заводи маданият саройида бўлди.

— Жойингиздан туринг, суд келаяпти!

Эл-юрт тўла сарой бир қалқиб олди.

— ...Айбдор Жамолиддинов Деҳқонқул Ақрабовичга сўнгсўз берилади!

Бола-бақраларим қошимда бўлди.

Хеш-ақраболарим қошимда бўлди.

Кўнгил етарларим-да қошимда бўлди.

Уида, тағин, кимим... тағин кимим йўқ бўлди?

— Шу... шу, далаларимни бир кўриб кетайин,— дедим.

— Кимни-кимни?— деди қозикалон.

— Далаларимни бир кўриб кетайин...

Қозилар ўзаро қарашиб-қарашиб олди. Қозилар ўзаро бош ирғашиб-бош ирғашиб олди.

— ...Жамолиддинов Деҳқонқул Ақрабович Ўзбекистон Жумҳурияти жиноят тузугининг 153-моддасига биноан... саккиз йил муддат билан озодликдан маҳрум этилади!

Эл-юрт тўла сарой бир йиғлаб олди!

2

Зиндонмашина равон-равон юрди. Зиндонмашина дўқиб-дўқиб юрди.

Зиндонмашина бир жойда манзил этди.

Темир эшик ланг очилди.

Қизил аскар автомат билан туш, ишорасини берди.

Мен зиндонмашинадан тап этиб тушдим.

Фавқулодда ёруғдан кўз очолмадим. Кўзларимни чирт юмиб турдим.

Оҳиста-оҳиста кўз очдим...

Ўзимни... ўзимни шийпонимиз олдида кўрдим!

Теварак-бошим далаларим бўлди.

Далаларим сокин-сокин бўлди.

Далаларимда қарғалар учиб-қўниб турди.

Далаларимда қорамоллар ўтлаб-ўтлаб юрди.

Ғўзалар шипшийдам ғўзапоя бўлди.

Ғўзапоялар шумшук-шумшук бўлди. Ғўзапоялар сариқ-сариқ бўлди.

Ғўзапоялар бўй-бастидан... ушбу йил ҳосили мўл-мўл бўлди!..

3

Қизил сорбон бир далаларим қаради, бир мен қаради.

«Мана, далаларингга-да олиб келдик,— демиш бўлди.— Хўш, энди нима дейсан?»— демиш бўлди.

— Ну?— деди Қизил.

Қизил! Далаларимда Иван Ивановичлик этмай тур, энди.

Далаларим билан омон-эсонлашиб олайин, энди.

Қизил! Далаларимда Иван Ивановичлик этмай тур, энди.

Кўнглим туб-тубида куюкларим бор, куюкларим... Куюкларимни далаларимга ёрайин, энди. Куюкни куюк олсин, энди...

4

Иван Иванович! Мен сенга юз ўттиз йил юртим тўрини бердим, юз ўттиз йил уйим тўрини бердим — аммо сен билан эл бўлмадим!

Иван Иванович! Мен сен билан юз ўттиз йил ел-кама-елка кун кечирдим, юз ўттиз йил чизган чизиғингдан чиқмадим — аммо сен билан эл бўлмадим!

Юз ўттиз йил тур десанг турдим, ўтир десанг ўтирдим, юз ўттиз йил кул десанг кулдим, йиғла десанг йиғладим — аммо сен билан эл бўлмадим!

Иван Иванович! Мен юз ўттиз йил ўзим киймадим — сенга кийдирдим!

Иван Иванович! Мен юз ўттиз йил ўзим киймадим — сенга кийдирдим, юз ўттиз йил ўзим емадим — сенга едирдим, юз ўттиз йил ўзим ичмадим — сенга ичирдим... аммо сен билан эл бўлмадим!

Иван Иванович! Мен юз ўттиз йил кофир тўқ — мусулмон тинч, мақомда кун кўрдим... аммо сен билан эл бўлмадим!

Дини бошқа минбаъд-минбаъд эл бўлмайди! Тили бошқа минбаъд-минбаъд эл бўлмайди!

Иван Иванович! Сен тиригим тирноғин единг, сен ўлигим ёғин единг — аммо тўймадинг!

Иван Иванович! Мен очликдан ўлмадим — сен тўқликдан ёрилмадинг!

Иван Иванович! Мен сени юз ўттиз йил тўнғич акам, дедим. Бўлди — мен энди сен тўнғич акам, демайман.

Мен энди сени тўнғич ака дегич тилларимни кесиб итга ташлайман!

5

— Ну?— деди Қизил.

Иван Иванович! Далаларимда ну-нуламай тур, энди.

Далаларим дийдорига тўйиб-тўйиб олайин, энди.

Иван Иванович! Сен дала нималигини билармидинг? Сен садқаи дала кет!

Сен қўш жомадон кўтариб дайдишни биласан. Сен ғилдиракли жомадон судраб дайдишни биласан.

Сен қайси юрт мевазор — шу юртни макон этасан. Сен қайси эл меҳнаткаш — шу элни макон этасан.

Иван Иванович! Қайси юрт мевали-чевали бўлади — шу юрт сен учун ватан бўлади!

Қатор-қатор дейдиб келасан у... осойишта-осойишта эл-юртни алғов-далғов этасан.

Ота билан болани гиж-гиж этасан.

Ака билан укани ков-ков этасан.

Ҳамсоя билан ҳамсояни оқкалтак-қоракалтак этасан.

Ўртада маза-маза... Сен маза этасан! Сен ўртада пайғмбар бўлиб даврон сурасан. Сен ўртада қозикалон бўлиб даврон сурасан.

Иван Иванович! Сен қадам қўймиш эл-юрт асло тинч-тотув бўлмайди. Сен қадам қўймиш эл-юрт асло тиниб-тинчимайди.

Иван Иванович! Сен кўзингга тупроқ тўлмагунча — сен эл-юртга тўймайсан!

6

— Ну?— деди Қизил.

Иван Иванович! Пича оёқ ил, энди.

Далаларим билан хайр-хўшлашиб олайин, энди.

Далаларим боболарим аччиқ-аччиқ кўз ёшларидан дала бўлди.

Далаларим оталарим шўрпешона терларидан дала бўлди.

Далаларим аёлларим гулдай ҳазон умридан дала бўлди.

Далаларим — боболарим шўр-шўр пешонаси.

Далаларим — оталарим яғир-яғир елкаси.

Далаларим — аёлларим хазон-хазон умри.

7

Мен... далаларимни дея, қайтиб келаман!

Тупкани тагидан бўлса-да, қайтиб келаман!

Ана шунда шўртупроқ даламга аъло нав пахта экаман. Ундан аъло-аъло тола оламан.

Қумлоқ даламга мой бергич пахта экаман. Ундан хуштаъм-хуштаъм пахтамой оламан. Тўйимли-тўйимли пахтамой оламан.

Оқтупроқ даламга оқлик мўл пахта экаман. Ундан егулик оқлик оламан. Ичгулик оқлик оламан.

Мен қайтиб келаман!

Мен ҳали далаларимда электр моторли тракторлар миниб тер тўкаман. Кун нури билан юргич тракторлар миниб тер тўкаман. Олти ғилдиракли тракторлар миниб тер тўкаман.

Мазкур тракторлар қар-қарламайди — билинар-билинмай одимлайди!

Кабинасида барча шароитлар муҳайё бўлади: митти совутгичи бўлади. Митти музхонаси бўлади. Митти чой қайнатгичи бўлади. Тайёралардагидай чаноқ-жўмраги бўлади.

Мен қайтиб келаман.

Етти иқлимдан бўлса-да, қайтиб келаман.

Ана шунда пахтамни чўткали-чўткали машина билан йиғиб-териб оламан.

Машина билан бир оралабоқ териб оламан. Бошқа қайтиб дала ораламайман.

Йиғим-теримни бош-адоқ бир машина билан бажараман. Бир вақтни ўзида бажараман.

Машина аъло тола пахтамни алоҳидалайди, мундайроқ тола пахтамни алоҳидалайди.

Айни вақтда пахтамни хас-чўпдан покизалайди. Чанг-ғубордан фориғлайди.

Толани бир ёқли этади, чигитни бир ёқли этади.

Пахтамни ўзи тахлайди, ўзи тойлайди. Тойларни юк машина жойлайди.

Юк машина пахтамни далаларимдан фабрика олиб жўнайди.

Мен қайтиб келаман.

Етти қават ерни остидан бўлса-да, қайтиб келаман.

Мен далаларимни дея, қайтиб келаман.

Мени далаларим қайтариб келади...

1986—1991 йиллар.

28 июн 2000й

1.08.2010.

МЕН

Мен Сурхондарё вилояти, Денов тумани, Хўжасоат қишлоғида дунёни кўрдим.

Шу қишлоқда катта бўлдим. Шу қишлоқда ўрта мактабни битирдим.

Мактабда ҳикоялар машқ этдим.

Тошкент Давлат Дорилфунуни Журналистика факультетини тамомладим.

Дорилфунунда ҳикоялар машқ этдим.

Жумҳурият радиосида тўрт йил муҳаррир бўлиб ишладим.

Қизил Армия сафларида ҳарбий хизмат қилдим.

Икки йил «Ўзбекистон физкультурачиси» газетасида таржимон бўлдим.

«Фан ва турмуш» журналида икки йил муҳаррир бўлиб ишладим.

Москвадаги Жаҳон Адабиёти институтида ўқиб келдим.

Мен ўрта мактабни битириб, шундай ният этдим: ўттиз-ўттиз беш ёшларгача уйланмайман, оила қурмайман, бирор идорада фақат тирикчилик учун ишлайман.

Мен фақат бир мақсадни кўзладим: ўттиз-ўттиз беш ёшларгача жаҳон адабиётини ўқиш. Фақат ўқиш, ўқиш, ўқиш, қўл қотиб олмасин учун майда-майда ҳикоялар машқ этиб туриш.

Мен шу ният йўлида иморат солмадим, машина олмадим, мансаб эгалламадим, шон-шуҳрат қизғанмадим.

Мен дунё талашмадим!

Фақат изландим, фақат ўқидим.

Ғанимларим мени ишдан ҳайдадилар.

Курашда бир табиат қонуни бор: полвон даврада мағлуб бўлса, тақдирга тан бериб кетмайди. Йўқ,

полвон ўзини боқади. Полвон ўзини парваришлайди. Полвон тинимсиз машқ олади. Рақибидан мағлубият аламини олиш учун шайланади. Рақибидан аламини олмасдан-да қўймайди.

Мен гўдаклигимдан давраларда курашиб катта бўлдим. Полвонлик аждодимда бор, полвонлик қонимда бор.

Менда ана шу полвонлик қоним қўзғалди.

Мен ғанимларимдан алам олиш учун шайландим.

Мен ким эканимни бир кўрсатиб қўйиш учун катта асарга қўл урдим.

Ниҳоятда... ниҳоятда саноқли кунларда «Юлдузлар мангу ёнади» номли биринчи қиссамни яратдим.

Мен бу қиссам билан ғанимларимга: «Мана, мен кимман!» деган бўлдим.

Қисса элга манзур бўлди.

Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси ҳисобот йиғилишида йилнинг энг яхши қиссаси, дея баҳоланди.

Ғанимларим бир куйди, бир куйди-е!

Бу — тасодиф, дедилар. Кесакдан олов чиқди, дедилар. Фисқ-фасод тарқатдилар.

Бир чақасиз кунларим бўлди. Ижара ҳақини тўлай олмай, ижарадан ҳайдалмиш кунларим бўлди. Бошпанасиз кунларим бўлди.

Мен қишлоғимга қайтдим.

Онам сандиқ ковлади. Латталар остидан бир тугунча олди. Тугунчани уч-тўрт айлантириб очди.

Тугунчадан беш-олти сўм пул чиқди.

Онам шу пулни менга узатди.

Шунда... мен бир бошқа бўлиб қолдим. Мен ташқари отилиб чиқиб кетай, дедим.

Бу пул... онамни... ўлимлик пули бўлди.

Мен деворни ушлаб қолдим.

— Олмайман...— дедим.

— Ол, сен шоир бўлсанг бўлди, ол,— деди онам.

— Йўқ...— дея бош чайқадим.

— Ол, сен шоир бўлмагунингча мен ўлмайман,— деди онам.— Мен сенинг шоирлигингни кўрмагунимча ўлмайман.

Мен тағин Тошкент қайтиб келдим.

Мен энди онамни ўлимлик пули билан тирикчилик кечириб изландим.

Бир журнал муҳаррири мени ишга оламан, деди. Аммо ғанимларим хабар топиб, мени ишга олдирмадилар.

— Ўзи бошқа, асари бошқа,— дедилар.

— Ўзидан асари яхши,— дедилар.

— Асари керак, ўзи керак эмас,— дедилар.

Ана шунда полвонлик қоним тағин қайнади.

«Уҳ, қорақўнғизлар!— дея, ғанимларимни ичимда ёндим.— Сен қорақўнғизлар ким-у, мен ким эканимни ана энди кўрасанлар!»— дея қўзғолдим.

Кеч кузда юртимизга йўл олдим.

Саттор чавандоз дегич билан тил топишдим. У менга бир от топиб берди.

Мен... отландим!

Саттор чавандоз билан қишлоқма-қишлоқ юрдим. Тўйма-тўй юрдим. Кўпкарима-кўпкари юрдим.

Кундузлари турли юртлардан келмиш чавандозлар билан кўпкари чопдим.

Неча бор отлардан йиқилдим.

Кечалари тўйхоналарда чавандозлар билан гурунг қилдим.

Чавандозлар дўмбира чалиб, кўпкарилардан сўйлади, отлардан сўйлади, чавандозлардан сўйлади.

Узун қиш кўпкарихона — иш жойим бўлди, чавандозлар — ҳамхонам бўлди, отлар — биродарим бўлди.

Ниҳоят, кўкламда «От кишнаган оқшом» номли иккинчи қиссамни журналга кўтариб келдим.

Қисса адабиёт осмонида бир момоқалдироқ бўлди.

Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси ҳисобот йиғилишида йилни энг яхши қиссаси, дея баҳоланди.

Мен елкамдан нафас олдим. Мен энтикдим. Мен хумордан чиқдим!

Юртимиз тоғ этагида Сўфи Оллоёр қабри бор. Шу қабр қабатида тоғчорбоғ бор.

Мен бир қишни ана шу юртим чорбоғида қишладим. Сўфи Оллоёр бобо билан қабатма-қабат ётиб, «Ойдинда юрган одамлар» номли қисса битиб келдим.

Қиссани чоп эттириш учун уч йил сарсон-саргардон бўлдим. Тўртинчи йил куя-пиша чоп эттирдим.

Шу қиссадан кейин мени олқишловчилар кўпайди. Мени қўллаб-қувватловчилар кўпайди.

Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси қиссаларимга Ойбек мукофотини бердилар.

Иттифоқ Ёзувчилар Уюшмаси съездига делегат этиб сайладилар.

Иттифоқ Ёзувчилар Уюшмаси правлениеси аъзолигига сайладилар.

Ғанимларим қорақуртдай ғимирлаб қолдилар.

Дунёда қанақа мағзава бор — мени бошимдан тўкдилар. Дунёда қандай фисқ-фасод бор — мени номимга тупуклаб ёпиштирдилар.

Тоғай Мурод номимни қоп-қора этдилар.

Мен улар ҳақида «Момо-Ер қўшиғи» номли қисса яратдим.

Савоб иш барча учун бўлади. Аёл-эркак учун бўлади. Ёш-қари учун бўлади. Етти яшар-у, етмиш яшар учун бўлади.

Мен эл-юрт учун ана шундай бир савоб иш қилгим келди.

Сетон-Томпсонни «Еввойи йўрға» китобини ўзбекчага таржима этдим.

Табиат, жониворлар ҳаётидан сўйлагувчи мазкур китоб етти яшар китобхон учун-да, етмиш яшар китобхон учун-да бирдай суюкли, бирдай ардоқлидир.

Ана шу вақт қатағон авж олди.

Ишдан ҳайда-ҳайда авж олди. Фирқадан ўчир-ўчир авж олди. Сур-сур авж олди.

Ниҳоят... қама-қама авж олди.

Ўзбек зиёлилари кишанбанд бўлди. Ўзбек зиёлилари маҳбус бўлди.

Ўзбек зиёлилари кечалаб-кечалаб Москвага олиб кетилди.

Сўроқ Москвада бўлди. Суд Москвада бўлди. Ҳукм Москвада ўқилди.

Ана шунда полвонлик қоним қайнади!

Энди қоним ўз ғанимларим учун қайнамади. Йўқ, ўз ғанимларим ўз йўлида қолди.

Энди қоним... оламжаҳон ғанимларим учун қайнади. Энди қоним... қудратли ғанимларим учун қайнади.

— Мен ўзбек халқига ҳайкал қўяман!

Мен ана шундай шаҳд билан оламжаҳон ғанимларим сари шайландим.

Жаҳон Адабиёти институтида ўқиш учун йўл олдим.

Барча ҳайрон бўлиб қолди.

Боиси — мен эндигина уйланиб эдим.

— Саводни мазаси йўқ, Москвада ўқиб келмасак бўлмади,— дедим. Дардим ўқиш бўлмади. Дардим прокуратурилар бўлди, дардим судлар бўлди.

Бир оёғим институтда бўлди, бир оёғим судларда бўлди.

Мен таниш-билиш йўли билан тергов матнларини сотиб олдим. Икки оғиз ахборот олиш учун яримталар қуйдим.

Ўшанда Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси қиссаларим учун Ойбек мукофотини бериб эди. Ана шу мукофот пулини зиндонлардан ахборот олиш учун сарфладим.

Мен эртадан кечгача судларда ўтирдим. Суд йўлакларида ўтирдим. Суд зинапояларида ўтирдим. Суд дарвозалари ортида тик турдим.

Судга киритмаса, қўшни уйлар чердагига чиқиб судни пойлаб ўтирдим.

Мен узун кунлар суд идоралари теварагида айланиб-айланиб юрдим.

Мен ўз кўзим билан кўрдим: ўзбек халқини юлдуз зиёлиларини тепиб-тепиб зиндонмашинага босдилар. Ўзбек халқини гултож зиёлиларини уриб-уриб зиндонмашинага солдилар. Ўзбек халқини сара зиёлиларини оёқ-қўлидан олиб, зиндонмашинага отдилар...

Мен Москвада ўқимадим, мен Москвада ўзбек зиёлилари қайғуси билан яшадим.

— Мен ўзбек халқига ҳайкал қўяман!

Мен Москвадан ана шу ният билан қайтиб келдим.

Мен бешинчи синфдан бошлаб пахта тердим. Дорилфунун даврида, иш даврида пахта тердим.

Бўйим пахтада ўсди. Ақлим пахтада кирди. Саводим пахтада чиқди.

Аммо романни бошлаб... пахта нима эканини билмаслигимни англаб қолдим. Оппоқ қоғоз билан юзма-юз бўлиб... пахта билан мен бегона эканимизни билиб қолдим.

Мен учун пахта қайси бир... қайси бир денгиз остида ўсажак ўтдай бўлиб туюлди.

Мен пахта масаласида бир... гўрсўхта эканимни билиб қолдим.

Мен энди неча ўнлаб пахтачилик дарсликларини ўқидим. Неча ўнлаб қишлоқ хўжалик китобларини ўқидим.

Пахтада ўтмиш кунларимни бир-бир эсладим. Ўзим билмиш пахтакорларни бир-бир ёдладим.

Барибир... барибир бўлмади.

Мен ўзимни... халқ ҳаёти билимдони, дея ўйлар

эдим, халқ характери билимдони, дея ўйлар эдим, халқ руҳияти билимдони, дея ўйлар эдим.

Мен пахта билан юзма-юз бўлиб... мен ҳали ўзбек деҳқонини билмаслигимни англадим. Мен пахта билан юзма-юз бўлиб... мен ҳали пахтакор ким эканини билмаслигимни англадим.

Мен қоғоз-қалам ғамладим. Мен Сурхон далаларини нишонладим.

Икки бор жумҳурият газетасида: «Мен пахта далаларига кетаман», дея сўз бердим. Эл-юртга икки бор сўз бердим.

Илк кўкламда Олтинсой туманига йўл олдим. Туман катталари билан юзлашдим.

— Мен сизни Алиқулов бригадасига олиб бораман,— деди хўжалик раиси Тошбоев.— Фақат айбга буюрмайсиз, Алиқуловни бет-боши сал оқариб қолган.

— Оқариб қолган?— дея анграйдим.

— Чин, чин,— деди туман вакили.— Дастлаб кўришимда мен ҳам шундай деб ўйлаб эдим.

— Бети ҳалиги бир касалдай оқариб қолган,— деди Тошбоев.— Бари жазирамада куйиб-пишиб ишлашидан.

Раис айтмиш Алиқулов дала шийпонини макон этдим.

Мен бўлажак... Деҳқонқул билан юзма-юз бўлдим.

Мен бўлажак... Деҳқонқул далаларини иш жойим этдим.

Деҳқонлар қандай кийимда бўлса — мен ҳам шундай кийиниб олдим.

Деҳқонлар ўтирса — ўтирдим, деҳқонлар турса — турдим.

Чигит экиш бошланди.

Мен деҳқонлар билан чигит экдим.

Мен... деҳқон бўлиб, чигит экдим!

Мен ғўза яганаладим. Ғўза чопиқ қилдим. Ғўза ўтоқ қилдим. Ғўзага гўнг бердим. Ғўзага сув таради. Ғўза чилпидим.

Мен деҳқонлар билан пахта тердим.

Мен ғўзаларга сув тарай-тарай, неча-неча тонгларни оқладим.

Мен шийпонларда ухлаб қолдим. Ўқариқ бўйларида ухлаб қолдим. Эгатларда ухлаб қолдим.

Мен Сурхон далаларида олти ой кездим. Сурхон

офтобида олти ой куйдим. Сурхон чангларини олти ой ютдим.

— Мен ўзбек халқига ҳайкал қўяман!

Мен ана шундай орзуда далалар билан хайрхўшлашдим.

Ниҳоят, орзуларим охир-оқибати — ушбу роман бўлди.

Мен нимага эришган бўлсам — барчаси учун ғанимларимдан миннатдор бўлдим.

Ғанимларим бўлмаса — мен Тоғай Мурод бўлолмас эдим.

Яшасин, ғанимларим!

ТОҒАЙ МУРОД.

ТОҒАЙ МУРОД

ОТАМДАН ҚОЛГАН ДАЛАЛАР

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти Тошкент — 1994.

**Муҳаррир Б. Эшпўлатов.
Безаклар А. Калоновники
Бадиий муҳаррир М. Аъламов.
Техник муҳаррир Л. Хижова.
Мусаҳҳиҳлар М. Комилова, Ю. Бизаатога.**

Теришга берилди 02.06.94 й. Босишга рухсат этилди 04.10.94 й. Бичими 84×108¹/₃₂. Адабий гарнитураси. Юқори босма. Шартли босма табоғи 14,28. Нашриёт ҳисоб табоғи 15,02. Адади 75 000. Буюртма № 2868. Баҳоси шартнома асосида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернииинг босмахонаси, 700083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.